


1984

ЖОРЖ ОРУЭЛЛ

Жаҳон адабиётининг энг машҳур асарларидан
бири энди ўзбек тилида



Жорж ОРУЭЛЛ

1984

Ғайрихаёлий роман



ИККИНЧИ НАШР

Ушбу китоб www.asaxiy.uz интернет-дўконининг
ҳомийлигида «Asaxiy Books» лойиҳаси доирасида
таржима қилинган ва чоп этилган.



Тошкент 2020

УЎК 821.111-31

КБК 84(4Вел)

О-70

ОРУЭЛЛ, Жорж

1984 [Матн] : роман / Жорж ОРУЭЛЛ; таржимон Карим Бахриев. - Тошкент : NINOЛ, 2020. - 296 б.

УЎК 821.111-31

КБК 84(4Вел)

ISBN 978-9943-23-146-7

Таржимон: Карим Бахриев

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқи “Asaxiy Books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy Books” рухсатисиз китобни электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунарига биноан тақиқланади.

ISBN 978-9943-23-146-7

© ООО “Asaxiy Books”

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ	4
I	5
II	22
III	30
IV	38
V	48
VI	62
VII	67
VIII	78
ИККИНЧИ ҚИСМ	99
I	100
II	111
III	120
IV	129
V	139
VI	148
VII	151
VIII	158
IX	169
X	205
УЧИНЧИ ҚИСМ	213
I	214
II	227
III	247
IV	261
V	269
VI	274
ЯНГИТИЛ АСОСЛАРИ	284

БИРИНЧИ ҚИСМ

Апрелнинг хавоси очик, аммо совуғи этни жунжиктирадиган куни эди ва соатлар ўн учинчи бора бонг чалаётганди. Уинстон Смит, хувиллаган шамолдан оғиз-бурнини беркитиш учун иягини кўкрагига тираганча, тезда ўзини «Ғалаба» турар жойининг шиша эшиги ортига олди, аммо унинг ортидан бир уюм кум қуюни ҳам ичкарига кириб улгурди.

Дахлизда қайнаган карам ва эскирган палос ҳиди анқирди. Эшикнинг шундоқ қаршисида бу хона учун жуда катта бўлган рангли плакат осиглиқ турарди. Плакатда одамнинг баҳайбат, эни бир метрдан зиёд юзи тасвирланганди – бу, чамаси, қирқ беш ёшлардаги, ҳашамдор қора мўйловли одамнинг дағал, аммо эркакларга хос жайдари юзи эди. Уинстон зинага қараб юрди. Лифтга боришга ҳожат йўқ эди. У ҳатто энг яхши замонларда ҳам камдан-кам ишларди. Ҳозир эса кундузи электр умуман ўчирилиб қўйилар эди. Нафрат ҳафталигига тайёргарлик доирасида тежаш режимига ўтилганди. Уинстон еттинчи қаватга кўтарилиши лозим эди; тўпиғида варикоз яраси бор ўттиз тўққиз яшар одам учун бу осонмасди: у секин юқорилаб, бир неча марта тўхтаб, нафас ростлади. Ҳар бир қават майдончасида, лифтнинг карама-қарши томонидаги плакатдан яна ўша баъшара тикилиб турарди. Портрет шундай ишланган эдики, қаерда бўлсанг ҳам, кўзлари ўша томон қараб тургандек бўларди. КАТТА ОҒА СЕНИ КУЗАТЯПТИ, деб ёзилганди сурат тагига.

Хонада тиник, ширадор овоз чўян ишлаб чиқариш ҳақидаги кўрсаткичлар рўйхатини ўқирди. Овоз ўнг томондаги деворга ўрнатилган чўзинчоқ, хира тортган ойнага ўхшаш металл кутидан келарди. Уинстон унинг мурватини буради, овоз пасайди, аммо сўзлар ҳали ҳам аниқ эшитилар эди. Бу курилмани (у телекран деб аталарди) пасайтириш мумкин эди-ю, тўла ўчириб бўлмасди. Уинстон дераза томон юрди; ўзи пакана ва нимжон одам эди, партия аъзосининг мовий коржомасида янада қилтириқ кўринар эди. Унинг сочлари батамом сарғиш, қизил юзлари эса сифатсиз совундан, ўтмас устарадан ва яқиндагина тугаган қаҳратон қишнинг изғиринидан пўст ташлаганди.

Зич ёпилган дераза ойналари ортидаги ташки дунё совук уфурарди. Шамол чанг-тўзонни ва қоғоз парчаларини бурама қилиб чирпиратарди; гарчанд офтоб йилтираб турса-да, осмон тўқ мовий рангда бўлса-да, шаҳарда ҳамма нарса туссиз кўринарди – ҳар жойга илиб ташланган плакатлар рангдор эди, холос. Қорамўйловнинг башараси ҳар бир бурчакдан қараб турарди. Қарши томондаги уйда ҳам биттаси турганди. Катта Оғанинг қора кўзлари Уинстоннинг кўзларига синчков боқаркан, КАТТА ОҒА СЕНИ КУЗАТЯПТИ, дея уктирарди ундаги ёзув. Пастда, йўлак тепасида бир чети юлинган плакат шамолда чайқалар ва ҳар чайқалганда ИНГСОЦ сўзи кўзга ташланар эди. Йироқда – томлар орасида вертолёт кўринди, бир лаҳза ўликка қўнган пашшадай муаллақ турди-да, энкайиб кўздан йўқолди. Бу полиция патрули бўлиб, одамларнинг деразасидан ичкарини кузатар эди. Буниси холва. Аҳамиятлиси: Фикр полицияси эди.

Телекран Уинстоннинг елкаси оша чўян эритиш ва тўққизинчи учйиллик режа ортиғи билан бажарилгани ҳақида ҳали ҳам кўпириб гапирарди. Телекран бир пайтда ҳам гапирарди, ҳам эшитарди. Агар шивирлаб айтмаса, у ҳар бир сўзни илиб оларди. Боз устига, Уинстон бу ясси қурилма олдида турганида, қурилма уни нафақат эшитиши, балки кўриши ҳам мумкин эди. Сизни у кузатяптими-йўқми – билиб бўлмасди. Фикр полицияси қачон ва қайси телекран симига уланганини билиб бўлмас, фақат тусмоллаш мумкин эди. Ҳар бир одамни куну тун кузатишади деб тахмин қилса ҳам бўларди. Ҳар ҳолда улар истаган пайтда уланиши мумкин эди. Шундай яшашга мажбурсан – шундай яшагансан, ҳар бир сўзингни эшитишларини, уйингда чирок ўчгунича, ҳар бир ҳаракатингни кузатишларини билиб яшашга кўникасан ва бу инстинктга айланади.

Уинстон телекранга орқа ўгириб турарди. Шунақаси хавфсизроқ. Гарчи у буни биледи – елка ортидан ҳам сездириб қўйиши мумкин. Бир километр нарида кир босган, исқирт манзара устида Ҳақиқат вазирлигининг оппоқ биноси кад ростлаб турарди – бу унинг иш жойи эди. Мана, – хира, алағда бир беҳузурлик билан ўйлади Уинстон – мана,

Лондон, Океания давлатининг аҳолиси сонига кўра учинчи минтақаси бўлган I-Парвоз минтақасининг бош шахри. У болалик хотираларини ёдга олишга тиришди – Лондон ҳамиша шундаймиди. Бу XIX асрнинг путурдан кетган, ёғоч тирговучлар тутиб турган, ойналари картон қоғозлар билан ямалган, томлари олақуроқ, боғларининг девори қийшайган хароб уйлари ҳамиша шу тахлит турармиди? Бу оҳак чанги тўзиб ётган, вайроналар уюми устидан баргисурх печаклари ўсиб чиққан, бомбалар портлашидан сўнг очилган, кўзико-риндай пайдо бўлган товукхона янглиғ кулбаларга макон бўлган ясси яйдоқликлар-чи? Аммо уриниши беҳуда – у эслай олмади; ёрқинлиги кўзни камаштирадиган, сарзамини йўқ ва, асосан, ноаниқ, мужмал парча-парча саҳналардан бўлак ҳеч нарса ёдида қолмаган.

Ҳақиқат вазирлиги – янгитилда¹ Ҳақваз – атрофда ястанган ҳамма нарсадан кескин ажралиб турарди. Бу маҳобатли, эҳромона бино бўлиб, оқ бетони ярқирарди, бино айвон устидан айвон уланиб, 300 метргача кўкка юксалган эди. Уинстон турган жойидан партиянинг бинонинг оқ пештокига салобатли ҳарфлар билан битилган учта шиорини бемалол ўқий оларди:

УРУШ – ТИНЧЛИҚДИР.

ЭРК – ҚУЛЛИҚДИР.

БИЛИМСИЗЛИК – КУЧДИР.

Миш-мишларга қараганда, Ҳақиқат вазирлигининг ер устида уч мингта ва яна ер остида шунча хонаси бор. Лондоннинг турли томонларида яна учта худди шундай маҳобатли бино қурилганди. Улар шаҳар устида шу қадар маҳобатли юксалган эдики, «Ғалаба» тураржой уйининг тоmidан бу тўрт бинони бирваракайига кўриш мумкин эди. Бу биноларда тўртта вазирлик, бутун давлат девони жойлашган эди: ахборотни, таълимни, дам олишни ва санъатни тартибга солувчи Ҳақиқат вазирлиги; уруш қилувчи Тинчлик вазирлиги; ҳуқуқ-тартиботни сақлаш билан шуғулланувчи Муҳаббат

¹ Янгитил – Океаниянинг расмий тили. У ҳақда батафсил билиш учун иловага қаранг.

вазирлиги ва иқтисодга масъул бўлган Фаровонлик вазирлиги. Янгитилда айтганда: Ҳақваз, Тинчваз, Мухваз ва Фарваз.

Муҳаббат вазирлиги чинакамига мудҳишларидан бири эди. Унинг деразалари йўқ эди. Уинстон бирор марта унинг остонасидан ҳатлаб кирмаган, унга ярим километрдан яқинроқ бормаганди. У ерга фақат расмий иш билан кириш мумкин эди, шунда ҳам тикансимли тўсиклар оралаб, темир эшиклардан ва яширин пулемётлар уясидан ўтиб бориш лозим эди. Ҳатто унинг ташқи тўсикларига олиб борувчи кўчаларда ҳам бўғимли таёқлар билан қуролланган, қора кийимли, маймунбашара кўрикчилар айланиб юрарди.

Уинстон кескин ўтирилди. Юзига сокин кўтаринкилик тусини берди, телекран олдида шундай шодон кўриниш лозим эди. Кейин хонанинг бошқа томонига, мўъжаз ошхонага ўтди. Вазирликдан қайтаётганда унинг ошхонасидаги тушликдан воз кечганди. Уйда эса егулик йўқ эди – бир бўлак қора нон қолган, уни ҳам эртангига асраш керак эди. У жавондан «Ғалаба жиншароби» деб ёзилган жўн қоғоз ёпиштирилган, рангсиз ичимлик солинган шиша идишни олди. Жиншаробнинг мазаси расво, кўланса ҳидли хитой гуручидан олинган арокка ўхшарди. Уинстон ундан бир чой қошиқ миқдорда қуйиб, бир дам руҳини жамлади, худди дори ичаётган бемордай, ичимликни ютиб юборди.

Унинг юзи дарҳол қизарди ва кўзлари ёшланди. Ичимлик худди азот кислотасига ўхшарди. Бундан баттари: бир ютумдан сўнг гўё кимдир чарм таёқда бўйнингга орқадан ургандек бўлар эди. Аммо бироздан сўнг ошқозондаги жизғанаклик юмшади, дунё кўзга чиройли кўрина бошлади. У «Ғалаба сигареталари» деб ёзилган ғижимланган боғламдан сигаретани суғуриб олди-да, паришонхотирлик билан уни тикка тутиб турди. Сигаретадаги тамакининг ҳаммаси ерга тўкилди. Кейинги сигаретани Уинстон эҳтиёткорлик билан саришталади. У хонага қайтиб, телекраннинг сўл томонидаги стол қаршисида ўтирди. Стол остидаги тортмадан ручка, сиёҳ солинган шиша идиш ҳамда қизил тағламали, мрамартусли қалин дафтарни олди.

Номаялум сабабга кўра, бу хонадаги телекран ноодатий

шаклда ўрнатилган эди. У деворнинг бутун хона кўринадиган томонига эмас, узунчоқ томонига – дераза қаршисига ўрнатилганди. Унинг чап томонида унчалик чуқур бўлмаган, эҳтимол, китоб жавони учун мўлжалланган токча бор эди, Уинстон шу ерга ўтирган эди. Тахмоннинг ичкарироғида ўтирган одам телекраннинг назаридан четда бўларди, тўғрироғи, телекран уни кузата олмасди. Албатта, уни эшитишлари мумкин эди, аммо у ерда ўтирган одамни кузатиб бўлмасди. Хонанинг бу тахлит ноодатий жойлашуви уни ҳозир қилмоқчи бўлган иши билан шуғулланишга қисман туртки берганди.

Бундан ташқари, тортмадан чиқаргани ўша дафтар ҳам уни шунга ундаганди. Дафтар жуда чиройли эди. Силлик, сутранг қоғоз вақт ўтиб бироз сарғайган – бунақа қоғоз яқин қирқ йил, балки ундан ҳам кўпроқ вақтдан буён ишлаб чиқарилмай қўйган. Уинстоннинг тахминича, бу китоб ундан ҳам қадимийроқдай. У бу китобни жинкўчалардан иборат маҳалладаги (қайси биридан эканини ҳозир эслай олмайди) эски-туски увадаларни сотадиган дўкончада кўрган ва уни сотиб олгиси келиб қолганди. Партия аъзолари оддий дўконларга бориб савдо қилиши мумкин эмасди (буни «Маҳсулотларни эркин бозордан харид қилиш», деб аташарди), аммо бу тақикқа доим ҳам риоя қилинмасди: туфли боғичлари ёки устаранинг тиғлари сингари кўплаб майда-чуйдаларни бошқа жойдан топиб бўлмасди. Уинстон тезгина у ён-бу ёнга аланглаб, дўкончага ўзини урди ва дафтарни икки ярим долларга сотиб олди. Нега сотиб олганини ўша топда ўзи ҳам билмасди. У дафтарни иш жомадонига солганча уйга ўғринча олиб келди. Ҳеч нарса ёзилмаган ҳолида ҳам бу дафтарни сақлаш номақбул эди.

У қундалик ёзишга тараддудланган эди. Бу ғайриқонуний эмасди (қонунлар бўлмагани боис, ғайриқонунийликнинг ўзи мавжуд эмасди), аммо башарти қўлга тушса, Уинстонни ўлим жазоси ёки камида йигирма беш йилга мажбурий меҳнат лагерига сургун бўлиш кутарди. Уинстон ручкасига перони ўрнатди ва мойини кетказиш учун ялаб кўрди. Бунаканги сиёҳдонга ботириб ёзиладиган пероли ручка эски-

лик ҳисобланарди. Ундан хатто имзо қўйиш учун ҳам жуда оз фойдаланишарди. Уинстон бу ручкани яширин тарзда, бироз қийинчилик билан топганди. Чунки, унинг фикрича, бу ажойиб сутранг қоғоз сиёҳли қалам билан эмас, ҳақиқий сиёҳ билан перода ёзишга лойиқ эди. Очиги, у қўлда ёзишга ўрганмаганди. Қисқа кайдлардан бошқасини у овоз ёзгичга айтиб ёздирарди. Аммо ҳозирги қилмокчи бўлган иши учун овоз ёзиш тўғри келмасди. У перони сиёҳга ботирди-ю, бирор сония каловланиб турди. Қорнида аллақандай титрок турди. Қоғозга қаламнинг учини текизиш – ҳал этувчи қадамдир. Кичик, эгри-қийшиқ ҳарфлар билан ёзди:

1984 йил 4 апрель

Ўзини орқага ташлаб, ўтирғичга суянди. Ўзининг буткул иложсизлигини сизди. Ростдан ҳам ҳозир 1984 йилми, у анигини билмасди. Тахминан шундай бўлса керак, чунки у 1944 ёки 45 йилда туғилгани, ёши эса 39 далигига амин эди. Аммо энди бирор санани аниқ белгилашнинг имкони йўқ, камида бир йил ёки икки йилга хато қиласан.

У бирдан ўйлаб қолди: бу кундалик ўзи ким учун ёзилмокда? Келажак учун, хали туғилмаганлар учун. Унинг хаёли вараққа битилган тахминий сана устида айланар ва бехосдан айланиб келиб, Янгитилдаги «қўшфигир» сўзига туртинганди. У илк бор бошлаган ишининг бутун кўламини ҳис қилди. Келажак билан қандай мулоқот қилиш мумкин? Бу табиатан имконсиздир. Ё эртанги кун ҳам бугунгига ўхшаш бўлади ва унинг додини ҳеч ким эшитмайди, ёки эртанги кун бошқача бўлади ва Уинстоннинг арзу додини улар тушунолмайдилар.

Уинстон вараққа безрайиб, маъносиз боққанча ўтирарди. Телекрандан кескин ҳарбий мусиқа жаранглади. Ажабо, у нафақат ўз фикрларини ифодалаш қобилятини йўқотган, балки нима демоқчи эканини ҳам унутганди. У бу дақиқа учун неча ҳафталаб тайёрланганди, бу ерда жасоратнинг ўзи етарли эмаслиги хаёлига ҳам келмаганди. Ёзишнинг ўзи қийин эмас. Миясида йилларча жаранг бераётган сўнгсиз хавотирли монологни қоғозга туширса бас. Мана, бу монолог ҳам тамом бўлди. Тўғридаги яра чидаб бўлмас даражада кичимсиради. Оёғини қашлашга ҳам қўрқарди – қашланган

ердан ялғиғланиш бошланарди. Дақиқалар чакиллаб томарди. Қоғознинг оклиги, тўпиғидаги қичима, тантанали муслиқа овози ва бошининг енгил чайқалиши, сармастлиги – ушуларнигина хис киларди.

Ва бирдан саросимада ёзишни бошлади, нима ёзаётганини унчалик ҳам фахлмасди. Жуда майда, болаларча ири-кийшиқ сатрлар гоҳ юкорига, гоҳ куйига тушиб кетар, аввал бош ҳарфлар, кетидан нукталар ҳам тушиб қола бошлади.

1984 йил 4 апрель. Кеча кинода. Ҳаммаси ҳарбий фильмлар. Биттаси жуда яхши, қаердадир Ўрта ер денгизида қочқинлар кетаётган кемага бомба зарбаси берилмоқда. Томошабинлар гавдали бақалоқ эркакнинг вертолёт таъқибидан сузиб қочишига уриниши ақс этган саҳналардан завқланарди. Аввал биз уни сувда дельфин каби шалоплаб сузишини кўрамиз, кейин унга юқоридан қараймиз – у вертолётдан нишонга олинади, бадани илма-тешик бўлади, ён-атрофи қизishi тус олади ва қочоқ тешикларидан сув киргандай чўка бошлайди. Унинг чўкишини томошабинлар қаҳқаҳа отиб қаришлайдилар. Кейин болалар тўла чармқайиқнинг тепасида вертолёт чарх уриб айланади. Қайиқнинг бурун қисмида ўрта ёшлардаги яҳудийбашара аёл қўлида уч ёшлардаги болакайни қучоқлаб ўтирарди. Болакай кўрқувдан чирқиллаб, бошини аёлнинг кўкрагига яширади, гўёки унинг ичига кириб кетишига уринади, ўзи ҳам кўрқувдан адо бўлган аёл болани тинчлантиришига уриниб, қўли билан яширади. Аёл, гўёки қўллари билан ўқни қайтара оладигандай, болани яхшироқ пана қилишига уринади. Кейин вертолёт уларнинг устига 20 килоли бомбани ташлайди, ваҳшатли портлашдан қайиқ парча-парча бўлиб кетади. Кейинги кадр янада ажойиб: боланинг узилган қўлчаси юқорига, осмонга отилади, уни вертолётнинг ишиа ойнасида суратга олишган шекилли, учиб келаётган қонли қўлчаларни кўриб партия аъзолари жангдор қарсак чаладилар, бироқ настда қора халқ пролетариат, яъни проллар² ўтирган ердан қанақадир жайдари аёл жанжал кўтаради ва буни болаларга кўрсатиш мумкинмас,

2 Прол – ишчилар синфи вакили. Тарж.

деб қичқиради, «Болаларга кўрсатишга арзимаЙди, арзимаЙди», дея бақиради у ва полициячилар уни олиб чиққунча увилайди. Унга ҳеч нарса қилишмаса керак, проллар валдирайверади, бу пролларга хос табиий қилиқлар, тепадагилар пролларнинг фикрига парво ҳам қилмай қўйишган...

Уинстон ёзишдан тўхтади, қўлининг томир тортишишидан азоб чекарди. Нега қоғозга бу бемаъни нарсаларни ёзганини ўзи ҳам билмасди. Аммо, қизиғи шу эдики, у қоғозга мук тушиб ёзаётганда хотирасида буткул бошқа нарса тиниклаша бошлади, шу қадар тиниклашдики, уни ҳозирок қоғозга тушириш мумкин эди. Хотирасида тиниклашган айнан ўша ҳодиса туфайли у бугун уйга қайтиб, тўсатдан кундалик ёзишга киришишга қарор қилган.

Ҳодиса – агар бу мубҳамликни «юз берди» деб аташ мумкин бўлса – эрталаб вазирликда юз берди.

Вақт соат 11:00га яқинлашаётганди. Уинстон ишлайдиган «Хужжатлар бўлими»да ходимлар курсиларни хоналардан олиб чиқиб, катта дахлизнинг ўртасига – катта телеэкран қаршисига териб қўяётган, Икки Дақиқа Нафратга тайёрланаётган эди. Уинстон ўрта қаторлардаги ўз одатий жойига ўтиришга чоғланганди, тўсатдан яна икки киши пайдо бўлди: юзлари таниш, аммо улар билан гаплашмаган эди. Улардан бири у йўлақларда тез-тез учратиб турадиган киз эди. Унинг исмини билмасди, аммо «Адабиёт бўлими»да ишлашидан хабардор эди. Унинг гоҳида мойли қўлларида ускуна миҳларини бурагич калит билан юришига қараганда, аёл роман ёзадиган машиналардан бирига хизмат кўрсатарди. Қизнинг юзи сепкилли, қалин сочлари тўқ рангда, ёши йигирма еттиларда эди; ўзига ишонч билан, спортчилардай шахдам ҳаракат қиларди. Коржомасининг белидан бир неча қават айлангириб маҳкам боғланган алвон қайиш – «Сексга қарши ёшлар лигаси»нинг рамзи – унинг адл коматини кўз-кўз қиларди. Уинстон илк учрашгандаёқ уни ёқтирмаганди. Нима учунлигини ҳам биларди. Қиздан хоккей майдонларининг, совук сувда сузишнинг, сайёҳлик сафарларининг, умуман олганда, бенуксонликнинг нукси тараларди. У деярли ҳамма аёлларни, айниқса, ёш ва ёқимли аёлларни ёмон

кўрарди. Партиянинг энг ашаддий мухлислари, шиорларнинг жарчилари, хаваскор жосуслар ва шаккокларни излаб юрувчи исковучлар айнан аёллар, аввало, ёш аёллар эди. Бу киз бошқалардан ҳам хавфли кўринарди. Бир куни у билан йўлакда тўкнаш келиб қолди, киз кўз қирини ташлади, гўё назари тешиб ўтгандай бўлди – унинг юрагига қора кўркув кирди. У ҳагто бу киз Фикр полициясининг агенти бўлса керак, деган гумонга борди. Дарвоқе, бундай бўлиши эҳтимолли оз. Уинстон ўзини ноқулай сезди, кизни ҳар кўрганида кўнглида кўркув аралаш адоватни ҳис қиларди.

Аёл билан бирга О'Брайен ҳам кирди, у Ички партиянинг аъзоси эди, лавозими ҳам шу қадар муҳим ва юксакда эдики, Уинстон бу кимса ҳақида мубҳам тасаввурга эга эди. Ички партия аъзосининг қора коржомасини кўриб, телекран қаршисида ўтирганлар бир лаҳза жимиб қолишди. О'Брайен баланд бўйли, бўйни йўғон, дағал юзли миқти эркак эди. Қиёфаси ваҳимали бўлгани билан истараси совуқ эмасди. Унинг бурнидаги кўзойнакни тез-тез тўғрилаб қўйиш одатида ғалаги бир дилтортарлик сезиларди. Бу одат – агар кимдадир бу ҳақда оз бўлса-да тушунча қолган бўлса – тамаки қутисини таклиф этиб турган ўн саккизинчи аср асилзодасининг қилиғини эслатарди. Ўн йил мобайнида Уинстон, эҳтимол, О'Брайенни узоғи билан ўн марта кўргандир. О'Брайеннинг нимасидир уни ўзига тортарди, бунинг сабаби факатгина унда оғир вазнли боксёр қомаги ва тарбиялилиқ ўртасидаги уйғунлик борлиги учун эмасди. Уинстон О'Брайеннинг ҳам сиёсий эътиқоди комил бўлмаса керак деган гумонда эди. Эҳтимол, бу гумон ҳам эмас, балки умид эди. Унинг афт-ангори шундай таассурот қолдирарди. Бироқ, эҳтимол, унинг чеҳрасида партия ақидаларидан шубҳаланиш эмас, шунчаки ақллилик акс этаётгандир. Нима бўлганда ҳам, у билан яккама-якка, телекран назаридан панада гаплашса бўладиган одамдай тасаввур уйғотарди. Уинстон бирор марта ҳам буни синаб кўрмаган; бунга қурби ҳам етмасди. О'Брайен соатига қаради – қарийб 11:00, «Хужжатлар бўлими»да Икки Дақиқа Нафрат яқунлангунча қолишга қарор қилди. У Уинстон билан бир қаторда, икки ўриндик нарида ўтирди. Уларнинг

ўрталарига Уинстон билан ёнма-ён ишлайдиган паканагина малласоч аёл жойлашди. Қорасочли қиз орқа ўриндикка жойлашди.

Девордаги катта телекрандан бадоҳанг, қаҳрли нутк ва ғичирлаш овози эшитилди – гўёки мойланмаган улкан машина ишга тушгандай бўлди. Бу товушдан бошда сочлар тикка турар ва тишлар ғичирларди. Нафрат бошланди.

Одатдагидай экранда халқ душмани Эммануэл Голдстейннинг қиёфаси кўринди. Томошабинлар ларзага туша бошладди. Малласочли пакана аёл кўрқув ва нафратдан чинкириб юборди. Муртад ва хоин Голдстейн қачондир олис ўтмишда (шу қадар олиски, қачонлигини кимса эслай олмайди) партия раҳбарларидан бири, Катта Оғага деярли тенг шахс эди. Кейин аксилинкилобчилик йўлига ўтди, ўлимга ҳукм қилинди ва сирли тарзда қочиб, ғойиб бўлди. Икки Дақиқа Нафратнинг дастури ҳар куни ўзгарса-да, Голдстейн мавзуси ундан муқим ўрин эгаллаган эди. Бош хоин, партиянинг софлигини илк булғаган кимса. Партияга қарши қолган барча жиноятлар, барча бузғунчиликлар, соткинликлар, хурофотлар, адашишлар унинг таълимотидан униб чиққан. У қардадир яшайди, ҳамон тирик, фитна чиқариш билан банд: эҳтимол, денгиз ортида, хорижий ҳомийларининг ҳимояси остидадир, эҳтимол – шунақа миш-мишлар ҳам бор – шу ерда, Океанияда яшириниб юрибди.

Уинстонга ҳаво этишмай қолди. Голдстейннинг юзига оғрикли туйғуларсиз қарай олмасди. Лўппи оқ сочлар остидаги куруккина жухудча афт-ангор, эчкисоқол, ақлли ва, шу билан бирга, одамни ғижинтирадиган тушуниб бўлмас юз; учига кўзойнак кўндирилган киррадор узун бурун. Унинг ўзи ҳам, овози ҳам қўйниқига ўхшарди. Голдстейн ҳар доимгидай партия таълимотларини дарғазаб фош қиларди; унинг танқидлари шу қадар муболағали ва мужмал эдики, ёш болани ҳам ишонтира олмас эди, айти чоғда, тингловчи буни мендан бошқа ҳушёрлиги камроқ одам эшитса, унга ишониб қолади, деб ўйлаши мумкин эди. У Катта Оғани ҳақоратлар, партиянинг мустабидлигини фош қиларди. У Евросиё билан дархол ярашишни талаб қилар, сўз эркинлиги, матбуот эр-

кинлиги, йиғилишлар эркинлиги, фикр эркинлигини тарғиб қиларди; у инқилобга хиёнат қилдинглар, деб шаллақиларча бақирарди. Унинг нутқидаги тез айтилган мураккаб сўзлар партия нотикларини масхара қилаётгандай эди, ҳатто Янги-тил сўзлари айтиларди, бу сўзларни партиянинг ҳар қандай аъзосидан кўпроқ ишлатарди. Шу аснода Голдстейннинг баландпарвоз гаплари ортида кимлар турганига шубҳа бўлмаслиги учун унинг қиёфаси ортида чорпахил, тўнг афт-ангорли евросиёлик аскарларнинг саф-саф шахдам қадам ташлаб кетма-кет чиқиб келишлари кўрсатиларди. Аскарлар этигининг бир тахлит гупирлаши Голдстейннинг маърашига жўр бўларди.

Нафрат бошланганига ўттиз сония ўтар-ўтмас, ўтирганларнинг ярми ғазабини босолмай жўша бошлади. Экрандаги ўзидан мамнун қўйбашара ва унинг ортидаги евросиё кўшинларининг мудҳиш босимига чидаб бўлмас эди: бунинг устига, Голдстейнни кўриш, у ҳақда ўйлашнинг ўзи беихтиёр қўрқув ва ғазаб уйғотарди. Мухолифатчи Голдстейнга бўлган нафрат Евросиё ва Остосиёга бўлган нафратдан ҳам давомли эди, чунки Океания уларнинг бири билан урушганда иккинчиси билан сулҳ тузарди. Бироқ шуниси ҳайратланарлики, Голдстейнни ҳамма ёмон кўрса ва нафратланса-да, ҳар кун, кунда минг бор минбарларда, телекранларда, газета ва китобларда унинг таълимотини манфур бир сафсата сифатида фош қилишса-да, тор-мор этишса-да, масхаралашса-да, унинг таъсири сира камаймас эди. Унга ишонадиган соддадиллар йўлдан уришини кутиб лоп этиб чиқиб коларди. Фикр полицияси унга эргашиб хоинлик, бузғунчилик қилганларни қўлга олмаган бирор кун йўқ эди. У давлатни ағдариш пайидаги улкан махфий кўшинни, фитнесчилар тармоғини бошқарарди. Бу кўшин «Биродарлик» деб аталишини тахмин қилишарди. Одамлар шивир-шивир қилиб, яширин тарқатилаётган, бузук фикрларни жамлаган қандайдир китоб ҳақида сўзларди – унинг муаллифи Голдстейн эди. Китобнинг номи йўқ эди. Одамлар у ҳақда «Китоб» деб гапиришарди, агар умуман гапиришса. Бунақа нарсалар ҳақида миш-мишлар орқали билиш мумкин эди. Партия аъзоси

имкон қадар «Биродарлик» ҳақида ҳам, «Китоб» ҳақида ҳам гапирмасликка тиришарди.

Иккинчи дақиқада Нафрат жазавага айланди. Одамлар ўринларидан кўзғалишди ва Голдстейннинг маърашини бошиш учун бор овозлари билан бақирришга тушишди. Малласочли пакана аёл қичқиравериб, лоларанг тусга кирди, оғзи қирғоққа чикиб қолган балиқникидай очилиб ёпиларди. Ҳатто О'Брайеннинг оғир юзи ҳам қизариб кетди. У қаддини тик тутиб ўтирар, унинг салобатли кўкраги қирғоққа урилган дарё тўлкинини қарши олгандек кўтарилиб-тушиб титрарди. Уинстоннинг орқасидаги қорасочли киз «Чўчка! Чўчка! Чўчка!» деб қичқиришни бошлади, сўнг Янгитилнинг оғир луғат китобини олиб, телекранга отди. Китоби Голдстейннинг бурнига урилиб қайтди. Аммо овоз йўқолмас эди. Сал ўзига келган лаҳзада Уинстон ўзи ҳам бошқалар катори бақириб, ваҳшат билан курсининг суянчиғига ўзини ташлаётганини фаҳмлаб қолди. Икки Дақиқа Нафратнинг кўрқинч томони унда роль ўйнаш кераклиги эмас, балки инсон унга жўр бўлишдан ўзини тиёлмаслиги эди. Ўттиз сония чидасанг бас, у ёғига кўзбўямачилик шартмас. Кейин барча қатнашчилар кўрқув ва интиқомнинг жирканч жазаваси қомига тушади, ғаним башарасини болға билан мажақлаш, ўлдириш, азоблаш истаги одамдан-одамга электр мисоли тарқайди. Одамлар ақлидан мосуво бўлиб қийшаяди ва додлайверади. Айни пайтда бу ғазаб мавҳум ва бебошларча бўлади, уни пайвандчирокнинг тили каби истаган томонга буриш мумкин. Тўсатдан Уинстон Голдстейндан эмас, аксинча, Катта Оғадан, партиядан, Фикр полициясидан нафратлана бошлади. Шу лаҳзада унинг қалби ёлғонлар дунёсидаги оқиллик ва ҳақиқатнинг ягона ҳимоячиси, ёлғиз, мазах қилинаётган еретик билан эди. Бир лаҳзадан кейин у яна ёнидагиларга кўшилди, унга Голдстейн ҳақида айтилаётган ҳамма гаплар ҳақиқатдай туюлди. Шу тахлит Катта Оғага нисбатан яширин нафрати эхтиромга айланди, Катта Оға ҳаммадан юксалди – Осиё ўрдасига қарши қоядай турган кўрқув билмас, қўлетмас ҳимоячига айланди. Голдстейн эса қувғиндалиги ва ҳимоясизлигига, тирик-ўликлиги ноаёнлигига қарамасдан,

узининг заиф овози билан тамаддун биносини вайрон қилишга қодир ёвуз жодугардек кўринади.

Тоҳида, фикрни жамлаб, нафратни у ёки бу нарсага қаратиш мумкин эди. Худди алғов-далғов тушдан уйғониб, естиқдан бошни бехос кўтарган каби Уинстон иродасини таҳнатили бир тарзда таранглаштирди-да, экрандаги кимсани бўлган нафратини орқадаги қорасочли кизга йўналтирди. Гасавурида жуда ажиб, аниқ-тиник манзаралар жонланди. У бу қизни чарм таёқ билан боплаб савалайди. Яланғоч ҳолда устунга боғлаб қўяди ва авлиё Себастьянни ўлдиришгандай ўқлар билан қонга ботиради. Зўрлайди ва сўнгги акашак таъвасасида томоғига тиг тортади. Бу қизни нима учун ёмон кўришини жуда аниқ тушунди. Ёшлиги, гўзаллиги ва жинсизлиги учун; у билан тўшакка ётишни истаса-да, бу орзуси ҳеч қачон ушалмаслигини тушунгани учун; жувоннинг нолик, хипча белларини унинг қўллари эмас, бокираликнинг рамзи бўлмиш жирканч алвон камар кучиб тургани учун ёмон кўради.

Нафрат ўзининг авж нуқтасига чиқди. Голдстейннинг путқи яққол маърашга айланди ва унинг юзи ўрнида қўйнинг башараси кўринди. Кейин бу башара Евросиё аскарига қоришиб кетди: йирик ва даҳшатли аскар автоматдан ўқ ёғдириб томошабинлар устига юрди, гўё экранни синдириб чиқиб келадигандай эди, олдинги қаторда ўтирганлар ўтирган курсилари суянчиғига қапишиб қолишди. Бироқ дарҳол энгил нафас олишди: ғаддор душман парчаланиб Катта Оғанинг бошига эврилди. Бу бош қорасочли, қора мўйловли бўлиб, қудратга ва сирли бир сокинликка тўла эди, катталигидан бутун экранни эгаллаб турарди. Катта Оға нима деганини ҳеч ким эшитмади. Жанг урҳоси ичида унинг далда бергувчи бир-икки сўзи, балки тушунарсиздир, аммо айтилишининг ўзи таскин беради. Кейин Катта Оғанинг чехраси хиралашиб аста кўздан ғойиб бўлди, ўрнида партиянинг уч шиори кўринди:

УРУШ – ТИНЧЛИҚДИР.

ЭРК – ҚУЛЛИҚДИР.

БИЛИМСИЗЛИК – КУЧДИР.

Катта Оғанинг юзи яна бир неча лаҳза экранда турди: кўзларимиз қорачиғида у қолдирган из шу қадар ёрқин эдики, дарҳол ўчиб кетолмас эди. Малласоч пакана аёл олдидаги курсининг суйанчиғига қапишиб олганди. У хикир-хикир пичирлаб, «Халоскорим!» дегандек минғирлади ва кўлларини телекранга чўзди. Кейин юзини кафтлари билан ёпди. Афтидан, у дуо қилаётганди.

Шу он бутун мажлис аҳли секин, бир суръатда, паст овозда, дона-дона қилиб ҳайқира бошлашди: «КА-О!.. КА-О!.. КА-О!» – яна ва яна, чўзиб, «КА» ва «О» ўртасида тўхтаб олиб айтишарди, бу оғир шовкинли овозда ғалати бир ёввойилик бор эди – кулоққа ялангоёқларнинг гупурлаши ва улкан ноғораларнинг даранглаши эшитилиб кетарди. Бу ҳолат ўттиз сонияча давом этди. Умуман бундай ҳолат ҳис-ҳаяжон кучайган лаҳзаларда тез-тез юз берарди. Бу қисман Катта Оғанинг буюклиги ва донолигига куйланган мадҳия эди, аммо кўпроқ, катта эҳтимол билан, ўз-ўзини овутиш эди – одамлар бир маромда шовкин солиб уйғонган зехнларини чўктирардилар. Уинстоннинг ичи совиди. Икки Дақиқа Нафратда у ҳам умумий ҳушсизликка берилишдан ўзини тигёлмас эди. Аммо бу «КА-О!.. КА-О!» деган ёввойи хайқирик доимо уни даҳшатга соларди. Албатта, у ҳам бошқалар билан бирга бақирар, шусиз иложи ҳам йўқ эди. Туйғуларингизни яшириш, юз ифодангизни бошқариш, бошқалар нима қилса, шуни такрорлаш – булар инстинкт. Аммо оралиқда бир-икки лаҳза ўтдики, кўзларининг ифодаси уни сотиб қўйиши мумкин эди. Айни шу пайтда ғалати ходиса юз берди – агар ростдан юз берган бўлса.

У О’Брайен билан кўз уриштириб олди. О’Брайен аллақачон туриб олган. Кўзойнагини ечган, ҳозир эса яна уни тақиб, бурни учига ўзига хос тарзда кўндираётган эди. Аммо сониянинг қандайдир қисми ичида уларнинг кўзлари тўқнашди ва ана шу оний лаҳзада Уинстон тушунди – ҳа, тушунди! – О’Брайен ҳам у ўйлаган нарсани ўйлаяпти. Буни бошқача тушуниш мумкин эмас. Гўёки уларнинг онги очилиб, фикрлари кўзлар орқали бир-бирига оқиб ўтди. «Мен сиз билан, – дегандай бўлди О’Брайен. – Нимани ҳис қилаёт-

ганингизни яхши биламан. Ёмон кўришингиз, нафратланишингиз, жирканишингизни биламан. Аммо хавотирланманг, мен сиз томондаман!» Аммо ақлнинг бу чакнаши зумда ўчди ва О'Брайеннинг юзи яна бошқаларники сингари писмикона тус олди.

Мана, бўлгани шу. Уинстон шубҳаланиб қолди, ўзи ростдан шундай бўлдимиди? Бу ҳолат бошқа такрорланмади. Фақат бир томони бор: бу ҳодиса унга ишонч, умид берарди – партиянинг ундан бошқа ҳам душманлари бор. Эҳтимол, фитначилар ҳақидаги миш-мишлар ёлғонмасдир, «Биродарлик» ҳам ҳақиқатда мавжуддир! Тинимсиз ҳибсга олишлар, икrorлар ва катлларга қарамасдан, «Биродарлик»нинг шунчаки афсона эмаслигига тўла ишонч йўқ эди. Айрим кунлари у бунга ишонар, бошқа кун – ишонмасди. Аниқ далиллар йўқ эди, тайинли бир нарсани англамайдиган ишоралар: кулокка элас-элас чалинган узук-юлуқ суҳбатлар, ҳожатхона деворларидаги хира ёзувлар, яна бир гал ноганиш икки одамнинг учрашиб, бир-бирига қарата маънодор қўл ҳаракатлари қилгани. Фақат тусмоллар. Буларнинг бари унинг тасавури меваси бўлиши эҳтимоли катта. У О'Брайен томонга қарамасдан ўз хонаси томонга юрди. У билан бу бир лаҳзалик алоқани яна давом эттириш фикри хаёлига ҳам келмасди. У билан яқинроқ бўла олганида ҳам, бу жуда хавфли эди. Улар бир лаҳза маънодор кўз уриштиришди, шу билан ҳикоя тамом. Бирок ёлғизлик исканжасида яшашга мажбур одам учун шу лаҳза ҳам эса қоларли воқеа эди.

Уинстон бир силкиниб олди, бақамти ўтирди. Кекирди. Ошқозонидаги жиншароб бўғзига келарди.

Унинг кўзлари яна варақка термилди. Кўрдик, тизгинсиз хаёлларга берилган пайтда унинг қўллари ғайриихтиёрий гарзда ёзишда давом этаётганди. Бирок бу энди олдингидай акашак, қинғир-қийшиқ ёзувлар эмасди. Қалам силлиқ қоғоз устидан шавқ билан йўрғалар, катта-катта босма ҳарфлар билан ёзарди:

ЙЎҚОЛСИН КАТТА ОҒА!

ЙЎҚОЛСИН КАТТА ОҒА!

ЙЎҚОЛСИН КАТТА ОҒА!

ЙЎҚОЛСИН КАТТА ОҒА!

ЙЎҚОЛСИН КАТТА ОҒА!

Қатор ва қатор, варақнинг ярми тўлиб бўлганди.

Уни саросима босди. Бемаъни саросима: бу сўзларни ёзиш кундалик тутишнинг ўзидан хавфлироқ эмас эди. Шунга қарамасдан, унда бузилган варақларни йиртиб ташлаш ва бу машғулотини умуман йиғиштириш истаги пайдо бўлди.

Аммо у бундай қилмади, бунинг фойдасизлигини билди. У «*ЙЎҚОЛСИН КАТТА ОҒА!*» деб ёзадими ёки ёзмайдими, ёки кундалик тутишни давом эттирадими ёки йўқ – фарқи йўқ. Фикр полицияси барибир уни тутиб олиши мумкин. У қилиб бўлди – қоғозга қаламни теккизмаганда ҳам, қилган бўларди – барча жиноятларни қамраб олган жиноятни аллақачон қилган эди. Фикрий жиноят – улар шундай аташарди. Фикрий жиноятни мангу пинҳон сақлаб бўлмайди. Сен қанчадир вақт, ҳатто йилларча чап бериб юришинг мумкин, бироқ эртами-кечми сени топишади.

Бу истисносиз тунда рўй беради – кечаси ҳибсга олишади. Тўсатдан уйғотишади, дағал қўллар елкангни силкийди, чироқлар кўзингда ялтирайди, ўриндиғинг атрофини қовоғи уйилган шахслар қуршаб олади. Аксар ҳолларда суд бўлмайди, ҳибс ҳақида бирор ерда хабар берилмайди. Одам тўсатдан йўқолади, хамиша шундай – тунда. Исминг рўйхатлардан ўчирилади, изинг ҳам қолмайди, сенинг қачондир бор бўлганинг ҳам инкор этилади ва унутиласан. Сен бекор қилиндинг, йўқ этилдинг: ҳамма кўниккан иборага кўра, «буғланиб» тамом бўлдинг.

Уни бир он ваҳима босди. Шошқин, қийшиқ харфлар билан ёза бошлади:

Мени отишади, менга барибир, ансамдан, гарданимдан отишсин, менга барибир, катта ога йўқолсин!

У бош кўтариб, курси суянчиғига ўзини ташлади, ўз-ўзидан уялди, ручкани қўйди. Кейин бутун вужудида титроқ турди. Эшикни тақиллатишди.

Дарров-а! У сичқондек тек ўтирарди, ким бўлсаям тақиллатиб, кейин кетади, деб беҳуда умид қилди... Аммо, йўқ, яна тақиллатишди. Бундай ҳолатда энг ёмони каловланишдир.

Юраги дўмбирадай дукилларди, аммо узоқ машқлар давоми-
да қотган юзи хотиржам эди. У ўрнидан турди ва қийналиб
ошикка борди.

II

Уинстон эшик очиш учун тутқични ушлади-ю, стол устида кундаликни очик қолдирганини кўрди. «КАТТА ОҒА ЙЎҚОЛСИН!» деган ҳайбатли ёзувга тўла дафтарни хонанинг у чеккасидан ҳам кўриш мумкин эди. Ақл бовар қилмас тентаклик қилди. Йўқ, ўйлади у, ҳатто саросима ҳолатида ҳам оппоқ қоғозни сиёҳи қотмай ёпиб расво қилишни истамаганди.

У чуқур нафас олди ва эшикни очди. Баданида енгиллик югурди. Остонада сийрак сочлари тўзғиган, ажин тўла юзларида укубат акс этган рангпар бир аёл турарди.

– Ой, ўртоқ, – минғирлаган овозда гап бошлади аёл, – уйингиздасиз деб ўйлагандим. Бизникига кириб, ошхонадаги жомаширни кўриб беролмайсизми? Тиқилиб қолган кўринадди...

Бу шу қаватдаги кўшнининг хотини Парсонс хоним эди. (Партия «хоним» деган сўзни маъқулламас, ҳаммани «ўртоқ» дейиш лозим эди, аммо айрим аёлларга беихтиёр шундай мурожаат қилади киши.) Аёлнинг ёши ўттизларда бўлса ҳам, анча қарироқ кўринарди. Унинг ажинларига чанг ўтиргандай туюлар эди. Уинстон унинг ортидан эргашди. Бунақа кундалик хаваскор устачилик малол келарли эди. «Ғалаба» уйи эскирган, 1930 йилда ё шу атрофда қурилган бино эди, ҳозир путур етган эди. Деворлар ва шифтдан доим сувоқ кўчиб, тўкилар, ҳар қаттиқ совуқда қувур ёрилар, озроқ қор ёғса, томдан сув сизиб ўтар, иситиш тизими ярим босимда ишларди – албатта, агар иқтисод қилиш учун ўчириб қўйилмаган бўлса. Агар ўзинг тузата олмасанг, тузатиш ишларига масъул юқори мартабали кўмиталарнинг фармойиши зарур бўларди, уларга эса деразанинг синган ойнасини тузатиш учун ҳам икки йил керак бўларди.

– Албатта, Том уйда бўлганда эди... – минғирлади Парсонс хоним.

Парсонсларнинг хонадони Уинстонникидан каттароқ, харобалиги ҳам ўзига хос эди. Ҳамма буюмлар ғижимланган ва топталгандай эди, гўё бу уйни улкан ва ёвуз бир ҳайвон кириб, тўзитиб кетгандай. Спорт ашёлари – хоккей таёқла-

ри, боксёрларнинг чарм кўлқоплари, тешик футбол тўпи, тер хиди анқиган, астари ағдарилган иштончалар – ерда сочилиб ётарди. Столда ювуксиз идишлар билан бирга ғижимланган машқ дафтарлари турар эди. Деворга «Ёшлар Лигаси» ва «Жосуслар»нинг алвон байроқлари, Катта Оғанинг сурати солинган плакат осилган эди. Бутун уйда бўлгани каби бу ерда ҳам қайнатилган карам хиди анқирди, аммо бу хидни кучли тер хиди босиб кетарди. Бу хид, гарчанд қандай сезилганини англаб бўлмаса-да, ҳозир уйда бўлмаган одамнинг хиди эканини бир нафас олгандаёқ билиш мумкин эди. Бошқа хонада кимдир ҳуштак ва ҳожатхона қоғози билан ҳали ҳам телекрандан янграётган ҳарбий мусиқага жўр бўлишга интиларди.

– Бу болалар, – Парсонс хоним хавотир билан эшикка назар ташлаб қўйди. – Улар бугун уйда қолган. Ва албатта...

Унинг гапини охирига етказмаслик одати бор эди. Ошхонадаги идиш-товок ювадиган жомашир ифлос яшил оқовага тўла, хиди карам хидидан ҳам баттар эди. Уинстон тиз чўкканча қувурнинг бурчагини кўздан кечирди. У кўл ишини жуда ёмон кўрар, эгилишни ёқтирмасди – бу ҳолатда уни йўтал тутарди. Парсонс хоним иложсиз кўз тикиб турарди.

– Албатта, агар Том уйда бўлганда эди, ўзи ҳаммасини саранжомларди, – деди аёл. – Том бунақа ишларни ёқтиради. Унинг кўллари тилло. Том...

Оқова тикилиши ойлаб олдин бошланган, Том Парсонс эса эрталаб ишга кетганди.

Парсонс Уинстон билан бирга Ҳақиқат вазирлигида ишларди. У семиз, аммо ҳаракатчан одам бўлиб, ўтакетган аҳмоқ эди – ақли заиф, аммо ҳовлиқиб, жўшиб ишларди. Исталган разил топшириқни ортиқча савол бермай сидкидилдан бажарадиган бундай ишчанларга партия Фикр полициясидан ҳам кўра кўпроқ суянарди. Ўттиз беш ёшида у «Ёшлар» лигасини истамайгина тарк этди; бу лигага киришдан олдин у керагидан бир йил ортиқ жосуслик ҳам қилганди. Вазирликда у ақлий қобилиятни талаб қилмайдиган майда лавозимда эди. Бошқа томондан, у спорт қўмитасининг ва сайёҳлик сафарлари, стихияли намоишлар, тежаш

кампаниялари ва бошқа кўнгилли ташаббуслар учун масъул бўлган турли кўмиталарнинг етакчи арбобларидан бири эди. У муштугини лабига кўндирганча ўзига хос камтарона кибр билан Жамоагчилик марказда тўрт йил мобайнида ўтказилган бирорта кечадан колмаганини фахр билан гапириб бериши мумкин эди. Тинимсиз ишлашнинг кўрсатувчи, истаган одамни ағдарадиган тер ҳиди у билан ҳамиша ҳамроҳ эди, бирор жойдан кетса, ўрнини билдириб турарди.

– Сизда бурама калит борми? – сўради Уинстон қувурни бирлаштириб турган гайкани тутганча.

– Бурама? – Парсонс хоним кўзларини пирпиратиб такрорлади. – Ростини гап, билмайман. Балки, болалар...

Қадам товушлари эшитилди, хуштак чалинди, болалар хонага бостириб киришди. Парсонс хоним калит келтирди. Уинстон сувни туширди ва ижирғаниб қувурдан шилимшиқ сочлар тутамини тортиб олди. Кейин совуқ сувда бармоқларини астойдил ювди ва бошқа хонага ўтди.

– Қўлингни кўтар! – деб ёввойиларча товушда унга қичқиради.

Кўркамагина тўққиз ёшли болакай стол остидан чиқиб унга ўйинчоқ пистолетини ўқталди, ундан икки ёш кичик синглиси ёғоч билан нишонга олди. Иккаласи ҳам жосуслар кийимида – яшил иштонча, кўнғир кўйлақда бўлиб, қизил галстук таққан эди. Уинстон кўлини кўтарди, аммо ёқимсиз ҳис ичида қолди: болакай хаддан зиёд ғазабда эди, ўйин эмас, ростакамига ўхшарди.

– Сен хоинсан! – чинқирди болакай. – Сен – фикрий жиноятчи! Сен Евросиё жосусисан! Мен сени отиб ташлайман, мен сени буғлаб юбораман, мен сени туз шахталарига сургун қиламан!

Улар унинг атрофида бирдан ирғишлай бошладилар, тинимсиз қичқирадилар: «Хоин!», «Фикрий жиноятчи!» – қизча ҳам болакайнинг ҳар бир ҳаракатини такрорларди. Яқинда одамхўрларга айланадиган йўлбарсчаларнинг ҳаракати уни бироз ҳурқитди. Болакайнинг кўзларида қатъиятли шафқатсизлик, Уинстонни уриш ёки тепкилаш истаги аниқ кўринарди ва у билардики, тез орада бунга етарли кучи

хам бўлади, бироз катта бўлса бўлди. Яхшиям пистолети хақиқий эмас ҳозирча, деб ўйлади Уинстон.

Парсонс хонимнинг асабий назари гоҳ Уинстонга тушар ва яна болаларга қайтарди. Бу хона ёруғроқ эди ва Уинстон кизиксиниб қаради, аёлнинг ажинларига ростдан ҳам чанг кўнган эди.

– Тўполон қилишяпти, – деди у. – Осилганларни кўришга олиб бормаганим учун хафа улар, сабаби шу. Мени улар билан боришга вақтим йўқ, Том хали-бери ишдан келмайди.

– Нега биз қандай осишаётганини кўра олмаймиз? – бола ваҳшатли чинқирди.

– Қандай осишаётганини кўришни истайман! Осишларини кўргим келяпти! – ялинди кизча ҳам, айланиб сакрар қан.

Уинстоннинг ёдига тушди, бугун кечқурун Паркда европийлик асирларни – уруш жиноятида айбланганларни осишади. Бу машҳур томошани ойда бир марта ўтказишади. Болалар бу оммавий тамошани кўришга олиб боришларини талаб қилиб хархаша қилишади. У Парсонс хонимниқидан чиқиб, ўз эшигига қараб кетди. Дахлизда олти қадам қўйишга улгурмади ҳамки, нимадир орқа бўйнига чидаб бўлмас оғритиб урилди. Гўёки қип-қизил чўғга айланган сим санчилгандай бўлди. У турган жойида ортга ўтирилди ва Парсонс хоним ўғлини эшикка судраб кираётганини, бола чарм тошоткичини чўнтагига жойлаётганини кўрди.

– Голдстейн! – бола эшик ёпилиши олдидан бақирди. Уинстонни ҳаммасидан ҳам кўпроқ онанинг оқиш юзларида акс этган иложсиз кўрқув ҳайратга солди.

Уинстон хонасига қайтди, телекран олдидан тезда ўтиб, бўйнини силаганча, стол олдида ўтирди. Телекранда ҳарбий мусиқа тинди ва кескин ҳарбийча овоз дағал бир завқ билан янги сувда сузувчи қалъанинг ҳарбий аслаҳаларини тасвирлай бошлади, бу қалъа Исландия ва Ферер ороллари ўртасида лангар ташлаган экан.

Шўрлик аёл, деб ўйлади у, бунақа болалар билан ваҳшат ҳаётини кечирса керак. Бир-икки йил ўтиб, улар го-явий йўлдан озишини фoш қилиш учун ўз онасини кечаю

кундуз кузатадиган бўлади. Хозир деярли барча болалар одамда кўрқув уйғотади. Энг ёмони, «Жосуслар» каби ташкилотлар воситасида болаларни битталаб жиловлаб бўлмас ёввойиларга айлантиришмоқда, айти пайтда, бу болаларда партия интизомига қарши исён қилиш истагини пайдо қилмайди. Аксинча, партия ва у билан боғлиқ ҳамма нарсага эхтиром кўрсатадилар. Қўшиқлар, намойишлар, байроқлар, юришлар, ўқув милтиклари билан машғулотлар, шиорларни бақириб чинқириш, Катта Оғага итоат – бари улар учун шарафли машғулотдир. Уларда бегоналарга, тузум душманларига, хорижликларга, хоинларга, зараркунандаларга, фикрий жинойтчиларга нисбатан нафрат уйғотилади. Ўттиз ёшли одамлар ўз болаларидан кўркиши одатий холга айланди. Бу бежиз эмас: бир ҳафта бўлгани йўқ, «Таймс» газетасида ёш кузатувчи – эътироф этилган ифодага кўра, «митти қаҳрамон», – номақбул иборани эшитиб, Фикр полициясига ота-онасини ушлаб берибди.

Бўйиндаги оғриқ пасайди. Уинстон истар-истамас ручкани олди, аммо ҳали нима ёзмокчи эканини билмасди. Дафъатан у яна О'Брайен ҳақида ўйлай бошлади.

Бир неча йил аввал... – неча йил аввал? Етти йил бўлса керак, – у тушида ўзини коп-қоронғи хонада бораётган холда кўрди. Ёнида ўтирган кимдир унга деди: «Биз қоронғилик йўқ жойда кўришамиз». Бу гап секин, равон айтилди, – буйруқ эмасди, шунчаки гап эди. Тўхтамай юришда давом этганди. Ўшанда, тушда бу сўзлар катта таассурот қолдирмаган эди. Фақат кейинчалик улар аста-секин аҳамият касб эта бошлади. У эслай олмасди, бу унинг О'Брайен билан илк учрашувидан олдин бўлганмиди ёки кейин; қачон бу овоз О'Брайенники эканини фаҳмлади – буни ҳам эслай олмайди. Муҳими, овозни таниб олганди. У билан қоронғида гаплашган кимса О'Брайен эди.

Уинстон ҳалигача тагига етолмади – ҳатто улар кўз уриштириб олганидан сўнг ҳам билолмади – О'Брайен дўстми ёки душман?! Қолаверса, бу унчалик муҳим эмасдай. Улар ўртасида англаш риштаси пайдо бўлди, бу эса қандайдир дўстлик ва дарддошлиқдан кўра муҳимроқ. «Биз қо-

ронгилик йўқ жойда учрашамиз», – деди О’Брайен. Бу нимани англатади, Уинстон буни тушунмасди, аммо қандайдир бир тарзда англадики, улар ҳали учрашишади.

Телекрандаги овоз тўхтади. Дим, биқик хонани карнайнинг жарангдор, тантанавор овози тўлдирди. Чийилдоқ овоз давом этди:

«Диққат! Диққат! Ҳозиргина Малабар жабҳасидан тезкор хабар олинди. Кўшинларимиз Жанубий Ҳиндистонда шонли ғалабага эришдилар. Менга сизларга шуни хабар қилиш топширилдики, мазкур жанг уруш тугагини тезлаштириши мумкин. Тезкор маълумотларни тингланг».

Яна нохушлик бўлса керак, деб ўйлади Уинстон. Худди шундай: Евросиё ўрдасининг тор-мор этилиши, ўлдирилганлар ва асир олинганлар борасидаги ақл бовар қилмас рақамлардан сўнг эълон ўқиб эшиттирилди: келгуси ҳафтадан шоколадни тақсимлаш меъёри ўттиз граммдан йигирма граммга туширилади.

Уинстон яна кекирди. Жиншароб кайфи аллақачон тарқаган, фақат ўзидан кейин бузуқ кайфият қолдирганди. Телекран, ғалабани нишонлаш учунми ёки тортиб олинган шоколад ҳақидаги ўйлардан чалғитиш учунми, «Сенга, Океания» деб куйлай бошлади. Бу пайтда тикка қотиб туриш шарт эди. Аммо у телекран кўрмайдиган ерда эди.

«Сенга, Океания» мадҳияси енгил мусиқага алмашди. Уинстон телекранга орқа ўгирганча, деразага яқин келди. Кун ҳали ҳам очиқ ва совуқ эди. Қаердадир узокроқдан портлаган ракетанинг бўғиқ гулдураши эшитилди. Охириги пайтларда Лондонга ҳафтасига йигирма-ўттизта ракета тушмоқда.

Пастда шамол йиртилган плакатни тортқилар, унда ИНГСОЦ сўзлари тебранарди. Ингсоц. Ингсоцнинг муқаддас устунлари. Янгитил, қўшфикр, ўтмишнинг ўзгарувчанлиги. Унда шунақа бир туйғу пайдо бўлди, у гўё уммон тубидаги ўрмонда тентираб юрибди, махлуқлар дунёсида кезяпти, ўзи ҳам – махлуқ. У ёлғиз эди. Ўтмиш ўлган, келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Тирик одамларнинг ҳеч бўлмаса биттагинаси унинг томонида, деб ишониш учун заррача асос

борми? Партия ҳукмронлиги абадий давом этмаслигини билиш мумкинми? Жавоб ўлароқ кўз ўнгида Ҳақиқат вазирлигининг пештоқидаги учта шиор пайдо бўлди:

УРУШ – ТИНЧЛИҚДИР.

ЭРК – ҚУЛЛИҚДИР.

БИЛИМСИЗЛИК – КУЧДИР.

У чўнтагидан йигирма беш центлик тангани чиқарди. Бу ерда ҳам мўъжаз ҳарфлар билан шу учта шиор ёзилган, орқа томонда – Катта Оғанинг боши. У ҳатто тангадан ҳам кузатиб туради. Тангаларда, почта маркаларида, дафтар-китоб муқоваларида, байроқларда, плакатларда, сигарет қутиларида – ҳамма жойда. Ҳамма жойда сени шу назар таъқиб этади ва шу овозлар қуршовидасан. Тушингда ва ўнгингда, ишда ва таом тановул қилаётганинда, кўчада ва уйда, чўмилиш хонасида, тўшакда – таъқибдан қутулиш йўқ. Бош чаноғинг ичидаги бир неча сантиметр кубдан бўлак ҳеч нарса ўзинг-никимас.

Қуёш кетган, вазирлик биносидаги чироғи ўчган минглаб деразалар қалъа истехкомидаги ўқотар қуроллар жойланган туйнуклардай қовоғини уярди. Улкан пирамидани кўриб унинг юраги увушарди. Бу эҳром жуда мустаҳкам, уни забт этиш имконсиз. Минглаб ракеталар ҳам уни буза олмаса керак. У кундаликни ким учун ёзаётгани ҳақида яна ўйлади. Келажак учун, мозий учун... эҳтимол, хаёлдаги бирор давр учун. Уни шунчаки ўлим эмас, бутунлай йўқ қилиниш кутмоқда. Кундалигини кулга айлантирадилар, ўзини буғлантириб юборадилар. Унинг ёзганларини ер юзидан ҳам, хотиралардан ҳам ўчириб юборишдан аввал фақат Фикр полицияси ўқиши мумкин. Агар сенинг изинг ҳам, ҳатто аноним ёзилган сўзинг ҳам қолмаса, келажакка қандай мурожаат қила оласан?

Телекран соат ўн тўртга бонг урди. Ўн дақиқадан сўнг у кетиши керак. 14:30 да у хизматда ҳозир бўлиши лозим.

Ажабо, бонг овози унга дадиллик берди. У ҳақиқатни гапирадиган ёлғиз арвоҳдир, бироқ бу ҳақиқатни ҳеч ким эшитмайди. Аммо у ҳақиқатни айтар экан, дунёда қандайдир ришта узилмай туради. Бу ришта ўзгаларга ҳақиқатни

өшиттириб эмас, балки инсонлик мероси бұлмиш ақли со-
лимликни сақлаб қолиш билан туради. У столга қайтди ва
перони сиёхга ботириб, ёза бошлади.

*Келажакка ёки ўтмишга – фикр эркин бўлган, одамлар
бир-биридан фарқ қилган ва ёлғиз яшамайдиган, ҳақиқат
мавжуд бўлган ва ўтмиш йўққа айлантирилмайдиган за-
монларга*

*Бир тушлик давридан, ёлғизлик давридан, Катта Оға
давридан, қўшфикр давридан – саломлар бўлсин!*

Мен аллақачон ўлганман, деб ўйлади у. У ўйлардики,
ҳозир, фикрларини ифодалай бошлагач, ортга қайтиб бўлмас
қадамни ташлаган эди. Ҳар бир ҳаракатнинг оқибати ҳара-
катнинг ўзида мужассамдир. У ёзди:

*Фикрий жиноят ўлимга олиб келмайди: фикрий жино-
ятнинг ЎЗИ ўлимдир.*

Энди, ўзининг аллақачон марҳум эканини англагач,
имкон қадар узоқроқ яшаш муҳимдир. Ўнг кўлининг икки-
та бармоғига сиёх теккан эди. Шунақанги майда-чуйдалар
сени сотиб кўяди. Вазирликдаги қандайдир исковуч жонкуяр
(катта эҳтимол билан, бу аёл бўлади – масалан, ўша малла-
соч пакана аёл ёки адабиёт бўлимидаги қорасоч киз) сиёхли
бармоғига кўзи тушиб, ўйланиб қолади, хўш, нега у тушлик
пайти ёзади ва нега эски сиёхли ручкада ёзган, нимани ёз-
ган – кейин керакли ерга хабар қилади. У ювиниш хонасига
кирди ва бармоқларини қумқоғоздай қиртишлайдиган, шу
мақсадда ишлатишга мос донатор жигарранг совунда обдон
ювди.

У кундаликни столнинг тортмасига жойлади. Яшир-
санг-яширмасанг – уни барибир топиб олишади; ҳеч бўлмаса
улар кундалик ҳақида билиб олган-олмаганларини аниқлаш
мумкин бўлади. Китоб тиртиғига соч толасини кўйса, сези-
либ қолади. Бармоғининг учи билан оппоқ қум дончасини
китоб муқовасининг четига кўйди: гар унга тегинишса, қум
урвоғи тушиб кетади.

Ш

Уинстон тушида онасини кўрди.

Ўн-ўн бир ёшлигида онаси бирдан йўқолиб қолгани ёдида. У башанг сочлари тилларанг, салобатли, камгап, оҳиста ҳаракат қиладиган аёл эди. Отасини унчалик эслай олмайди: сочи қора, озғин одам бўлиб, доимо бежирим қора костюмда (нимагадир туфлисининг тагчарми юпқа экани ёдида қолган) ва кўзойнақда юрарди. Иккаласи ҳам 50-йиллардаги дастлабки сиёсий тозалашларда йўқ қилинган.

Ана, онаси ундан қуйида, чуқурликда эди, қўлида сингилчасини кўтариб олган. Сингилсини у деярли эслай олмайди – фақат кичкинагина, озғин чақалоқлигини, катта кўзларини жовдиратиб, жимгина ётишини эслайди. Пастликдан уларнинг иккаласи унга қараб турарди. Улар қаердадир ернинг остида эдилар – қудуқнинг тагидами, жуда чуқур қавланган қабр ичидами – чуқурга кетиб борардилар. Улар гўё чўқаётган кеманинг ичида бўлиб, Уинстонга қораяётган сув аро боқиб тарардилар. У ерда ҳали ҳаво бор эди ва улар Уинстонга боқар эдилар, у ҳам – уларни кўрарди, аммо улар бу яшил сувга ботиб, чўкиб борардилар – яна бир лахза ўтади ва сув уларни батамом, мангуга ютади. У баҳаво ва ёруғ ерда, уларни эса гирдоб симирмоқда, улар пастга чўқмоқда, чунки у юқорида. У буни тушунади ва улар ҳам буни тушунишлари юзларида акс этган. Уларнинг юзларида ҳам, дилларида ҳам ўкинч йўқ эди, фақат тушуниш бор эди, улар у яшаши учун ўз ўлимлари билан товон тўлашлари керак, зеро, табиатнинг йўриғи шундайдир.

Уинстон бу қандай юз берганини билмайди, аммо у тушида аниқ билардики, онаси ва сингилсининг ҳаёти унинг ҳаётига қурбон қилинган. Бу тушга хос бўлган манзара эди – кундузи ўйлаганлари давом этадиган тушлардан бири эди: уйғонганингдан кейин ҳам янги, муҳим ғоялар ва фактлар эсда қолади. Онасининг деярли ўттиз йил аввал юз берган ўлими шу қадар фожиали ва аламли бўлгани, бугун ўшандай фожиани такрорлани имконсизлиги Уинстоннинг ҳаёлига келди. Фожиа, ўйларди у, эски замонларда бўлган, у замонларда шахсий ҳаёт, муҳаббат ва дўстлик бор эди, одамлар

оида курардилар, бир-бирларини ҳимоя қилардилар, бунинг учун сабаб излаб ўтирмасдилар. Онасини эслаш унинг юрагини парча-парча қилди, чунки онаси уни севароқ ўлди, у ҳали ёш ва худбин эди, онасига муҳаббат билан жавоб қилишни билмасди, онаси эса қандайдир бир тарзда – қандай эканлигини у эслай олмайди – ўзини садоқат йўлида курбон қилди, бу садоқат ўта шахсий ва барқарор туйғу эди. У тушундики, бугун бунақа бўлиши мумкин эмас. Бугун кўрқув, нафрат ва оғриқ бор, аммо туйғулар йўқ, чуқур ва мураккаб алам йўқдир. Буларнинг барини у яшил сув ичидан, юзлаб чакирим чуқурликдан, чўкаётган ҳолида унга бокиб турган онасининг ва сингисининг кўзларидан ўқиб олди.

У тўсатдан пакана, чайир ўтлар ўсган ўтлоқда пайдо бўлди, ёз эди, кеч тушаётганди, куёшнинг заррин нурлари ерни тилларангга буркаётганди. Бу манзара унинг тушларига тез-тез кирарди, ҳаётда бунақа жойни кўрган-кўрмаганини аниқ айтолмайди. Уинстон ўзича бу жойни Олтин юрт деб атарди. Бу куриб, қариган, кемирувчилар қиртишлаган ўтлоқ эди, унга ёндош сўқмоқ бор, у ер-бу ерда каламуш уялари кўзга ташланарди. Майдоннинг нариги томонида панжарадай терилган бутанинг шохларини шамол тебратар, қалин барглар шодаси аёл сочлари каби тўлқинланиб, шовулларди. Қаердадир шу атрофда тинч, сокин анҳор оқарди. Анҳорда оқ тол шохлари остида қизилкўз балиқ сузиб юрарди.

Ўтлоқ оралаб у томонга ўша қора сочли қиз келаётганди. У бир ҳаракат билан кийимини ечди ва ижирғаниб узоққа улоқтирди. Бадани оппоқ ва силлиқ эди, аммо хоҳиш-истакни уйғотмасди; бу баданга у ҳатто қарамади ҳам. Уни жувоннинг кийимини бир ҳаракат билан улоқтириши ҳайратга солди. Ўзининг назокати ва бепарволиги билан бу ҳаракат бутун маданиятни, яхлит таълимотни йўқ қилди гўё: Катта Оға ҳам, партия ҳам, Фикр полицияси ҳам қўлнинг ажиб бир силтови билан йўқликка улоқтирилди. Бу ҳаракат ҳам эски замонлардан қолган эди. Уинстон тилида «Шекспир» сўзи билан уйғонди.

Телекран қулоқни қоматга келтирадиган, битта нотада ўттиз сония давом этадиган дахшатли ҳуштак чалди. 07:15

– хизматчилар уйқудан уйғонадиган вақт. Уинстон тўшакдан узилиб чиқди – у яланғоч ётарди, чунки Ташқи партия аъзоларига бир йилга бор-йўғи уч минг кийим талони берилади, пижаманинг ўзи олти юз талон турарди. У курсига осилган эски коржомаси ва иштонини олди. Уч дақиқадан сўнг жисмоний машқлар бошланади. Уинстон йўталнинг зўридан ярим букчайди – ҳамиша туш кўрганидан кейин йўтал турарди. Йўтал ўпкасини шу қадар зўриқтирдикки, у елкасини тўшакка бериб, бир неча бор чуқур нафас олиб, ўзига келди. Томирлари зўриққандан таранглашди ва варикоз яраси қичимсирай бошлади.

– Ўттиздан қирққача бўлганлар гуруҳи! – аёл кишининг ўткир овози жаранглади. – Ўттиздан қирққача бўлганлар гуруҳи! Жойингизни эгалланг. Ўттиздан қирққача бўлганлар!

Уинстон телекран қаршисида тик турди: у ерда аллақачон мускуллари бўртган, калта иштон ва гимнастика пойабзалини кийган нисбатан ёш аёл пайдо бўлганди.

– Қўлларни букиш ва чўзиш! – бақирди аёл. – Санок бўйича бажарамиз. Бир, икки, уч, тўрт! Бир, икки, уч, тўрт! Қувнокроқ, ўртоқлар, жонлироқ! Бир, икки, уч, тўрт! Бир, икки, уч, тўрт!

Йўталнинг оғриғи тушнинг таассуротларини даф қилишга ҳали улгурмаган, машқларнинг шиддати эса хушни яна жойига келтирди. Гимнастикачилар каби роҳатдан қовоғини уйгандек кўрсагиб, қўлларини беихтиёр чўзиб ва букиб, Уинстон олис болалик йилларининг ғира-шира хотиралари томон йўл олди. Бу жуда қийин эди. Эллигинчи йилларгача кечган барча ҳодисалар хотирадан ўчиб кетган. Бирор ерда ёзиб қўйилган бўлмаса, хотирангда ҳатто ўз ҳаётинг чизгилари ҳам хира тортади. Сен буюк ҳодисаларни эслайсан, аммо улар аслида юз бермаган бўлиши ҳам мумкин; воқеанинг тафсилотлари ёдингда, аммо ўша муҳитни ҳис эта олмайсан; бўм-бўш, узок, ҳеч нарса юз бермаган даврлар ҳам бор. Аввал ҳаммаси бошқача эди. Ҳатто мамлакатларнинг номлари ва харитадаги жойлари ҳам бошқача эди. I Парвоз минтақаси, масалан, аввал бошқача аталарди: у Англия ёки

Британия деб номланарди, Лондон эса – Уинстон буни озми кўими аниқ хотирларди – ҳамиша Лондон деб аталган.

Уинстон мамлакат уруш ҳолатида бўлмаган бирор замонни аниқ эслай олмайди; бироқ унинг болалик даврида бир қадар узок тинчлик бўлган, чунки ҳаво ҳужумидан огоҳ бўлган овоз янграганда ҳамма довдираб қолгани эсида. Эҳтимол, ўшанда атом бомбасини Колчестерга ташлаган эдилар. Ҳужумнинг ўзини у эслай олмайди, аммо шу нарса ёдидаки, онаси унинг қўлларини маҳкам тутиб, настига олиб тушган, тушаверган, тушаверган, улар қаергадир ерстига тушиб кетгандилар, оёқ остида ғижирлаган айланма зина, айлана кетидан айлана, у чарчаб қолган, минғирлаган ва улар тўхтаб, дам олишган. Онаси эса, ҳар доимгидай, улардан анча орқада ўйчан ва секин юрган. У эмизикли боласини қўлга олганча келарди – эҳтимол, қўлида чойшабдир: Уинстон ўша пайтда синглиси туғилганмиди-йўқмиди, буни аниқ эслолмайди. Ниҳоят, улар одамга тўла, сершовқин жойга келдилар, у тушундики, бу метро бекати эди.

Тош заминда одамлар ўтирарди, бошқалари темир ўриндикларда тикилиб турарди. Уинстон ота-онаси билан ердан кой топишди, уларнинг ёнида, ўриндикда чол ва кампир ўтиришарди. Чол бежирим қора костюмда ва энсасига сурилган қора кепкада бўлиб, соч-соқоллари оппоқ эди; унинг юзлари қизариб кетган, мовий кўзларида ёш милтилларди. Ундан жиншароб ҳиди анқирди. Ҳид бутун баданидан келарди, у гўё жиншароб билан шунчалик терлардики, унинг кўз ёшлари ҳам соф жиншаробдан бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди. Чол маст эди, аммо унинг бутун кўриниши оғир ва чидаб бўлмас кулфатни ифода этарди. Уинстон ўзининг бошларга хос ақли билан гумон қилдики, унинг бошига чидаб ҳам, тузатиб ҳам бўлмас мудҳиш мусибат тушган. У фожианимада эканини тушунди. Чолнинг севимли инсонини ўлдиришган – эҳтимол, кичкина набираси ўлгандир. Ҳар икки дақиқада чол такрорларди:

– Уларга ишониш керак эмас эди. Ахир, онаси, айтгандим-ку, айтганмидим? Мана, уларга ишониш қандай бўлди. Мен доим айтганман, бу кузғунларга ишонмаслик керак эди.

Ишониб бўлмайдиган кузгунлар кимлар эди – Уинстон у ёғини эслай олмайди.

Ўша пайтлардан бери уруш тинимсиз давом этади, гарчанд, жиддий айтганда, бу айнан битта уруш эмас. Бир неча ой, яна унинг болалик йилларида, Лондоннинг ўзида тартибсиз кўча урушлари бўлди, хотираларда нималардир жуда аниқ сақланган. Аммо ўша йилларнинг тарихини ўрганиш, ким ким билан ва қачон урушганлигини аниқлаш буткул имконсиз: ҳозирги тарихга мос келмайдиган на бирор ёзма хужжат, на бир оғзаки сўз қолдирилмаган. Энди, масалан, 1984 йилда (агар – ҳозир 1984 йил бўлса), Океания Евросиё билан урушади ва Остосиё билан иттифоқчидир. На омма олдида ва на юзма-юз, ўтмишда бу уч мамлакатнинг муносабатлари бошқача бўлгани тилга олинмайди. Океания бор-йўғи тўрт йилдан бери Евросиё билан жанг қилаётгани ва Остосиё билан дўстлашганини Уинстон жуда яхши билади. У буни бекитиқча билади. Шунинг учун биладики, унинг хотираси тўлиқ назоратга олинмаган. Расман иттифоқчи ва душман ҳеч қачон алмашмаган. Океания Евросиё билан урушмоқда ва, демак, Океания Евросиё билан ҳамиша урушган. Бугунги душман ҳамиша мутлақ ёвузлик тимсолидир, демак, на ўтмишда, на келажакда у билан ярашишни тасаввур қилиб бўлмайди.

Энг даҳшатлиси, у белини орқага қайирай экан (ҳозир улар кўлларни белга қўйиб, танани айлантириш машқини бажараётгандилар – бу умуртқа учун фойдали эмиш) юзинчи, мингинчи марта ўйлади, энг даҳшатлиси, буларнинг бари ҳақиқат бўлиши мумкин. Агар партия ўз кўлларини ўтмишга узатиб, у ёки бу ҳодиса ҳеч қачон бўлмаган деса, бу қийноқдан ҳам, ўлимдан ҳам оғир бўлармиди?

Партия уқтиришича, Океания ҳеч қачон Евросиё билан иттифоқчи бўлмаган. У, Уинстон Смит аниқ биладики, бор-йўғи тўрт йил аввал Океания Евросиё билан иттифоқчи эди. Аммо бу билим қаерда сақланади? Фақат унинг онгида, у эса, нима бўлганда ҳам, яқинда йўқ қилинади. Агар партия тикиштирган ёлғонни ҳамма қабул қилса, агар барча хужжатларда айна битта ҳикоя такрорланса, бу ёлғон тарихга

киради ва ҳақиқатга айланади. «Ўтмишни бошқара олган, – дейди партия шиори, – келажакни ҳам бошқаради; бугунни бошқарган, ўтмишни ҳам бошқаради». Бироқ ўтмиш, табиатан ўзгарувчан бўлса-да, ҳеч қачон ўзгартирилмаган. Ҳозир ҳақиқат бўлган нарса аввалги асрларда ҳам, кейинги асрларда ҳам мангу ҳақиқатдир. Ҳаммаси жуда осон. Ўз хотиранг устида тинимсиз ғалаба қилишинг керак. Бу «воқеликни оёйсундириш» деб аталади; Янгитилда – «қўшфикр».

Тамом! – деди гимнастика муаллимаси бироз юмшаб.

Уинстон қўлларини туширди ва ескин, чуқур нафас олди. Унинг ақли қўшфикрнинг чалкаш сўқмоқларида кезиб юрарди. Биля туриб, билмаслик; ҳақиқатни биля туриб, уй-тирмани гапириш; бир-бирини инкор этадиган икки фикрни бир вақтда қабул қилиш, иккаласига бирдек ишониш; мантиқни мантиққа қарши қўйиш; ахлоқийликка даъво қилган ҳолда, амалда уни рад этиш; демократия бўлиши мумкин эмас дея, лекин партия – демократия посбони эканига ишониши; унутиш лозим бўлган нарсани унутиш ва яна керак бўлганда уни қайта эслаш, яна дарҳол унутиш ва, асосийси, бу жараённи жараённинг ўзига қўллаш. Энг нозик жиҳати: онгли равишда онгсизга айланиш ва, айна пайтда, ўзингни андаётганинингни англамаслик. Ҳатто «қўшфикр» нима эканигини қўшфикрсиз англаш мумкинмас.

Муаллима яна диққат қилишни буюрди.

Энди кўрамиз, ким ўзининг оёғи бошмалдоғини уш-тай олади! – у жўшиб гапирарди. – Белдан эгилинг, ўртоқлар. Б-бир-икки! Б-бир-икки!

Уинстон бу машқни жуда ёмон кўрарди: думбадан то товошгача оғриқ туради, камига унинг йўтали кўзиб қоларди. Унинг ўй-хаёлларидан олган ширин ўкинчи йўқолди. Ўтмиш нафақат ўзгартирилган, ўйлади у, балки буткул йўқ қилинган. Барча ҳужжатлар йўқ қилинган бўлса, энг аён фактни ҳам қандай тасдиқлайсан? У Катта Оға ҳақида дастлаб қайси нини эшитганини эслаб кўришга тиришди. 60-йилларда бўлса керак... Бироқ энди буни эслаб бўлармиди? Партия тари-ҳида Катта Оға инқилобнинг раҳнамоси ва кўриқчиси ўларок энг дастлабки кунлардан қайд этилган, албатта. Унинг

қахрамонликлари босқичма-босқич тарих қаърига сурилиб борар, аллақачон 40 ва 30-йилларнинг ҳали капиталистлар цилиндр шляпаларини кийиб Лондон кўчаларида ҳашаматли ялтироқ автомобилларда ва шиша ойнали отлиқ извошларда юрган афсонавий дунёсига етиб борганди. Бу афсоналарда қанчалик ҳақиқат ва қанчалик тўқима борлиги номаълум. Уинстон ҳатто партиянинг ўзи қачон пайдо бўлганлигини билмайди. Ҳар ҳолда, «Ингсоц» сўзини ҳам у 1960 йилгача эшитмаган. Эҳтимол, бу сўз – Эскитилдаги шаклида «инглиз социализми» – аввал ҳам бўлгандир. Ҳамма нарса туман ичига қоришиб кетган. Дарвоқе, гоҳида ошқора ёлғонни ҳам тутиб олиш мумкин. Масалан, партия тарихи китобларидаги партия учокни ихтиро қилгани ҳақидаги гаплар ёлғон. Учокларни у илк болалик йилларида ҳам кўрганини эслайди. Аммо ҳеч нарсани исботлаб бўлмайди. Гувоҳлар ҳам, ҳужжатлар ҳам йўқ. У фақат бир марта тарихий фактнинг сохталаштирилганини кўрсатувчи, рад этиб бўлмас ҳужжатли далилни ўз қўлларида ушлаб кўрган. Бу ҳам...

– Смит! – шаллақи оҳангда чақириқ эшитилди. – 6079 Смит У.! Ҳа, сиз! Пастроқ эгилинг! Қўлингиздан келади. Ҳаракат қилиб кўрмаяпсиз. Пастроқ! Бу бошқа гап, ўртоқ. Энди, гуруҳдаги ҳамма эркин – менга қаранглар.

Уинстон иссиқ терга ботди. Аммо юзи буткул ҳиссиз эди. Хавотирланиш кўрсатилмасин! Норозилик кўрсатилмасин! Кўзинг сал пирпираса бўлди – ўзингни фош қиласан. У кузатиб турарди, муаллима қўлларини тепага кўтарди. Сўнг унчалик нафосат билан бўлмаса-да, ҳавас қилгулик тиришқоқлик ва аниқликда эгилиб, пойабзалининг учини бармоқлари билан ушларди.

– Мана, худди шундай, ўртоқлар! Сизлар ҳам шундай қила олишингизни кўрмоқчиман. Менга яна бир марта қаранг. Мен ўттиз тўққиз ёшдаман ва менинг тўртта болам бор. Қаранг энди. – У яна эгилди. – Кўряпсизми, менинг тиззаларим букилмаган. Сизлар ҳам, агар истасангиз, ҳаммангиз шундай қила оласиз. – У қаддини тиклар экан, қўшиб қўйди: – Ҳаммангиз, қирқ беш ёшгача бўлган ҳамма оёғининг учини ушлай олади. Биз фронтнинг олдинги сафларида жанг

қилиш имконига эга бўлмадик, бироқ биз ўзимизни жангга тайёр ҳолда тутиб туришимиз мумкин. Малабар frontiдаги йигитларимизни эсга олинг! Сузувчи қалъаларимиздаги денгизчиларимизни эсланг. Яна бир марта урининг. Яхши, ўртоқ, анча яхши, – аёл Уинстонни мақтади, у кескин ҳаракат билан тизза букмай оёқ бармоқларини ушлай олди – бир неча йилдан бери биринчи марта ушлади.

IV

Телекраннинг жуда яқинлигига қарамасдан, беихтиёр чуқур хўрсиниш билан Уинстон ўз иш кунини бошлади: овозёзгични ўзига яқинлаштирди, пуфлаб микрофондан чангни туширди ва кўзойнагини такди. Кейин столнинг ўнг томонидаги пневматик қувурдан отилиб чиққан тўртта қоғоз ўрамини текислаб, кистиргич билан қотириб қўйди.

Хоначасининг деворларида учта туйнук бор эди. Овозёзгичнинг ўнг томонида – босма топшириклар учун кичик пневматик қувур; сўл томонда – катгароғи, газеталар учун; ва қўл узатса етадиган ёндош деворда сим пардали катта туйнук. Бу охириги кераксиз қоғозлар учун. Вазирликда минглаб, ўн минглаб бунақа туйнуклар бор – нафақат ҳар бир хонада, йўлаклар ва дахлизларда ҳам, ҳар қадамда бор. Нима учундир уларни «хотира туйнуклари» дейишарди. Агар кимдир кераксиз хужжатдан қутулмоқчи бўлса ёки ерда бирор қоғоз парчасини кўриб қолса, у беихтиёр яқин туйнукдаги қоғозтукични очиб, қоғозни унга ташлаб юборарди; уни иссиқ ҳаво оқими ютар ва бинонинг ичида жойлашган улкан оташгоҳга жўнатарди.

Уинстон тўртта текисланган қоғозни кўриб чиқди. Ҳар бирида – бир-икки сатрли топширик, телеграф тилида ёзилган, бу Янгитил бўлмаса-да, Янгитил сўзларидан иборат эди ва вазирликда фақат ички истеъмол учун қўлланиларди. Топшириклар шундай тусда эди:

таймс 17.03.84 нутқ к. о. айлантириши африка аниқлаш

таймс 19.12.83 4 квартал режаси 83 босмахатолар келиштириши бугунги сон билан

таймс 14.02.84 фарваз баёноти айлантириши шоколад аниқлаш

таймс 03.12.83 қўшплюс баён этилган талаб к. о. тилга олинганлар шахслармас қайта ёзиш оралаб юқорига тахламлар

Уинстон сокин бир қониқиш билан тўртинчи варақни четроққа суриб қўйди. Бу жуда нозик ва масъулиятли топширик, уни охирида бажарган маъқул. Қолган учтаси – одатий

топшириқлар, гарчанд иккинчиси учун, эҳтимол, рақамларини синчковлик билан текширишга тўғри келади.

Уинстон телекранга «эски саналар» сўзларини терди – «Таймс»нинг эски сонларини сўради; бир неча дақиқадан сўнг пневматик қувур орқали бу сонлар келиб олдиға тушди. Варақларда газета мақолалари ва хабарлари бўлиб, уларни ўқи бу сабабларга кўра ўзгартириш ёки, расмий тил билан айтганда, тузатиш лозим эди. Масалан, «Таймс»нинг 17 мартдаги хабаридан маълум бўлишича, яқинда Катта Оғанининг нутқида жанубий ҳинд жабҳасида сокинлик бўлишини ва Евросиё қўшинлари Шимолий Африкада тезда ҳужумга ўтишларини башорат қилганди. Аммо евросиёликлар Жанубий Ҳиндистонда ҳужумга ўтдилар, Шимолий Африкада ҳеч қандай ҳаракат қилмадилар. Катта Оғанининг нутқидаги шу жумлани шундай қайта ёзиш керакки, Катта Оға воқеаларнинг аслида юз берганидек башорат қилган бўлсин. Ёки, яна шу, «Таймс» 19 декабрдаги сонида 1983 йилнинг тўртинчи кварталда, яъни тўққизинчи уч йилликнинг олтинчи кварталда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг расмий тахминини чоп этганди. Бугунги сонда амалдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари чоп этилган бўлиб, маълум бўлишича, расмий тахмин буткул хато бўлган экан. Уинстон бугунги рақамларга мос келиши учун дастлабки рақамларни аниқлаштириши лозим эди. Учинчи варақда жуда оддий, бир дақиқада тузатиб қўйса бўладиган хато ҳақида сўз борарди. Узоқ эмас, шу йилнинг феввалида Фаровонлик вазирлиги 1984 йилда шоколад тақсимоти меъёрини ўзгартирмасликка ваъда берганди (расмий тилда айтганда қатъий таъкидлаганди). Аслида эса, Уинстон ҳам буни телекрандан эшитди, шу ҳафтанинг охирида тарқатиладиган шоколад миқдори 30 граммдан 20 граммга камайтиришга қарор қилинди. Энди у газета хабаридаги эски ваъдани апрелда меъёр қисқартирилиши эҳтимоли борлиги ҳақидаги бошқа матн билан алмаштириб қўйса кифоя эди.

Дастлабки учта топшириқни бажариб бўлгач, Уинстон овозёзгичдан олинган тузатилган нусхаларни «Таймс»нинг ёстиғи сонлари билан бириктириб, пневматик қувур орқа-

ли жўнатиб юборди. Кейин деярли ғайришуурий тарзда олинган варақларни ва ўзининг ишлаш пайтида ёзган қайдларини ёқиб юбориш учун хотира туйнугига тикди.

Пневматик қувурлар уланган кўз кўрмас лабиринтларда нима юз беришини у аниқ билмасди, фақат умумий тасаввурга эга эди. Газетанинг тегишли сонига оид барча тузатишлар жамланиб, текширилгач, уни янгидан чоп этишади, эски нусхаларни йўқ қилишади ва ўрнига янги тузатилганини тикиб қўйишади. Нафақат газеталар, балки китоблар, журналлар, брошюралар, плакатлар, варақалар, фильмлар, фонограммалар, карикатуралар, фотосуратлар – сиёсий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган барча адабиёт ва ҳужжатлар узлуксиз тузатиб турилади. Ҳар куни ва ҳатто ҳар дақиқа ўтмиш бугунги кунга мувофиқлаштирилади. Шунинг учун партиянинг ҳар қандай башорати ҳужжатлар билан тасдиқланади; ёзувларда кун эҳтиёжига зид бўлган бирорта хабар, бирорта фикр бўлиши мумкин эмас. Тарихни кўхна терига ишлов бергандай ҳар куни қиртишлаб тозалаб, янгидан ёзишади – қанча зарур бўлса, шунча ўзгартиришади. Кейин бунинг сохта эканлигини исботлайдиган бирор йўл қолмайди.

Ҳужжатлар бўлимининг энг катта шўъбасида – бу шўъба Уинстон ишлайдиган шўъбадан ҳам жуда катта эди – йўқотиш ва алмаштириш лозим бўлган газеталар, китоблар ва бошқа нашрларнинг барча нусхаларини излаб топиш ҳамда жамлаш билан шуғулланишарди. «Таймс» газетасининг сиёсий хатолар ва Катта Оғанинг хато башоратлари туфайли ўнлаб марта қайта чоп этиладиган сони тахламда барибир аввалги сана билан тикиб қўйилади, уни инкор этадиган бирорта нусхаси қолдирилмайди. Китоблар ҳам қайта-қайта йиғиб олинади, ўзгартирилади, аммо бу ўзгаришлар ҳақида айтилмайди. Уинстон оладиган ва бажарилгач дарҳол йўқ қилинадиган буйруқларда ҳам сохталаштириш ҳақида гапирилмайди, балки хатолар, бузиб талқин қилинган иқтибослар, писандалар, аниқлаштириш учун тузатиладиган босма хатолар айтилади.

Умуман олганда, ўйлади у, Фаровонлик вазирлигининг

арифметикасини ўзгартириш ҳатто сохталаштириш эмас. Бу бир сафсата бoшқа сафсата билан алмаштириш, холос. Сенинг ёзган метериалинг жўяли айтганда воқеликдаги ҳаётга алоқасиздир – ҳатто очикдан-очик ёлғонни ёзсанг ҳам. Дастлабки статистика ҳам унинг ўзгартирилган варианты каби сохта бўлади. Кўпинча уни тўқиб чиқаришга тўғри кетади. Масалан, Фаровонлик вазирлиги тўртинчи кварталда 145 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқаришни режаллагани. Хабар қилишадикки, ҳаққоний ҳаётда 62 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган. Уинстон эса, режани қайта ёзиб, ундаги рақамни 57 миллионга ўзгартиради, чунки режа, ҳар доимгидай ошириб бажарилган бўлиши лозим. Ҳар ҳолда, 62 миллион 57 миллионга ёки 145 миллионга нисбатан ҳақиқатга яқинроқ эмас. Мамлакатда оёқ кийим умуман ишлаб чиқилмаган, деб тахмин қилиш ҳам мумкин. Яна ҳам, эҳтимол, қанча ишлаб чиқилганини ҳеч ким билмайди ва билишни ҳам истамайди. Фақат бир нарса маънум: ҳар кварталда қоғозда астрономик сонларда пойабзал ишлаб чиқарилади, айти пайтда Океания аҳолисининг ярми оёқяланг юради. Худди шундай – ҳар қандай катта ёки кичик ҳужжатлар ҳам шу ҳолдадир. Ҳаммаси шарпалар дунёси баърига сингиб кетади. Ҳатто бугунги санани ҳам аниқ била олмайсан.

Уинстон йўлакнинг у томонидаги шиша хоначага қаради. У ерда Тиллотсон исмли, қорамтир иякли саранжом-сарништа одамча газета тахламини тиззасига қўйганча, сўзёзгич микрофонига ёпишиб, жон-жаҳди билан меҳнат қиларди. У тўё барча гаплар ўзи ва телекран ўртасида қолишини истаётгандек кўринарди. У бошини кўтарди ва унинг кўзойнаклари Уинстон томонга душманона ялтиради.

Уинстон Тиллотсонни деярли билмасди ва у нима билан машғуллигини ҳам тасаввур қилолмасди. Ҳужжатлар бўлими ходимлари бир-бири билан қилаётган ишлари юзасидан гаплашмас эди. Икки томонида хоналар бўлган деразасиз йўлакда қоғозлар шилдираши ва сўзёзгичга минғирлаётган овозлар ичра ўндан зиёд одам йиллар бўйи бирга ишлардики, Уинстон ҳатто уларнинг исмини ҳам билмасди, ҳолбуки,

уларни шу каватда у ёқдан бу ёққа шошиб кетаётганларини кўрар, Икки Дакика Нафратда кўлларини силкитишарди. Кўшни хоначадаги анави малласоч пакана аёл кунбўйи матбуотни варақлаб, буғлантириб юборилган, демакки, ҳеч қачон яшамаган одамларнинг фамилияларини газеталардан ўчириш билан шуғулланади. Муайян маънода бу машғулот унга мос: икки йил аввал унинг эрини буғлатиб юборишганди. Уинстондан бир неча хона нарида калта, беўхшов, паришонхотир махлуқ ўтиради. Бу Амплфорт исмли кимса бўлиб, қофия ва ҳижолаб бўйича уста эди, шеърятнинг андозаларини – расмий айтганда, намунавий матнларини – тайёрларди, бу матнлар ғоявий бўш бўлса-да, у ёки бу сабаб билан антологиялардан олиниб ташлаши мумкин эмасди. Эллиқдан зиёд одам ишлайдиган бу йўлак «Хужжатлар бўлими»нинг остбўлими, айтиш мумкинки, мураккаб организидаги бир хужайраси эди, холос. Узоқроқда, юқорида, куйида хизматчилар гала-гала бўлиб, кўплаб тасаввурга сиғмас топшириқларни бажаришарди. Бу ерда ўз муҳаррирлари, ноширлари, матбаачиларига эга бўлган катта босмаҳоналар ва мукаммал аслаҳаланган студиялар фотосуратларни сохталаштириш билан машғул эди. Бу ердаги теледастурлар бўлими ўз муҳандислари, режиссёрлари ва яхлит артистлар гуруҳлари билан бегона овозларни ўхшатишга машғул эдилар. Бунда референтлар тўдаси тафтиш қилинадиган китоблар, вақтли матбуот рўйхатини тузиш билан банд эди. Тузатилган хужжатлар сақланадиган улкан омборлар ва асл нусхаларни йўқ қиладиган яширин оташгоҳлар ишлаб турарди. Ва қаердадир – қаердалиги номаълум – сиёсий йўналишни аноним тарзда белгилаб берадиган раҳбарий мия ишларди, унинг кўрсатмаларига мувофиқ ўтмишнинг бир қисмини сақлаш, бошқа қисмини сохталаштириш ва учинчи бир қисмини изсиз йўқотиш лозим эди.

Яхлит «Хужжатлар бўлими» Ҳақиқат вазирлигининг бир таркибий қисми эди. Вазирликнинг бош вазифаси ўтмишни қайта яратишгина эмас, балки Океания аҳолисини газеталар, фильмлар, дарсликлар, телекўрсатувлар, пьесалар, романлар – барча турдаги ахборот ва қўлланмалар билан

гаминлаш ва кўнгилочишдир, бу ҳайкалдан то шиоргача, лирик шеърдан то биологик тадқиқотгача, мактаб хусниҳаддан то Янгитил луғатларигача – ҳаммасини қамраб олади. Назирлик нафақат партиянинг турли-туман эҳтиёжларини гаминлайди, балки шунга ўхшаш – аммо савияси пастроқ – пролетариатга мос ахборот маҳсулотларини ҳам тарқатади. Пролетар адабиёти, мусикаси, драматургияси ва умуман кўнгилочар маҳсулотлари билан шуғулланадиган яхлит бўлимлар тармоғи мавжуд эди. Бу ерда спорт, жиноятчилик хроникаси ва мунажжимлар башоратидан бошқа нарса босимайган сарик чакалик газеталар, шов-шувбоп беш центини новеллалар, уятсиз фильмлар, версификатор деб аталадиган махсус калейдоскопда механик тарзда яратиладиган сентиментал кўшиқлар ишлаб чиқариларди. Ҳаттоки Янгитилда «Порнобўлим» деб аталадиган бўлима ҳам бўлиб, унинг фахш мавзуларда порнография ишлаб чиқарарди. Уни муҳрланган ёпиқ пакетларда жўнатишар, бевосита тайёрловчиларни ҳисобга олмаганда, партия аъзолари уни кўришларини ман этилганди.

Уинстон ишлаб турганда, пневматик қувур яна учта буюргмани пуфлаб чиқарди. Улар жуда жўн топшириқлар эди ва у Икки Дақиқа Нафрат бошланишдан аввал уларни саранжомлаб қўйди. Нафрат тугагач, у ўз хонасига қайтди ва жавондан Янгитил луғатини қўлга олди, сўзёзгични узоққа суриб қўйди, кўзойнагини артиб, куннинг асосий топширигини бажаришга киришди.

Уинстоннинг ҳаётдан оладиган энг катта завқи ҳам шу эди. Иши асосан зерикарли, бир тусдаги ишлардан бўлса-да, гоҳида шунақа ишлар ҳам тушардики, уларга худди математик масала ечаётгандек бутун диққатингни жамлайсан. Айрим нарсаларни сохталаштиришда ингсоц ақидалари ва партия сандан нимани исташи ҳақидаги тасаввурларинггагина таянасан, холос. Бундай топшириқларни Уинстон аъло даражада бажаради. Унга ҳатто «Таймс»нинг мутлақо Янгитилда ёзилган бош мақолаларини тузатишни ҳам ишониб топширишади. У эрталаб четга суриб қўйган тўртинчи топшириқни қўлга олди:

таймс 03.12.83 қўшплюс баён этилган талаб к. о. тилга олинганлар шахслармас тўлиқ қайта ёзиш оралаб юқорига тахламлар

Эскитилда (одатий инглиз тилида) бу тахминан қуйидагиларни англатарди:

«Таймс» газетасининг 1983 йил 3 декабр сонида Катта Оганинг мамлакат бўйича буйруғи жуда қониқарсиз баён этилган: мавжуд бўлмаган шахслар тилга олинган. Тўла қайтадан ёзинг ва ўз вариантингизни архивга жўнатишдан олдин раҳбариятга ҳавола этинг.

Уинстон хато мақолани ўқиб чиқди. Унинг фикрича, буйруқнинг каттагина қисми СҚИМ ташкилотини мақташга бағишланган – бу ташкилот сузиб юрувчи қалъалар матросларини сигареталар ва бошқа истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга масъул эди. Ички партиянинг таъсирли арбоби, қандайдир ўртоқ Уидерс алоҳида тилга олинганди – уни 2-даражали «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлашганди.

Уч ойдан кейин, айтилмаган сабабларга кўра, СҚИМ тўсатдан тарқатиб юборилди. Уидерс ва унинг ходимлари энди назардан қолганини тахмин қилиш мумкин эди. Бу ўзгариш ҳақида на газеталарда ва на телекран орқали хабар берилган. Бунга ҳам ҳайратланмаса бўлади: сиёсий хато қилганларни суд қилиш ва ҳатто ошкора фош қилишга одатланилмаган. Ўз айбини бўйнига олиб, тазарру қилгач, қатл этиладиган хонлар ва фикри бузуқларнинг ошкора суд қилиниши билан кечадиган ва минглаб одамлар йўқ қилинадиган тозалашлар махсус томоша бўлиб, тез-тез ўтказилмас, бир неча йилда бир марта юз берарди. Партияни норози қилганлар шунчаки йўқолиб қоларди ва улар ҳақида бошқа ҳеч ким ҳеч нарса билмас ва эшитмас эди. Уларга нима бўлганини тахмин қилишнинг фойдаси йўқ. Уларнинг айримлари тирик қолган бўлиши ҳам мумкин. Шу тарзда Уинстоннинг ўттизга яқин танишлари йўқолган, ота-онасини айтмаса ҳам бўлади.

Уинстон қоғоз қистиргич билан бурнини енгил қашлаб кўйди. Қарама-карши хонада ўртоқ Тиллотсон аввалгидай микрофонга қапишиб, сирли шивирларди. У бошини кўтар-

ди, унинг кўзойнаги яна ёвқараш йилтиллади. Ўртоқ Тиллотсон ҳам шу вазифа билан банд эмасмикин, деб ўйлади Уинстон. Бўлиши мумкин. Бундай нозик ишни бир одамгагина ишониб қўйишмайди. Бошқа томондан, уни комиссияга топшириш сохталаштиришни ошкора тан олиш бўларди. Эҳтимол, камида ўн одам Катта Оға аслида нима демокчи бўлгани ҳақидаги турлича тахминларни ишлаб чиқиш билан банд. Кейин Ички партиядаги қайсидир катта ақл тахминларнинг биттасини танлаб олади, тахрир қилади, ўзаро боғланган иқтибосларнинг мураккаб тизимини яратади, шундан сўнг танлаб олинган ёлғон доимий сақлашга топширилади ва ҳақиқатга айланади.

Уинстон ўртоқ Уидерс нима учун назардан қолганини билмасди. Балки айнигани ёки ёмон ишлагани учундир. Эҳтимол, Катта Оға қўл остидаги ҳаддан зиёд машҳур бўлиб кетаётган тобеинидан қутулмоқчидир. Эҳтимол, Уидерс ёки унинг атрофидаги кимдир партия йўлидан тойганликда айблангандир. Эҳтимол – шуниси аниқроқ – бу тозалаш ва буғлатишлар ҳукумат фаолиятининг зарурий қисми бўлганлиги учундир. Ягона тайинли ишора «*тилга олинганлар шахслармас*» деган сўзларда мужассамдир – бу нарса Уидерс аллақачон ўлганини билдирарди. Инсоннинг ҳибсга олинishi доим ҳам унинг ўлганини билдирмасди. Гоҳида уни чиқариб юборишар, қатл қилингунгача бир ёки икки йил озодликда юрарди. Гоҳида шундай бўлардики, аллақачон ўлиб кетган деб ҳисобланган одам кутилмаганда очиқ суд мажлисида арвоҳдек пайдо бўлар ва батамом йўқ бўлиш олдидан юзлаб одамларга қарши кўрсатма берарди – ана шундан сўнг у изсиз йўқоларди. Лекин Уидерс аллақачон шахс эмас эди. У йўқ, ҳеч қачон бўлмаган. Уинстоннинг фикрича, Катта Оғанинг нутқини шунчаки ўзгартириш етарли эмас. У дастлабки мавзудан буткул бошқача нарсани гапириши керак.

Уинстон нутқни хоинлар ва фикр жиноятчиларни фош этишга қаратилган намунавий нутққа айлантириши мумкин эди, аммо бу жўн нутқ бўлиб қолар эди, агар фронтдаги ғалаба ёки уч йиллик режанинг зафарли бажарилиши ҳақида бир нима тўқиса, хужжатлаштириш жуда мураккаблашиб

кетар эди. Соф фантазия – шу керак эди. Бирдан унинг хаёлида – айтиш мумкинки, тайёр ҳолда – куни кеча жангларда қахрамонона ҳалок бўлган ўртоқ Огилви тимсоли гавдаланди. Катта Оға гоҳида партиянинг қайсидир камтарин, оддий аъзоси хотирасига бағишлов айтарди, унинг ҳаёти ва ўлимини бошқаларга намуна қилиб кўрсатарди. Бугун у нутқини ўртоқ Огилви хотирасига бағишлайди. Тўғри, бу ўртоқнинг ўзи умуман ҳаётда бўлмаган, аммо бир неча босма сатрлар ва бир-икки сохта фотосурат уни яшаган қилиб кўрсатиш учун етарли.

Уинстон бир дақиқа ўйланиб турди, кейин сўзёзгични олдига суриб, Катта Оғанинг одатий услубида ёздира бошлади: ҳарбий ва айни пайтда расмий услуб ўхшатишга қулай услуб эди – савол қўйиларди ва дархол жавоб бериларди («Ўртоқлар, биз бундан қандай сабоқ чиқаришимиз керак? Сабоқлар – улар айни пайтда ингсоцнинг асосий тамойиллари ҳамдир – шундан иборатки...» ва ҳоказо, ҳоказо).

Ўртоқ Огилви уч ёшлигидаёқ дўмбира, автомат ва вертолётдан бошқа барча ўйинчоқлардан воз кечди. Олти ёшида – муддатидан бир йил аввал истисно тариқасида «Жосуслар»га қабул қилинди; тўққиз ёшида отряд бошлиғи бўлди. Ўн бир ёшида тоғасининг гапларини эшитиб, ундан жиноий зоялар исини сезди ва Фикр полициясига хабар берди. Ўн етти ёшида «Сексга қарши ёшлар лигаси»нинг туман раҳбари бўлди. Ўн тўққиз ёшида у ихтиро қилган граната Тинчлик вазирлиғи томонидан қабул қилинди ва тажриба учун биринчи портлатишдаёқ ўттиз бир евросиёлик ҳарбий асирни ер тишлатди. У йигирма уч ёшида урушда ҳалок бўлди. Муҳим маълумотлар билан Ҳинд океани устидан учиб бораркан, душманнинг қирувчи учоқлари ҳужум қилди, ўз танасига пулемётни ва маълумотларни боғлаб, сув тагига чўкиб кетди; бундай ўлимга, – деди Катта Оға, – ҳавас қилмаслик мумкин эмас. Катта Оға таъкидлайдики, ўртоқ Огилвининг бутун ҳаёти поклик ва мақсад йўлида жидду жаҳд намунасидир. Ўртоқ Огилви ичмас ва чекмас эди, гимнастика залидаги кунлик бир соат машқлардан бошқа кўнгилочар машғулотни билмасди; ўйланиш ва оила таъми-

илари умрни бурчни ўташга бағишлашга монелик қилади деб билди ва тоқ ўтишга қарор қилади. У ингсоц тамойилларидан бошқа мавзуда гапирмасди, Евросиё ўрдасини тормор этиш, хоинларни, зараркунандаларни, фикр жиноятчиларини ҳамда бошқа хоинларни топшидан бошқа ҳаётий мақсади бўлмаган.

Уинстон ўртоқ Огилвини «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирласамми, деб ўйланиб қолди; тақдирламасликка қарор қилди – бу кўплаб аввалги кесишган иқтибосларни тузатишни тақозо қилади.

У яна бир карра қарши хонада ўтирган ғанимга назар солди. Нима учундир хаёлига Тиллотсон ҳам шу иш билан банд деган ўй келиб қолди, буни тушуниб бўлмасди. Кимнинг иши қабул қилинади, буни билиш қийин, аммо унинг ишончи комилки, ўзиники ютиб чиқади. Бир соат олдин умуман бўлмаган Ўртоқ Огилви воқеликка айланди. Уинстонга тирикларни эмас, ўликларни яратиш қизиқарли туюлди. Ўртоқ Огилви ҳаётда ҳеч қачон бўлмаган, аммо энди у ўтмишда яшайди – сохталаштиришнинг излари йўқотилгач, у ҳаққоний ва рад этиб бўлмас тарзда Буюк Карл ва Юлий Цезар сингари тарихий шахсга айланади.

Чукур ер тагида жойлашган, паст шифтли ошхонада тушлик учун навбат силтаниб-силтаниб илдамларди. Зал тўла одам, шовқиндан кулоқ коматга келарди. Пештахта ортидаги қовурдоқдан кўтарилган буғ бетга урилар, бу аччиқ ис ҳам «Ғалаба» жиншаробининг ҳамма ёқни босган кўланса ифорини босиб кетолмасди. Залнинг охирида кичик майхона бор эди, тўғрироғи, бу девордаги туйнук бўлиб, бир чоракталик жиншароб ўн центдан сотиларди.

– Эҳ-хе, мен излаган одам шу ерда-ку, – Уинстоннинг елкаси оша овоз келди.

У ўгирилди. Бу «Тадқиқот бўлими»даги ошнаси Сайм эди. «Ошна» унчалик ҳам мос тушадиган сўз эмас. Ошна-оғайнилар энди йўқ, фақат ўртоқлар бор; аммо айрим ўртоқларнинг давраси бошқа ўртоқларникидан ёқимлироқ бўлади. Сайм филолог, Янгитил бўйича мутахассис эди. У Янгитил луғатининг ўн биринчи нашри устида ишлаётган каттагина жамоа аъзоси эди. Пакана, Уинстондан ҳам майда бу кўнғирсоч ва катта бўртган кўзлари бир пайтнинг ўзида ҳам қайғули, ҳам кулгили кўринар, гапираётганда унинг нигоҳи юзингизга синчков боқарди.

– Сўраб кўрмоқчи эдим, сизда устаранинг пискаси йўқми? – деди у.

– Битта ҳам қолмади, – Уинстон айбдордек шошилиб жавоб берди. – Бутун шаҳар бўйлаб изладим. Ҳеч қаерда йўқ.

Устара пискасини ҳамма сўрайди. Аслида унда захирада яна иккита янгиси бор. Пискаларнинг йўқ бўлганига бир неча ой бўлди. Партия дўконларида ҳамиша гоҳ у зарурий маҳсулот, гоҳ бу маҳсулот йўқ бўлиб қоларди. Гоҳ тугмалар, гоҳ жун ип, гоҳ пойабзал боғлагичи йўқолади; мана энди – пискалар йўқ. Уни – агар омад чопса – «эркин» бозордан яширинча излаб топишингиз мумкин.

– Ўзим олти ҳафтадан бери биттасида соқол оламан, – алдади у.

Навбат олдинга силжиди. Тўхтагач, у яна Саймга ўгирилди. Иккаласи ҳам пештахта олдида турган ёғ босган темир патнислардан биттадан олишди.

– Кеча асирларни дорга осишларини кўргани бордингизми? – деб сўради Сайм.

– Ишладим, – Уинстон гўё бепарво жавоб берди. – Балки, кинода кўрарман.

– Ўзини кўргандек бўлмайсиз, – деди Сайм.

Унинг масхараомуз нигоҳи Уинстоннинг юзини титкиларди. «Биламан сени, – дерди бу нигоҳ. – Сени ич-ичингни кўряпман, қатл томошасига бормаганинг сабабини яхши билман».

Заковатли Сайм мутаассибларча партиёга садоқатли эди. У вертолётларнинг душман кишлокларига ҳужумлари, фикр жиноятчиларининг судлари ва иқрорлари, Мухаббат вазирлиги зиндонларида бўладиган қатллар ҳақида жирканч бир хирс билан гапирарди. Гаплашаётганда уни бу мавзулардан чалғитишга тўғри келарди ва – иложи бўлса – мавзу Янгитил масаласига буриларди. Янгитил ҳақида у қизиқарли ҳикоя қилар, мавзуни яхши биларди. Уинстон қатга қора кўзларнинг синчков назаридан юзини олиб қочди.

– Қатл жуда чиройли ўтди, – эслади Сайм. – Уларнинг оёқларини боғлаб қўйиш, назаримда, манзарани хиралаштиради. Уларнинг жон талвасасида оёқларини типирчилатишини яхши кўраман-да. Энг яхшиси, осилгандан сўнг уларнинг кўкарган тили осилиб чиқиши... мен ҳатто ёрқин кўк тиллари деган бўлардим. Шу жойи менга айниқса ёқади.

– Кейинги! – бақирди чўмич ушлаган оқ этакли прол.

Уинстон ва Сайм ўз патнисларини олдинга узатишди. Иккаласининг патнисига ҳам стардарт тушлик қўйишди: темир товоқчада қўнғир-гулобранг қовурдоқ, нон бўлаги, бир тўғрам пишлок, қора «Ғалаба» қаҳвасидан бир финжон ва бир таблетка қанд.

– Анави телекран тагида стол бор, – деди Сайм. – Биттадан жиншароб олволайлик.

Жиншаробни уларга ушлагичсиз фаянс идишда беришди. Улар одам тўла зални кесиб ўтиб, патнисларини металл столга қўйишди; стол четига кимнингдир қайласи тўкилибди: бу кир атала қусқини эслатарди. Уинстон ўзининг жиншаробини олди, бир дақиқа нафас ростлаш учун каловланиб

турди-да, мазаси ёғникини эслатувчи жиншаробни бир кўтаришда ютди. Кейин ёшли кўзини пирпиратди – очлигини сезиб қолди. У қошиқни тўлдирганча қовурдоқни юта бошлади; суюк овкатда қизғиш бўлакчалар кўринди – эҳтимол, гўштдир. Товоқларини бўшатгунча иккалалари ҳам жим туришди. Орқадаги столда ва Уинстоннинг чап томонида кимдир тўхтовсиз бидирларди – кескин, шошқин нутқи ўрдакнинг фақиллашига ўхшар, хонадаги умумий гулдуродан ҳам ажралиб турарди.

– Луғат битай деб қолдими? – шовқин туфайли Уинстон ҳам баланд овозда сўради.

– Аста-аста, – деди Сайм. – Сифатлар устида ишляпман. Ажойиб.

Янгитил ҳақида сўзлар экан, Сайм дарҳол жонланди. Товоқчани олдидан суриб кўйди, нозик қўлларига нон бўлагини олди, бошқа қўлида – пишлок бўлаги, қичқирмаслик учун Уинстонга энгашди.

– Ўн биринчи нашр – сўнгги нашр. Биз тилни мукаммал кўринишга олиб келамиз – бу тил сақланиб қолади, чунки ундан бошқа тилда гаплашилмайди. Ишни тугаллаганимиздан сўнг сиз каби одамлар уни бошқатдан ўрганишгингизга тўғри келади. Сиз, эҳтимол, бизнинг асосий вазифамиз – янги сўзларни ўйлаб топиш, деб ўйларсиз. Асло ундай эмас. Биз ҳар куни сўзларни йўқ қиламиз – ўнлаб, юзлаб сўзларни йўқотиб юборамиз. Айтиш мумкинки, тилнинг гўштини йўқотиб, суягини яланғочлаймиз. Икки минг эллигинчи йилгача ўн биринчи нашрга кирган бирор сўз эскирмайди.

У нонни ютоқиб тишлаб, бир неча тишлямини ютиб юборди. Сўнг расмиятчилик шавқи билан нутқини давом эттирди. Унинг озғин қора юзлари жонланди, кўзларидаги қувлик йўқолди ва нигоҳида орзумандлик пайдо бўлди.

– Бу жуда гўзал иш – сўзларни йўқотиш. Энг кўп ахлат, албатта, феъл ва сифатларда тўпланиб қолган, от туркумида ҳам бор – юзлаб ва юзлаб ортиқча сўзлар. Нафақат синонимлар, антонимлар ҳам бор. Ўзингиз айтинг, бошқа сўзнинг қарама-қаршиси бўлган сўз нега керак? Сўзнинг ўзида унинг қарама-қаршиси мужассам. Масалан, «яхши» сўзини олай-

лик. Агар «яхши» сўзи бўлса, бизга «ёмон» сўзи нега керак? «Яхшимас» сўзи ундан дурустроқроқ, ҳатто дуруст, чунки у бевосита қарама-қаршиликни ифодалайди, «ёмон» эса ундаймас. Ёки «яхши»нинг кучлироқ варианты керак бўлиб қолса, «ажойиб», «аъло» ва бошқа шу каби бир тўда ноаниқ, фойдасиз сўзларни ишлатишдан маъно нима? «Плюс-яхши» сўзида ўша маъно бор. Янада бўрттирилганроғи керак бўлса, «кўшплюс-яхши» сўзи бор. Албатта, биз ҳозир ҳам бу шакллардан фойдалана бошладик, аммо Янгитилнинг охириги вариантыда бошқа сўзлар умуман қолмайди. Натижада ёмонлик ва яхшилик фақат олтига сўз билан, моҳиятан эса биттагина сўзда ифодаланади. Бунинг гўзаллигини фаҳмла-япсизми, Уинстон? Бу гоёя, албатта, Катта Оғага тегишли, – тўсатдан ҳушёр тортиб, кўшиб қўйди у.

Катта Оғанинг исми тилга олинганда Уинстоннинг юзи бўшашиброқ хурсандчилик намоён қилди. Саймга унинг шавки ишонарсиз туюлди.

– Сиз Янгитилга муносиб баҳо беролмаяпсиз, – деди у хафа бўлиб. – Янгитилда ёзасиз-у, барибир Эскитилда фикрлайсиз. Мен «Таймс»да сизнинг материалларингизни ўқиганман. Ёмон эмас, аммо бари таржима. Ич-ичингиздан сиз ноаниқлик ва нозик маъноли сўзларга бой Эскитилга содиқсиз. Сиз сўзларни йўқотишнинг лаззатини ҳис қилмайсиз. Янгитил луғати йилдан-йилга қисқараётган дунёдаги ягона тил эканидан хабарингиз борми?

Уинстон буни биларди, албатта. У ҳамжиҳатлигини кўрсатишга тиришиб жилмайди, бироқ оғиз жуфтлашга журъат қилмади. Сайм қора нондан яна бир тишлам узиб олди, шошилиб чайнади ва гапга тушди.

– Янгитилнинг вазифаси тафаккур уфкини торайтириш эканини наҳотки тушунмайсиз? Ниҳоят, биз фикр жиноятлари содир этилиши имконини бутунлай йўқотамиз – фикрни ифодалаш учун сўз қолмайди. Ҳар бир тушунча битта ягона сўз билан ифодаланади, сўзнинг маъноси қатъий белгиланади, унга ёндош маънолар бекор қилинади ва унутилади. Ўн биринчи нашрда биз бу мақсадга яқин келдик. Аммо жараён сиз ва мендан кейин ҳам давом этади. Йилдан-йилга сўзлар

кам ва янада кам бўлади, фикрлаш чегараси тораяверади, тораяверади. Албатта, ҳозир ҳам фикр жинояти учун сабаб ҳам, оклов ҳам йўқ. Бу ички интизом, воқеликни бошқариш масаласидир. Аммо, алалокибат уларга ҳам эҳтиёж қолмайди. Тил тўла мукаммаллашгандан сўнг инқилоб ниҳоясига етади. Янгитил – ингсоц, ингсоц – Янгитил, – деди у қандайдир сирли кониқиш билан. – Сизнинг хаёлингизга келганми, Уинстон, икки минг эллигинчи йилга бориб, балки ундан ҳам олдинроқ, ер юзида мана шу суҳбатимизни тушунадиган одам қолмайди?

– Проллар... – Уинстон каловлана бошлади ва жимиб қолди.

Тилидан «проллардан ташқари» деган гап чиқиб кетаёзди, бу гап партия ақидасига мувофиқлигига ишончи комил эмасди. Аммо Сайм унинг нима демоқчилигини илғаб улгурганди.

– Проллар – одам эмас, – нописандлик билан бидирлади у. – Икки минг эллигинчи йилда, эҳтимол, ундан ҳам олдин, Эскитил унутилади. Барча ўтмиш адабиёти йўқ қилинади. Чосер, Шекспир, Милтон, Байрон фақат Янгитил вариантда қолади, яъни нафақат ўзгартирилади, балки батамом қарма-қаршисига айланади. Ҳатто партия адабиёти ҳам бошқача бўлади. Ҳатто шиорлар ўзгаради. Озодлик тушунчасининг ўзи йўқолгандан кейин «Озодлик – қулликдир» шиори қайдан бўлсин? Фикрлаш муҳити батамом ўзгаради. Бизнинг бугунги тушунчамиздагидай тафаккур умуман бўлмайди. Тўғри эътиқодли инсон фикрламайди – фикрлашга ҳожати бўлмайди. Тўғри эътиқодлилиқ – онгсизлик ҳолатидир.

Яқин кунларнинг бирида, Саймни буғлантириб юборишади, чуқур ишонч билан хаёл қилди Уинстон, йўқотиб юборишади. Жуда ақлли бу. Назари ўткир ва фикрини ўта аниқ ифодалайди. Партия бунақаларни ёқтирмайди. Бир куни у йўқолиб қолади. Бу унинг пешонасига ёзиб қўйилган.

Уинстон нон ва пишлоғини еб бўлди. Қаҳвасини олиш учун бироз қайрилди. Чап томондаги стол атрофида гичирлок овозли эркак сафсатабозлигини давом эттираётганди. Ёшгина жувон – эҳтимол, унинг котибаси – эркакнинг оғзи-

га термилар ва ҳар бир сўзини мамнун тасдиқлаб турарди. Вақт-вақти билан Уинстон унинг ёш ва анчайин аҳмоқона овозини, «О, нақадар тўғри! Фикрингга кўшиламан» деган гапларини эшитиб қоларди. Эркакнинг чакаги тинмасди – жувон гапираётганда ҳам тўхтамади. Уинстон уни ва-зирликда учратган, у адабиёт бўлимида аллақандай муҳим лавозимда эди. Бу ўттиз ёшлардаги бўйни йўғон ва оғзи катта ва ҳаракатчан одам эди. У бошини сал орқага ташлади ва Уинстон унинг кўзлари ўрнида кўзойнакда акс этган нурнинг бўшлиқдаги жилвасини кўрди. Унинг оғзидан оқиб, кўпириб чиқаётган товушлари орасидан бирорта сўзни илиб олиб бўлмаслиги чатоқ эди. Уинстон фақат бир жумланигина илғади: «голдстейнчиликнинг буткул ва тамоман тор-мор этилиши» – бу гап бўлаги линотипда куйилган сатрдек яхлит отилганди. Қолган ҳаммаси буткул шовқиндан иборат эди – кря-кря-кря. Бу одам нима деяётганини тушуна олмасангиз ҳам, гапнинг умумий мазмуни нимадан иборатлигини шубҳасиз тахмин қила олардингиз. У Голдстейнни қоралаётгани, фикр жинойтчилари ва саботажчиларга қарши янада аёвсиз чора кўришга даъват қиляптими, Евросиё ҳарбийларининг ёвузликларидан нафратини изҳор қиляптими, Катта Оғани ва Малабардаги қаҳрамонларни мадҳ этияптими – фарқи йўқ, унинг ҳар бир сўзи соф эътиқод, соф ингсоц эди. Оғзи қарсақ чалаётган бу кўзсиз одамга қараб, Уинстон ғалати туйғуни бошдан кечирди, гўё унинг олдида тирик одам эмас, қўғирчоқ турарди. Бу нутқ инсон онгида эмас, томоқда туғилаётгандай эди. Оғзидан отилиб чиқаётган нарса сўзлардан иборат эди-ю, аммо уни нутқ деб бўлмасди, бу онгсиз ҳолатда солинган шовқин, ўрдақ ғақиллаши эди.

Сайм жимиб қолди ва қошиқнинг дастаги билан қайланинг шалтоғига чиза бошлади. Кўшни столдаги ғақиллаш аввалги тезликда давом этар, умумий гулдуросдан осон ажралиб чиқарди.

– Янгитилда бир сўз бор, – деди Сайм, – билмадим, сиз уни биласизми-йўқми: «ўрдакнутк» – ўрдакчасига ғақиллаш. Бу жуда қизиқ сўз – унинг иккита қарама-қарши маъно-

си бор. Душманга нисбатан ишлатилса, бу ҳақоратли сўз; сиз маъқуллаган нутққа нисбатан ишлатилса – мақтов.

Саймни шубҳасиз буғланиб кетади, деб ўйлади яна Уинстон. Гарчанд Сайм ундан нафратланишини ва уни яхши кўрмаслигини, агар асос топа олса, фикр жиноятчиси деб бажонидил айблаши мумкинлигини билса-да, бу ўйдан қайғуга чўмди. Саймга нимадир бўлган. Унга нимадир етишмайди: эҳтиёткорлик, ўзини чеклаш, қандайдир мадакқор девоналик. Уни эътиқодсиз деб бўлмайди. У ингсоц тамойилларига ишонади, Катта Оғага эҳтироми баланд, ғалабалардан қувонади, фикр жиноятчиларидан нафақат нафратланади, ашаддий ва бетиним ёмон кўради, айни пайтда партиянинг оддий аъзосига керак бўлмаган энг сўнгги маълумотларга эга. Унда доимо қандайдир нописандлик нукси бор эди. У гапириш шарт бўлмаган нарсаларни гапираверарди, жуда кўп китоб ўқиб ташлаганди, мусаввирлар ва мусикачилар тўпланадиган «Каштан остида» ошхонасига бориб турарди. Ошхонага боришга қарши бирор тақиқ, ҳатто ёзилмаган тақиқ йўқ эди, аммо бу ошхона қандайдир беҳосият жой эди. У ерга партиянинг назардан қолган собиқ раҳбарлари йўқ қилинишдан аввал йиғилиб турарди. Миш-мишларга қараганда, у ерда бир неча йил ёки ўн йиллар олдин Голдстейн ҳам бўлган. Саймнинг қисматини олдиндан билиш қийинмасди. Яна шу нарса шубҳасиз эдики, агар Сайм, уч лаҳзагина бўлса-да, Уинстоннинг дилидаги фикрларини эшитса эди, дарҳол Уинстонни Фикр полициясига тутиб берарди. Унинг ўрнида бошқа бўлганда ҳам шундай қиларди, аммо Сайм тезроқ сотарди. Мутаассибликнинг ўзи етарлимас. Эътиқодлилиқ – онгсизлик эди.

Сайм бошини кўтарди.

– Ана, Парсонс келяпти, – деди у.

Унинг овозида «лаънати тентак» деган оҳанг бор эди. Ҳақиқатан ҳам столлар оралаб Уинстоннинг «Ғалаба» уйидаги қўшниси – ўрта бўйли, бочкатахлит ўлчамдаги, малласочли ва қурбақабашара Парсонс келарди. У ўттиз беш ёшида аллақачон қорин кўйган, энсасида ёғ йиғилганди, бироқ ўсмир болалардек шахдам ҳаракат қиларди. Ўзи ҳам болага

ўхшар, фақат катта бола эди: гарчанд ишхонанинг коржомасини кийган бўлса-да, одам уни доим жосус болаларникидай мовий иштончада, кўнғир кўйлақда ва қизил галстукда тасаввур қилгиси келарди. Тасаввурда у тиззаларида чуқурча ва семиз билаклари шимарилган ҳолда гавдаланарди. Парсонс имкон бўлса сайёҳлик тадбирларида ва бошқа жисмоний фаоллик талаб қилинадиган ишларда шорт кийишни ёқтирарди. У иккаласига қувноқлик билан «Саломлар, саломлар!» деб сўрашди ва аччиқ тер ҳидини таратиб, столга чўкди. Унинг бутун қизарган башараси шудрингдай терга кўмилганди. Парсонснинг тер ажратиш қобилияти бемисл эди. Клубда ракетканинг ёғли ва ҳўллигини кўриб, бу ерда Парсонс стол теннисида ўйнаганини билиш мумкин эди. Сайм сўзлар узун устун қилиб ёзилган қоғоз тасмасини чиқарди ва, қора каламни ушлаганча, ўқишга киришди.

– Уни қара, ҳатто тушликда ҳам ишлайди, – деди Парсонс, Уинстоннинг биқинига туртиб. – Иштиёқи зўр-а? Нима экан у? Билишимча, менинг ақлим етмаса керак. Смит, биласизми, нега сизни излаб юрибман? Сиз обуна бўлмабсиз.

– Нимага обуна? – сўради Уинстон ва беихтиёр чўнтагига қўлини чўзди. Ҳамиша маошнинг камида чораги кўнгилли обуналарга кетарди, обуна турлари шу қадар кўп эдики, уларни ёдда сақлаш ҳам қийин эди.

– «Нафрат ҳафталиги» учун яшаш жойидан обуна. Мен тураржойдаги ғазначиман. Кучимизни аямаймиз – бошқалардан кам эмасмиз. Тўғриси айтман, агар бизнинг «Ғалаба» уйимиз кўчамизда ҳаммадан кўпроқ байроқчалар осмаса, бунда менинг айбим йўқ. Сиз икки доллар ваъда қилгансиз.

Уинстон чўнтагидан иккита ғижимланган, кир қоғоз пул топиб берди ва Парсонс саводсизларга хос ҳуснихат билан дафтарчасига қайд қилиб қўйди.

– Дарвоқе, – деди у, – эшитдим, шумтакам кеча сизга чарм камондан ўқ отибди. Адабини бердим. Ҳатто пўписа ҳам қилдим: агар такрорланса – қуролини тортиб оламан.

– Қатлни томоша қилишга боролмагани учун хафа бўлса керак, – деди Уинстон.

– Ҳа, биласизми... нима демоқчиман. Улар тўғри тарби-
яланган. Тўполончи шумтакалар – буниси ҳам, униси ҳам,
лекин жуда тиришқоқ! Фикрлари бир нарса билан банд – жо-
суслик ва, албатта, уруш. Биласизми, кизим ўтган якшанба-
да нима қилибди? Улар Беркамстедга айлангани боришган.
У икки қиз билан отряддан ажралиб, кечгача бир одамни
кузатган. Икки соат ўрмонда унинг ортидан пойлаб юриб,
Амершемда уни патрулларга топширишган.

– Нимага керак бу? – Уинстон хайратланиб сўради.

Парсонс музаффарона давом этди:

– Қизим унинг душман жосуси эканини билган, уочқдан
парашютда тушгандир, масалан. Энг кизиғи нима, биласиз-
ми?! Нима учун қизим шубҳа қилган? Унинг пойабзали ан-
тикалигини қизим пайқаб қолган. Бирор киши бунақа туф-
лида юрганини кўрмаганман, дейди у. Хорижлик бўлса-чи?
Дўмбоғим ҳали етти ёшда, ақли эса, эҳ-хе, қанақа!

– У одамга нима бўлибди кейин? – сўради Уинстон.

– Э, қайдан билай. Ҳайратланмайман, агар... – Парсонс
куролдан нишонга олаётгандек кўрсатиб, тиллари билан
«пух» деб ўқ овозига ишора қилди.

– Яхши, – деди Сайм, унинг қўлидаги қоғоз лентадан
кўз узмай.

– Албатта, ҳушёрликни қўлдан бермаслигимиз керак, –
қўшилди Уинстон.

– Уруш кетяпти, ўзларингизга маълум, – деди Парсонс.

Уларнинг сўзларини тасдиқлагандай бошлари устидаги
телекрандан карнай садо берди. Аммо бу сафар фронтдаги
ғалаба эмас, Фаровонлик вазирлигининг хабари янгради:

– Ўртоқлар! – бакирди шиддатли ёш овоз. – Дикқат,
ўртоқлар! Ажойиб хабарлар! Ишлаб чиқариш жабҳасида
ғалабаларга эришилмоқда. Барча турдаги истеъмол маҳсу-
лотлари ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар шуни
кўрсатмоқдаки, ўтган йилгига қиёслаганда ҳаёт даражаси
20 фоизга ошди. Бугун эрталабдан бутун Океания бўйлаб
стихияли намоишлар тўлқини юзага келди. Меҳнаткашлар
завод ва муассасалардан чиқиб, Катта Оғага унинг доно
раҳбарлиги остида янги, бахтли ҳаёт кечираётганлари учун

миннатдорлик изҳор этилган баннерлар кўтариб кўчаларга чиқдилар. Мана, айрим якуний кўрсаткичлар. Озиқ-овқат маҳсулотлари...

«Устара пискаси такчил мамлакатда «ишлаб чиқариш галабаси» эмиш, деб ўйлади Уинстон.

«Янги, бахтли ҳаётимиз» сўзлари бир неча марта такрорланди. Охирги пайтлар Фаровонлик вазирлиги шу сўзларни ектириб қолган. Карнай садолари диққатини жалб қилган Парсонс оғзини очган ҳолда хабарни тинглар, зерикарли юз билан бўлса-да, ўзини тантанавор тутарди. У рақамларни илтифат билан ололмади-да, улар қувониш учун етарлигини яхши билди. У чўнтагидан беўхшов, сассик, ярмигача куйган тамаки билан тўлган муштугини чиқарди. Бир ҳафтага юз грамм меъёр белгиланган шароитда муштукни тўлдириш имкони ҳамиша ҳам бўлавермайди. Уинстон «Галаба» сигаретасини чекаркан, уни тўғри ушлаб туришга ҳаракат қиларди. Янги талон эртанги кундан амал қила бошлар, унда эса бор-йўғи тўртта сигарета қолганди. Ҳозир у ташқи шовқиндан ажралиб, телекрандан келаётган хабарларни тинглашга уринарди. Айтгандай, бериладиган шоколад меъёрини ҳафтасига йигирма граммгача кўтаргани учун Катта Оғага миннатдорлик билдириш учун ҳам намоёнлар бўлиб ўтибди. Кечагина шоколад меъёри ўттиз граммдан йигирма граммга оширилгани ҳақида хабар берилганди, деб ўйлади Уинстон. Наҳотки бунга ишониб кетаверадилар – бир кун ўтди, холос? Ишонишади. Парсонс, мана, осонгина ҳазм қилди бу хабарни, мисоли аҳмоқ хайвон. Қўшни столда ўтирган кўзсиз нусха ўтган ҳафтада меъёр ўттиз грамм бўлганини айтадиган ҳар қандай одамни мутаассибларча аниқлаш, фош этиш ва ўлдириб, буғлатиб юборишга тайёр. Сайм ҳам ишонди, фақат унинг ишончи жимжимадор, оҳанжамали, кўшфиқр аралашган ишончдир. Нима бўляпти, фақат ундагина хотира қолганми?

Телекран тўқима статистикани вулкондай отишда давом этарди. Ўтган йилга нисбатан озиқ-овқат кўпайди, кийим-кечак кўпайди, уй-жой кўпайди, уй анжомлари кўпайди, дошқазонлар кўпайди, ёқилғи кўпайди, кемалар кўпайди.

вертолётлар кўпайди, китоблар кўпайди, янги туғилган чақалоклар кўнайди – ҳамма нарса кўпайди, фақат касалликлар, жиноятлар ва ақлдан озишлар камайди, холос. Йилдан-йилга, дакикадан-дакикага ҳамма ва ҳамма нарса шиддат билан янги ва янги чўқкиларга кўтарилмоқда. Худди олдинроқ Сайм қилгани каби, Уинстон қошиқни олиб, тўкилган қайлани кавлаб, чўзинчоқ кўлмакчага тўғри шакл бера бошлади. У ғазаб билан ўз турмуши, ҳаёт шароитлари ҳақида ўйлай бошлади. Ҳаёти ҳамиша ҳам шундай эдими? Овкатнинг мазаси доим ҳам шунақа эдими? У яна ошхонани кўздан кечирди. Пастқам шифт, одам тўла зал, саноксиз баданлар сирғалганидан кирланган деворлар; чизиб ташланган, зич қўйилганидан кўшнинг билан тирсагинг тегиб турадиган металл столлар ва курсилар; қийшайган қошиқлар, кертилган патнислар, кўпол оқ чойидишлар; ҳамма юзаларни ёғ босган, ҳар бир ёриқда кир тўпланган; бемаза жиншаробнинг, бемаза қахванинг, мис аралаш қайланинг ва уникқан кийимларнинг аччиқ, кўланса ҳиди. Ошқозонинг ва терингга буларнинг бари ҳамиша ҳам ёкмасдими, ўзингни ҳақи алдаб тортиб олингандек ҳис қилмасмидинг? Ростини, у ўзининг бутун ҳаёти мобайнида бундан бошқачароғини кўрмаган. Хотирлаб қараса, ҳеч қачон озиқ-овкатга тўймаган, ҳеч қачон бутун пайпоқ ва ич кийимлари бўлмаган, мебеллари ҳамиша ғичирлаган ва путурдан кетган эди, хоналар яхши иситилмас, метро поездлари – одам билан зичланган, уйлар – хароба, нон – қора, чой – тақчил, қахва – расво, сигарета – оз, синтетик жиншаробдан бошқа ҳеч нарса етарли ва арзон эмасди. Албатта, инсон қарийди, унга ҳамма нарса ёқавермайди. Аммо нокулай, ифлос, ғариб тирикчиликдан, туганмас қишдан, эскирган пайпоқлардан, ҳеч қачон ишламайдиган лифтлардан, муздай сувдан, ғадир-будур совундан, кўлингда титилиб кетадиган сигаретадан, овкатнинг бадбўй хидидан кўнглинг озаётган бўлса, буларнинг бари нимадир жойида эмаслигидан нишона эмасми? Қачонлардир ҳаммаси бошқача бўлганини эслай олмасанг, бу ҳаёт нега чидаб бўлмас бўлиб туюлади?

У яна ошхона ичига назар солди. Деярли ҳамма одам

бадбашара эди, одатий кўк коржомаларидан бошқа либос кийсалар ҳам бадбашараликларича қоладилар. Узоқроқда бир одам ёлғиз ўтирибди, қахва хўпламоқда, у пакана, ғаройиб тарзда кўнғизни эслатади ва шубҳали кўзлари билан атрофга термилади. Агар атрофга қарамасанг, ўйлади Уинстон, партия назаридаги идеал инсонлар – баланд бўйли, мушаклари бўртган эркаклар ва кўкраклари бўйлик, яғриндор аёллар, ёруғ сочли, ташвишсиз, тириклик тафти уфурган, ҳаётсевар инсонларнинг нафақат борлиги, ҳатто кўплигига осон ишониш мумкин. Аслида эса, унинг фикри ожизича, I Парвоз минтақаси аҳолисининг аксарияти пакана, жоҳил ва беўхшов одамлар. Ажабланарлиси, вазирликларда кўнғизнусха одамлар урчиганди: пакана бақалок, калта оёқли, эрта тўлишганидан ҳаракатлари лопиллаган, юзлари қалин ва кўзлари кичкина одамчалар. Партия ҳокимияти остида негадир одамларнинг шундай тури гуркираб борарди.

Фаровонлик вазирлигининг ҳисоботини карнай садоси билан яқунлаган телекран шўх маршларини бошлади. Парсонс рақамлар дўлидан лоқайд шавққа тўлиб турганди, куй бошлангач, оғзидан муштугини чиқарди.

– Ҳа, бу йил Фаровонлик вазирлиги яхши меҳнат қилди, – деди у ва билағонларча бош силкиди. – Дарвоқе, Смит, қария, сизда мабодо устара пискаси йўқми?

– Бирорта ҳам йўқ, – жавоб берди Уинстон. – Олти ҳафтадан бери биттасида соқол оламан.

– Ҳа-а... ҳар ҳолда сўрадим-да, қария.

– Маъзур тутинг, – деди Уинстон.

Вазирлик ҳисоботи пайти пасайган қўшни столдаги ғақиллаш аввалги шиддати билан бошланди. Уинстон нимагадир Парсонс хонимни эслади, унинг сийрак сочлари, ажинларидаги чанг кўз ўнгига келди. Икки йилдан сўнг, балки олдинроқ, болалари уни Фикр полициясига чақиб беради. Парсонс хонимни буғлатиб юборадилар. Сайм ҳам буғланиб тамом бўлади. Уинстон ҳам буғланади. О'Брайен буғланиб кетади. Парсонсни, аксинча, ҳеч қачон буғлантириб юборишмайди. Ғақиллаётган кўзсизни ҳам ҳеч қачон буғлатишмайди. Пакана, вазирликлар лабиринтларида қув-

лик билан пилдираб юрүвчи кўнғизбашараларга ҳам тегишмайди. «Адабиёт бўлими»даги анави қизни буғлатишмайди. У ким ўлишию ким қолишини савқи табиий билан сезаётгандек эди, аммо жон саклаб қолишга нима ёрдам беришини айтишга қийналарди.

Бехос уни хаёллари уммонидан кўпол бир ҳамла тортиб олди – кўшни столдаги қиз секин ўгирилиб унга қараган эди. Ўша қора сочли қиз. У тушунарсиз синчковлик билан унга қиё боқди. Кўзлари учрашган захоти тескари ўтирилди.

Уинстоннинг умуртқаси бўйлаб тер оқа бошлади. Уни дахшатли ваҳима босди. Ваҳима тезда ўтди-ю, ўзидан хавотир қолдирди. Нега қиз уни кузатмоқда? Қиз у келганда шу ерда ўтирганмиди ёки кейин келдими – афсуски, эслай олмади. Кеча, Икки Дақиқа Нафратда тайинли бирор сабаб бўлмаса ҳам бу қиз унинг орқасида ўтирганди. Қиз уни эшитмокчи, нафратини сочиб етарлича жарангли бақиршини текширмокчи бўлгандир ўшанда, эҳтимол.

Аввалги ўйлари қайтди: бу қиз Фикр полициясининг штатдаги ходими бўлмаса керак, аммо энг хавфлиси у кўнгилли жосус бўлиши мумкин. Қиз қачондан бери уни кузатяпти – балки беш дақиқадан бери – шу вақт ичида у бирор ножўя ҳаракат қилиб қўймадими, номаълум эди. Агар сен жамоатчилик жойида ёки телекран қаршисида хаёл суриб қолсанг, оқибати мудҳиш эди. Сени энг мўъжаз нарса ҳам фош этиб қўйиши мумкин. Асабийлик, юздаги хавотир, минғирлаш – буларнинг бари ҳаддан ошиш, ниманидир яширишга уриниш деб қаралади. Ҳар ҳолда, юзнинг номакбул ифодаси (масалан, ғалаба ҳақида гапирилаётганда ишонқирамай қараш) жазоланадиган қилмиш ҳисобланади. Ҳатто Янгитилда бу ҳаракатни ифодалайдиган сўз бор – юзжиноят.

Қиз яна Уинстонга орқа қилиб ўтирди. Эҳтимол, қиз уни кузатмаётгандир; балки булар ҳаммаси – икки кундан буён у билан ёнма-ён ўтириб қолаётгани тасодифдир. Унинг сигаретаси ўчиб бўлганди, қолдиғини эҳтиёткорлик билан стол четига қўйди. Агар тамакиси тўкилиб кетмаса, ишдан кейин қолганини чекиб қўяди. Кўшни столдаги аёл – жосус бўлиши ҳам мумкин, агар шундай бўлса, уни яқин уч кун ичида

Муҳаббат вазирлигининг зиндонига тикишади, лекин сигарет қолдиғи увол кетмаслиги керак. Сайм ўзининг қоғозини тахлаб қўйди ва чўнтагига солди. Парсонс яна гапга тушди.

– Менинг шумтакаларим бозорда Катта Оға тасвирланган плакатга колбаса ўраб бергани учун чайқовчи аёлнинг этагини ёқиб юборишганини айтиб бермадимми? – чилим найини оғзидан чиқармасдан гап бошлади у. – Орқасига аста ўтиб, гугурт тўла кутича билан ёқиб юборишибди. Ўйлашимча, қаттиқ куйган. Оббо, шумтакалар-эй. Аммо улар тиришқоқ, чаққон! Уларни «Жосуслар»да шундай ўргатишади – аъло даражада, менинг давримдагидан ҳам яхшироқ. Нима деб ўйлайсизлар, уларга охирги марта қанақа қурол беришган? Эшитиш найчалари беришган, калит тешиқларига қўйиб эшитиш учун! Кеча қизчамиз уйга олиб келди ва умумий хона эшигига қўйиб текширди. Айтишича, шунчаки кулоқ билан эшитгандан кўра икки карра яхши экан! Албатта, бу ҳали ўйинчоқ. Аммо уларга тўғри тушунча беришяпти-да, а?

Телекран чинқироқ товуш чиқарди. Бу иш вақти бўлганига ишора эди. Учалови ҳам лифтнинг олдида тикилинчда қатнашиш учун сакраб туришди, Уинстоннинг сигаретасидаги тамаки дувиллаб тўкилди.

Уинстон кундалигига ёза бошлади:

Бу ўттиз уч йил аввал юз берганди. Қоронги тун, катта темирйўл бекатларидан бирига ёндош тор кўча. Аёл деярли нур таратмаётган кўча чироғи тагидаги йўлакда турарди. Ёшгина юзи ҳаддан зиёд бўяб-бежалган эди. Бўёқ эътиборимни жалб қилди – унинг оппоқлиги, алвонранг лаблар. Партиянинг қиз-жувонлари бўёқ суришмайди. Кўчада бошқа ҳеч ким йўқ, телекранлар ҳам қўйилмаган. Аёл: «Икки доллар», – деди. Мен...

У ёзишни давом эттиришга қийналди. У кўзларини юмди ва кўз олдидан кетмаётган тасвирни ҳайдаш учун ковоқларини бармоғи билан эзғилади. Овозининг борича сўкингиси келарди. Бошини деворга урса, столни тепиб ағдарса, сиёҳдонни деразадап улоқтирса – шу шовқин билан, тўполон билан, оғрик билан қалбини тирнаётган хотираси овозини ўчирсайди.

Сенинг энг ёвуз душманинг, ўйлади у, ўз асабинг. Исталган дақиқада ичингдаги асабий таранглик ташки кўринишингда акс этиб қолиши мумкин. У бир неча ҳафта олдин кўчада тасодифан учратиб қолган йўловчини эслади: ҳамма катори оддий одам, партия аъзоси, ёши ўттиз беш ёки қирқларда, озгин ва анча бўйдор, кўлида портфели бор. Улар бир-бирларидан бир неча қадам масофада эдилар, кутилмаганда йўловчинининг чап юзи спазмдан қийшайиб кетди. Улар тенглашиб қолганда, бу яна такрорланди: оний титроқ, худди сураткаш ускунаси чирқ этишидан қисқа, аммо одатий пирпираш. Уинстон ўшанда ўйлади: бечора адо бўлади. Энг дахшатлиси, бу беихтиёр бўлади. Ҳаммасидан ҳам хавфлиси – уйкуда гапириш. Бу исталган одамда бўлиши мумкин.

У нафасини ростлади ва яна ёза бошлади:

Мен аёлнинг ортидан йўлакка кирдим, у ердан ҳовли орқали ўтиб, ертўладаги ошхонага кирдим. Девор тагига тўшак солинган, столдаги чироқ пасайтириб қўйилганди. У...

Дарғазаблиги босилмаётган эди. Ҳаммасига тупургиси келди. Ертўладаги ошхонадаги аёлни эсларкан, ўз хотини

Котринни хотирлади. Уинстон уйланганди – қачондир, балки ховир ҳам оилали эди. Унинг билишича, хотини ҳамон тирик. У ертўла ошхонанинг кирланган кўйлақлар, бургаю битлар, арзон атирлар ифори аралаш оғир, сиқик хавосини симираётгандай эди – бу ҳаво аччиқ ва шу билан бирга дилтортар эди, чунки партия хотин-қизлари атир ишлатмасди, истаса ҳам ишлатолмасди. Фақат проллар ўзига зеб бера оларди. Уинстон учун атир ҳиди бузуқлик билан бевосита уйғун эди.

Бу унинг икки йил давомида биринчи марта гуноҳни қилиши эди. Фоҳишалар билан алоқа қилиш, албатта, тақиқланган эди, аммо бу тақиқ гоҳида бузиб турса бўладиган тақиқлардан эди. Хавфли, аммо ҳаёт-мамот масаласи эмас. Фоҳиша билан қўлга тушсанг, агар вазиятни оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, беш йилга мажбурий меҳнат лагерига қамалишинг мумкин, кўпга эмас. Бу жуда мураккаб иш эмас, жиноят устида тутиб олмасалар бўлгани. Қашшоқ маҳаллаларда ўз танини сотишга тайёр аёллар тўлиб ётарди. Айримларини бир шиша жиншаробга сотиб олиш ҳам мумкин эди: пролларга жиншароб берилмасди. Партия фоҳишабозликни зимдан қўллаб-қувватларди – аҳолининг барибир босиб бўлмайдиган инстинктлари қайнаб тошмаслиги учун бўшатиб турадиган туйнук эди бу. Бузуқликнинг ўзи унчалик ахамиятли эмас, муҳими у ўғринча ва хурсандчиликсиз, камбағал ва хўрланган табақа аёллари билан бўлса бас. Кечирилмайдиган жиноят – партия аъзоларининг ўзаро жинсий алоқада бўлиши эди. Гарчи катта тозалашлар даврида айримлар бу жиноятда айбланган ва иқдор қилинган эса-да, аммо бундай иш юз беришини тасаввур қилиб бўлмасди.

Партиянинг мақсади эркак ва аёл ўртасида назорат қилиб бўлмас садоқат пайдо бўлиши олдини олиш билангина чекланмаганди. Унинг эълон қилинмаган асил мақсади жинсий алоқани роҳат-фароғатдан мосуво этиш эди. Асосий душман, хоҳ никоҳ, хоҳ никоҳдан ташқарида бўлсин, шунчаки муҳаббат эмас, балки эротика эди. Партия аъзолари ўртасидаги ҳар бир никоҳни алоҳида қўмита тасдиқлар эди. Очиқ айтилмаса ҳам, агар эркак ва аёл жисмоний жиҳатдан бир-бирига ёқиши маълум бўлса, уларнинг никоҳига рухсат

берилмасди. Никоҳнинг фақат битта мақсади тан олинарди: партияга хизмат қилиш учун бола туғиш. Жинсий алоқага эса худди клизма сингари ёқимсиз амалиёт деб қаралиши керак. Буни ҳам очиқ айтишмас, аммо ҳар бир партия аъзосига болаликдан сингдириларди. «Сексга қарши ёшлар лигаси»-га ўхшаш ҳар иккала жинснинг тўла бокиралигини тарғиб қиладиган ташкилотлар бор эди. Бола сунъий уруғлантириш (Янгитилда сунъуруғ) орқали ҳосил қилиниши, жамоат пунктларида катта қилиниши керак эди. Уинстон билардики, бу талабни жиддий назорат қилишмаса ҳам, партиянинг умумий мафкурасига монанд эди. Партия жинсий инстинктни ўлдиришга интиларди, агар ўлдиришнинг иложи бўлмаса, уни бузиш ва ёмонотлиқ қилиш лозим эди. Бунинг нега кераклигини у тушунмасди, бироқ ҳайрон бўладиган жойи йўқ эди. Хотин-қизлар масаласида партия анча иш қилиб улгурганди.

У яна Кэтрин ҳақида ўйлади. Улар тўққиз... ўн... деярли ўн бир йил аввал ажралишганди. У хотини ҳақида жуда кам ўйлайди. Гоҳида бир ҳафтада бир марта ҳам хотини борлигини эсламайди. Улар бор-йўғи ўн беш ой бирга яшашди. Партия ажралишни ман қиларди, аммо боласи бўлмаганларнинг айри яшашига хайрхоҳ эди.

Кэтрин баланд бўйли, тик коматли малласоч жувон эди. Унинг аниқ-тиник, бургутона чехраси олийжаноб кўринарди, аммо тушуниб қолардингки, бу чехранинг ортида бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Оилавий ҳаётнинг бошиданок Уинстон – бошқа одамларни бу қадар яқин билмаганиданми – бу қадар аҳмоқ, расво, бўм-бўш аёл бўлмаса керак деб қатъий ишонарди. Унинг миясидаги фикрлар бошдан оёқ партия шиорларидан иборат эди, партия айтган бирорта аҳмоқона сўз йўқ эдики, у бемалол ҳазм қилмаган бўлсин. «Икки оёкли грамофон» – аёлини у ўзича шундай номлаб олган эди. Уинстон у билан яшашга тоқат қила оларди, фақат бир нарсага чидаб бўлмади – тўшак.

Унга жиндай тегинишинг билан сесканиб кетар ва котиб қоларди. Уни кучоққа олиш – ёғоч манекенни кучоқлаш билан баробар эди. Ажабланарлиси, у ҳатто кучоқлаётганда

хам бир пайтнинг ўзида бор кучи билан ўзидан итараётгандек туюларди. Унинг муздай қотган, тўнғиган мушаклари шу тасаввурни берарди. У кўзини юмиб ётарди, қаршилиқ ҳам қилмас, ёрдам ҳам бермасди, итоаткор эди гўё. Аввал бу жуда саросимага солди, кейин этини жунжуктира бошлади. Агар улар бошқа бирга ётмасликка келишсалар эди, Уинстон оилавий ҳаётга чидаши мумкин эди. Ҳайратли томони, Кэтрин бунга рози бўлмади. Биз, деди у, имкон бўлса, бола кўришимиз керак. Шундай қилиб, машғулотлар изчил, агар сабаб бўлмаса, ҳафтада бир мартадан давом этди. Аёли ҳатто орталабдан эслатиб қўйишни қанда қилмасди – унинг эсидан чиқиб қолишини истамас эди. Бунинг учун аёл иккита сўз топганди. Бири – «бола қилиш», бошқаси – «партия олдидаги бурчимиз» (ҳа, у жинсий алоқани айнан шундай ифодалар эди). Вақт ўтиб белгиланган куннинг келиши уни батамом саросимага сола бошлади. Бироқ унинг бахтига, бола пайдо бўлмади, Кэтрин уринишларни тўхтатишга қарор қилди ва улар тезда ажрашишди.

Уинстон овозсиз хўрсинди. У яна ручкасини қўлга олди ва ёзди:

Жувон тўшакка ўзини ташлади ва дарҳол, ҳеч бир тараддудсиз, тасвирлаб бўлмас дағаллик ва шаллақилиқ билан тагини кўтарди. Мен...

У ўзини ўша ерда, чирокнинг хира ёруғи остида кўрди ва яна димоғига арзон атирнинг бурга ҳиди аралаш ифори урилгандай бўлди, яна юраги дарғазаблиқ ва чорасизликдан сиқилди, ҳатто ўша лаҳзада ҳам Кэтриннинг партия ташвиқоти остида музлаб қолган оппоқ баданини эслади. Нега ҳамини шундай бўлиши керак? Нега унинг ўз аёли бўлиши мумкин эмас, нега унинг насибаси йилда бир учрайдиган ифлос, шошинқираган канчиқлар? Чинакам шавқ, ошиқлик деярли тасаввурга сиғмайдиган нарса. Партия аёллари бир тусдандир. Бокиралик уларнинг вужудига ва шуурига партияга садоқат сингари сингиб кетган. Болалиқдан берилган ишлов, ўйинлар ва совуқ сувда ювинишлар, мактабда, «Жосуслар»да, «Ёшлар лигаси»да едирилган сафсаталар, маърузалар, намоийишлар, қўшиқлар, шиорлар, ҳарбий мусиқа улардаги та-

бийи хисларни таг-томири билан ўлдиради. Ақли бундан му-стасно аёллар ҳам бор дейди, аммо юраги бунга ишонмайди. Уларнинг бари кўл етмаслар – партия ўз мақсадига эришган. Ҳатто севимли бўлишдан ҳам кўра, Уинстон ҳеч бўлмаса умрида бир марта – уқтирилган фазилат деворини қулатиш-ни истарди. Ҳақиқий жинсий акт – исён. Ҳирс – фикр жино-яти. Хотини бўлса ҳам, Кэтринни эритиш – агар уни эритиб бўлса – бу ҳам бузуклик бўларди.

Ҳикояни охиригача ёзиш керак эди. У ёзди:

Мен чироқнинг пилигини кўтардим. Мен уни чироқ ёруғида кўрганымда...

Қоронғиликдан сўнг чироқнинг милтираган ёруғи ҳам жуда равшан туюлди. Фақат эндигина у аёлни яққол кўрди. У аёл томон юрди ва тўхтади, хирс ва саросима ўртасида қолди. Бу ерга келар экан, ўзини тахликага қўйганини ан-ларди. Чикаётганда уни назоратчилар ушлаб олиши мумкин. Эҳтимол, эшик ортида аллақачон кутиб туришгандир. Агар у ўша ишни қилмай, кетганда ҳам!..

Буни ёзиш керак эди, иқрор бўлиш керак эди. Чироқ ёруғида кўрди – аёл қари эди. Юзига бўёқ шунақа қалин, қаватма-қават суртилган эдики, гўё ҳозир қоғоз ниқоб каби синиб кетиши мумкин эди. Сочлари оқара бошлаганди; энг ваҳшатли жойи: оғзини очди, оғзи бўм-бўш, ғордай коп-ко-ра. Бирорта тиши йўқ эди.

Шошилиб, ёнбошлаган ҳарфлар билан ёза бошлади:

Мен уни чироқ ёруғида кўрганымда, аёл жуда қари экан, у қаида эллик ёшда эди. Аммо мен тўхтамадим ва ишни охирига етказиб қўйдим.

Уинстон яна бармоқлари билан қовоғини ишқалади. Мана, у ҳаммасини ёзди, аммо ҳеч нарса ўзгармади. Даво-лаш ёрдам бермади. Бор овози билан сўкиниш истаги аввал-гидек кучли эди.

VII

Агар умид бўлса, – деб ёзди Уинстон, – умид пролларда бўлади.

Агар умид бўлса, у пролларда бўлиши керак: фақат пролларда бўлади, эътибордан четда қолган, Океания аҳтининг 85 фоизини ташиқил этадиган улқан бу оломонда партияни йўқ қилишга қобил куч туғилиши мумкин. Партияни ичдан ағдариб бўлмайди. Унинг душманлари – агар унинг душманлари бўлса – бириколмайдди, ҳатто бир-бирини таний олмайди. Агар ўша афсонавий «Биродарлик» бўлса ҳам – буни инкор этиб бўлмайди – унинг аъзолари икки ёки уч кишидан кўп гуруҳ бўлиб тўпланишини тасаввур қилиши мумкин эмас. Уларнинг исёни кўзларининг ифодасида, овозининг титроғида бўлиши мумкин; энг катта исён – аҳёнда шивирлаб айтилган бирор сўздир. Агар проллар ўз кучларини шундай олганларида эди, тил бириктириб, фитна қилишга ҳожат қолмасди. Улар ўрнидан туриб, бир силтаниб олса кифоя – худди тулпор силтаниб пашишаларни қувгани каби. Агар улар истасалар, эртага эрталаб туриб, партияни парча-парча қилиб ташлай оладилар. Эртами-кечми улар буни шундайдилар. Бироқ!..

Унинг ёдига келди, бир куни гавжум кўчадан ўтиб борарди ва бирдан қаршисидаги тор кўчадан кулоқни йиртиб юборадиган даражада кичкириқ, аёлларнинг чинқираши эшитилди. Ғазаб ва чорасизликнинг кучли, ваҳшатли нидоси, ширадор «Д-о-о-д!» кўнғироқдай даранглади. Унинг юраги тез уриб кетди. Бошланди! – деб ўйлади у. – Исён! Ниҳоят проллар кўзғалдилар! У яқинлашиб келди ва оломонни кўрди: бозор дўконлари олдида икки юз ёки уч юзтача аёл тўпланган, уларнинг юзлари чўкиб кетаётган кема йўловчилариникидай фожиавий тус олган. Бирдан умидсизлик кўланка солди, оломон ўзаро жанжаллашаётган гуруҳларга бўлиниб қолди. Маълум бўлишича, дўконлардан бирида тунука қозонча сотилган. Ғарибона омонат бир темир бўлаги – ошхона ашёларини топиш ҳамиша ҳам қийин эди. Маҳсулот тўсатдан тугабди. Тунука қозонча олган омадли аёллар оломоннинг турткиси ва ғазабига учраб, ашёлари билан тезда

кўздан нари кетдилар, омади чопмаганлар дўкон атрофида шовқин солиб, дўкончини таниш-билишчиликда, ту누ка қозонларни яшириб қўйганликда айблай бошладилар. Яна кичқириқ эшитилди. Иккита семиз жувон – бирининг сочлари ёйилган – битта ту누ка қозончага ёпишиб, икки томонга торта бошладилар. Иккаласи икки ёнга қаттиқ тортди ва ушлагичи узилиб тушди. Уинстон ижирғаниш билан кузатиб турарди. Бироқ бор-йўғи икки юз ёки уч юз кишининг чинқириғида даҳшатли бир куч гувулларди! Нега улар ҳеч қачон арзирли нарса учун ана шундай додламайди.!

У ёзди:

Улар токи онгли бўлмагунча исён қилмайдилар, токи исён қилмагунча онгли бўлолмайдилар.

Партия дарсликларидаги иборалардай ёмби бўлди, деб ўйлади у. Партия, албатта, пролларни кишанлардан озод қилганини таъкидлаб келарди. Инқилобгача уларни капиталистлар даҳшатли эздилар, оч-наҳор, калтаклар остида ишлатдилар, аёлларни шахталарда меҳнат қилдирдилар (дарвоқе, улар ҳозир ҳам шахталарда ишлашади), болаларни олти ёшидан фабрикаларга сотдилар. Бироқ, айти пайтда партия, кўшфикр тамойилига мувофиқ, шунга ўргатардики, проллар ўз табиатига кўра паст табақадир ва уларни бир неча оддий қоидалар асосида ҳайвон каби итоатда тутиб туриш лозим. Моҳиятан партия проллар ҳақида кўп нарсани билмасди. Кўп билишнинг кераги ҳам йўқ. Улар меҳнат қилсалар ва кўпайсалар бўлди – бошқа пайт билганларини қилсинлар. Аргентина кенгликларида ўтлаб юрган сигиру қўйлар каби ўз-ўзига ташлаб қўйилган проллар ҳаминиша ўзларининг ёввойи ва табиий ҳаёт тарзига қайтардилар – аждодлари изидан борардилар. Улар балчиқда туғилдилар, вояга етадилар, йигирма ёшда ишлай бошлайдилар, қисқа пайт жисмоний ва ҳирсий кудратга эга бўладилар, йигирма ёшда уйланадилар, ўтгиздан ошиб-ошмай ёшликлари ўтади, олтмиш ёшга бориб, одатда вафот этадилар. Оғир жисмоний меҳнат, уй ва болалар ташвишлари, кўшниллар билан жанжаллар, кино, футбол, пиво ва, асосийси, кимору гардкам ўйинлари – уларнинг онги шундан бошқасини сиғдирмайди. Уларни бошқариш қийин эмас. Улар ораси-

та хамиша Фикр полициясининг жосуслари айланиб юради; мишмиш таркатади, хавфлиларни топиб аниқлайди ва йўқ қилади. Бироқ уларни партия мафкурасига даъват қилишга интилмайдилар. Чунки пролларнинг сиёсатга катта қизиқиши номақбул саналарди. Улардан талаб қилинадигани иш вақти узайтирилганда ёки озик-овкат таъминоти қисқартирилганда керак бўлиб қоладиган содда ватанпарварлик эди. Улар бирор нарсадан норози бўлса ҳам – баъзида шундай бўларди – бу норозилик жиддийроқ ҳеч нарсага олиб бормасди, чунки уларда бирор умумий ғоя бўлмагани боис, норозилик қандайдир майда аҳамиятсиз ташвишлар билан чекланиб қоларди. Катта офатлар, фожиалар уларнинг эътиборидан четда қолаверарди. Пролларнинг аксарият кўпчилигининг уйида ҳатто телекран йўқ. Одатий полиция улар билан деярли шуғулланмайди. Лондонда жиноятчилик авжида, давлат ичидаги яхлит бир давлат: ўғрилар, босқинчилар, фоҳишалар, наркофурушлар, турли-туман товламачилар, фирибгарлар; бироқ бу нарсалар проллар орасидан ташқари чиқмагани учун уларга эътибор қилинмайди. Барча ахлоқий масалаларда уларга аждодларининг урф-одатларига эргашиб имкони берилган. Партияга хос жинсий порсолик пролларга татбиқ этилмайди. Улар зино учун жазоланмайди, оилавий ажралишларга руҳсат берилган. Дарвоқе, агар қизиқиш билдирсалар диний ибодатлар ҳам уларга манъа этилмайди. Проллар шубҳа-гумон қилишга ҳам арзитилмайди. Партиянинг шиори шундай: «Проллар ва ҳайвонлар эркиндирлар».

Уинстон энгашиб варикоз ярасини оҳиста қашиб қўйди. Яна қичимаси кўзғалди. Истасанг ҳам, истамасанг ҳам бир масалага қайтаверасан: инқилобдан олдинги ҳаёт қанақа бўлган? У стол тортмасидан Парсонс хонимдан сўраб олган тарих дарслигини олиб, ундан кундалигига парча кўчира бошлади.

Аввалги замонда, шонли Инқилобдан олдин, Лондон бугун биз билгандай гўзал шаҳар эмасди. Қоронги, кир-чир, зимистон бир шаҳар эди ва унда деярли ҳамма оч-наҳор яшарди, юзлаб, минглаб қашшоқлар оёқяланг юрарди ва яшашига уйи ҳам йўқ эди. Сенинг тенгдошларинг бўлган болалар золим хўжайинлар қўл остида ўн икки соатлаб ишлардилар;

агар улар секин ишласалар, уларни хивич билан савалашарди, улар қотган нон ва сув билан овқатланардилар. Бу даҳшатли қашишоқлик ўртасида бойларнинг ҳашаматли уйлари қад тиклаб турар, бу уйларда ўттизлаб хизматкорлар хизмат қиларди. Бойлар капиталистлар деб аталарди. Улар қорни катта, семиз, беўхшов, юзлари баҳайбат одамлар эди – кейинги саҳифада тасвирланганига ўхшаш. Кўриб турганингиздек, уларда узун қора костюм бўлиб, уни фрак дейишарди, бошларида печка қувуридай галати ялтироқ шляпа турарди – уни цилиндр дердилар. Бу капиталистларнинг ўзига хос кийими эди, бошқалар уни кийиши мумкин эмасди. Дунёдаги ҳамма нарсага капиталистлар эгалик қиларди ва қолган инсонлар уларнинг қуллари эди. Ҳамма ерлар, ҳамма уйлар, ҳамма фабрикалар ва ҳамма пуллар уларники эди. Ким уларга итоат этмаса қамоққа ташлардилар ёки очликдан ўлдирishi учун ишдан ҳайдардилар. Оддий инсон капиталист билан гаплашиши учун букилиб, таъзим қилиши, бош кийимини қўлга олиб туриши ва уни «сэр» деб аташи шарт эди. Энг катта капиталист қирол деб аталарди ва...

У қолганини ёддан биларди. Ипак энгли епископлар, жияги оқсувсардан бўлган мантияли судьялар, тавқи лаънат устунни, кундалар, дорлар, тўкқиз думли камчинлар, лорд-мэрнинг қабулидаги зиёфатлар, роҳиб отанинг туфлисини ўпиш одатлари. *Jus primae noctis*³ деб аталган қонун ҳам бор, аммо болалар учун дарсликда уни, эҳтимол, тилга олишмагандир. Бу шундай қонун эдики, унга кўра, ҳар бир капиталист ўз фабрикасида ишлайдиган исталган аёл билан тўшакка ётиши мумкин эди.

Бу матнларда қанча ёлғон борлигини қандай билса бўлади? Эҳтимол, ўртача одам инқилобдан олдингидан яхши яшаётгандир. Бунга қарши ягона далилинг – суякларингдаги сассиз исён, ҳаётинг чидаб бўлмас даражада оғир эканини, қачондир ҳаёт бошқача бўлганини савқи табиий билан сезишингдир. Унинг миясига бир фикр келди, ҳозирги ҳаётга энг хос нарса – ҳаётнинг шафқатсизлиги ва беқарорлиги эмас, унинг нотавонлиги, нурсизлиги, руҳсизлигидир. Атрофга қа-

3 Биринчи кеча ҳукуқи.

райсан – телекранлардан окиб чиқаётган ёлгонларга, партия ингилаётган идеалларга ўхшаган нарсани тополмайсан. Ҳатто партия аъзоси умрининг ҳам катта қисми нейтрал, сиёсатдан йироқ ўтади: тинкакуритар ишда бош кўтармайди, метро вагониди ўтириб кетиш учун тикилади, йиртиқ пайпоғини ямаб кияди, шакарли таблеткани кўшнилардан тиланади, сигаретнинг қолдиқларигача асраб юради. Партия идеали – қандайдир маҳобатли, ҳашаматли, яркироқ нарса – пўлат ва бетон, ваҳшатли машиналар ва даҳшатли қурол-яроғлар дунёси, бир сифда олға интиладиган жангчи халқ ва фақат бир фикрни ўйнайдиган, бир шиорни қичқирадиган, тинимсиз меҳнат қиланинган, урушадиган, тантана қиладиган, жазолайдиган мутаассиблар – бир-биридан фарқ қилмайдиган уч юз миллион одам. Вокелик эса чириб боряпти, оч одамлар йиртиқ калишларда гентирайдиган хонавайрон шаҳарлар, ўн тўққизинчи асрнинг нутурдан кетган, қарам ва хожатхона ҳиди анқиган кулбалар... Унинг кўз ўнгида Лондон манзараси жонланди – улкан харобелар шаҳри, миллионлаб ахлат қутилари шаҳри, бу манзарата юзлари ажинли, сочлари ёғли, ахлат тикилган канализация қувурини чорасиз қавлаб ётган аёл – Парсонс хоним қиёфаси пайдо бўлди.

У яна энгашиб, товонини қашлади. Телекранлар кеча-кундуз қулоғингни одамлар тўйиб овқатланаётгани, кийим-кечак кўпайгани, уйлар яхшилангани, кўнгилочар тadbирлар янада қувноқлашгани, одамлар узокроқ яшаётгани, кам ишлаётгани ва ўзлари ҳам катталашаётгани, соғломлашгани, куч-қувватга тўлиб бораётгани, эллик йил олдингидан бахтлироқ, ақллироқ, маърифатлироқ экани ҳақидаги статистик ҳисоботлар билан тўлдиради. Бу ерда бирор сўзни исботлаб ёки инкор этиб бўлмайди. Партия, масалан, шуни таъкидлайдики, бугун вояга етган пролларнинг қирқ фоизи саводли, инқилобдан олдин саводдилар бор-йўғи ўн беш фоиз эди. Партиянинг даъвосича, бугун болалар ўлими бор-йўғи туғилган ҳар минг болага 160 та бўлиб, инқилобгача 300 та эди ... ва ҳоказо. Бу иккита номаълумли битта тенгламага ўхшайди. Катта эҳтимол-ла, тарих китобларидаги ҳақиқатли ҳар бир сўз – ҳаттоки жуда аён кўриниб турганлари

хам – паккос уйдирмадир. Ким билади, эхтимол, *jus primae noctis* ёки капиталист деган махлуқ ёхуд цилиндр деган бош кийими ҳеч қачон бўлмагандир.

Ҳаммасини туман босган. Ўтмиш ўчирилган, ўчирилгани унутилган, ёлғон ҳақиқатга айланган. Ҳаётида у фақат бир марта – воқеа содир бўлганидан сўнг, бу жуда муҳим – сохталаштиришни тасдиқловчи аниқ ва равшан далилга эга бўлди. У бу далилни ярим дақиқа кўлида тутиб турди. Бу балки 1973 йил эди, тахминан, Кэтрин билан ажрашган пайтлар эди. Аниқроғи, етти ёки саккиз йил муқаддам эди.

Бу тарих олтмишинчи йилларнинг ўрталарида, инкилобнинг ҳақиқий раҳнаmolари биттама-битта йўқ қилинган катта тозалашлар даврида бошланганди. 1970 йилгача Катта Оғадан бошқа бирортаси қолмади. Ҳаммасини аксил-инкилобчилар ва хоинлар сифатида фон қилдилар. Голдстейн қочиб кетди ва қаергадир яширинди, кимдир бағамом ғойиб бўлди, кўпчилик эса ўз жиноятларига иқрор этилган шов-шувли суд жараёнларидан сўнг қатл этилди. Улар орасида омон қолганлари уч киши эди: Жонс, Аронсон ва Резерфорд. Уларни 1965 йилда қўлга олишди. Одатдагидай улар бир йил ёки бир йилдан сал зиёд вақт ғойиб бўлишди, уларнинг тирик ёки ўлганлигини ҳеч ким билмасди. Бирок кейин уларни тўсатдан олиб чиқишди ва улар, одатдагидай, айбларига иқрор қилиндилар. Улар душман билан алоқа қилганларини (ўша пайтда ҳам душман Евросиё эди), ижтимоий жамғармаларни сарфлаб юборганларини, садоқатли партия аъзоларини ўлдирганларини, Катта Оғанинг ҳокимияти тагини кавлаганларини тан олдилар; гўё минглаб одамларнинг жонига зомин бўлган бу жиноятларини инкилобдан аввал бошлашган экан. Улар айбларини тан олдилар, афв этилдилар, партиёга тикландилар ва номи жуда улуғ – супраси куруқ лавозимларга тайинландилар. Учалови ҳам «Таймс» газетасида узундан-узун тазаррули мақолалар ёзиб, ўз хиёнатларининг илдизларини баён қилдилар ва айбларини ювишга ваъда бердилар.

Улар озод этилганларидан сўнг, Уинстон ҳақиқатан ҳам учаласини «Каштан остида» кафесида ўз кўзи билан кўрган-

ди. Уларни зимдан кузатган, даҳшатга тушган ва кўзларини узолмай қолганди. Уларнинг ундан ёшлари катта эди – улар кадимги дунёнинг унсурлари бўлиб, партиянинг шонли йилларидан қолган охирги улкан шахслар эдилар. Яширин кураш ва фукаролик урушининг шонли руҳи ҳамон уларнинг тепасида чарх уриб турарди. Гарчи фактлар ва саналар анчагина хираллашиб кетган бўлса-да – уларнинг исм-шарифларини у Катта Оганикидан ҳам анча олдин эшитгандек туюларди. Аммо улар қонун доирасидан четда эдилар, душман эдилар, яқин бир ёки икки йилда йўқ қилинишга маҳкум эдилар. Фикр полициясининг қўлига бир марта тушган одам ҳеч қачон қутула олмайди. Улар кўмилишини кутиб ётган мурдалар эди.

Уларнинг атрофидаги столлар олдида ҳам бирор тирик жон йўқ эди. Бундай муҳолифатчи одамлар яқинида кўриниш бериш ҳам ақлга сиғмасди. Улар жимгина ўтириб, қалампирмунчоқ ифорли жиншаробдан ичардилар – бу айнан шу кафенинг хос ичимлиги эди. Уинстонга ҳаммадан ҳам кўра Резерфорднинг қиёфаси кучлироқ таассурот қолдирди. Бир замонлар машҳур карикатурачи мусаввир бўлган бу одам инқилобдан олдин ва инқилоб даврида ўз суратлари билан ижтимоий эҳтиросларни оловлантиришга катта ҳисса қўшган. Унинг карикатуралари ҳозир ҳам гоҳо-гоҳо «Таймс»да чоп этилади. Булари аввалги услубига қуруқ тақлид бўлиб, ўта жонсиз ва ишонарсиз расмлар эди. Эски мавзуларни қайта жонлантиришга уриниш: ташландик вайроналар, оч-наҳор гўдақлар, кўча жанглари, цилиндр шляпали корчалонлар – улар ҳатто баррикадаларда ҳам цилиндрларидан воз кечмайдилар – ўтмишга қайтишга самарасиз ва тинимсиз ҳаракат. У жуда баҳайбат одам эди – бир тутам ёғли кулранг сочлар, ажин босган ва шишлар тўла юз, негрча қабарик лаблар. Қачондир у, эҳтимол, катта қудратга эга бўлгандир, ҳозир эса унинг баҳайбат гавдаси у ер-бу еридан шишган, осилган, чўккан, у ер-бу ери буришган-тиришган. У гўё кўз ўнгимизда парчаланиб бораётган – емирилаётган тоғ эди.

Соат 15 эди, ҳамма ёқ жимжит. Уинстон бундай сокин пайтда у кафега қандай бориб қолганини ҳозир эслай олмай-

ди. Емакхона деярли кимсасиз эди. Телекрандан шиддатли мусика жарангларди. Бу учовлон бир бурчақда сассиз ва деярли ҳаракатсиз ўтирардилар. Хизматчи, уларнинг буюртмасини ҳам кутмасдан, яна бир қадаҳдан жиншароб келтирди. Уларнинг столларида тошлари териб қўйилган шатранж турарди, аммо ҳеч ким ўйнамаётганди. Тўсатдан телекранларга нимадир бўлди – бу ярим дақиқагина давом этди. Мусиқа ўзгарди ва мусиканинг кайфияти ҳам ўзгарди. Нимадир бошқа нарса кириб келгандай гўё ... бунини тушунтириш қийин. Ғалати, чирсиллаган, чинқирган, ижирғангандай оҳанг – Уинстон бунини ўзича сарғиш оҳанг деб атади. Кейин қўшиқ овози келди:

*Соядор каштан остида
Мен сотдим, сен сотдинг –
Сербарг каштан остида
Ётармиз куппа-кундуз –
Сен ўнгда, мен эса сўлда.*

Учовлон кимирлаб ҳам қўйишмади. Бироқ Уинстон Резерфорднинг вайрона чехрасига бу гал қараганида кўзларидаги ёшни кўрди. Шундагина Уинстон ички бир титроқ билан, нега титраганини ҳали ҳам тушунмай сездик, Аронсон ва Резерфорднинг бурунлари мажақланганди.

Бироз вақтдан сўнг учаловини ҳам яна ҳибсга олишди. Маълум бўлишича, озод этилгандан сўнг, улар дарҳол яна янги фитналарни бошлаган эмишлар. Иккинчи суд ишида ҳам улар аввалги барча жинойтларига ва яна бир қанча янги жинойтларига иқроор бўлдилар. Уларни қатл этишди, келгуси авлодларга сабоқ сифатида уларнинг кечмиши партия тарихига тиркаб қўйилди. Орадан беш йиллар ўтгач, 1973 йилда, пневматик қувурдан ҳозиргина отилиб тушган материалларни ёйиб қўя туриб, Уинстон тасодикий қоғоз парчасини кўриб қолди. Қоғозни столга ёйиб кўргандаёқ парча аҳамиятини дарҳол фаҳмлади. Бу ўн йиллар аввал чоп этилган «Таймс» газетаси варағининг ярми – тепадаги ярми эди, чунки у ерда санаси чоп этилганди. Саҳифада партиянинг Нью-Йоркда ўтказилган тадбирида қатнашганлар суратлари бор эди. Гуруҳнинг марказида Жонс, Аронсон ва Резерфорд

ажралиб туришарди. Уларни танимаслик мумкин эмас, қолаверса, суратнинг тагида исмлари ёзилган эди.

Иккала судда ҳам учалови ўша кунда Евросиё худудида бўлганликларига иқрор бўлишганди. Канададаги яширин аэродромдан уларни қаёққадир Сибирга, Евросиё бош штаби ходимлари билан учрашувга олиб боришган, бу учрашувда улар жуда муҳим ҳарбий сирларни душманга сотганлар. Бу сана Уинстон хотирасига муҳрланиб қолганига ўша куни ёз ўртаси бўлгани сабаб эди: дарвоқе, бу жинойий иш кўп ерда ёзилган. Бундан фақат битта хулоса чиқариш мумкин: уларнинг иқрори ёлғон бўлган.

Албатта, бу жуда катта кашфиёт эмасди. Уинстон ўшандаёқ тозалашлар даврида йўқ қилинган инсонлар аслида жиноят қилмаганини биларди. Кўлидаги парча аниқ далил эди, ўчирилган ўтмишнинг парчаси эди, қутилмаган геологик қағламдан топилган тошқотган суяк бутун геологик назарияни вайрон этгани каби эди. Агар бу фактни эълон қилиш, унинг моҳиятини тушунтириш имкони бўлганда эди, бу қоғоз парчасининг ўзи партияни парча-парча этиб юборишга кифоя қиларди.

Уинстон дарҳол ишга киришди. Суратни кўриб, унинг моҳиятини англаган заҳоти, устини бошқа қоғоз билан ёпти. Хайриятки, телекранга сурат оёғи осмондан бўлиб кўринарди.

У дафтарчасини тиззасига қўйди ва стулини суриб, телекрандан узоқроққа кетди. Ўзини хотиржам кўрсатиш кийин эмасди, ҳаракат қилинса, текис нафас олиш ҳам мумкин эди, аммо юрак уришини текислаш мушкул, телекран жуда сезгир, осон сезиб қолади. У кўрқув исқанжасида, ўзининг ҳисобича, ўн дақиқалар кутиб турди, уни қандайдир тасодиф, масалан, беҳосдан эсган елвизак шамол қоғоз парчасини учуриб юбориб фош қилади, деб ҳайиқди. Кейин, суратни очмасдан, бошқа кераксиз қоғозлар билан бирга хотира туйнукчасига отиб юборди. Бир дақиқадан сўнг, суратли газета парчаси, эҳтимол, кулга айланиб кетди.

Бу ўн-ўн бир йиллар аввал бўлганди. Агар бугун бўлганда, у суратни сақлаб қолган бўлар эди. Ажабо, ўша суратни қачондир ўз кўлида ушлаб, ўз кўзи билан кўргани ҳали-ҳануз унга таъсир ўтказиб келади. Вахоланки, сурат ҳам, унда

ифодаланган воқеа ҳам шунчаки хотира эди, холос. Авваллари партиянинг мозий устидан хукмронлиги ҳозиргидан заифроқмидики, ҳозир топилмайдиган далиллар ўша вақтда учраб қоларди, деб ажабланди у.

Бугун эса, ҳатто ўша суратни тиклаганда ҳам, у далил бўла олмаслиги мумкин. Ахир, у суратни кўрган пайтда Океания Евросиё билан урушни бас қилган ва ўша учта мурда ватанни Остосиё жосусларига сотган бўлишлари лозим эди. Ўшандан кейин ҳам яна ўзгаришлар бўлди – икки, уч бора, неча марталигини у эслай олмасди. Балки айбланганларнинг иқрорлари қайта ва қайта тахрирланаверганидан, дастлабки фактлар ва саноалар аллақачон аҳамиятини йўқотгандир. Ўтмиш нафакат сохталаштирилади, у узлуксиз ўзгартирилаверади. Унинг учун энг дахшатлиси шуки, бу улкан алдамчиликдан мақсад нима эканини у ҳеч қачон аниқ тушунолмайди. Ўтмишни сохталаштиришнинг шу пайтдаги фойдаси аён, аммо унинг пировард мақсади – жумбоқ. У яна ручкани олди ва ёзди:

Мен ҚАНДАЙлигини тушунаман; НЕГАлигини тушунмайман.

У ўйланиб қолди, аввал ҳам бу ҳақда кўп бора ўйлаган, унинг ўзи ақлдан озмаганмикин? Эҳтимол, ким озчилик бўлса, ёлғиз бўлса, ўша ақлдан озган бўлади. Қачондир Ер Қуёш атрофида айланади, деб ўйлаш телбалик ҳисобланган. Бугун ўтмишни ўзгартириш мумкинмас, дейиш телбаликдир. Эҳтимол, бунга фақат у ишонар, агар бир ўзи шу фикрда бўлса, демак, у – телба. Ақлдан озганлиги ҳақидаги фикр уни хавотирга солмасди. Ёмони – унинг ўзи адашаётган бўлиши мумкин.

У болалар учун тарих китобини қўлга олди ва Катта Оғанинг сурати чоп этилган ички муқовага қаради. Унга сеҳрловчи бир назар ярқ этиб тушди. Гўё қандайдир маҳобатли куч сенга босим ўтказаетгандек – у мия суягининг ичига киради, мияни ғижимлайди, ишонч-эътиқодингни сиқиб чиқаради, ўз сезгиларингни инкор этишга мажбурлайди. Охир-оқибат, партия икки қарра икки – беш, деб эълон қилади ва бунга ишонишга тўғри келади. Эртами-кечми партия шундай қилиши муқаррар, партия хукмронлигининг мантиғи шунга

олиб бормоқда. Унинг фалсафаси сезгиларинг тўғрилигини инкор қилиш билан чекланмайди, балки ташқи дунёнинг мавжудлигини ҳам рад этади. Кундалик ақл – энг катта адабишдир. Ўзгача фикринг учун ўлдиришлари кўрқинчли эмас, уларнинг ҳақ бўлиб чиқиши – ана шуниси мудхишдир. Аслида, икки карра икки – тўрт эканини қандай биламиз? Ёки тортишиш кучини-чи? Ўтмишни ўзгартириб бўлмаслигини-чи? Агар ўтмиш ҳам, ташқи дунё ҳам фақат бизнинг онгимизда мавжуд бўлса, онгни эса бошқариш мумкин бўлса – унда нима бўлади?

Йўқ! Унда беҳосдан жўмардлик кучи пайдо бўлди. Тайинли боғлиқлик бўлмаса ҳам, унинг онгида О'Брайеннинг чеҳраси гавдаланди. Энди у О'Брайен менинг томонимда, деган қатъий хулосага келди. У кундалигини О'Брайен учун – О'Брайенга атаб ёзаётганди. Бу худди ҳеч ким ўқимайдиган сўнгсиз мактубга ўхшайди, аммо у муайян инсонга бағишланган ва шу билан қадрли.

Партия кўз ва қулоқларингга ишонмасликни амр этди. Бу унинг энг сўнгги ва энг муҳим буйруғидир. Ўзига қарши қандай қудратли куч тургани, партиянинг исталган мафкуралариси баҳсда уни енга олиши, унинг нозик ифодаланган аргументларини инкор этиш тугул, тушуна олмаслигини ўйлаганида кўнгли чўқади. Бироқ у – ҳақ! Улар ноҳақдир, у ҳақ – ҳақ. Ошқора, аҳмоқона, тўғри ҳақиқатни ҳимоя қилиш керак. Азалий ҳақиқат ҳаққонийдир – шу қарорда собит тур! Олам мустаҳкам воқелиқдир, унинг қонунлари ўзгармасдир. Ҳошлар – қаттиқ, сув – ҳўл, таянчи бўлмаган нарсалар Ернинг марказига интилади. Буни у О'Брайенга айтаётганини ва муҳим аксиомани олдинга сураётганини сезга ҳолда, Уинстон ёзди:

Эркинлик – икки карра икки – тўрт, деб айта олиш имконидир. Агар бунга имкон бўлса, қолган ҳаммаси шунга эргашади.

Қаердандир, йўлакнинг ичкарисидан қовурилган қаҳванинг ифори кўчага чиқаётганди – ҳақиқий қаҳва, «Ғалаба» қаҳваси эмас. Уинстон беихтиёр тўхтаб қолди. Икки сониягина болаликнинг унутилаёзган дунёсига қайтди. Кейин эшик шик этиб ёпилди ва хушбўй ифор худди овоз каби шарт узилди.

У кўчалар бўйлаб бир неча километр юрди, оёғидаги в-арикоз яраси сирқираб оғрир эди. Мана, уч ҳафта ичида иккинчи марта Жамоат марказдаги учрашувга боролмаяпти – калта ўйланган иш бу – марказга неча марта борганингни ҳисоб қилишлари аниқ. Аслида партия аъзосининг бўш вақти бўлмайди, у фақат тўшакда ёлғиз қолиши мумкин. Таомилга кўра, партия аъзоси ишдан, таомланишдан ва уйқудан қолган вақтини ижтимоий тадбирларда ўтказади; ёлғизлик ишташ, ҳатто ҳамроҳсиз сайр қилиш ҳам доим бир қадар хавфли. Янгитилда буни ифодалайдиган сўз ҳам бор: ўзҳаёт, бу индивидуализм ва тентакликни англатади. Аммо шу бугун кечкурун, вазирликдан чиқаётиб, апрелнинг майин ҳавоси таъсир қилди. Осмондаги бундайин илиқ мовийликни у бу йил бирор марта кўрмаган эди, марказдаги узундан-узук кечки тадбир, зерикарли, тинкақуритар ўйинлар, маърузалар, жиншароб билан мойланса-да, ғижирлаб ётган ўртоқлик давраси – буларнинг бари бугун чидаб бўлмас туюлди. Тўсатдан дилида пайдо бўлган завқ-шавққа учиб, у автобус бекатидан нари кетди, Лондоннинг чалкаш йўлларини сайр қилди, аввал жанубга, кейин шарққа, кейин шимолга юрди, нотаниш кўчаларда адашди ва кўзи тушган томонларга бо-раверди.

«Агар умид бўлса, – деб ёзганди Уинстон, – умид пролларда бўлади». Бошида шу гап айланиб юради – мистик ҳақиқат ва аён сафсата. У қачондир Сент-Панкрас бекатидан шимол-шарқий томондаги хира, жигарранг харобалар олдига бориб қолганди. У тошкўча бўйлаб эшиклари тирналган икки қаватли уйлар ёнидан ўтиб борар, бу уйларнинг эшиклари бевосита йўлакка очиларди ва каламуш уяларини эслатарди. Тошкўчанинг у ер-бу ерида ифлосланган, чиркин сувлар

тўпланиб қолганди. Икки томондаги коронғи йўлакларда ва гор ўтиш жойларида одамлар ҳаддан зиёд кўп эди – оғзининг чети дағал бўялган, балоғатга етган қизлар, қизларни қувиб юрган йигитлар, ўн йиллар ўтгач қизлар кимга айланишини намоиш этиб турган бақалок, гўштдор хотинлар, қоқсуяк оёқларини шиқирлатганча букчайган кампирлар ва кўлмакларни сачратиб ўйнаётган, онасининг қарғишидан сочилиб қочаётган йиртиқ-ямоқ кийимли, ялангоёқ болалар. Ҳар гўртинчи дераза синган ёки тахта билан қоқиб ташланган. Уинстонга деярли эътибор беришмади, бироқ айримлари хавотир ва қизиқиш билан изидан қарашарди. Эшик олдида пишиқ ғиштдай қизғиш кўлларини этакларига қўйганча, иккита баҳайбат жувон суҳбатлашарди. Уларга яқинлашаркан, Уинстон суҳбатнинг узук-юлуқ парчаларини эшитди.

– Ҳа, айтаман-да, буларнинг бари яхши, дейман-да. Аммо менинг ўрнимда бўлганингда, сен ҳам шундай қилган бўлардинг. Айтишга осон, дейман-да, баҳо бериш осон – мен кўрганни кўрсайдинг...

– Ҳа-а, – жавоб берди иккинчиси. – Ҳамма гап шунда-да.

Кескин овозлар бирдан ўчди. Жимиб қолган аёллар уни ёвқараш билан қаршиладилар. Дарвоқе, бу душманона эмас, эҳтиёткорона қараш эди. Улар, худди номаълум ҳайвонга дуч келгандай, бир муддат нафасларини ичга ютдилар. Партия аъзосининг кўк коржомасини бу кўчаларда кам кўришган. Бу жойларда сабабсиз кўриниш керак эмасди. Патрулга дуч келсанг, тўхтатиб қолишлари мумкин. «Ўртоқ, хужжатларингиз... Бу ерда нима қиляпсиз? Ишдан соат нечада чиқдингиз? Ишга доим шу йўлдан қатнайсизми?» ва ҳоказо, ҳоказо. Уйга ноодатий йўл билан қайтиш ман этилмаган, аммо Фикр полицияси ис олса, эътиборга тушишинг учун шу етарлидир.

Бехосдан бутун кўча ҳаракатга келди. Ҳамма томондан оғохлантирувчи кичкириқлар эшитилди. Одамлар куёндек ўзларини эшикка урди. Уинстонга яқин турган эшикдан бир ёш жувон югуриб чиқди ва кўлмакда ўйнаб ўтирган кичкина болани этагига ўраб, уйга югуриб кириб кетди. Худди шу лаҳза йўлкада чарм гармонни эслатувчи қора костюмда бир

эркак пайдо бўлди, Уинстоннинг олдига югуриб келди-да, хаяжон билан осмонни кўрсатди.

– Паровоз! – деб бақирди у. – Қара, директор! Ҳозир бошингга тушади! Тезроқ ёт!

Проллар негадир ракетани паровоз деб атарди. Уинстон ўзини узала ерга ташлади. Бундай вазиятларда проллар деярли ҳеч қачон адашмайдилар. Уларга сезимлари ракета учиб келишидан бир неча сония олдин хабар қиладигандай гўё. Ахир ракеталар товушдан ҳам тез учади, дейишарди. Уинстон бошини қўллари билан беркитди. Йўлкани зириллатиб, нимадир портлади. Унинг орқасига қандайдир енгил нарсалар дувиллаб тўкилди. Ўрнидан тургач, кўрдик, унинг устига дераза ойнаси синиқлари тўкилган.

У йўлида давом этди. Икки юз метрлар нарида ракета бир нечта уйни вайрон қилган эди. Ҳавога қора тутун ўрлаб чиққан, тутун остида оҳак чанги, вайроналар атрофида аллақачон одам тўпланган. Олдинда учиб тушган сувокнинг уюми ётарди, унда Уинстон қип-қизил нарсани кўрди. Яқинроқ бориб қараса, бу билакдан узилиб тушган қўл экан. Қон кўпигини айтмаганда, бармоқлар худди гипсдан ясалгандек оппок эди.

У оёғи билан қўл парчасини оқава сувга суриб туширди ва оломонни айланиб ўтиш учун чап томондаги йўлакка бурилди. Уч-тўрт дақиқадан сўнг у портлаш жойидан чиқиб олди. Бу ердаги кўчада ҳеч нарса бўлмагандай гавжум ҳаёт давом этар эди. Соат кеч саккизга яқинлашган, ичимлик сотадиган дўконлар пролларга лик тўлган эди. (Улар бу дўконларни «паблар» деб аташарди.) Дўконларнинг чиркин эшиклари тинимсиз очилиб ёпилар, кўчага сийдик, киринди ва ачимсиқ пивонинг ҳиди анқирди. Бўртиб чиққан уйнинг бурчагида учта эркак бир-бирига жуда яқин турарди: ўртадагиси қўлида тахланган газетани ушлаб турар, қолган иккитаси унинг елкаси оша ўқирди. Узоқдан Уинстон уларнинг юзларидаги ифодани ажрата олмас, аммо уларнинг бу туриши газетага жуда берилиб кетганларини билдирарди. Афтидан, улар жуда муҳим бир хабарни ўқиётган эдилар. Уларга етишга бир неча қадам колганда, гуруҳ иккига ажралди ва иккита

одам шовкин-сурон солиб, тортиша кетди. Гўё бир нафасдан кейин катта муштлашув бошланадигандек эди.

– Менга қара, эй нотавон, эшит, сенга айтгандим-ку! Ўн тўрт ой мобайнида охири етти бўлган бирор рақам ютмаган.

– Мен сенга айтяпман, ютган!

– Мен эса сенга айтаман, ютган. Мен уйимда икки йиллик ҳамма ютуқларни ёзиб қўйганман. Соатдай мукамал ёзиб қўйилган. Сенга айтяпман, бирорга еттилик...

– Йўқ, еттилик ютган! Мен сенга ҳамма рақамларини айта оламан. Охири тўрт юзу етти эди. Февралда, февралнинг иккинчи ҳафтасида эди.

– Ҳей, бувингнинг февралида! Мен оқ қоғозга қора билан ёзиб қўйганман. Бирор марта, деяпман, етти билан...

– Бас қилинглар, ҳей! – аралашди учинчиси.

Улар лотерея ҳақида гаплашишар эди. Уинстон улардан ўттиз метрлар чамаси узоклашгач, орқага ўгирилди. Улар ҳали ҳам ғазаб билан, жўшиб баҳслашар эди. Ҳар ҳафта катта ютуқ улашадиган лотерея пролларни қизиқтирадиган ягона ижтимоий ҳодиса эди. Миллионлаб проллар ҳаёти учун лотерея ўта муҳим, яшаши учун ягона сабаб эди. Бу уларнинг роҳати, девоналиги, фароғати, интеллектуал қизиқиши эди. Гап лотерея устида кетганда зўрға ўқий ва ёза оладиганлар ҳам мураккаб ҳисоб-китоблар бажарар ва хайратланарли хотирасини намоён этарди. Тизимлар, башоратлар ва омад келтирувчи туморлар сотишдан даромад оладиган гўдалар бор эди. Лотерея ишига Уинстоннинг алоқаси йўқ эди – лотерея билан Фаровонлик вазирлиги шуғулланарди – аммо у билардики (партияда ҳамма биларди), ютуқларнинг катта қисми сохта эди. Аслида, фақат кичик ютуқлар тўланар, катта ютуқларнинг соҳиблари ўйлаб топилган, аслида йўқ шахслар эди. Океаниянинг турли ҳудудлари ўртасида ҳақиқий алоқа бўлмаган бир шароитда буни уюштириш қийин эмасди...

Бирок, агар умид бўлса, умид – проллардан бўлади. Шу ғояни маҳкам тутиш керак. Уни сўзлар билан ифода этганда, жуда маъқул кўринади: ён-верингдан ўтиб бораётганларга қарасанг, уларга ишониш – соддаликдай туюлади. У қуйи-

лаб кетган кўчага бурилди. Бу жойга аввал ҳам келгандек туюлди – яқин атрофда бош кўча бўларди. Олдинроқда қардадир шовқин эшитилди. Кўча кескин бурилди ва зинага уланди, зина пастга, қуритилган сабзавотлар сотиладиган қаторга олиб борарди. Уинстон бу жойни эслади. Йўлак асосий йўлга олиб борар, кейинги бурилишда – беш дақиқалик йўл нарида у ҳозир кундалиги бўлган дафтарни сотиб олган эски-тускилар дўкони бор. Ундан нарироқдаги девонхона ашёлари дўконидан у сиёҳ ва ручка сотиб олганди.

Зинанинг олдига келганда у тўхтаб қолди. Йўлакнинг нариги томонида ойналарини қиров босгандек, аслида, чанг қоплаган кичик пивоҳона бор эди. Жуда қари, гавдаси эгик бўлса-да, шиддати сўнмаган, оппоқ мўйлови қисқичбақаникидек бўртиб турган чол эшикни очиб, пивоҳонага ўзини урди. Уинстон кузатиб турар экан, бу чол камида саксондан ошган, инқилоб вақтида ҳам аллақачон ўрта ёш эркак бўлган, деб ўйлади. У ва унга ўхшаган кам сонли кишилар капитализмнинг йўқ бўлган дунёси билан бизни боғлаб турган сўнгги ришталардир. Партияда ҳам дунёқараши инқилобгача шаклланган одамлар оз қолди. Катта авлоднинг кўпи эллигинчи ва олтмишинчи йилларнинг ялпи тозалашларида йўқ қилинди, қолганлари ҳам шунчалар кўрқитилганидан ақлий жиҳатдан тўла таслим бўлган. Асрнинг биринчи ярми ҳақида ҳақиқатни сўзлаб бериши мумкин бўлган тирик жон топилса, у ҳам прол бўлади. Уинстон тўсатдан болаларнинг тарих дарслигидан кундаликка кўчириб олинган парчаларни эслади ва девонавор бир фикрга келди. У пивоҳонага киради, чол билан танишиб олади ва ундан сўрайди: «Айтинг-чи, болаликда қандай яшагансиз? Ҳаёт қандай эди? Бизнинг даврдагидан яхшироқми ёки ёмонми?»

Кўркув пайдо бўлишига вақт қолдирмаслик учун у тезгина зинадан тушиб, тор кўчанинг у томонига ўтди. Бу жиннилик, албатта. Проллар билан гаплашиш ва уларнинг пивоҳонасига кириш ман этилмаган, албатта, аммо бундай ноодатий ҳаракат сезилмасдан қолмайди. Агар патрул пайдо бўлса, у кўнгли айниб қолганини айтади, бироқ унга ишонилари гумон. У эшикни итарди, унинг юзига пиво-

нинг ачимсиқ ҳиди урилди. У кириб келганда пивоходонадаги шовқин икки бора пасайди. У сездики, ҳамма кўзлар унинг партия аъзоси киядиган кўк коржомасига қадалган. Девордаги нишонга найзача ирғитаётган одамлар ўйинларини камида ярим дақиқага тўхтатдилар. У эргашган бояги чол пештахта олдидаги пивоходона сотувчиси – гавдали, киррабурун ва семиз билакли йўғон йигит билан тортишарди. Атрофида стаканларини тутганча томошабинлар тўпланганди.

– Сени одам деб сўраяпман, – чол керилиб, кўкрагини кўтарди. – Сен эса майхонангда пинтли қадахинг йўқлигини айтгансанми?

– Ҳа, бу пинта дегани нима ўзи, жин урсин? – бармоқлари билан пештахтани нуқиб сўрайди пивоходона сотувчиси.

– Йўқ, эшитдингларми? Майхоначимиш – пинта нималигини билмайди-ю! Пинта – бу кварталнинг ярми, тўрт кварта – бир галлон. Балки сенга алифбони ҳам ўргатиш керак-чир?

– Умуман эшитмаганман, – чўрт кесди май сотувчи. – Цитрлаб сотамиз, ярим литр сотамиз – тамом. Ана жавонда идиш турибди.

– Пинта истайман, – бўш келмайди чол. – Бир пинта куйиб бериш кийинми сенга? Менинг замонимда сизларнинг литрларинг йўқ эди.

– Сенинг замонингда биз ҳали дарахт шохларида яшайдик, – бошқаларга ўгирилиб, жавоб берди сотувчи.

Қийқирик кулги янгради ва Уинстоннинг пайдо бўлиши билан орага тушган ноқулайлик ўтиб кетди. Чолнинг юзи кизарди. У ўгирилиб, ўзига ўзи минғиллаб кета туриб, Уинстонга урилиб кетди. Уинстон юмшоқлик билан унинг қўлларини тутди.

– Сизни меҳмон қилишга рухсат этинг? – деди у.

– О, олийжаноб инсон, – у яна кўкрагини ғоз тутиб, жавоб берди. Чол гўё Уинстоннинг кўк коржомасини кўрмаётгандай эди. – Пинта куй! – жангариларча сотувчига буюрди у. – Пинта, вассалом.

Май сотувчи иккита ярим литрли идишни пештахтадаги жомаширда чайиб тўқ жигарранг пиво қуя бошла-

ди. Бу майхоналарда пиводан бошка ичимлик сотилмасди. Проллар жиншароб ичмайди деб хисобланарди, аммо улар истасалар, осонгина топа олардилар. Нишонга найзача отиш бошланди, пештахта атрофидаги одамлар эса лотерея хақида бахсни бошладилар. Уинстонни бирмунча вақт унутдилар. Дераза олдида қарағайдан бўлган стол турарди – ўша ерда чол билан юзма-юз, кимдир эшитишидан хавотир олмай гаплашиш мумкин эди. Бу жуда қалтис иш, бироқ ҳар ҳолда телекран йўқ – Уинстон кириб келишидаёқ бунга ишонч ҳосил қилганди.

– Менга бир пинта куйса бўларди, – стакани билан ўтираркан, минғирлади қария. – Ярим литр оз – қоникмайсан. Литр эса – кўп. Югуртиради. Қимматлигини айтмасанг ҳам бўлади.

– Ёшлигингиздан буён, эҳтимол, кўп ўзгаришларни кўргансиз, – эҳтиёткорлик билан гап бошлади Уинстон.

Чол рангпар, кўкиш кўзлари билан найзачалар отилаётган нишонга, кейин пештахтага, кейин эркаклар хожатхонасининг эшигига қаради, гўё у ўзгаришларни шу ердан, пивохонадан излаётгандай эди.

– Аввал пиво яхшироқ эди, – деди у ниҳоят. – Ва арзон эди! Менинг ёшлигимда кучсиз пиво – уни «пона» дейишарди – пинтасини тўрт пенсдан сотишарди. Бу, албатта, урушдан олдин эди.

– Қайси урушдан олдин? – сўради Уинстон.

– Эҳ, уруш, ҳамма вақт уруш, – чол мавҳум жавоб қилди. У стаканни ушлади ва яна елкасини ростлади. – Соғ бўл, бўтам!

Чолнинг озгин бўйнидаги кекирдаги жуда тез кўтарилиб тушиди – стакан бир хўплашда бўшади. Уинстон пештахтага бориб, яна икки стакан пиво олиб келди. Чол ўзининг бир литр ичишга қарши фикрини батамом унутгандай эди.

– Менга нисбатан ёшингиз анча улуғ, – деди Уинстон. – Мен ҳали дунёга келмаганда, сиз аллақачон вояга етган йигит бўлгансиз. Олдинги, инқилобгача бўлган ҳаётни эслай оласиз. Менинг ёшимдаги одамлар ўша йиллар хақида ҳеч нарсани билишмайди. У ҳақда фақат китобларни ўқиб би-

лиш мумкин, китобларда ёзилганлар тўғри бўлмаслиги мумкин. Сиздан эшитишни истардим. Тарих китобларида ёзилишича, инқилобдан олдинги хаёт бугунгисига умуман ўхшамаган экан. Тасаввурга сиғмас даҳшатли зулм, адолатсизлик, қашшоқлик бўлган экан. Шу ерда, Лондонда жуда кўплаб одамлар туғилганидан то ўлгунича ҳеч қачон тўйиб овқат емаган экан. Аҳолининг ярми ялангоёқ юрган экан. Ўн налкки соатлаб ишлагашган, мактабни тўққиз ёшдан ташлаб кетишган, бир хонада ўн кишилаб ухлашган экан. Айни пайтда озчилик – бир неча мингта капиталистлар бойлик ва ҳокимиятга эгалик қилган экан. Эгалик қилиш мумкин бўлган ҳамма нарсага эга бўлган экан. Ҳашаматли уйларда янашган, ўттизталаб хизматкорлари бўлган, автомобилларда ва извошларда юришган, шампан жиншаробини ичишган, бошларида цилиндрмонанд шляпа кийишган экан.

Чол бирдан жонланди.

– Цилиндрлар! – деди у. – Буни сен қайдан эсладинг? Кеча шу ҳақда ўйлагандим. Нега эслаганимни ўзим билмайман. Цилиндрмонанд шляпани кўрмаганимга неча йил бўлдийкин, деб ўйладим. Ўтмиш қаърида қолиб кетди. Мен охириги марта қайнсинглимнинг мотамида кийганман. Ўшанда... йилини айтолмайман, эллик йиллар аввал эди. Тушунарли, шу маросим учун ижарага олганмиз.

– Цилиндрлар унчалик муҳим эмас, – Уинстон сабр билан тушунтирди. – Асосийси, капиталистлар... улар ва руҳонийлар, адвокатлар ва уларнинг ортидан нон еган бошқалар заминнинг эгаси бўлишган. Дунёда ҳамма нарса уларники бўлган. Сиз каби оддий одамлар, ишчилар уларнинг қуллари бўлишган. Улар сизларни истаган куйга солиши мумкин бўлган. Сизларни кемага юклаб, ҳайвондай Канадага жўнатишлари ҳам мумкин эди. Хоҳласалар, сизларнинг қизларингиз билан ётишлари мумкин бўлган. Сизларни еттидумли камчин билан савалашни буюра олганлар. Капиталистларни кўрганда сиз бош кийимингизни ечиб салом беришингиз шарт бўлган. Ҳар бир капиталист бир тўда малайлари билан юрган...

Чол яна жонланди.

– Малайлар! Бу сўзни эшитмаганимга неча йиллар бўлди. Малайлар. Ёшлигимни эслаб кетдим, тўғриси. Эсимда... ўша пайтда... мен якшанба кунлари Гайд-паркка борардим, нутқларни эшитардим. У ерда кимлар бўлмасди – Қутқариш Армияси ҳам, католиклар ҳам, яхудийлар ҳам, индуслар ҳам... У ерда яна биттаси бўларди... ҳозир исмини эслай олмаيمان – жуда кучли нутқ сўзларди! Ох, у уларга тупурарди. Малайлар, дерди. Буржуазия малайлари! Ҳукмрон синфнинг югурдаклари! Паразитлар – шунақа дерди у. Сиртлонлар... уларни сиртлонлар деб ҳам атарди. Буларнинг бари, ўзинг тушунасан, лейбористлар ҳақида эди.

Уинстон сездики, гап қовушмайди.

– Мен бир нарсани билмоқчиман, – деди у. – Нима деб ўйлайсиз, сиз ҳозир аввалгидан эркинроқмисиз? Ҳозир сизга инсонийроқ муомала қилишяптими? Аввалги даврда бойлар, юкоридаги одамлар...

– Лордлар палатаси, – чол ўйланиб қўшиб қўйди.

– Лордлар палатаси, майли, шундай бўла қолсин. Мен сўрамоқчиманки, бу одамлар ўзлари бой ва сиз камбағал бўлганингиз учунгина сизни паст одам сифатида кўришлари мумкинмиди? Масалан, сиз уларни кўрганда «сэр» деб аташингиз ва шляпангизни бошингиздан ечишингиз шартмиди?

Қария оғир ўйга ботди. Пивонинг тўртдан бирини симириб, кейин жавоб берди.

– Ҳа, – деди у. – Шляпанга тегиниб қўйишинг уларга ёқарди. Ҳурмат-эҳтиром кўрсатган бўлардинг гўё. Ростини айтсам, бу менга ёқмаган – аммо шундай қилганман, начора. Айтиш мумкинки, қилмай қаёққа борардинг.

– Шу одатий ҳолмиди – мен тарих китобларида ёзилган нарсани айтганман – бу одамлар ва уларнинг хизматкорлари сизни йўлдан итариб, оқова ариққа ташлаб юбришлари мумкин бўлганми?

– Бир гал биттаси мени туртиб юборган, – жавоб берди чол. – Кечагидай эсимда. Эшкакда сузиш мусобақаларидан кейин... бу пойгалардан сўнг улар жуда даҳшатли бебошликлар қилишарди... Шафтсбери-авенюда мен бир йигитга

юзма-юз келдим. Кўриниши пўрим – серхашам костюм, цилиндр, кора пальто. Йўлакдан келяпти-ю, аланг-жаланг қилади – мен тўсагдан унга урилиб кетдим. «Йўлингга қараб юрсанг бўлмайдими?» – деб бақирди. «Сен, нима, йўлакни сотиб олганмисан?» – дедим. У эса: «Менга кўполлик қил-япсанми? Бошингни суғуриб оламан», – деди. Мен: «Маст экансан, – дедим. – Полицияга топширвораман, ўгирилишга улгурмайсан». Ва, ишонасанми, менинг кўкрагимдан ушлаб, шундай силкитдики, автобуснинг тагига кириб кетишимга сал қолди. Мен навқирон йигит эдим, унга шундай тушурдимки, шундай...

Уинстон тушкунликка туша бошлади. Чолнинг хотираси майда тафсилотларнинг ахлатхонаси эди. Кун бўйи суҳбатлашсанг ҳам, ҳеч қанақа арзирли маълумот ололмайсан. Балки партиянинг тарихи қандайдир маънода ҳаққонийдир. Эҳтимол, бутунлай ҳақиқатдир. У сўнгги бор уриниб кўрди.

– Эҳтимол, фикримни тушунтиролмаётгандирман, – деди у. – Айтмоқчи бўлганим шу. Сиз бу дунёи дунда анчадан буён яшаяпсиз, умрингизнинг ярми инқилобдан олдин ўтган. Масалан, 1925 йилда сиз аллақачон улғайган инсон бўлгансиз. Ўша вақтларни эслаб, айта оласизми, сизнингча, 1925 йилда ҳаёт ҳозиргидан яхши эдими ёки ёмон? Агар сизда танлаш имкони бўлганда қачон яшаган бўлардингиз – ўшандами ёки ҳозир?

Чол хаёлга ботганча, нишонга қаради. Пивосини охиригача, аммо шошилмай симирди. Ва ниҳоят, гўё уни пиво мулойимлаштиргандай, файласуфона бир сокинлик билан жавоб берди.

– Биладан, сен мендан қандай жавоб кутаётганингни биладан. Ўйлайсанки, мен яна ёш бўлиб қолишни истардим. Кўпчилик сенга ёш бўлиб қолишни истайман, дейди. Ёшликда соғлиғинг, кучинг, ҳаммаси бўлади. Менинг ёшимдагиларнинг эса соғлиғи яхшимас. Баъзан оёғим оғрийди, йиғлагим келади, сийдик қопчаси – бундан баттари бўлмаса керак. Кечаси олти-етти марта ҳожатга югурасан. Аммо қариликнинг ҳам ўз гашти бор. Энди ташвишинг йўқ. Аёллар билан ишинг йўқ – бу катта гап. Ишонасанми-йўқми, аёллар билан

бўлмаганимга ҳам ўттиз йил бўлди. Хоҳишим ҳам йўқ, яна нима керак?

Уинстон дераза тоқчасига гавдасини ташлади. Давом эттиришда маъни йўқ. У яна пиво олмоқчи эди, аммо чол бехосдан ўрнадан турди ва ён девор томондаги сассиқ хонага ўзини урди. Ортиқча ярим литр ўз кучини кўрсатди. Уинстон бир-икки дақиқа бўш станканга термилиб ўтирди, кейин оёқлари беихтиёр уни ташқарига чиқариб қўйганини ўзи сезмай қолди. Йигирма йил ўтса, ўйларди у, «Инкилобгача яхши яшашганми?» деган оғир ва оддий савол – батамом ечилмас саволга айланади. У ҳозир ҳам ечилган: эски дунёнинг яккам-дуккам гувоҳлари ҳам олдинги даврни ҳозиргиси билан қиёслашга қобил эмас. Улар миллион бефойда тафсилотларни эслайдилар: ходим билан жанжал, велосипеднинг ҳаво дамлагичи йўқолгани, топилгани, қачондир ўлган синглизининг юз ифодаси, етмиш йил аввалги шабадали тонгдаги чанг бўрони; аммо энг муҳим фактлар уларнинг назаридан четда қолган. Улар майда нарсаларни кўра оладиган, аммо каттасини кўз қирига сиғдира олмайдиган кумурсқаларга ўхшайдилар. Хотира заифлашгач ва ёзма далиллар сохталаштирилгач, партиянинг одамлар ҳаётини яхшилагани ҳақидаги даъвосини маъқуллашга тўғри келди – ахир буни текшириб кўриш учун мезон йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди.

Шу ерга келганда унинг фикрлари бирдан узилиб қолди. У тўхтаб, атрофга аланглади. У тураржойлар орасига бир неча қора дўкончалар суқилган тор кўчада турарди. Унинг боши устида қачондир зарҳалланган, ҳозир ранги ўчиб кетган, учта металл шар осилиб турарди. Бу кўча унга танишдай эди. Эҳ, албатта! Унинг қаршисида у қачондир кундалик сотиб олган эски-тускилар дўкони турарди.

Ваҳима босди. Дафтарни сотиб олиш охири ўйланмай қилинган эди ва Уинстон бу жойга бошқа келмасликка қарор қилганди. Мана, бир нафас хаёлга берилганди, оёқларининг ўзи уни бу жойга судраб келди. Ахир у ўзини мана шунақа ҳаётига зомин бўлувчи енгилтак ишлардан тийиш учун ҳам кундалик тутганди. Соат йигирма бирга яқинлашган бўлса

хам дўкон очик эди. У йўлакда довдираб, кўзга ташланиб тургандан кўра дўконга кириш макбулроқ деб ўйлади ва ичкари кирди. Сўраб қолишса, устара тифини сотиб олгани кирганини айтади.

Дўкондор ивирсик, аммо шинамлик бахш этадиган осма керосин чироғини ҳозиргина ёқди. У олтмиш ёшлардаги қилтириқ, букчайган, узун бурни ўзига жалб этадиган одам эди, унинг қалин шиша остидаги беозор кўзлари беўхшов кўринарди. Унинг сочлари деярли оппок, қошлари эса қалин ва ҳали қора эди. Кўзойнаги, мулойим, беҳаловат ҳаракатлари, қора духобадан бўлган эски камзули – буларнинг бари унга зиёлинамо кўриниш берарди, у адабиётчигами, мусикачигами ўхшаб кетарди. У сокин, пасайиб борувчи овозда гапирар, сўзларни аксарият проллар сингари узук-юлук талаффуз қилмасди.

– Мен сизни кўчадалигингиздаёқ танидим, – деди у дарҳол. – Сиз кизларга тухфа қилинадиган расм китоби олгандингиз. Қоғози жуда ажиб эди, ажойиб. Бу қоғозни «сарғиш соғинч» деб аташади. Бунақа қоғозни, билишимча, эллик йилдан бери бошқа чиқаришмаган. – У кўзойнаги тепасидан Уинстонга қаради. – Сизга бирор ёрдамим керакми? Ёки шунчаки кўрмоқчимисиз?

– Шу ердан ўтиб кетаётувдим, – мужмал жавоб берди Уинстон. – Бир қараб ўтгим келди. Аниқ бир нарса қидирмаяпман.

– Жуда соз, мен ўзи сизга бирор нарса топиб беришим қийин. – Гўёки узр сўраётгандай у юмшоқ кафтларини юқори кўтарди. – Кўриб турибсиз, дўконим бўм-бўш. Ўртамизда қолсин, эски-тускилар савдоси деярли тамом бўлди. Талаб йўқ, таклиф қилинадиган нарса ҳам деярли йўқ. Уй жихозлари, чинни, биллур идишлар – буларнинг барчаси аста-секин тугади, синди. Металл ашёларнинг аксарияти эритиб, қуйилди. Мен жездан бўлган шамдонни кўрмаганимга қанча йиллар бўлди.

Аслида ҳам торгина дўконча буюмларга лик тўла эди, аммо уларнинг бирор қиммати йўқ эди. Бўш жой деярли йўқ – деворларга гир айлантириб сурат чортахталари суяб

қўйилган. Пештахтада – бурама михлар, гайкалар тўла пат-
нислар, чархланган исканалар, синган пичоқчалар, ишлаёт-
гандек ҳам кўринмайдиган, путурдан кетган синиқ соатлар
ва бошка турли-туман лаш-лушлар. Бурчакдаги кичик стол
устига қўйилган чақа-чукалар, локланган тамаки қутилари,
ақиқ тўғноғичлар ва шунга ўхшаш нарсалар қандайдир қи-
зиқиш уйғотиши мумкин. Уинстон шу столга яқин келганда
унинг диққатини чирок нури остида хира ялтираб турган ду-
малок, силлиқ буюм ўзига тортди; уни қўлига олди.

Бу оғиргина шиша буюм бўлиб, бир томони текис, ик-
кинчи томони – деярли ярим шар эди. Шिशанинг рангида
хам, тузилишида ҳам ёмғир сувидек қандайдир майинлик се-
зиларди. Ичига қабарик ойнада аслидагидан каттарок кўри-
надиган гулобранг накшли, атиргулни ёки денгиз айиқтовон
ўтини эслатадиган ғалати нарса жойлаштирилган.

– Бу нима? – деб сўради ҳайрат билан Уинстон.

– Буми? Бу маржон, – жавоб берди чол. – Ҳинд уммони-
дан олинган бўлса керак. Аввалги замонда уларни шундай
шиша орасига қуйганлар. Камида юз йил аввал тайёрланган.
Кўринишидан ундан ҳам аввалроқ.

– Чиройли нарса экан, – деди Уинстон.

– Чиройли нарса, – эски-тускичи чол тасдиқлов оҳанги-
да деди. – Ҳозир унинг баҳосини биладиган одам кам, – Чол
йўталди. – Мабодо сотиб олишни истасангиз, у тўрт доллар
туради. Шунақа замонлар бўлгандики, бунақа буюмга сак-
киз фунт беришарди, саккиз фунт эса... Эҳ, ҳозир анигини
айтолмайман – бу катта пул эди. Аммо бугун ҳақиқий нодир
буюмлар кимга ҳам керак – бори ҳам оз қолди.

Уинстон дарҳол тўрт доллар тўлади ва антиқа ўйин-
чоқни чўнтагига солди. Уни ўзига тортган нарса буюмнинг
гўзаллиги эмас, балки ундаги ҳозирги асрга ўхшамаган, ўз-
гача даврнинг ифори эди. Ёмғир сувига хос майинликдаги
шишага у ҳали ҳеч қачон дуч келмаган эди. Бу нарсанинг
энг жозибали томони унинг кераксизлиги эди, ваҳоланки,
Уинстон тахминича, у қачондир қоғоз бостириб қўйиладиган
пресс-папье бўлган. Шиша чўнтакни оғирлаштиради ҳам,
унинг бахтига, унчалик туртиб чиқмаган эди. Бу ғалати буюм

партия аъзосининг обрўсизлантириши, унга иснод келтириши мумкин эди. Ҳамма эски нарсалар, бинобарин, гўё нарсалар шубҳа қўзғар эди. Тўрт долларни қўлга киритиш дўкандор анча қувноқлашди. Уинстон ангадики, торғини уч долларга, ҳатто икки долларга ҳам олиш мумкин эди.

– Кўраман десангиз, тепада яна битта хона бор, – дедикария. – У ерда ўзига хос бирор нарса йўқ. Бор-йўғи бир неча буюм. Агар чиқаман десангиз, чирокни оламиз.

У яна бир чирокни ёқди ва, эгилган ҳолда, тўкилайи деган қолган зиналарни бир-бир босиб, тор йўлакдан Уинстонни аста-секин юкори хонага бошлади; унинг деразаси кўчга эмас, тош ётқизилган ховлига ва иситгичнинг қонқоли қувурларига караган эди. Уинстон бу ерда мебеллар тураржойники каби жойлаштирилганини сизди. Ерда гиламчи деворларда икки-уч сураг, камин олдида чуқур ушқак оромкурси бор. Камин устида ўн икки соатли рақамдор эскишиша соат тик-тиқлаб турарди. Дераза тагида хонанинг қарийб чорагини эгаллаб, тўшаги олинмаган ётоқ турарди.

– Хотиним вафот этмасидан аввал биз шу ерда яшагандик, – узрхоҳлик билан тушунтирди чол. – Уй жиҳозларини оз-оздан сотаяпман. Мана бу ажойиб ётоқ қизил ёғочдан ясалган. Ундан бургалар ҳайдаб чиқарилса, яхши бўларди. Сени жуда катта, қўпол туюлаётгандир.

У бутун хонани ёритиш учун чирокни боши узра кўтириб турарди, иссиқ хира чирокда у янада шинам кўринарди. Ҳафтасига бир неча долларга хонани ижарага олиш мумкин бўлади Уинстон, оқибатидан қўркмас, албатта. Бу жуда ёнвойи, бўлмағур фикр эди, у қандай тез пайдо бўлган бўлса шундай тез йўқолди; аммо бу хона унда қандайдир сонни хиссини, қонида мудраб ётган қандайдир хотираларни уйғотди. Бундай хонада, ўт ёнаётган камин олдидаги оромкурсида ўтириш, оёғингни панжарага қўйиш, оловда чойнум мутлақо ёлғиз, буткул хавфсиз, ҳеч ким изингдан кузатма япти, ҳеч бир овоз халақит бермаяпти, фақат оловда чойнум ниқирлаб қайнайди ва соат дўстона чиқиллайди – булар қандай бўлишини биладигандек туюлди ўзига.

– Бу ерда телекран йўқ! – тилидан шу гап чиқиб кетди.

– Ҳа, у нарсами, – жавоб берди чол, -- менда ҳеч қачон бўлмаган. Жуда қиммат нарса. Биласизми, унга эҳтиёжим ҳам бўлмаган. Анави бурчакда яхши ёйма стол бор. Тўғриси, уни ёзиб фойдаланиш учун ошиқ-мошиқларини алмаштириш керак.

Бошқа бурчакда турган кичкина китоб жавони Уинстоннинг эътиборини ўзига тортди. Жавонда фақат ашқол-дашқоллар турарди. Бошқа жойда бўлгани каби пролларнинг тураржойларида ҳам китоблар топиб, йўқ қилинган. Бутун Океанияда 1960 йилгача нашр этилган бирор дона китоб қолмаган бўлса керак. Чол ёнғоқ ёғочли чортахта билан ўралган сурат қаршисида чирок тутиб турарди: сурат каминнинг нариги томонига, ётоқнинг қаршисига илинган эди.

– Дарвоқе, агар сизни эски ўйма нақшлар қизиқтирса... – деб мулойим гап бошлади у.

Уинстон текшириш учун суратга яқинроқ борди. У деразалари тўғрибурчакли, овал шаклдаги, олдида кичкина минораси бор бинонинг пўлатга ўйиб ишланган сурати эди. Бинони панжара ўраб олган, ичкарисида, кўринишича, ҳайкал турарди. Уинстон синчковлик билан термилди. Бино унга ғира-шира танишдай эди, аммо ҳайкални эслай олмади.

– Чортахта деворга қоқилган, – деди чол, – агар истасангиз, олиб бераман.

– Мен бу бинони биламан, – деди ниҳоят Уинстон, – у вайрон қилинган. Адлия саройи жойлашган кўчанинг ўрта-сида эди.

– Тўғри. Адлия саройи олдида эди. Бомбаланган... Асли, кўп йиллар аввал у черков бўлган. Авлиё Клемент деб аталарди. – У узрхоҳлик билан жилмайди, бемаъни гапларни айтаётганини тушунаётгандай эди, кейин кўшиб кўйди:

– Апельсинлар ва лимонлар, Авлиё Клемент кўнғироклари.

– Бу нима? – сўради Уинстон.

– Ҳ-а, буми? «Апельсинлар ва лимонлар, Авлиё Клемент кўнғироклари». Болалигимизда шундай бир шеър бўларди. Кейинги сатрларини эслолмайман, лекин у шундай тугарди: «Шамлар келар сени тўшакка кузатгали. Қилич келар бош-

гинангни узиб олгали». Бу рақсга ўхшаган ўйин эди. Болалар бир-бирининг қўлларини ушлаб катор турарди, сен қўл остида ўтасан, шеър «Қилич келар бошгинангни узиб олгали» деган ерига келганда, қўллар ечилар ва сени тутишга ҳаракат қилишар эди. Шеърда ҳамма черковларнинг номи бор эди. Лондоннинг барча черковлари... Энг машҳурлари.

Қайси асрга тегишли экан бу черков, ўйлади Уинстон. Лондондаги бинолар ёшини аниқлаш осон эмас. Ҳамма катта, салобатли, озми-кўпми янгича кўринадиган бинолар инқилобдан кейин қурилган деб ҳисобланарди, эскилиги кўриниб турган қолган барча бинолар қайсидир олис, ноаниқ, ўрта асрлар деб аталадиган замонларга тааллуқли саналар эди. Шундай қилиб, капитализм асрида арзирли ҳеч нарса қурилмаган дейишарди. Тарихни меъморий бинолар орқали ўрганиш ҳам китоблар орқали ўрганиш каби беҳуда иш эди. Ҳайкаллар, ёдгорликлар, хотира тошлари, кўчаларнинг номлари – ўтмишга ойдинлик киритиши мумкин бўлган ҳамма нарса қайта-қайта мунтазам ўзгартириларди.

– Мен унинг черков бўлганини билмаган эканман, деди у.

– Умуман олганда, черковлардан аксарияти омон қолган, -- деди чол, – фақат улардан бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланишади. Анави шеърда нима дейилганди? Ҳа-я! Эсладим.

Апельсинлар ва лимонлар,
Авлиё Клемент қўнғироқлари.
Жаранглайди ана Авлиё Мартин,
Менга бергин, қани, бир фартинг!

Кейингисини яна эслай олмайман. Фартинг – кичкина мис танга эди, бир центга ўхшарди.

– Авлиё Мартин ҳозир қаёқда? – сўради Уинстон.

– Авлиё Мартин? Ҳозир ҳам турибди. Ғалаба майдонида, суратлар галереяси ёнида. Пешайвонли ва устунли бино, зиналари анча кенг.

Уинстон у жойни яхши биларди. Бу турли ташвиқот кўргазмалари ўтказишга мўлжалланган музей эди: унда ракеталар ва сузувчи қалъаларнинг моделлари, душманлар

вахшийликлари тасвирланган, мумдан ясалган манзаралар ва шунга ўхшаш сахналар намоиш қилинади.

– «Авлиё Мартин далада» деб аталарди, – кўшиб қўйди чол. – Гарчанд у томонларда далалар бўлганини эслай олмаман.

Уинстон ўйма суратни сотиб олмади. Бу шиша пресс-папъедан ҳам баттар нокулай буюм эди, уйга сездирмай олиб кетиб бўлмасди – чортахтасиз бўлса мумкиндир. Чол билан гаплашиб, у яна бир неча дақиқа ушланиб қолди. Аён бўлишича, чолнинг исми дўконнинг тепасидаги ёзувда айтилгандай Уикс эмас, Чаррингтон экан. Афтидан, жаноб Чаррингтон олгмиш уч ёшда, у бева ва ўттиз йилдан бери шу ерда яшайди. Шу йиллар мобайнида дўкон номини ўзгартиришни истади, аммо шахд қилмади. Улар суҳбатлашар экан, Уинстоннинг миясида шеърнинг бошланиши айланиб ётарди: «Апельсинлар ва лимонлар, Авлиё Клемент кўнғироклари. Жаранглайди ана Авлиё Мартин, Менга беринг, кани, бир фартинг!» У шеърни ўзича хиргойи қиларкан, кулоқларига кўнғироклар овози чалингандай бўларди – йўқотилган Лондон кўнғироклари, каердадир турган, аммо кўзга чалинмайдиган, унутилган кўнғироклар. Кулоғига жаранглаётган кўнғироклар эшитилди, бирин-кетин чалинаётган арвоҳ кўнғироклар. Айни пайтда, у эсини таниганидан бери черков кўнғирокларини эшитмаганди.

У жаноб Чаррингтон билан хайрлашиб, қария унинг кўчага чиқиш олдидан эшикдан туриб атрофни кузатганини кўрмаслиги учун зинадан бир ўзи тушди. У вақт ўтказиб, ҳеч бўлмаса бир ойдан кейин, журъат қилиб, дўконга яна бир келишга қарор қилди. Бу Жамоат марказидаги кечани ўтказиб юборишдан хавфлироқ бўлмаса керак. Китоб сотиб олганидан кейин бу ерга қайтиб яна келганининг ўзи жиддий аҳмоқлик эди, бунинг устига дўкон эгасига ишониш мумкинми-йўқми – билмасди. Шунга қарамай!..

Ҳа, деди у ўзича, яна бир келади. Яна бошқа чиройли эски-тускиларни сотиб олади. У Авлиё Климент черкови тасвирланган уйма суратни сотиб олади, чортахтасидан чиқаради ва коржомаси тагига тикиб, уйга олиб кетади. Жа-

поб Чаррингтонни шеърни охиригача эслашга мажбурлайди. Юкоридаги хонани ижарага олиш ҳақидаги аҳмоқона фикр яна ялт этиб хаёлидан ўтди. Завкланганидан беш сониягина эҳтиёткорликни унутди – деразадан шунчаки қараш билан чекланган ҳолда кўчага чиқди. Ҳатто хонаки оҳангда хиргойи қила бошлади:

Апельсинлар ва лимонлар,
Авлиё Клемент кўнғироклари.
Жаранглайди ана Авлиё Мартин,
Менга бергин, қани, бир фартинг!

Унинг юраги тўсатдан кўркувдан дукурлаб кетди, қорни бураб оғриди. Ўн метрлар нарида – кўк коржомали одам унга юмон келарди. Бу ўша «Адабиёт бўлими»даги қиз, кўнғир-соч хонимча. Қоронғи туша бошлаган бўлса-да, Уинстон уни парров таниди. Қиз унинг кўзига тик қаради ва гўёки уни танимагандай тезда ўз йўлида давом этди.

Бир неча сония у жойидан кўзғала олмай қотиб қолди. Кейин ўнгга қайрилди ва оғир қадам ташлаб юра бошлади, ногўғри томонга юраётганини сезмади ҳам. Ҳар ҳолда, бир нарса аниқ бўлди. Шубҳа бўлиши мумкин эмас: қиз унинг кўзидан пойлаб юрибди. Унинг изига тушган, чунки қиз айнан шу кеча, партия аъзолари яшайдиган мавзедан бир неча километр узокликдаги айнан шу чекка кўчага тасодифан келиб қолишига ким ҳам ишонарди. Тасодифлар жуда кўп. У Фикр полициясида хизмат қиладими ёки ҳаваскор жосусми – фарқи йўқ. У Уинстоннинг орқасидан кузатиб юрибди, шунинг ўзи етарли. Эҳтимол, пивоҳонага кирганини ҳам кўргандир.

Юриш қийин эди. Чўнтагидаги шиша буюм ҳар бир қадам қўйганида унинг сонига тўқиллаб уриларди, ташлаб юборсаммикан деб ҳам ўйлаб қолди. Ҳаммасидан ҳам қорнидаги оғриқ қийнарди. Бир неча дақиқа унга агар ҳозир хожатхона топмаса, ўлиб қоладигандай туюлди. Лекин бунақа мавзеда жамоатчилик хожатхонаси бўлмайди. Кейин ичбуровлар ўтди, факат қурук оғриқ қолди.

Кўчанинг боши берк экан. Уинстон тўхтаб қолди, бир наҳза нима қилишни билмай, безрайиб қотиб турди, сўнг

орқага қайтди. Орқага бурилганида унинг миясига бир фикр келди, қиз билан айрилишганига бор-йўғи уч дақиқа вақт ўтди, агар югурса, унга етиб олиш мумкин. Унинг ортидан қайсидир сокин жойгача пойлаб бориб, орқадан каттарок тош билан бошини уриб ёриш мумкин. Чўнтагидаги шиша пресс-папье ҳам бўлади, у анчагина оғир. Бироқ у бу режадан дарҳол воз кечди: жисмоний куч ишлатиш ҳақидаги фикрнинг ўзига ҳам чидаб бўлмасди. Ҳатто югуришга ҳам, уришга ҳам кучи йўқ. Бунинг устига қиз жуда ёш ва эпчил, ўзини ҳимоя қила олади. Кейин у ҳозирок Жамоат марказига бориш ва ёпилгунича ўша ерда бўлиш – ўзини қисман алиби билан таъминлаш ҳақида ўйлади. Бунинг ҳам имкони йўқ. У буткул бўшашиб, чалажон бўлиб қолганди. Бир нарсани истарди: уйга қайтиш ва ҳеч нарса қилмай ўтириш керак.

Уйга деярли соат йигирма учда қайтди. Тармоқда электр токини соат 23:30 да узишлари керак эди. У ошхонага томон юрди ва стаканни деярли тўлдириб «Ғалаба» жиншаробидан ичди. Кейин панадаги столга келди, ўтирди ва тортмадан кундаликни олди. Лекин уни дарҳол очмади. Телекрандаги аёл чинқирганча ватанпарварлик кўшиғини куйларди. Уинстон дафтарнинг мрамартусли муқовасига термиларганча, овозга эътибор бермасликка беҳуда уринарди.

Сени ортингдан тунда келадилар, ҳамиша тунда келишади. Энг мақбули – ҳибсга олиб улгурмасларидан олдин ўзингни ўлдириш. Айримлар шундай қилган. Ғойиб бўлганларнинг аксари аслида ўз жонига қасд қилган. На ўқотар қуролни, на кучли захарни топиб бўладиган мамлакатда ўзини ўлдириш учун отни қалласидек юрак керак. У оғриқ ва кўрқувнинг биологик жиҳатдан бефойдалиги, инсон вужудининг хиёнаткорлиги, алоҳида куч-қувват жуда зарур пайтда шартга қотиб қолиши ҳақида ўйлади. У тезда ишга киришса, қўнғирсоч қиздан дарҳол қутулиши мумкин эди, аммо хавф жуда катта бўлгани учун кучдан қолди. Унинг миясига инсон қалтис вазиятда ташқи душман билан эмас, ҳамиша ўз вужуди билан курашади, деган фикр келди. Ҳатто ҳозир ҳам, жиншароб ичганига қарамасдан, қорнидаги куруқ оғриқ унга жўяли ўйлашга имкон бермаяпти. Барча фожиали ва қаҳра-

монона вазиятларда худди шундай бўлса керак, деб ўйлади у. Жанг майдонида, қийноққа солинадиган хонада, чўкаётган кемада нима учун курашаётганинг ёддан чиқади – вужудинг катталашиб, бутун коинотни эгаллаб олади. Ҳатто кўркувдан шол бўлиб қолмаган, оғриқдан додламаётган бўлсанг ҳам, ҳаёт ҳар дақиқа очлик ёки совуқ билан, уйкусизлик, зарда оўлиш ёки тиш оғриғи билан курашдан иборат.

У кундаликни очди. Нимани бўлса-да, ёзиб қўйиш муҳим. Телекрандаги аёл янги қўшиқни бошлади. Унинг овози шишанинг синиғи каби мияга санчиледи. У О'Брайен ҳақида ўйлашга уринди, кундалик унинг учун – унга атаб – ёзилади, бироқ ёзишнинг ўрнига у яна Фикр полицияси уни ҳибсга олганда нима бўлиши ҳақида ўйлай бошлади. Агар дархол ўлдирсалар зарари йўқ. Бир кун ўлишини ҳамма билади. Аммо ўлим олдидан (бу ҳақда ҳеч ким гапирмаса ҳам, ҳамма билади) ўрнатилган тартиб бўйича икром қилинади: ерда эмаклатишади, шафқат қилишни сўратиб ялинтиришади, суякларни бир-бир қисирлатиб синдиришади, тишларни суғуришади ва сочларни қонли илдизлари билан юлиб олишади. Оқибати маълум бўлгач, бу азоблардан ўтишнинг нима кераги бор? Нега ўз ҳаётингни бир неча кунга ёки ҳафтага қисқартиришинг мумкин эмас? Қўлга тушишдан ҳеч ким қочиб қутулган эмас, битта қолмай, ҳамма айбига икром бўлган. Фикринг бузилган заҳоти сен ўзингга ўлим ҳукмини имзолаб бўлгансан. Агар ҳеч нарсани ўзгартира олмаса, сенга келгусидаги бу азоблар нега керак?

У яна О'Брайенни ҳаёлига келтиришга уринди ва бу гал уни яхшироқ тасаввур қила олди. «Биз қоронғилик бўлмаган жойда учрашамиз», деди унга О'Брайен. Уинстон унинг сўзларини тушунди – унга бу тушунарлидай туюлди. Қоронғилик йўқ жой – бу тасаввурдаги келажак; уни ҳеч қачон кўрмаслик мумкин, аммо олдиндан ҳис этиб, унга яқинлашасан. Телекрандаги овоз қулоқларига тикиларди, ўйини охирига етказа олмади. Уинстон лабига сигаретани тутқазди. Тамакининг ярми тилига тўкилди – бу ачимсиқдан туфлаб ҳам осон қутулмайсан. Унинг тасаввуридан О'Брайенни четга суриб, Катта Оға пайдо бўлди. Бир неча кун аввал бўлгани

каби, Уинстон чўнтагидан тангани чиқариб, унинг юзига термилди – оғир, сокин, химоячи чехра. Бирок унинг қора мўйловлари остида яшириниб турган кулгининг маъноси нима экан? Сўзлар дафн маросимининг овози бўлиб кўрғошиндай қуюларди:

УРУШ – ТИНЧЛИКДИР.

ЭРК – ҚУЛЛИКДИР.

БИЛИМСИЗЛИК – КУЧДИР.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Тонг отай деб қолган. Уинстон ўз хоначасидан чиқиб хожатхона томон юрди.

Ёрқин, нури кўзни қамаштирадиган йўлак бўйлаб унинг қаршисидан бир одам келарди. У ўша кўнғирсоч киз эди. Эски-тускичининг дўкони олдидаги учрашувдан бери тўрт кун ўтганди. Яқинроқ келганда Уинстон унинг ўнг қўли боғланганини кўрди; узокдан бу боғлам кўринмасди, чунки боғич ҳам қизнинг коржомаси билан бир хил рангда эди. Қиз романларнинг сюжетлари «айлантириладиган» катта калейдоскопни айлантираётди, қўлини қайириб олан бўлса керак. Бунақа жароҳатлар «Адабиёт бўлими»да бўлиб туради.

Уларнинг ўртасида беш қадамча қолганда, қиз қоқилиб деярли юзтубан йиқилди. Оғриқдан қичқириб юборди. Балки у лат еган қўли билан йиқилгандир. Уинстон тўхтаб қолди. Қиз тиззалади. Унинг юзи сутдай оқ-сарғиш тусга кирди, лабининг қизиллиги янада ёрқинроқ кўринди. У Уинстонга ялинганнамо тикилиб, кўзларида оғриқдан ҳам кўпроқ кўркув акс этганди.

Уинстон тушунарсиз хислар исканжасида қолди. Қаршисида уни ўлдирмоқчи бўлган ғаними турарди; айна пайтда қаршисида турган одам эди – бу одам оғриқ ичида эди, эхтимолки, унинг суяги сингандир. Кўп ўйламасдан, у дарҳол ёрдамга шошилди. Қиз боғланган қўли томонга йиқилганда у ўзи ҳам оғриқ сезгандай бўлди.

– Лат едингизми? – сўради у.

– Ҳечқиси йўк. Қўлим. Ҳозир ўтиб кетади. – У юраги дукурлаётгандай дона-дона гапирарди. Юзи оқариб кетганди.

– Бирор ерингиз синмаганми?

– Йўк. Ҳаммаси бутун. Оғриқ бор эди, ўтиб кетди.

Қиз Уинстонга соғ қўлини узатди ва у қизнинг туриб олишига ёрдам берди. Қизнинг ранги бироз ўзига келди; афтидан, аҳволи бироз яхшиланди.

– Ҳечқиси йўк, – такрорлади у. – Билагим бироз лат еганди, бори шу. Раҳмат, ўртоқ!

Шу сўзларни айтиб қиз йўлида давом этди – шундай дадил юрдик, гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Бу сахна бор-йўғи

ярим дақиқа давом этди. Ўз ҳис-туйғуларингни кўрсатмаслик одати шу қадар вужудга сингиб кетган эдики, инстинктуга айланганди, қолаверса, буларнинг бари телекран олдида содир бўлди. Ҳар ҳолда Уинстон хайратини зўрға ушлаб турарди: у қизчага ўрнидан туришга ёрдам берган икки-уч сония ичида у йигитнинг кафтига ниманидир тутқазиб кетганди. Бу ерда тасодиф ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Кичкина ва ясси ниманидир тутқазди. Ҳожатхонага кираркан, Уинстон бу нарсани чўнтагига солди ва уни пайпаслаб кўрди. Бу тўртбурчак қилиб букланган қоғоз эди.

Писсуар олдида каловлангандай туриб, чўнтагидаги қоғозни текислади. У ерда нимадир ёзилган бўлиши керак. Шу топда ҳожатхонанинг мўъжаз хоначасига кириб, уни ўқимокчи бўлди. Лекин бу, албатта, батамом ақлсизлик бўларди. Бу ердаги телекранлардан узлуксиз кузатишлари аниқ эди.

У ўз хонасига қайтди, ўтирди, қоғозчани совуққонлик билан бошқа қоғозлар устига ташлади, кўзойнагини тақиб, овозёзгични нарироқ сурди. Беш дақиқа, деди у ўзига, камида беш дақиқа! Юраги кўркитадиган даражада қаттиқ, шовкинли урарди. Бахтига уни одатий, жўн иш кутиб турарди – рақамларнинг узун устунини тузатиш керак эди. Бу иш у қадар қаттиқ диққат-эътиборни талаб қилмасди.

Қоғозда нима ёзилган бўлса ҳам, у сиёсатга дахлдор бўлса керак. Уинстон ўзича иккита эҳтимолни тахмин қилди. Биринчиси, ҳақиқатга яқинроғи, аёл – Фикрлар полицияси жосуси, шунисидан кўрқарди. Тушунарсиз жойи шуки, Фикр полициясига бу тарзда хат жўнатиш нега керак, бирор сабаб бўлса керак. Қоғозда дўқ-пўписа, чақирув, ўзини ўлдириш буйруғи ёки тузоқ бўлиши мумкин. Бошқача, юмшоқроқ эҳтимол ҳам бор эдики, Уинстон бу тахминни ўзидан узоклаштиришга уринар, аммо ўжарлик билан миясига сукилиб кирарди. Ёзувли қоғозча умуман Фикр полициясидан эмас, қандайдир махфий ташкилотдан бўлса керак. Эҳтимол, «Биродарлик» ростдан ҳам бордир! Қиз ўша ташкилотдан! Бу, албатта, тутуриқсиз тахмин, аммо у қўлидаги қоғоз эканини сезган заҳоти унинг миясига келганди. Ҳақиқатга энг яқин тахмин фақат бир неча дақиқа ўтгандан

кейин пайдо бўлди. Ҳатто ҳозир, ақли унга бу қоғоз, эҳтимол, ажални билдиришини айтиб турган пайтда ҳам, у бунга ишонгиси келмас, бемаъно умид сўнмагани, юраги дукулларди ва, овозёзгичга рақамларни айтар экан, овозидаги титрокни зўрға тутиб турарди.

Текшириб бўлинган варақларни буклаб, пневматик қувурга солди. Саккиз дақиқа ўтди. У кўзойнагини тўғрилаб қўйди, чуқур нафас олди ва устида ўша қоғозча турган янги топшириқлар тўпламини олдига сурди. Қоғозни текислади. У ерда қатта-қатта, титраган харфлар билан ёзилганди:

Мен сизни севаман.

У шу қадар эсанкираб қолдики, уни хотира туйнугига дарҳол отиб юбормади. Қоғозга ҳаддан зиёд қизиқиб қолиш хавфли эканини тушунса-да, у чидаб туролмади ва уни яна бир марта ўқиди – бу кўзига кўринган эмас, ростдан ёзилганига ишонч ҳосил қилди.

Танаффусгача ишлаш жуда оғир бўлди. У зерикарли топшириқларни бажариш учун диққатини жамлашга қийналди. Бирок энг ёмони, дилидаги ғулғулани, саросимани телекрандан яшириши лозим эди. Қорнида бир гулхан ёнаётгандай эди. Дим, тикилинч, шовқин-суронли ошхонадаги тушлик ҳам бир укубат бўлди. У бир ўзи қолмоқчи эди, аммо қасдма-қасдига, ёнидаги курсига яна телба Парсонс ястаниб ўтириб олди, ундан таралган ўткир тер хиди биқтирилган гўштнинг занг хидини босиб кетди. Бу телба яна Нафрат ҳафталигига тайёргарлик ҳақида гап бошлади. У айниқса кизчасининг отряди Катта Оғанинг елим, оҳак ва бўр аралаштирилган папье-машедан ясаётган икки метрлик улкан бошидан хайратланганини жўшиб айтарди. Энг жиғга тегадигани, шовқиндан Уинстон Парсонс нима деётганини зўрға эшитар, қайта сўрашга мажбур бўлар ва битта бемаза гапни икки марталаб эшитишига тўғри келарди. Ошхонанинг нариги четида у қўнғирсоч қизни кўрди – стол атрофида яна иккита киз ўтирарди. У гўё Уинстонни кўрмаётгандай эди ва у ҳам киз томонга бошқа қарамади.

Куннинг иккинчи ярми бироз осон ўтди. Тушликдан сўнги дарҳол жуда нозик ва қийин бир неча соатда битадиган топ-

ширикни жўнатишди, бошқа ишларни четга суриб туришга тўғри келди. Икки йил аввалги ишлаб чиқариш ҳисоботларини шундай сохталаштириш керак эдики, токи Ички партиянинг бошида булут айланаётган бир арбоби обрўсизлансин. Бундай ишларни Уинстон жуда яхши бажарарди, қўнғирсоч қиз ҳақида икки соатдан зиёд вақт ўйламай турди. Кейин яна қизнинг чеҳраси қўз олдига келди ва чидаб бўлмас даражада ёлғизлик истаги пайдо бўлди. Токи ўзи ёлғиз қолмас экан, бу ходисани мушоҳада этиб кўра олмайди. Бугун у яна Жамоат марказига бориши керак. У ошхонадаги кечки бемаза овқатни зўрға ютдию марказга шошилди, девонавор тантанали «мунозара гуруҳи»да иштирок этди, икки давра стол теннисда ўйнади, бир неча бора жиншароб ичди, «Шатранж ва унинг ингсоцга алоқадорлиги» мавзусида ярим соатлик маърузани аранг чидаб эшитди. Зерикканидан қалби увушди, аммо ҳозир одатга хилоф равишда марказдан қочишни истамаётган эди. «Мен сизни севаман» деган сўзлардан сўнг тирик қолгиси келиб қолди, энди унга кичик таваккал ҳам тентакликдай туюлди. Фақат кечки соат йигирма учда, уйга қайтиб, тўшакка ётганда – агар жим ётсанг, қоронғида телекран ҳам кўрқинчли эмас – бамайлихотир ўйлаши мумкин.

Энди техник муаммони ҳал қилиш керак: қандай қилиб қиз билан алоқа ўрнатиш ва учрашув ҳақида келишиш мумкин. Унинг тузоқ қўяётган бўлиши мумкинлигини унутди. Чунки қиз унга ёзувли қоғозни узатаётиб ҳаяжонланди. У кўрқувдан ўзини тута олмаётганди – буни тушунса бўлади. Қизни бутунлай рад қилиш хаёлига ҳам келмади. Атиги беш кун бурун шу қизни бошига тош билан уриб ўлдирмоқчи эди, аммо бу ўтмишда қолди. У хаёлан қизнинг ёш, яланғоч баданини тасаввур қила бошлади – худди тушда кўрганидай. Аввал у бу қизни ҳам бошқалар каби аҳмоқ – онгига ёлғон ва нафрат ин курган, бадани музлаб қолган деб ўйларди. Бу қизни йўқотиш, унинг оппоқ баданига етиша олмаслик фикри Уинстонни алаҳситар эди. У энг кўрққани агар қиз билан кезроқ учрашмаса, қизнинг фикри ўзгариб қолиши мумкинлиги эди. Аммо у билан учрашиш жуда мураккаб, фикрга сизмас даражадаги иш туюлар эди. Бу худди шатранж ўйи-

нида мот бўлганиндан кейин ҳаракат қилишга ўхшарди. Қаерга борма телекран қаршингдан чиқади. Қиз билан алоқа ўрнатишнинг барча усуллари у қоғоздаги ёзувни ўқиганидан беш дақиқа кейин хаёлига келганди. Энди эса, ўйлаш имкони туғилганда, асбоб-ускуналарни стол устига ёйиб бир-бир кўздан кечиргандек, у бу усулларни ўйлаб кўра бошлади.

Шубҳасиз, бугунгидай учрашувни такрорлаб бўлмайди. Агар қиз «Хужжатлар бўлими»да ишлаганда эди, бир йўлини қилса бўларди, «Адабиёт бўлими» бинонинг қайси қисмида жойлашганини сал-пал билади, у ерга боришга баҳона ҳам тополмасди. Агар у қизнинг қаерда яшаши, ишни соат нечада тугатишини билганда эди, уни йўлида тутиб оларди. Унинг изидан юриш қалтис иш – вазирлик атрофида айланиб юриш керак бўлади ва сени, албатта, сезиб қолишади. Почта орқали хат жўнатиш мумкин эмас. Сир эмас, барча почта очиб ўқилади. Ҳозир деярли ҳеч ким хат ёзмайди. Ким биландир алоқа қилиш керак бўлса – чоп этилган тайёр гаплари бор почта қоғозчалар бор, кераксизларини ўчириб чиқсанг бўлди. Манзили тугул, ҳатто қизнинг исми-шарифини ҳам билмайди. Алал-оқибат у энг мақбул жой ошхона бўлса керак, деган хулосага келди. Агар унинг ёнида ўтириш имкони туғилса, қиз ёлғиз ўзи бўлса ва стол телекранлардан узоқда, ошхонанинг ўртасида бўлса, залда етарлича шовқин бўлса... ҳеч қурса ўттиз сония шу шароит сақланса, эҳтимол, у бир-икки гап айтишга улгурар эди.

Воқеадан кейин бутун ҳафта мобайнида унинг ҳаёти хавотирга тўла туш каби ўтди. Кейинги кун қиз, Уинстон кўнғироқ чалингани туфайли ўрнидан кўзғалгач, ошхонага кириб келди. Қизнинг тушлик вақтини кейинги навбатга ўтказишган бўлса керак. Улар бир-бирларига қараб ҳам кўйишмади. Кейинги кун қиз одатдаги вақтда, лекин яна учта аёл билан телекран қаршисида овқатланди. Кейин яна учта даҳшатли кун ўтди – қиз умуман кўринмай қолди. Унинг ақли ва вужудига чидаб бўлмас ҳиссиёт таъсир қилди ва ҳар бир ҳаракат, ҳар бир товуш, ҳар бир тегиб кетиш, эшитилган ёки айтилган ҳар бир сўз азоб-уқубатга айланарди. Ҳатто тушида ҳам у қизнинг қиёфасидан қутула олмасди. Бу кунларда

у кундалигига кўл урмади. Фақат иши унга озроқ енгиллик бахш этарди – иш устида у баъзан ўн дақиқалар мобайнида кизни унутарди. У кизга нима бўлганини тушуна олмасди. Қай ердан сўрашни ҳам билмас эди. Балки уни буғлантириб юборишгандир, эҳтимол, ўз жонига қасд қилгандир, уни Океаниянинг бошқа ўлкасига ўтказиб юборишгандир, энг ёмони, киз фикридан қайтган ва ундан қочиб юргандир.

Тўртинчи кун у яна пайдо бўлди. Қўлида боғичи йўқ эди, фақат тирсаги атрофида малҳамли мато ёпиштирилган эди. У беихтиёр ўзини енгил хис қилди, ўзини тутолмай, бир лаҳза унга термилиб қолди. Кейинги кун у деярли киз билан гаплашишига оз қолди. У ошхонага кириб келганида, киз бир ўзи, девордан анча узоқда ўтирарди. Вакт ҳали эрта, ошхона тўлиб кетмаганди. Навбат сурилиб борар, Уинстон деярли овқат бериладиган туйнукка яқин келганди, лекин бу ерда икки дақиқа ушланиб қолди: олдинда кимдир сахарин дончасини бермаганликларини айтиб шикоят қиларди. Шунга қарамасдан, Уинстон ўз патнисини олиб, киз томонга йўналганда, у ҳали ҳам бир ўзи ўтирарди. У киз томонга қараб юрди, кўзлари киз ўтирган стол ортидан жой изларди гўё. Кизга етишга уч метрча қолди. Икки сония ўтса бўлди – у манзилга етиб олади. Елкаси оша уни кимдир чақирди: «Смит!» У ўзини эшитмасликка олди. «Смит!» – орқадаги овоз янада қаттиқ чақирди. Йўқ, қутула олмайди. У орқага ўгирилди. Уилшер исмли ёш, қўнғирсочли, аҳмоқбашара йигит жилмайганча ўз столидаги бўш жойга таклиф қиларди. Уинстон уни деярли танимасди. Рад этиш хавфли эди. Уни таниб қолганларидан кейин ёлғиз ўзи овқатланаётган аёлнинг ёнига ўтириши мумкин эмасди. Бу диққат-эътиборни тортарди. У дўстона жилмайиб ўтирди. Унга жавобан аҳмоқбашара ҳам очилиб кетди. Унинг пешонасининг қоқ ўртасига болға билан ураётгани Уинстоннинг кўз олдида келди. Бир неча дақиқадан сўнг кизнинг атрофида ҳам қўшнилар пайдо бўлди.

Киз унинг ўзи томонга атай келаётганини кўрган, эҳтимол, максадни тушунган ҳамдир. Кейинги кун у олдинроқ келишга ҳаракат қилди. Бу беҳуда эмасди: киз деярли ўша

жойда ва бир ўзи ўтирарди. Навбатда унинг олдида миктигина, уддабурон, ясси юзли ва шубҳакор кўзлари ўйнаб турган кўнғизнусха эркак турарди. Уинстон патнисни кўтариб ортга ўгирилганда кўрдик, бу микти эркак кизнинг столи томон бораётир. Яна умиди чилпарчин бўлди. Узоқроқдаги столда ҳам бўш жой бор эди, аммо бу кўнғизнусханинг одам кам бўлган столи танлаши у ўз ҳаловати ҳақида кўпроқ ўйлашидан дарак берарди. Юраги увушган ҳолда Уинстон унинг орқасидан эргашди. Токи у киз билан юзма-юз ёлғиз қолмас экан, ҳеч нарса чикмайди. Бирдан даҳшатли тарс-турс эшитилди. Микти тўртоёқлаб қолди, унинг патнисини ҳали ҳавода учиб борар, ерда иккита – шўрва ва қаҳва кўлмаги ҳосил бўлганди. У даст турди ва жаҳл билан Уинстонга ўгирилди, оёғимдан чалди, деб гумон қилаётганди. Аммо ҳаммаси яхши яқунланди. Беш сония ўтмай, Уинстон, юраги гупиллаганча, кизнинг столида ўтирарди.

У кизга қарамади. Патнисини бўшатди ва тезда таомни тановул қилишга киришди. Яна бошқа биров келиб, бўш ўринларга ўтирмасидан гап бошлаш муҳим эди, аммо Уинстонни кўрқув босди. Биринчи учрашувдан кейин бир ҳафта ўтганди. Қиз фикридан қайтгандир, аниқ қайтган бўлса керак! Бу ишдан бир натижа чикмаслиги аниқ – ҳаётда бунақа бўлмайди. Эҳтимол, агар у патнис ушлаб бўш жой излаётган шалпангқулоқ шоир Амплфортни кўриб қолмаганида киз билан гаплашишга журъат қилолмаган бўларди. Довдир Амплфорт ўзига хос тарзда Уинстонга боғланиб қолган, агар кўриб қолса, унинг ёнига келиб ўтирарди. Бирор гапга улгуриш учун бир дақиқача вақт қолганди. Уинстон ҳам, киз ҳам берилиб овқат тановул қилаётгандилар. Улар сабзавотли суюқ димламани – балки ловияли шўрвани тановул қилар эдилар. Уинстон паст овозда гап бошлади. Иккаласи ҳам кўзларини овқатдан узмасдилар; ёвғон шўрвани бир текис қошиққа солиб, оҳиста ҳўплаб, сокин ва юз ифодаларисиз бир неча сўз алмашишди.

- Ишингизни қачон тугатасиз?
- Ўн саккизу ўттизда.
- Қаерда учрашишимиз мумкин?

- Ғалаба майдони, хайкал олдида.
- У ерда ҳамма томонда телекран бор.
- Оломон орасида бўлсак, телекраннинг дахли йўқ.
- Бирор белги?
- Йўқ. Мени одамлар орасида кўрмасангиз, яқин келманг. Мен томонга қараманг. Яқинроқ турсангиз бўлди.
- Соат нечада?
- Ўн тўққизда.
- Яхши.

Амплфорт Уинстонни кўрмади ва бошқа столга ўтирди. Улар бошқа гаплашишмади, столнинг қарама-қарши томонида ўтирганларича бир-бирларига қарашмади ҳам. Қиз гушлигини тезда еб, ўрнидан кўзгалди, Уинстон чекиш учун қолди.

Уинстон Ғалаба майдонига келишилган вақтдан олдин келди. У улкан новсимон устуннинг тагида айланиб юрди, устуннинг тепасида Катта Оғанинг хайкали самовотнинг жануб томонига қараб турарди, ўша томонда I Парвоз мингақаси учун жангда у евросиёликлар ҳаво кучларини вайрон қилганди (бир неча йил аввал Остосиё учоқлари эди). Қарши томондаги кўчада отлиқ хайкал турарди, уни Оливер Кромвелнинг хайкали деб ҳисоблашарди. Белгиланган соатдан беш дақиқа ўтди, қиз ҳали келмади. Уинстон яна даҳшатли саросимага тушди. Келмаяпти, фикридан қайтган! У майдоннинг шимолий томонига юрди ва Авлиё Мартин черковини таниб, юмшоққина жилмайди – бу ўша, қўнғироклари бор бўлган замонларда – «Менга беринг, ахир, бир фартинг» деб жаранглаган черков. Кейин қизга кўзи тушди: у хайкал тагида туриб устунни ўраб турган плакатни ўқирди ёки ўзини ўқиётгандай тутарди. Ҳали у ерга одам тўплангунича яқинлашиш таҳликали эди. Хайкал асоси атрофида телекранлар бор эди. Аммо тўсатдан қайдандир чап томондан одамлар қуюлиб келди, залварли машиналарнинг шовқини эшитилди. Майдондаги одамлар у томонга юра бошлашди. Қиз тезда устун остидаги арслонларни айланиб ўтди ва ўша томонга шошилди. Уинстон унга эргашди. Югура туриб, евросиёлик

асирларни олиб ўтишаётганини одамларнинг узук-юлуқ гапларидан билиб олди.

Оломонга тўлиб майдоннинг жанубий қисми тўсилиб қолди. Уинстон бошқа вақтларда оломон орасидан четга сурилиб қоладиган одамлардан эди, аммо бу сафар кийналиб, сукилиб, туртиниб оломоннинг ўртасига ўзини урди. Қизга яқинлашиб қолганди, қўл узатса етадиган жойда эди, аммо ўртага гўштдан бўлган улкан девор каби бир баҳайбат прол ва худди шунақа аёл тушиб қолди – унинг хотини бўлса керак. Уинстон буралиб, бор кучи билан уларнинг ўртасига елкасини тикди. Икки мушакдор яғрин унинг ичак-чавоғини қайла қилиб, эзиб ташлайдигандай туюлди, шунга қарамасдан, у терлаб-пишиб орадан ўтиб олди. Қизнинг ёнида пайдо бўлди. Улар елкама-елка турар, қилт этмайдиган назар билан олдинга боқиб турардилар.

Кўча бўйлаб қатор юк машиналари ҳаракатланар, уларнинг ҳар бурчагида юзлари қотиб қолган автомат тутган кўриқчилар терилганди. машиналарда бир-бирларига қапишиб ғижимланган яшил мундирларда кичик-кичик сарғиш одамлар ўтирарди. Уларнинг мўғулча ғамгин юзи юкхона кесакиси устидан эътиборсиз боқарди. Юк машинаси гоҳида силтанса, металнинг жаранглаши эшитиларди – асирларнинг оёғига занжир боғланганди. Маҳзун одамларни ортган юк машиналари бирин-кетин ўтди. Уинстон уларнинг ўтаётганини эшитди, аммо уларга узокдан онда-сонда кўзи туншарди. Қизнинг елкаси, қўллари унинг елкаси ва қўлларига тегиб турарди. Унинг юзи шу қадар яқин эдики, у қизнинг тафтини сизди. Қиз худди ошхонада бўлгани каби, ўзи ташаббусни қўлига олди. Лабларини билинмас тебратиб, ўшандагидай ифодасиз овозда гап бошлади, бу чала шивирлаш умумий талотўп ва юк машиналарининг гувуллашига кўмилиб кетди.

– Мени эшитяпсизми?

– Ҳа.

– Якшанба куни вақтингиз борми?

– Ҳа.

– Унда диққат билан эшитинг. Ёдда сақлаб қолишингиз керак. Паддингтон вокзалига борасиз...

Қиз ҳарбийчасига аниқлик билан йўлни тушунтирдики, Уинстон ҳайрон қолди. Ярим соат поезд билан, бекатдан чапга икки километр пиёда юриш, тўсинсиз дарвоза, дала ўрта-сидаги сўқмоқ, ўт ўсган йўлка; бутазордаги сўқмоқ; йиқилган, йўсин босган дарахт. Унинг миясида харита бордай эди.

– Ҳаммасини эслаб қолдингизми? – шивирлади қиз ниҳоят.

– Ҳа.

– Чапга буриласиз, кейин ўнгга ва яна чапга. Дарвозанинг устида тўсини йўқ.

– Ҳа. Вақти?

– Ўн бешлар атрофида. Кутишингизга тўғри келиши мумкин. Мен у ерга бошқа йўлдан бораман. Ҳаммасини ёдда сақлаб қолдингизми?

– Ҳа.

– Унда тезроқ нари кетинг.

Бу сўзларни айтишнинг ҳожати йўқ эди. Шу онда оломондан ажралиб чиқа олишмасди. Юк машиналари қатори хали ҳам ўтар, одамлар ютоқиб термилишарди. Аввал бақирчақир ва хуштак овозлари эшитилди, фақат партия аъзолари шовқин соларди, аммо тез орада улар ҳам жимиб қолишди. Одамларда қизиқиш устунлик қилаётганди. Хорижликлар – хоҳ Евросиёдан бўлсин, хоҳ Остосиёдан бўлсин – улар учун тўғри кириш бир ғалати ҳайвонлар эди. Сен уларни ҳеч қачон кўрмагансан – фақат ҳарбий асирларни кўргансан, ўшанда ҳам бирорроқ қарагансан. Асирларнинг тақдири ҳам номаълум – уруш жиноятчиси сифатида осилганлари бундан мустасно; қолганлари шунчаки мажбурий меҳнат лагерларига жўнатиларли. Юмалоқ муғулча юзлар чиркин, соч-соқоли ўсиб кетган, хорғин оврўполикларга алмашди. Гоҳида бирор тукдор чехра Уинстонга синчков тикилар ва дарҳол ўтиб кетарди. Колоннанинг охири кўринди. Охирги юк машинасида Уинстон оппоқ соқоллари юзини тўсган кекса кишини кўрди; у оёқда тик турар, худди кишанланганига кўниккандай қорнинг олдида қўлларини бир-бирига боғлаб олганди. Қиздан

узоқлашиш пайти келганди. Аммо охирги лаҳзада, ҳали оломон уларни жипслаштириб турганда, қиз унинг қўлларини топди ва секин сиқиб қўйди.

Бу ўн сониядан ҳам оз давом этди, аммо унга иккалови қўл ушлашиб жуда узоқ тургандай туюлди. Уинстон унинг қўлларини батафсил ўрганди. У қизнинг узун бармоқларини, чўзинчоқ тирноқларини, ишдан қотган кафтини, билакларининг нозик терисини ушлаб кўрди. У қизнинг қўлини сийпа-лаб шу қадар ўргандики, энди кўрса, таниб оладигандай эди. Аммо у қизнинг кўзлари қанақа рангдалигини билмаслигини эслади. Жигарранг бўлса керак, тўғри, кўнғирсочлар баъзан мовий кўзли ҳам бўлади. Ўгирилиб унга қараш аҳмоқлик бўларди. Оломоннинг сикувида, бировга сездирмасдан қўлларини тутганча, улар тўғриларига қараб турардилар. Уинстонга қизнинг эмас, кекса асир чолнинг маҳзун кўзлари соч-соқол орасидан боқарди.

II

Уинстон дарахтларнинг сояси у ер-бу ерига тушган йўлакдан борар, гоҳида дарахт шохлари тўсмаган – яйдоқ ерларда куёш нурларидан тилларанг парчалар ялтирарди. Сўл томондаги дарахтларнинг сояси остидаги ерлар қўнғирокчали гуллардан босгандай оппоқ эди. Енгил шабада терингни сийпалайди. Иккинчи май эди. Ўрмоннинг ичкарисида, қаердадир бойкуш қақағларди.

У келишилган вақтдан биров олдинроқ борди. Йўлда бирор қийинчиликка дуч келмади; киз жуда тажрибали экан

Уинстонга нисбатан камроқ хавотирланди. Афтидан, қиз хавфсиз жой танлаганига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Умуман олганда, Лондонга қараганда шаҳар ташқариси хавфсизроқ деб умид қилиш қийин. Телекранлар, албатта, йўқ, аммо исталган жойда микрофон яширин турган бўлиши мумкин – овозингни тинглашади ва таниб олишади; бундан ташқари, ёнғиз сайр қилиб юрган одам муқаррар эътибор тортади. Юз километрдан кам масофага чиқиш учун паспортда белги кўйиш шарт эмас, бироқ гоҳида бекатлар атрофида патруллар юради, партия аъзоларининг ҳужжатларини текширишади ва ноқулай саволлар беришади. Бироқ у назоратчиларга дуч келмади, бекатдан кейинги йўлда бир неча бор у ёқ-бу ёққа аланглади – изидан кузатиш бор-йўқлигини текширди. Поезд пролларга тўла эди, улар ҳаво исиб қолгани учун жуда ҳурсанд эдилар. У ёғоч ўтирғичлари бўлган, ҳамма жойни битта катта оила эгаллаб олган вагонда келди – тишсиз катта момосидан то бир ойлик чақалоғигача – ҳаммалари қишлоқдаги «қуда»лариникига меҳмонга кетишаётганди. Улар кўрқмасдан Уинстонга айтишларича, яна қора бозорда сарёғ топиш илинжида эдилар.

Дарахтлар оралаб, у қиз айтган буталар орасидаги чорва моллари ўтадиган сўқмоққа чиқиб олди. Унинг соати йўқ эди, аммо у соат ўн бешдан вақтлirroқ келгани аниқ эди. Қўнғирокгуллар шу қадар қалин ўсгандики, уларни босмай юришнинг иложи йўқ эди. У тиззалаб ўтирди, ҳам вақт ўтказини, ҳам учрашганда қизга гулдаста бериш умидида гул уза бошлади. У бир кучоқ гул узди. Энди гулнинг заиф исини

хидламокчи эдики, елкаси ортида эшитилган товущдан бада-ни музлаб кетди: кимнингдир оёклари остида шох-шаббалар кисирлади. У гул узишда давом этди. Шундай қилиш тўғри-роқ бўларди. Эҳтимол, орқада – киздир, балки унинг орти-дан кузатишгандир. Бирдан ўгирилсанг, демак, нимадандир кўрққансан. У кўнғирокгулни узди, кейин яна биттасини тортди. Унинг елкасига кимнингдир қўли оҳиста тегди.

У тепага қаради. Бу ўша қиз эди. У бошини чайқади, жим бўлиш ишорасини берди, кейин буталарни икки ёнга ажратиб, тор йўлдан ўрмон ичкарасига бошлади. Қиз бу ерда аввал ҳам бўлган кўринарди, у қалин буталар ишонч билан айланиб ўтарди. Уинстон кизнинг орқасидан гулдастасини тутганча борарди. Дастлаб у енгиллик сезди, энди эса унинг ортидан алвон камар сиқиб турган тик қад-қоматига қараб, ўзини унга номуносибдек ҳис қилди. Ҳатто ҳозир қиз қай-тиб кетиши мумкин деган хавотирга тушди, унга бир разм солиб қарайди ва фикридан қайтади. Енгил ҳаво ва ям-яшил барглар унинг тортинчоқлигини баттар кучайтирди. Ҳали бекатдан келаётгандаёқ май ойининг куёши тафтида у ўзини чиркин ва сўлғин – Лондоннинг чанг-ғуборлари хужайралари-ригача сингиб кетган хонаки одамдай ҳис қилди. У қиз ҳали уни бирор марта кун ёруғида ва очик жойда кўрмаганлигини ўйлади. Қиз майдонда айтган йиқилган дарахт олдига келиш-ди. Қиз четга ўтиб, сиртдан ортида очик жой йўқдек турган қалин буталарни сурди. Уинстон қизга эргашиб, яйдоқ ерга чикди. Бу ерда кичкина ўтлоқ бўлиб, атрофида баланд буталар ўсган, ҳамма томондан ёпиқ эди. Қиз ўгирилиб қаради.

– Келдик, – деди у.

У бир неча қадам наридан қизга қаради. Яқинлашишга журъат қилмади.

– Мен йўлда гаплашишни истамадим, – тушунтирди қиз. – Микрофон бўлса-чи, деб ўйладим. Ким билади яна, албатта, бўлиши ҳам мумкин. Овозимизни таниб қолиш-са-чи, чўчқалар. Бу ер хавфли эмас...

Уинстон ҳали ҳам яқинлашишга журъат қилолмади.

– Хавфсизми? – қайта сўради у соддалик билан.

– Ҳа. Қаранг, қанақа дарахтлар. – Бу кесилган ерда яна

ўсаётган билакдан йўғон бўлмаган шумтол буталари эди. – Ҳаммаси ингичка, микрофонни яширадиган жой йўқ. Бундан ташқари, мен бу ерда аввал ҳам бўлганман.

Улар фақат гаплашиб турардилар. Уинстон қизга яқинроқ келди. Қиз тикка турар ва енгил истехзо билан боқарди, гўё унинг ҳали ҳам довдираб турганига, шошилмаётганига хайрон эди. Қўнғироқгуллар ерга тўкилди. Гуллар ўзи истаб настга тушгандек эди. У қизнинг қўлларини ушлади.

– Ишонасизми, – деди у, – шу дақиқагача кўзларингиз рангини билмасдим. – Кўзлар жигарранг эди, оч жигарранг, киприклар эса қора эди. – Энди, мана сиз ҳам мени кўрдингиз, ахволимни билдингиз, менга қараш ёқимсиз эмасми?

– Ҳеч ҳам.

– Мен ўттиз тўққиз ёшдаман. Уйланганман ва хотинимдан кутула олмаяпман. Вена қон томирларим кенгайган. Бешта тишим ясама.

– Бунинг нима аҳамияти бор? – деди у.

Ва дарҳол – ким биринчи бўлганини ҳам англаш қийин – қиз унинг қучоғида эди. Бошида у ҳеч нарсани сезмади, фақат бўлаётган ишларга ишонгиси келмасди. Унинг баданига ёш, навниҳол бадан чирмашарди, юзига қалин қора сочлар тегиб турарди. Ҳа! Туш эмас бу! Қиз юзини унга олиб келди ва у юмшоқ, кип-қизил лабларни ўпа бошлади. Қиз қўлларини унинг бўйнига солиб, бўйнидан кучди, уни жоним, азизим, севгилим, деб атади. У кизни ерга ағдарди ва қиз унга қаршилиқ қилмади – у истаган ишини қилиши мумкин эди. Фожа шунда эдики, у жисмонан ҳеч нарсани ҳис қилмас, фақат баданига бадан тегиб турганини сезарди, ҳолос. У мағрурланар ва ҳалигача юз бериб турган воқеага ишонармасди. У юз бераётган ҳодисадан севинар, аммо баданининг истагини сезмасди. Ҳаммаси шундай бўлганидан мамнун эди, аммо унда жисмоний хоҳиш йўқ эди. Ҳаммаси тезда юз берди. Қизнинг ёшлиги, гўзаллиги уни чўчитарди. Ёшларсиз яшашга кўниккан эди. Ўзи ҳам сабабини тушунармасди. Қиз ўтирди ва сочларига ёпишган қўнғироқгулни тера бошлади. Кейин унинг қаршисига ўтирди, йигитнинг оёлидан кучди.

– Ҳечкиси йўқ, азизим. Ҳеч қаёққа шошаётганимиз йўқ. Олдимизда ҳали ярим кун бор. Яхши пана жой, тўғрими? Мен бир жамоавий сайёҳликка чиқиб, адашиб қолганимда шу ерни топгандим. Агар кимдир яқинлашса, биз уни юз метрдан эшитамиз.

– Исминг нима? – сўради Уинстон.

– Жулия. Сенинг исмингни биламан. Уинстон. Уинстон Смит.

– Қайдан биласан?

– Зийракликда сендан қобилиятлироқман деб умид қиламан, азизим. Айт-чи, сенга қоғоз тутқазмасимдан олдин мен ҳақимда нима деб ўйлагансан?

У ёлғон гапиришга зарурат сезмади. Муҳаббатнинг ўзига хос муқаддимаси – энг ёмон гапни аввал айтиб қўйиш керак.

– Кўргани кўзим йўқ эди, – жавоб берди у. – Сени аввал зўрлаб, кейин ўлдирмоқчи эдим. Икки ҳафта бурун тош билан уриб, бошингни мажақлаш ҳақида жиддий ўйлаганман. Агар билишни истасанг, сени Фикр полицияси билан боғлиқ шахс деб ўйлаганман.

Қиз шодликдан жилмайди, унинг сўзларини сир бой бермаслик қобилиятига мактов деб қабул қилди.

– Наҳотки, Фикр полицияси билан-а? Йўқ, сен ростдан шундай ўйладингми?

– Ҳа, эҳтимол, жуда унақамасдир. Сенга қараб... Балким, сен ёш, соғлом, гўзал бўлганинг учундир, тушунасанми... мен ўйладимки...

– Сен мени партиянинг намунали аъзоси деб билгансан. Ишлари ва фикрлари тоза. Байроқлар, намойишлар, шиорлар, ўйинлар, сайёҳлик юришлари – ҳаммаси пуч гаплар. Сен бу киз озгина имкон топилса, мени адо қилади – фикр жиноятида айблайти ва тутиб беради, деб ўйлагансан-а?

– Ҳа, шунга ўхшаш. Биласанми, бу ерда деярли ҳамма кизлар айнан шунақа.

– Ҳаммаси ана шу расво нарса туфайли, – деди у ва «Сексга қарши ёшлар лигаси»нинг алвон камарини ечиб, буталар орасига улоқтирди.

Қиз камарига тегаётиб, нимадир эсига тушгандек чўнтагини кавлаб, кичкина шоколад ўрамини чиқарди, бўлаклаб ярмини Уинстонга берди. Ҳали кўлига олмасидан, хидидан у бу одатдагидай шоколад эмаслигини билди. Қора, силлик ва ялтироқ жилвирқоғозга ўралган шоколад. Одатдаги шоколад оч жигарранг бўлиб, уваланиб кетар ва – унинг таъмини аниқ ифодалаш қийин – ёнаётган ахлат уюмининг хидини эслатарди. У қачонлардир киз узатганидай шоколадни еб кўрганди. Ҳиди дарҳол ниманидир эслатди – нималигини Уинстон эслай олмади, аммо хотираси кучли ва хавотирли белги берди.

– Қаердан топдинг? – сўради у.

– Қора бозорда, – бепарво жавоб берди қиз. – Ҳа, кўришимдан мен айнан шунақаман. Биноийдек спортчи кизман. «Жосуслар»да отряд бошлиғи бўлганман. Ҳафтада уч марта «Сексга қарши ёшлар лигаси»да кўнгилли сифатида ишламан. Лондон кўчаларида соатлаб уларнинг ярамас варақаларини ёпиштираман. Намойишларда ҳамиша шиорларни кўтариб оламан. Ҳамиша кувноқ кўринаман ва бирор топширикни бажаришдан қочмайман. Ҳамиша оломонга кўшилиб бақираман – мен сенга айтсам. Фақат шу йўл билангина жон сақлашинг мумкин.

Шоколаднинг биринчи бўлақчаси унинг оғзида эриб кетди. Мазаси хайратомуз эди. Хотираси каърида нимадир тинмирларди – жуда қаттиқ сезиладиган, аммо аниқ шаклга эга бўлмаган, гўёки кўз қири тушган нарса. Уинстон бу хотирани ўзидан ҳайдади, тушундики, бу хотира қандайдир хато билан боғлиқ, аммо у хатони истаса-да ўнглолмайди.

– Сен жуда навнихолсан, – деди у. – Мендан ўн ёки ўн беш ёш кичиксан. Мендай одамнинг нимаси сени ўзига тортиди?

– Сенинг юзингда нимадир акс этди. Таваккал қилдим. Мен бегоналарни жуда яхши танийман. Сени кўрган захоти тушундимки, сен уларга қаршисан.

«Улар» дегани, партия ва, энг аввало, киз ошкора нафрат билан тилга оладиган Ички партия бўлса керак – Уинстон, нарчи ўзларининг бир қадар хавфсиз эканини билса-да, бу

холдан ўнғайсизланди. Уни ҳайратга солган нарса қизнинг тили заҳарлиги эди. Партия аъзолари сўкинмаслиги керак эди ва Уинстоннинг ўзи ҳам деярли овоз чиқариб сўкинмасди, аммо Жулия партияни, айникса, Ички партияни эсга оларкан, одатда деворга бўр билан ёзиб кетиладиган уятли сўзларни қўшмай туrolмасди. Бу нарса уни сескантирмасди. Бу қизнинг партияга, партия тутумига қарши исённинг биқ кўриниши эди ва бу исён уникқан пичан ғарамини хидлагаган отнинг аксириши каби табиий ва соғлом исён эди. Улар яйдоқ ердан чиқдилар ва ўқтин-ўқтин соя тушган йўлакда бир-бирларининг белларидан кучиганча, ёнма-ён юрса бўладиган жойларда сайр қилдилар. У қизнинг бели камарсиз қанчалаф юмшаб қолганини сизди. Шивирлаб гаплашишарди. Биз ўзимизнинг яйдоқ ерда эмас эканмиз, сокин юрганимиз яхшироқ, деди Жулия. Тез вақтда улар очиқ яйлов олдидан чиқиб қолдилар. Жулия уни тўхтатиб қолди.

– Очиқ ерга чиқма. Кимдир кузатаётган бўлиши мумкин. Ўрмон ичида эканмиз – хавф-хатар йўқ.

Улар ёнғокзорда эдилар. Қуёш қалин барглар орасидагунур сочар ва уларнинг юзларини иситарди. Уинстон очиқ майдонга қаради. Қаради-ю, бу майдонни аввал ҳам кўргандек бир сесканди. Қалта-қалта ўтлар ўсган эски яйлов, ундагўтган сўкмоқ йўл, у ер-бу ердаги каламуш уяларининг ғовлари. Олис томондаги нотекис панжара каби ўсган дарахтлар, буталарнинг чирмашган шохлари шамолда тебранади ва баргларнинг қалин ўрами аёл сочларидай тўлқинланади. Қайдадир албатта яшил чирмовуқлари солланган, ок тол соясида қийиккўз балиқлар сузиб юрган анҳор бўлиши керак.

– Яқинроқда анҳор йўқми? – шивирлади у.

– Тўғри, анҳор бор. Кейинги дала чеккасида. У ерда балиқлар бор, қатта-қатта. Толлар орасидан думларини ликиллатиши кўриниб туради.

– Олтин мамлакат... деярли, – минғирлади у.

– Олтин мамлакат?

– Шунчаки. Бу жойни мен гоҳида тушимда кўраман.

– Э, ўзингга кара! – шивирлади Жулия.

Улардан беш метрча нарида, деярли уларнинг юзлари

баландлигидаги шохчага олашақшақ келиб кўнди. Эҳтимол, кушча уларни кўрмагандир. У куёшда турар, улар сояда эдилар. Олашақшақ қанотини ёзиб, тўғрилади, кейин секин йиғиб олди, кейин гўё куёшга сажда қилгандай, бир лаҳза бошини эгиб турди ва куйлаб юборди. Пешиндан кейинги сокинликда унинг кўшиғи карахт қиладиган даражада баланд жаранглади. Уинстон ва Жулия бир-бирларига ёпишиб, сайроқдан хайратланганча турдилар. Мусика куйилар ва куйилар, турли оҳангларда, ҳеч бир-бирини такрорламасдан, дақиқама-дақиқа давом этарди, куш атай ўз маҳоратини намойиш этаётгандай эди. Баъзан у бир неча сонияга жимиб қолар, қанотини ёзар ва йиғар, кейин олачипор кўрагини шишириб, яна кўшиқ куйлашга тушарди. Уинстон кушга тикилганча, унга тушуниксиз бир ҳурмат туйди. У ким учун, нима учун куйлайди? Яқин-атрофда на жуфти, на душмани бор. Кимсасиз ўрмоннинг бир чеккасида бўшлиққа мусика куйлашга нима мажбур қиларкин? У ўйлаб қолди: тасодифан бу ерда микрофон яширинган бўлса-чи? Улар Жулия билан шивирлашиб гаплашардилар, уларнинг овозини ҳеч ким ажрата олмайди, олашақшақни албатта эшитади. Эҳтимол, микрофон симининг нариги учида бирор миқтигина кўнғизмонанд кимса ўтиргандир ва диққат билан эшитаётгандир – кушнинг мусикасини тинглаётгандир. Мусика оқими унинг бошидан аста-секин ҳамма ўйларни ювиб юборди. Кушнинг хониши томчилаётган шабнам янглиғ оқар ва барглар орасидан сим-сим таралаётган куёш нурларига кўшилиб кетарди. У ўйлашни бас қилди – фақат сезгиси қолди. Унинг кўллари, қафтлари остидаги қизнинг бели юмшоқ ва иссиқ эди. У кизни ўзига қаратди ва уларнинг кўкраклари бир-бирига қанишди, аёлнинг бадани унинг баданига тегиб, эриётгандай эди. У кўлини баданнинг қай ерига теккизмасин, ҳамма ери сувдай юмшоқ эди. Уларнинг лаблари учрашди, бу уларнинг аввал бошдаги чанқоқ ўпишишларига умуман ўхшамасди. Улар бир-бирларидан узоклашдилар ва нафас ростладилар. Нимадир олашақшақни чўчитди ва у қанотларини силкитиб, учиб кетди.

Уинстон қизнинг қулоғига шивирлади:

– Кел, ҳозир.

– Йўк, бу ерда эмас, – унга жавобан шивирлади қиз. – Ўша пана жойга борамиз. У ерда хавфсизроқ.

Шох-шаббаларни шитирлатиб, улар эпчиллик билан новдалар орасидаги ўз жойларига ўтиб олишди. Жулия унга ўтирилди. Иккаласи ҳам тез-тез нафас олишарди, аммо қизнинг лабларида яна заиф бир табассум пайдо бўлди. У йигитга бир муддат қараб турди-да, кейин тугмасини еча бошлади. Ҳа! Бу худди ўша тушдагидай эди. Худди ўшандагидай, қиз чаққонлик билан кийимини ечди ва уни четга шундай улоқтирдик, бу ҳаракатдан бутун тамаддун адо бўладигандек эди. Унинг оппоқ бадани офтобда ялтирарди. Уинстон унинг баданига қарамасди – у жувоннинг сепкил босган юзидан, енгил ва дадил табассумидан кўз узолмасди. У тиззалаб ўтирди ва унинг кўлларини кафтига олди.

– Сен бу ишни аввал қилганмисан?

– Албатта... Юзлаб марта... хўп, майли, ўнлаб марта.

– Партия аъзолари биланми?

– Ҳа, ҳамиша партия аъзолари билан.

– Ички партияданми?

– Йўк, у чўчқалар билан – ҳеч қачон. Аммо уларнинг кўпчилиги бунни истайди – агар чорақта имкон берсанг ҳам хурсанд бўлади. Улар ўзлари тасвирлагандай покиза эмас.

Юраги дукурлаб кетди. Бу аёл ўнлаб марта бу ишни қилган – афсус, юзлаб... минглаб марта бўлса эди. Айниган ҳар бир нарса унга ёввойи бир умид бахш этарди. Ким билсин, эҳтимол, партия ичдан емирилиб кетгандир, унинг тиришқоқлик ва ўзини фидо этишни эъозлаши – емирлганини беркитиш учун бир ниқобдир. У уларнинг ҳаммасига мохов ва заҳмни юқтирган бўларди – ох, қандай қувонч билан юқтирарди! Нима қилиб бўлса ҳам партиядан чиритиш, пароканда қилиш, заифлаштириш лозим. У қизни пастга тортди – энди уларнинг иккалови ҳам тиззалаб юзма-юз ўтирарди.

– Эшит, сенинг эркакларинг қанча кўп бўлса, мен сени шунчалар қаттиқ яхши кўраман. Тушуняпсанми?

– Ҳа, жуда яхши...

– Мен тозаликни ёмон кўраман, хулқи покизалиқдан

нафратланаман. Истайманки, бу дунёда эзгуликлар умуман бўлмасин. Ҳамма миясидан суягигача айниган бўлишини хоҳлайман.

– Қани, бўлақол, унда мен сенга жуда мосман, азизим. Мен миямдан суягимгача айниганман.

– Сен шу ишни қилишни истайсанми? Мен билан эмас, умуман?

– Истайман.

У ҳаммадан ҳам шуни эшитишни кўпроқ истарди. Шунчаки бир одамга муҳаббат эмас, хайвоний инстинкт, фарқсиз ҳирс: мана, партияни парча-парча қиладиган куч шу. У қизни гулдастаси сочилган майсанинг устига ағдарди. Бу гал ҳаммаси осон юз берди. Кейин, нафас ростлаб олиб, улар ширин бир кучсизлик ҳолатида бир-бирларидан ажралиб ерга ағнадилар. Куёш гўё баттар қиздираётгандай эди. Иккаловларини ҳам уйқу босди. У улоқтирилган коржомога қўл узатди ва қизнинг устини ёпиб қўйди. Улар деярли дарҳол уйқуга кетдилар ва ярим соатча ором олдилар.

Уинстон биринчи бўлиб уйғонди. У ўтирди ва кафтида сокин ухлаётган сепкилли юзга термилди. Лабини ҳисобга олмаса, рости, уни чиройли деб бўлмасди. Агар разм солиб қаралса, кўзлари атрофини аллақачон ажин боса бошлаганди. Қисқагина қора сочлари жуда ҳам қалин ва майин эди. Ҳалигача қизнинг фамилияси ва яшаш манзилини билмаслиги унинг эсига келди.

Уйқуда заиф ва ҳимоясиз кўринаётган ёш ва кучли бу бадан Уинстонда раҳмдиллик ва ғамхўрлик ҳиссини уйғотди. Аммо ёнғоқзорда олашақшақ куйлаган пайтда унга сингиган бемаъни юмшоқлик ҳали батамом қайтмаган эди. У коржоманинг четини кўтарди ва унинг силлиқ ва оппоқ биқинига қаради. Эркак аёлнинг баданига қараса, унинг гўзаллигини кўради, уни истайди, шу билан ҳикоя тамом, деб ўйларди авваллари. Энди эса на соф муҳаббат бор, на соф ҳиссиёт бор. Бокира туйғулар йўқ, ҳамма нарса кўрқув ва нафратга қоришиб кетган. Уларнинг ишқий оғушлари бир жанг эди, натижаси – ғалаба. Бу партияга берилган зарба эди. Бу сиёсий амал эди.

III

– Биз бу ерга яна такрор келишимиз мумкин, – деди Жулия. – Бир жойдан икки марта фойдаланиш, умуман олганда, хавфли эмас. Аммо, албатта, бир ёки икки ойдан кейин.

Жулия бошқача – ўзини тутиб олган ва ишчан ҳолатда уй-ғонганди. Дарҳол кийинди ва белига алвон камарини боғлади, сўнг қандай қайтишни тушунтира бошлади. Буни унга хавола қилиш анча ишончли эди. Қизнинг бундай ишларда суяги қотган эди – Уинстон бу соҳада унга тенглашолмасди, бундан ташқари, қиз сайёҳлик юришлари пайтида Лондон атрофларини жуда яхши ўрганган эди. Қиз унга буткул бошқа қайтиш йўлини тушунтирди ва бу йўл бошқа темирйўл бекатига олиб борарди. «Ҳеч қачон қайтишда келган йўлингдан юрма», қандайдир умумий қондани айтгандай, деди у. У биринчи бўлиб кетади, Уинстон ярим соат кутиши керак.

Қиз яна тўрт кун ўтказиб, ишдан сўнг учрашишлари мумкин бўлган жойни айтди. Бу кашшоқ бир мавзедаги кўча эди – у ерда бозор бор, кўча ҳамиша шовкин ва гавжум бўлади. Қиз дўконлар олдида айланиб, гўёки туфлисига боғич ёки ип кидириб юради. Агар у хавф йўқ деб ҳисобласа, йигит яқинлашганда аксиради; акс ҳолда, у қизни гўё кўрмагандай ёнидан ўтиб кетиши керак. Агар омадлари келса, одамлар орасида чорак соатча гаплашиб олишлари ва янги учрашувни келишиб олишлари мумкин.

– Энди мен кетишим керак, – деди қиз, Уинстон унинг тавсияларини ўзлаштириб олганидан сўнг. – Мен ўн тўққиз ўттизда қайтишим лозим. Икки соат «Сексга қарши ёшлар лигаси»да ишлаб беришим керак – варақалар тарқатиш ёки шу каби ишлар. Расво иш-а? Илтимос, устимни қоқиб қўй. Сочларимга ўт-ўлан илашмаганми? Ишончинг комилми? Унда хайр, севгилим, хайр!

Қиз ўзини йигитнинг қучоғига ташлади, деярли ютоқиб ўпди, бир лаҳзадан сўнг эса буталар орасидан ўтиб, ўрмонда сассиз йўқолди. У қизнинг фамилияси ва манзилини барибир билолмади. Бироқ бунинг аҳамияти йўқ: улар том остида кўриша олмайдилар, бир-бирларига хат ҳам ёзмайдилар.

Шундай бўлдики, улар бу яйдоқликка бошқа қайтмади-

нар. Май ойида улар фақат бир марта бирга бўлдилар. Жулия бошқа жойни – ўттиз йил аввал атом бомбаси ташланган деярли овлоқ бир ердаги вайрон бўлган черковнинг кўнғирокхонасини танлади. Бу яхши пана жой эди, аммо унгина борадиган йўл жуда хавфли эди. Қолган пайтлар улар асосан кўчаларда кўришишди, ҳар гал янги жойда ва узоғи билан ярим соат. Кўнгда гаплашиш мумкин эди – озми-кўпми бунга имкон бор. Тиқилинчда йўлак бўйлаб кетаркан, улар бир-бирларига ёнма-ён турмасдан ва кўзларига қарамасдан ғалати, худди маёқнинг милтирашидай узук-юлуқ суҳбатлашишарди: яқин-атрофда телекран бўлса ёки партия коржомасида бирор кимса ўтиб қолса, гап тўхтар, кейин гап ўртасидан давом этарди; улар айрилишга қарор қилган ерда гап шартта узилар ва кейинги окшом кириш сўзларисиз узилган еридан давом этарди. Жулия, эҳтимол, шу тариқа суҳбатлашишга кўниккан эди – у бунга «насия суҳбат», деб атарди. Бундан ташқари, у лабларини кимирлатмасдан гаплашиш санъатини мукамал эгаллаган эди. Бир ой мобайнида, деярли ҳар кеч учрашиб, улар бир мартагина ўпишдилар. Улар кичик йўлакдан сассиз борардилар (Жулия катта кўчалардан бошқа ерда гаплашмасди), тўсатдан қарахт қилувчи гумбурлаш эшитилди, кўприк тебраниб кетди, ҳавонинг авзойи бузилди ва кўрқиб кетган Уинстон ҳамма ёни шилинган ҳолда ерга қулаб тушди. Жуда яқин ерга ракета тушганга ўхшайди. Ўзидан бир неча сантиметр нарида у Жулиянинг мурданикидай оқиш, бўрдай оппоқ юзини кўрди. Ҳатто лаблари ҳам оқ эди. Ўлган! У қизни ўзига тортди, йўқ, утирик, иссиқ юзни ўпаяпти, фақат унинг лабларида қандайдир кукуни бор эди. Иккаласининг ҳам юзи оҳақ кукуни билан қилин қопланган эди.

Шунақа окшомлар ҳам бўлардики, улар учрашув жойига келиб, бир-бирларининг кўзларига қарамасдан ўтиб кетдилар эди: гоҳ муюлишдан патрул чиқиб қолар, гоҳ осмонда вертолёт айланарди. Таҳликани айтмаганда ҳам, улар учрашув учун вақт топишлари ўзи муаммо эди. Уинстон ҳафта-сига олтмиш соат ишларди, Жулия ундан ҳам кўпроқ, дам олиш кунлари ишнинг ҳажмига боғлиқ эди ва ҳамини ҳам мос келавермасди. Боз устига, Жулиянинг кечкурунлари

камдан-кам бўш вақти бўларди. У кўп вақтини маърузалар тинглаш ва намоёишларда қатнашиш, «Сексга қарши ёшлар иттифоқи»да адабиётларни тарқатиш, Нафрат ҳафталигига шиорлар тайёрлаш, турли-туман кўнгилли бадалларни йиғиш ва шу тахлит ишларга сарфларди. Бу ўзини оклайди, дерди у, бу ниқоб. Агар майда қоидаларга қатъий риоя қилсанг, катта қоидаларни бузиш мумкин бўлади. Қиз ҳатто Уинстонни ҳам яна бир оқшомини қурбон қилишга кўндирди – у партиянинг тиришқоқ аъзолари бўш вақтда кўнгилли бажарадиган жанг аслаҳаларини тайёрлаш ишларига ёзилди. Энди Уинстон ҳафтада бир марта елвизак шувиллаётган ва болғаларнинг сўлғин зарбаси телемусиқа билан қоришган қоронғи устахонада зерикканидан тўрт соат тиришиб ўтирар, қандайдир темир-тақаларни – бомба портлатгичларининг унсурларини бураб қотириш билан овора эди.

Улар черков кўнғироқхонасида учрашганларида узук-юлуқ суҳбатларнинг кам-кўсти тўлиб кетарди. Кун жуда иссиқ эди. Кўнғироқлар остидаги кичкина тўртбурчак хонача иссиқ ва дим бўлиб, кабутарларнинг ахлатидан таралган хид анқирди. Улар хас-чўпчакларга тўла чанг-ғуборли ерда бир неча соат ўтирар ва суҳбатлашишарди; гоҳида уларнинг бирортаси ўрнидан турар ва деразага келиб, пастга қарарди – бирор одам келмаётганмикин, деб таҳликада бўлардилар.

Жулия йигирма олти ёшда эди. У яна ўттизта навнихол аёллар билан ётоқхонада яшарди («Ҳамма ёқ хотинларнинг шалтоғига тўлган! Эҳ, аёлларни қанчалар ёмон кўраман!» – баъзан суҳбат асносида шундай дерди у), Уинстон тахмин қилганидек, у «Адабиёт бўлими»да ишлар, романлар тўқийдиган машинага хизмат кўрсатарди. Иши ўзига ёқарди – у кучли, аммо инжиқ электромоторга қараб турарди. У «ақлли» бўлмаса ҳам, кўл ишини яхши кўрар ва техникани чуқур тушунарди. Роман ёзишнинг – Режалаш кўмитаси белгилаб берган умумий кўрсатмадан тортиб, то таҳририятдаги сўнги тузатишларгача – бутун жараёнини тасвирлаб бера оларди. Ҳосил бўлган якуний маҳсулот уни қизиқтирмасди. «Ўқишга ишқибоз эмасман», дерди у. Китоблар ҳам мураббо ва туфли боғичлари каби истеъмол маҳсулотларидан бири ҳисобланар эди.

Қиз 60-йилларгача содир бўлган ходисаларни эслай олмайди, у билган одамлар ичида фақат бир киши инқилобгача бўлган ҳаёт ҳақида тез-тез гапирган – бу унинг бобоси эди, қизча саккизга кирганда бобоси йўқ бўлиб қолди. Мактабда у хоккей жамоасининг сардори эди ва икки йил гимнастика бўйича биринчиликда кетма-кет ғолиба бўлган. «Жосуслар»да у отряд бошлиғи бўлган, «Сексга қарши ёшлар лигаси»га киришдан олдин «Ёшлар лигаси»да бўлинма котибаси бўлган. Ҳамма ерда – ишлари аъло. Қизни ҳатто (яхши обрў-этиборли экани учун) «Порносек»да – «Адабиёт бўлими»нинг проллар учун арзон-гаров порнография ишлаб чиқарадиган бўлинмасида ишлашга тавсия қилганлар. Ходимлар бу бўлинмани «Гўнгхона» деб аташарди, деди у. У ерда Жулия бир йил ишлаган, «Қичиқ ҳикоялар» ва «Аёллар мактабида бир кеча» сингари китобчаларни тайёрлашда кўмак берган – бундай адабиётни сурғичланган конвертларга солиб жўнатишар, пролетар ёшлари эса уларни беркитиб ўқишар, ман қилинган адабиётни ўқияпмиз, деб севинишарди.

– Қанақа китоблар? – сўради Уинстон.

– Расво, пуч китоблар. Бунинг устига, жуда зерикарли. Бор-йўғи олтига сюжет бор, уларни кўшиб-чатишади. Мен, албатта, фақат калейдоскопларда ишладим. Таҳририятда ҳеч қачон ишламаганман. Мен, азизим, бадииятни унчалик тушунмайман.

У «Порносек»нинг бошлиқларидан бошқа барча ходимлари қизлар эканини эшитиб ҳайрон қолди. Тушунча шундан иборатки, аёлларга қараганда эркакларда жинсий инстинктни назорат қилиш қийин, демак, бундай ишда эркаклар ўзларини назорат қилолмай чиркинлик ботқоғига ботадилар.

– У ерда ҳатто эрли аёлларни ҳам ушлаб туришмайди, – деди Жулия. – Қизлар покиза хилқат ҳисобланади. Қарнингда унинг тескари намунаси турибди.

Қизнинг биринчи ишқий романи ўн олти ёшда – олтмиш ёшли партия аъзоси билан бўлган, кейин бу одам қамоққа олмасларидан ўзини ўлдирган. «Тўғри қилган, – кўшиб қўйди Жулия. – Агар сўроқ қилишганда, менинг исмимни ҳам ичидан суғуриб олишарди». Кейин унга турли-туманлари

учраган. Қизнинг тасаввурида ҳаёт жуда оддий нарса эди. Сен кувнок ҳаёт кечирмокчисан; «улар», яъни партия, сенга халақит қилишни истайди; сен имкон топиб қондаларни бузасан. «Улар»нинг роҳатингни тортиб олишга уриниши худди сенинг қўлга тушмаслик учун қилган ҳаракатинг каби табиийдир, деб ўйларди қиз. У партиядан нафратланарди ва буни энг қўпол сўзлар билан ифодалар, лекин умуман олганда жиддий танқид қилмасди. Қиз партия таълимотининг фақат ўз шахсий ҳаётига дахлдор қисми билангина қизиқарди. Уинстон сездики, у умумий истеъмолга кириб бўлган сўзларни айтмаганда, Янгитил сўзларини ҳам деярли ишлатмайди. «Биродарлик» ҳақида у умуман эшитмаган ва унинг мавжудлигига ишонишни ҳам истамасди. Партияга қарши ҳар қандай ташкилий исённи шафқатсиз бостирилиши аниқ бўлгани учун аҳмоқлик ҳисобларди. Ақлли одам қондаларни бузадиган, лекин тирик қоладиган одамдир. Уинстонга қизиқ туюлди – ёш авлод – инкилоб дунёсида вояга етганлар орасида бу қизга ўхшаганлар кўпмикин, ахир улар инкилобдан бошқасини кўрмаган, билмайди ва партияни осмон каби абдий деб ишонади, унинг ҳукмронлигига қарши исён қилмайди, шунчаки куён итдан қочган каби ундан қочишга уринади.

Улар турмуш қуриш эҳтимоли ҳақида гаплашмадилар. Шу қадар эҳтимоли озки, ўйлашга ҳам арзимайди. Ҳатто Уинстон хотини Кэтриндан қутилганда ҳам, ҳеч бир қўмита уларнинг оила қуришига розилик бермасди. Буни ҳатто ҳаёл қилиш ҳам беҳуда.

– У аёл қанақа одам эди? – сўради Жулия.

– Ўшами?.. Биласанми, Янгитилда «эзгуфикрловчи» деган сўз бор. Маъноси: табиатан тўғри эътиқодли, ёмон фикрга ноқобил одам.

– Йўқ, бунақа сўзни билмайман, аммо шунақа одамларни биламан, ҳатто жуда яхши биламан.

У ўзининг қисқа оилавий ҳаётини хикоя қила бошлади, аммо, ҳар қанча ғалати бўлса-да, қиз энг асосий қисмини аллақачон яхши биларкан. У Уинстоннинг қўли Кэтринга текканда қотиб қолиши, аёл айна пайтда каттик куча туриб, бир вақтнинг ўзида бор кучи билан итариб юбориши ҳолатини шундай

тасвирладики, гўё ўзи кўрган ёки сезгандай эди. Жулия билан бу ҳақда гаплашиш осон эди, Кэтрин ҳам аллақачон азобли хогира эмас, шунчаки ноқулай бир эсдаликка айланиб бўлганди.

– Мен чидардим, агар бир ноқулай иш бўлмаганида, албатта, чидар эдим. – У ҳар ҳафтанинг айнан бир кунда Кэтрин уни мажбурлаган бир совук маросим ҳақида айтиб берди. – Унинг ўзига ҳам ёқмасди, аммо уни тўхтатиб бўлмасди. У бунини демак атаганини... ҳеч қачон топа олмайсан.

– Партия олдидаги бурчимиз, – Жулия дарҳол жавоб берди.

– Қаердан биласан?

– Азизим, мен ҳам мактабга борганман. Ўн олти ёшдан кейин – ҳар ойда бир марта жинсий мавзуларда суҳбат бўлади. Ёш ҳаракатида ҳам. Бунини йиллар давомида мияга қуйишади. Бу иш беради деб бемалол айта оламан. Албатта, асқинини ҳеч қачон билиб бўлмайди: одамлар шунақа мунофиқ...

У мавзуга қизиқиб кетди. Жулия ҳамма нарсани ўзининг ҳирсийлигига, жозибасига олиб келарди. Бу ҳақда гап кетса, у янада зийраклашарди. Уинстондан фарқли ўларок, қиз партиянинг диришга уринадиган жинсий порсоликнинг моҳиятини аниқ тушунарди. Гап фақат жинсий инстинкт партияга бўйсунмайдиган ўз дунёсини яратишида ва шунинг учун имкон қадар йўқ қилиниши лозимлигида эмас. Яна ҳам муҳими, қондирилмаган жинсий эҳтиёж жазава кўзгаётиди, жазава эса партияга керак, уни ҳарбий дарғазабликка ёки дохийга сиғиниш томонга йўналтириш мумкин. Жулия бунини шундай тасвирлади:

– Биров билан тўшақда бирга бўлсанг, қувватингни сарф қиласан; кейин ўзингни бахтли ҳис қиласан, юмшайсан ва ҳаммасига тупурасан, лоқайд бўласан. Улар ўзингни шундай ҳис қилишингга тоқат қила олмайди. Улар сенда қувват ҳамини ошириб-тошириб туришини исташади. Бу барча сафланишлар, ҳарбийча гурсиллаб қадам ташлашлар, бақир-чақирлар, байроқ силкитишлар – шунчаки жийиган, палағда бўлган сексир. Агар сен ўзинг бахтли бўлсанг, сенга яна Катта Оға учун, училлик режалар, Икки Дақиқа Нафрат ёки шу каби бошқа чиркин сафсаталар учун жўшиб-ёниш нега керак?

Жуда тўғри, деб ўйлади у. Ҳирсини тийиш ва сиёсий эъ-

тиқодлилик ўртасида бевосита ва чамбарчас боғлиқлик бор. Партия ўз аъзоларида кўришни истайдиган нафрат, кўрқув ва аҳмоқона лақмаликни зарур даражага кўтариш учун қандайдир кудратли инстинктни бўғиш бошқа яна қанақа йўл бор? Жинсий майл партия учун хавфли ва партия буни ҳисобга олади. Ота-оналик инстинкти билан ҳам шу ҳийла амалга оширилган. Оилани бекор қилиб бўлмайди, аксинча, болаларга эски замонлардагидай муҳаббатни қўллаб-қувватлашади. Болаларни эса тизимли тарзда ўз ота-онасидан нафратланишга, уларнинг орқасидан жосуслик қилишга ва йўлдан тойганлари ҳақида хабар беришга ўқитишади. Оила моҳиятан Фикр полициясининг бўлагига айланган. Ҳар бир одамга ўз яқини кечаю кундуз ишловчи жосус қилиб бириктирилган.

Тўсатдан Уинстоннинг хаёли Кэтринга кўчди. Агарда Кэтрин у қадар ақли ноқис бўлмаганида, унинг партияга сadoқатсизлигини сезарди ва, шубҳасиз, Фикр полициясига сотарди. Унга хотинини эслатган нарса кечки ҳавонинг пешонасига тер чиқарворган жазирамаси эди. У Жулияга ўн бир йил аввал худди шундай жазирама иссиқ кунда юз берган, тўғрироғи, юз бермаган воқеа ҳақида айтиб берди.

Бу воқеа улар турмуш курганидай уч ёки тўрт ой ўтиб юз берганди. Сайёҳлик юриши пайтида, қайдадир Кентда, улар йўлдан адашдилар. Икки дақиқача талмовсираб бошқалардан ортда қолишди, кейин адашиб бошқа ёққа бурилдилар ва тез орада эски бўр кони олдидан чиқдилар. Йўл уларни ўн ёки йигирма метрлик жарликка олиб чиққанди; пастда ҳарсанг тошлар ётарди. Йўлни сўрашга ҳеч зoғ кўринмасди. Йўлдан адашиб қолганларини тушунган Кэтрин хавотирлана бошлади. Сайёҳларнинг шовқинли тўдасидан бир лаҳзага бўлсин ортда қолиш унинг учун аллақачон қоидабузарлик эди. У тезда келган йўлдан қайтишни, гуруҳни излашни истарди. Уинстон тош жарликнинг ёриғида бир тутам бўлиб ўсган ёввойи дала гулини кўриб қолди. Биттаси икки гулли эди – қип-қизил ва ғиштранг, улар бир илдиздан ўсганди. Уинстон ҳеч ҳам бунақасини кўрмаганди ва Кэтринни чақирди.

– Кэтрин, қара! Қарагин, қандай гуллар. Пастдаги анави бута. Кўряпсанми, иккигулли?

У аллақачон анча кетиб қолганди, аммо қайтди, бироқ жахли чикқанини яширмади. Ҳатто у кўрсатган томонга қараш учун жарликка эгилиб қаради. Уинстон орқада туриб, уни белидан ушлаб турди. Тўсатдан миясига улар бу ерда буткул ёлғиз эканликлари келди. Атрофда бирор одам йўқ, ҳатто бирор барг тебранмайди, кушлар ҳам жимиб қолган. Бу ерда яширин микрофондан ҳам кўркмаса бўлади, агар микрофон бўлса ҳам – у товушдан бошқа нимани илғайди? Тушлиқдан кейинги энг жазирама, энг уйқуторгар пайт эди. Қуёш жизғанак қилар, оқаётган терлар юзни ачиштирарди. Унинг миясига бир фикр келди...

– Уни итариб юбориш керак эди, – деди Жулия. – Мен албатта итариб юборган бўлардим.

– Ҳа, азизам, сен итариб юборган бўлардинг. Агар ҳозир бўлганда, мен ҳам итариб юборардим. Балки... Ишончим комил эмас.

– Шундай қилмаганингга афсусдамисан?

– Ҳа. Умуман олганда, афсусдаман.

Улар чангиб ётган ерда ёнма-ён ўтирардилар. У қизни ўзинга тортди. Қизнинг боши унинг елкасига эгилди, унинг сочлари таратган покиза ифор кабутар тезагининг ҳидидан кучлироқ эди. У ҳали жуда ёш, ўйлади у, ҳали ҳаётдан ниманидир кутади, у ўзингга ёқмаган одамни қоядан итариб юбориб, ҳеч нарсани ҳал этиб бўлмаслигини тушунмайди.

– Моҳиятан бу ҳеч нарсани ўзгартиролмасди, – деди у.

– Унда нега афсусдасан?

– Шунинг учунки, ҳаракатсизликдан кўра ҳаракатни афзал биламан. Биз олиб бораётган ўйинда ютиб чиқиш мумкин эмас. Бир мағлубият бошқа мағлубиятдан афзалроқ – бор-йўғи шу.

Жулия ўжарлик билан елкасини силкитди. У шу руҳда фикрлаган пайтлари, қиз унга қарши бўларди. У шахс мағлубиятга маҳкум эканлигини табиат қонуни деб тан олишни истамасди. Қалбининг ич-ичидан ўзининг маҳкум эканлигини, эртами-кечми Фикр полицияси уни топишини ва ўлдиршини биларди, аммо, шу билан бирга, ўзингнинг алоҳида яширин дунёингни барпо этишинг ва унда ўзинг истаган-

дай яшашинг мумкин деб ишонарди. Бунинг учун эса фақат омад ва яна эпчиллик, жасорат лозим эди. Қиз бахт йўқлигини, ғалаба фақат олис келажакда бўлиши мумкинлигини ва у пайтда сен бу дунёда бўлмаслигини, партияга уруш эълон қилганинг ондан ўзингни мурда деб ҳисоблашинг мумкинлигини тушунмасди.

– Биз мурдалармиз, – деди у.

– Ҳали мурда эмасмиз, – Жулия уни носирона тўғрилаб қўйди.

– Жисмонан эмас. Ярим йил, бир йил... Майли, тахминан, беш йилдан сўнг. Мен ўлишдан қўрқаман. Сен ёшсан, айтиш мумкинки, мендан ҳам кўпроқ қўрқасан. Тушунарли, биз ўлим келишини имкон қадар чўзишга уринамиз. Бу кўп нарсани ўзгартирмайди. Инсон инсон экан, ўлим ва ҳаёт – яхлит бир нарсадир.

– Сафсата бу. Сен ким билан ётишни истайсан – мен биланми ё суякларим биланми? Тирикликдан завқ олмайсанми? Мана бу қўлларим, мана бу оёғим, болдирларим, мен юраман, нафас оламан, яшайман – шуларни хис қилишни истамайсанми? Сенга бу ёқмайдами?

Қиз қайрилди ва унинг тўшига сийнасини босди. Йигит жувоннинг кўкрагини коржома остидан ҳам хис қилди – болиғ, таранг сийна. Гўё унинг баданига ҳам кизнинг баданидан ёшлик ва қувват қуйилди.

– Йўк, ўлай агар, бу менга ёқади, – деди у.

– Унда ўлим ҳақида гапиришни бас қил. Энди эшит, азизим, кейинги учрашув ҳақида келишиб олишимиз керак. Бемалол ўша жойга, ўрмонга боришимиз мумкин. Етарлича вақт ўтди ўртада. Фақат бошқа йўл орқали боришинг керак. Мен ҳаммасини ҳисоблаб чиқдим. Поездга ўтирасан... тўхта, мен сенга чизиб бераман.

Ҳар доимгидай омилкор киз ердаги чанглари тўрт бурчакка тўплади ва кабутар инидаги чўпни олиб харита чиза бошлади.

IV

Уинстон жаноб Чаррингтоннинг қаровсиз, бесаришта хонасини кўздан кечирди. Дераза олдидаги қопланмаган ёстикли кенг ётоққа охори кетган чойшаблар тўшалганди. Камин тепасида ўн икки соатли рақамлари бор соат чикилларди. Қоронғи бурчакдаги сурилма столда у ўтган сафар сопиб олган шиша пресс-папье йилтираб турарди.

Камин устида пачоқ керосинли чироқ, тунукақозон ва иккита косача бор – буларнинг барини жаноб Чаррингтон берган. Уинстон керосин чироқни ёқди ва тунука қозонга сув қуйди. У ўзи билан «Ғалаба» қаҳваси тўла пакет ва сахарин таблеткаларини келтирди. Соат еттидан йигирма дақиқа ўтганини кўрсатарди, бу 19:20 демақдир. Қиз 19:30 да келиши керак.

Аҳмоқлик, аҳмоқлик бўлди! – юраги унга шуни шивирларди: ҳаётига зомин бўлувчи истак ва тентаклик бу. Партия авзоси қилиши мумкин бўлган жиноятлар орасида энг яшириш қийин бўлгани шу. Бу фикр унда башорат каби туғилди – худди шиша пресс-папье сурилма столнинг қопқоғида эке этгандек. Худди у кутганидай, жаноб Чаррингтон хонани ижарага беришга дарров рози бўлди. У кўшимча келган бир неча долларлик даромадга хурсанд эди. Уинстон хонани киз билан учрашиш учун ижарага олишини айтганда, у хафа бўлмади ва овозини заррача ўзгартирмади. Қайгадир номаълум томонга қараб, гапни умумий мавзуларга буриб юборди, буни шу қадар назокат билан қилдики, умуман сезилмади. Гоҳо ёлғиз қолиш инсон учун муҳим, деди у. Ҳар бир инсон вақт-вақти билан ёлғизлик истайди. Инсон шунақа жойни топса, бундан хабардор одамлар, ҳеч бўлмаса андиша қилиб, буни сир сақлашлари керак. У гапирарди-ю, ўзи кетиб бўлгандек эди. У яна кўшиб қўйди, уйда иккита кириш бор, иккинчиси – ҳовли томондан, ҳовли ҳам кўчага олиб чиқади.

Дераза тагида кимдир кўшиқ айтарди. Уинстон ипак парда ортига беркиниб, кўчага мўралади. Июнь куёши ҳали оламдда эди, ёришиб турган ҳовлида кир тоғора ва ҳўл кийим осадиган дор ўртасида улкан, устундай хайбатли бир аёл у ёқ-бу ёққа бориб келар, кизарган мушакли, бакувват

қўллари билан ипга тўртбурчак латтачаларни иларди, бу болаларнинг тагликлари бўлса керак, деб ўйлади Уинстон. Оғзи қисқичлардан бўшагандан кейин аёл кучли контралято овозда хиргойини бошлади:

Қалбда аллақачон орзулар тамом,
У кунлар баҳорнинг гулидай учди.
Бироқ унутмоққа кучлари етмас,
Ўша овоз билан йўғрилган тушни!

Охирги ҳафтада бутун Лондон шу қўшиқни хиргойи қиларди. Бундай қўшиқларни «Муסיқа бўлими»нинг алоҳида сектори проллар учун сон-саноксиз чиқарарди. Сўзлар инсоннинг иштирокисиз – «версификатор» деб аталадиган ускунада тўқиларди. Аммо аёл шу қадар берилиб куйлардики, бу пуч сафсата ҳам қулоққа ёқарди. Уинстон унинг қўшиқларини ҳам, тош йўлакда туфлиларининг шиқирлашини ҳам, кўчадаги болаларнинг ҳайқириқларини ҳам, таранс-портнинг олисидаги гувуллашини ҳам эшитар, шуларга қарамадан, хонада ғаройиб сокинлик ҳукм сурарди – бу ерда телекран йўқ эди.

Телбалик, тентаклик! – у яна шундай хаёл сурди. Шу ерда бир неча ҳафта учрашиш ва қўлга тушмаслик – шу бўладиган ишми? Аммо уларнинг шу яқин-атрофда ўз жойи, бошпанаси бўлишга истаги жуда кучли эди. Кўнғирокхонадаги учрашувдан сўнг улар ҳеч ҳам учраша олмаётган эдилар. Нафрат ҳафталиги туфайли уларнинг иш кунларини кескин узайтиришди. Ҳафталиккача бир ойдан зиёд вақт бор, аммо катта ва мураккаб тайёргарликлар ҳамманинг ишига иш кўшди. Ниҳоят, Жулия ва Уинстон бир кунда тушликдан кейинга бўш вақт топдилар. Ўрмондаги яйдоқликка боришга қарор қилдилар. Учрашув арафасида кўчада қисқа вақт кўришишди. Улар оломон орасида бир-бирларига яқинлашган пайтда, Уинстон одатга кўра Жулия томонга деярли қарамади, аммо битта шошилиб қарашнинг ўзидаёқ, қизнинг ранги оқариб турганини сизди.

– Ҳаммаси расво бўлди, – гапириш мумкинлигини кўргач, минғирлади қиз. – Мен эртанги учрашувни айтяпман.

– Нима?

– Эртага. Тушликдан сўнг боролмайман.

– Нима учун?

– Одатдаги иш. Бу гал эртароқ бошланадиган бўлди.

Дастлаб унинг жуда қаттиқ жаҳли чикди. Танишганларига энди бир ой бўлган бўлса-да, у Жулияга жуда боғланиб қолди. Ўша пайтда ҳақиқий ҳиссиётдан асар ҳам йўқ эди. Уларнинг илк ишқий учрашуви шунчаки хоҳиш бўлганди. Иккинчи учрашувдан кейин ҳаммаси ўзгарди. Қизнинг сочлари ифори, лаблари таъми, баданининг сезими гўё унга кўчиб ўтди ёки унинг атрофидаги ҳавога сингиб бўлди. У жисмоний заруратга айланди, Уинстон нафақат уни истарди, балки унга эгалик қилишга ҳаққи бордай эди. Қиз кела олмаслигини айтганда, у мени алдаяпти, деб ўйлади. Шу ерга келганда оломон уларни бир-бирларига қапиштирди ва кўллари тасодифан бирлашди. Қиз дарҳол унинг бармоқлари учини сиқди, бу сийпалашда гўёки ҳиссиёт эмас, меҳр бор эди. Аёл билан яшаганингдан кейин, бундай кўнгилсизликларнинг такрорланиб туриши табиий, деб ўйлади у. Бирдан Жулияга нисбатан чуқур, шу пайтгача таниш бўлмаган меҳрни, мушфиқликни ҳис қилди. Қанийди ўн йил бирга оила қуриб яшаган жуфтлик бўлсак эдик, деб орзу қилди у. У қиз билан ҳозиргидай ёнма-ён кўчада юришни истарди, яширин эмас, кўрқмасдан, бемалол ҳар хил енгил-елпи гапларни гаплашиб юришни, биргаликда рўзғор учун зарур нарсаларни сотиб олишни хоҳларди. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ иккаласи учрашадиган ва ҳар учрашувда қовушиш мажбурияти елкаларида турмайдиган бир холи жойни истар эди. Шу онда эмас, кейинги куни жаноб Чаррингтоннинг хонасини нажарага олишни ўйлаб қолди. У бу ҳақда Жулияга айтганида, у кутилмаганда дарҳол рози бўлди. Иккаласи ҳам бу тентаклик эканини тушунарди. Улар онгли равишда ўз қабричарига томон қадам қўяётган эди. Ҳозир, ётоқ тўшагининг бир четида ўтириб, у Муҳаббат вазирлигининг ертўлалари ҳақида ўйларди. Ажабо, бу муқаррар даҳшат гоҳ сенинг онгингни тарк этади, гоҳ яна қайтиб келади. Мана, у келажакда кутиб турибди, худди тўқсон тўққизнинг кетидан юз келгани каби, унинг ортидан ўлим келмоқда. Ундан қочиб

бўлмайди, эҳтимол, кечиктирса бўлар; бунинг ўрнига инсон шундай хатти-ҳаракатлари билан кўнгилли тарзда уни ўзига яқинлаштиради.

Зинада шахдам ташланган қадам товуши эшитилди. Хонага Жулия кириб келди. Унинг кўлида асбоб-ускуналар солинадиган жигарранг чарм сумка бор – вазирликда кизни у шу сумка билан бир неча бор кўрган. У кизни кучоқлашга уринди, аммо қиз тезда ўзини тортди – балки ҳали кўлида сумкаси борлиги учундир.

– Сабр қил, – деди у. – Кел, нималар олиб келганимни кўр. Сен ўша расво «Ғалаба» қаҳвасини келтирдингми? Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. Уни олган жойингга қайтариб топширсанг ҳам бўлади – бизга керак бўлмайди. Қара.

Қиз тиз чўкиб, сумкасини очди ва аввал гайка буровчи калит ва мих бурагични олди. Уларнинг остида қоғоз пакетлар бор эди. Биринчисини Уинстонга узатди, унда ғалати, аммо сийпалаганда таниш бир нарса бор эди. Бармоқлар остида бу оғир нарса кумдай туюлди.

– Бу шакар эмасми? – сўради у.

– Ҳақиқий шакар. Сахарин эмас, шакар. Бу эса нон – сифатли оқ нон, бизнинг зоғора эмас... ва мураббо банкаси. Мана буниси сут... энди қара! Мана, бу менинг асосий фахрим! Ҳиди чиқмаслиги учун халтачага ўраб солдим, чунки...

У нега ўраганини тушунтира олмасди. Унинг ҳиди аллақачон хонани тўлдирганди, қуюқ ва иссиқ ифोर; олис болаликни эслатди, гарчанд ҳозир ҳам бу ҳидни сезиш мумкин: гоҳо йўлкаларда эшик ёпилгунча таралади, гоҳ гавжум кўчада сирли пайдо бўлади ва дарҳол йўқолади.

– Қаҳва, – шивирлади у, – ҳақиқий қаҳва.

– Ички партия учун қаҳва. Бир килограмм.

– Бунча нарсани қандай топдинг?

– Булар ҳаммаси Ички партияники. Бу чўчқаларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Бироқ, албатта, хизматкорлар ва малайлар ўмаришади... Қара, яна бир халта чой.

Уинстон қизнинг ёнига чўккалади. Халтачанинг четини йиртди.

– Ҳақиқий чой. Қора қарағат барги эмас.

– Охирги пайтлар чой пайдо бўлди. Ҳиндистонни босиб олишдими ёки шунга ўхшаш нимадир, – деди бепарвогина у. – Эшит, азизим, уч дақиқа ортга ўгирилиб тур. Кроватнинг нариги томонида ўтир. Деразага яқин келма. Айтгунимча ортга ўтирилма.

Уинстон шунчаки муслин дарпарда ортидан ховлига мўралади. Қизғиш билакли аёл ҳали ҳам тоғора ва кир иладиган ип ўртасида бориб келарди. У оғзидан иккита кир қисқични олди ва кучли ҳаяжон билан куйлай бошлади:

Майли, менга дерлар: даволайди вақт.

Майлига десинлар: дарддан ўксима.

Лекин аллақачон унутилган сўз

Ҳануз тимдалайди кўксимни!

Бу аҳмоқона қўшиқни аёл бошдан-охир ёддан билади, шекилли. Унинг овози ёзнинг майин ҳавосида гўё сузарди, жуда оҳангдор, қандайдир бахтиёр соғинчга тўла овоз. Гўё бу аёл шу ёз оқшоми ҳеч қачон тугамаса, тоғорада боланинг ҳўл тагликлари ҳам адо бўлмаса, ипга минг йил тўхтамай ювилган ич кийимларни илаверса ва сийқаси чиққан қўшиқларни куйлайверса, бахтли бўладигандай эди. Уинстон ҳайрат билан ўйлади, ҳали у бирор марта фақат ўзи учун ёлғиз хиргойи қилаётган партия аъзосини кўрмаган. Бунга тўғри йўлдан озиш, ўз-ўзи билан гаплашиш каби хавфли нобоп қилиқ ҳисоблашлари мумкин. Эҳтимол, одамлар оч қолсалар, ўшанда куйлагилари келар.

– Қарашинг мумкин, – деди Жулия.

Уинстон ўтирилди ва уни бир лаҳза танимай қолди. У кизни яланғоч кўраман деб ўйлаганди. Қиз яланғоч эмасди. Қизнинг эврилиши яланғочликдан кўра ажиброқ эди. У ўзига зеб, оройиш берган, бўянган эди.

У йўл-йўлакай пролетарлар яшайдиган мавзелардаги дўконларга кириб, упа-эликнинг ҳар туридан харид қилган кўринади. Лаблари лаббўёқдан ёрқин қизил рангда, ёнокларга алвон упа сурилган, бурун оқ упа-эликка беланган; ҳатто кўзларга сурма сурилган – улар чакнаб турибди. У маҳо-

рат билан оройишлар беролмаган, аммо Уинстонга шу ҳам етарли эди. У партия аъзоси бўлган аёлни юзида бўёқ билан кўрмаган ва тасаввур ҳам қилолмасди. Қиз одамни чўчитар даражада очилганди. Зарур жойларига оз-моз упа-элик, бўёқ теккизган, шу билан у нафақат жуда гўзаллашган, балки, энг асосийси, аёллик латофатига эга бўлганди. Қисқа соч ва йигитча коржома тасаввурни баттар кучайтирарди. У Жулияни бағрига босганда, бинафшанинг синтетик ҳиди димоғига урилди. У ертўладаги ошхонани ва оғзи ғорга ўхшаган аёлни эслади. У аёлдан ҳам шу атир ҳиди келганди, бироқ бу ҳозир муҳим эмасди.

– Атир! – деди у.

– Ҳа, жонгинам, атир. Биласанми, энди нима қилмоқчиман? Қаердандир ҳақиқий кўйлакни топаман. Бу расво шимнинг ўрнига кияман. Ипак пайпоқлар ва баланд пошналар туфли кияман. Бу хонада мен аёл бўламан, ўртоқ бўлмайман!

Улар кийимларни ечиб, отиб юборишди ва қизил дарахтдан бўлган катта кроватга чўзилишди. У қизнинг олдида биринчи марта яланғоч бўлди. Шу пайтгача у қизнинг олдида ўзининг бўзарган, ориқ баданидан, болдиридаги бўртиб чиққан кўк томирларидан, тўпиғидаги қизил доғларидан уяларди. Чойшаб йўқ эди, аммо тағларидаги кўрпа тўзиб кетган ва юмшоқ эди, кроватнинг кенглиги эса иккаловларини ҳам ҳайратга солди.

– Бургалар ғиж-ғиж бўлса керак, лекин нима фарқи бор, – деди Жулия.

Икки кишилик кроватларни фақат пролларнинг уйида кўриш мумкин эди. Уинстон болалигида дахлизда ётарди; Жулия эсини таниганидан бери бунақа икки кишилик катта ётоқда бирор марта ётмаган.

Кейин улар бир мунча вақт ухлаб қолдилар. Уинстон уйғонганда соат миллари тўққизга яқинлашар эди. У қилт этмасди – Жулия бошини унинг қўлларига қўйганча ухларди. Унинг ҳамма упаси йигитнинг юзига ва болишга ўтганди, юзида қолган озгина упа ҳам барибир қизнинг гўзал ёнокларини ажратиб турарди. Ботаётган қуёшнинг сариқ нурлари кроватнинг етагига тушиб турар ва каминни ёритарди – у

ерда аллақачон ту누ка козондаги сув қайнаб ётарди. Ҳовлидаги аёл кўшиқ айтмай кўйган, у ёқдан болаларнинг паст овоздаги кичкириқлари элас-элас эшитиларди. У ўйланиб қолди: наҳотки унутилган ўша ўтмишда бу оддий иш бўлган – ёзнинг салқин окшомида эркак ва аёл бемалол тўшакда ётган, истаган пайтда бир-бирларини эркалаган, нима ҳақида сўзлашни истасалар, гаплашишган ва ҳеч ерга шошилишмаган – шунчаки кўчадаги тинч шовқин-суронни тинглаб ётишган? Йўқ, бу шунчаки одатий иш хисобланган замон бўлиши мумкин эмас. Жулия уйғонди, кўзларини ишқалади ва тирсагига таяниб, керосинли ўчоққа қаради.

– Сувнинг ярми қайнаб тугади, – деди у. – Ҳозир тураман, қахва дамлайман. Яна бир соат вақтимиз бор. Уйингда қачон чирокни ўчиришади?

– Йигирма учу ўттизда.

– Ётоқхонада – йигирма учда. Аммо ундан вақтлироқ қайтиш керак, акс ҳолда... Эҳ, сен! Йўқол, аблах!

У кроватга осилган ҳолда ердан туфлисини олди ва, ўшанда Икки Дақиқа Нафратда – луғат китобини Голдстейнинг башарасига отгани каби, болаларча қулоч ёзиб, бурчакка улоқтирди.

– Тинчликми? – ҳайрон бўлиб сўради Уинстон.

– Каламуш. Девор тагидан бошини чиқарди, махлуқ. Уяси ўша ерда. Мен уни роса кўрқитдим.

– Каламушлар! – шивирлади Уинстон. – Бу хонада?

– Ҳа, улар тўлиб ётибди, – лоқайд жавоб берди Жулия ва яна ётди. – Айрим мавзеларда ошиб-тошиб, бижғиб ётибди. Улар болаларга ҳужум қилишини биласанми? Ташланишади. Айрим жойларда аёллар эмизикли болаларини бир дақиқага ҳам қолдира олмайди. Айниқса, қари, жигарранглирдан кўрқиб керак. Энг жирканч томони, бу махлуқлар...

– Бас қил! – Уинстон кўзларини қаттиқ юмиб олди.

– Жонгинам! Рангинг оқариб кетди. Сенга нима бўлди? Каламушлардан кўрқасанми?

– Каламушлардан... Улардан кўрқинчли нарса йўқ бу оламда.

Қиз унинг бағрига кирди, қўллари ва оёқлари билан уни

кучоклаб олди, гўё баданининг тафти билан уни тинчлан-тирмоқчи эди. У кўзини дарҳол очмади. Бир неча сония уни бутун умр таъқиб қилган таниш даҳшатли туш, босинқираш қамраб олди. У зулмат девори қаршисида турибди, девор ортида чидаб бўлмас нимадир бор, у шундай ваҳшатлики, қарашга куч йўқ. Тушидаги асосий сезги шуки, у ўзини алда-япти – аслида у зулмат деворининг ортида нима борлигини яхши билади. Ҳолдан тойдирувчи уриниш билан уни мияси-дан суғуриб олиб, ёруғликка олиб чиқа оларди ҳам. Уинстон девор ортида нима борлигини билиб олишга улгурмайди – уйғониб кетаверади. Жулиянинг ярмида узилиб қолган ҳико-яси шу ваҳшатга қандайдир алоқадор эди.

– Маъзур тутасан, – деди у. – Шунчаки. Каламушларни яхши кўрмайман, бошқа гап йўқ.

– Ҳаяжонланма, азизим, бу махлуқларни ичкарига киритмаймиз. Кетаётганда бу тешикни латта билан беркитиб қўяман. Кейинги сафар лой қоришмасини олиб келиб, тешикни суваб юборамиз.

Қора саросима лаҳзалари миядан қарийб чиқиб кетди. Бироз хижолат бўлган Уинстон ётоқнинг бош томонида ўтирди. Жулия кроватдан туриб, коржомасини кийди ва қаҳва дамлади. Тунукақозондан таралаётган ҳид шу қадар кучли ва иштаҳани қитиқлайдиган эдики, улар деразани беркитишди: ҳовлидаги биров ис олиб, ичкари билан қизиқ-масин яна. Қаҳвадаги энг ёқимли нарса унинг таъми эмас, ундаги шакар тил учида қолдирган ипақдай майинлик эди, Уинстон кўп йиллар сахарин ичавериб, унинг нималигини унута бошлаганди. Жулия бир қўлини чўнтагига солиб, бошқа қўлида мураббо сурилган бутербродини ушлаганча, хона бўйлаб юрар, китоб жавонини лоқайдгина назардан ўтказар, сурилма столни қандай қилиб яхшироқ тузатишни тушунтирар, қулайлигини текшириш учун оромкурсига ўзини ташлар, ўн икки соатли циферблатни қизиқиб томоша қиларди. Қиз шиша пресс-папъени кроват томонга, ёруғликка яқинроқ қўйди. Уинстон уни қўлларига олди ва шишанинг юмшоқ ёмғирга хос майинлигидан доимгидай меҳри жўшди.

– Бу буюм нима учун керак деб ўйлайсан? – сўради Жулия.

– Бирор нарса учун керак деб ўйламайман, яъни ундан бирор нарса учун фойдаланишмаган. Шунинг учун ҳам у менга ёқади. Тарихнинг унутилган кичик бир парчаси. Ўтган асрдан пайғом бу – уни билиб олсак, ўқий олсак эди.

– Девордаги сурат-чи, – қиз ияги билан девордаги уйма суратга ишора қилди. – У ҳам ўтган асрга тааллуқлими?

– Ундан ҳам эски. Эҳтимол, икки асрлик. Айтиш қийин. Ҳозир бирор нарсанинг ёшини аниқлаш қийин.

Жулия гравюрага яқинроқ келди.

– Мана, қаердан бу махлук бошини чиқарди, – деди у ва сурат тагидаги деворни тепди. – Бу қанақа уйнинг сурати? Мен уни қаердадир кўрганман.

– Бу черков, ҳар ҳолда черков бўлган. Авлиё Клемент даниялик черкови деб аталган. – У мистер Чаррингтон ўргатган шеърнинг бошини эслади ва ҳазин бир овозда кўшиб кўйди: – Апельсинлар ва лимонлар, Авлиё Клемент кўнғироқлари.

Уни ҳайратга солиб, қиз шеърни давом эттирди:

– *Жаранглайди ана Авлиё Мартин:*

Менга бергин, қани, бир фартинг!

Олд Бейли ҳам, серзарда эди,

Қарзни қайтар, биродар! – деди.

Кейинги сатрларини эслай олмайман, лекин у шундай тугарди: «Шамлар келар сени тўшакка кузатгали. Қилич келар бошгинангни узиб олгали».

Бу бир калит сўз ва жавоби каби эди. Аммо «Олд Бейли»дан сўнг яна нимадир бўлиши керак. Эҳтимол, агар тўғри йўналиш берилса, жаноб Чаррингтоннинг хотирасидан топилар.

– Буни сенга ким ўргатган? – сўради у.

– Бобом ўргатган. Мен ўшанда жуда ёш қизча эдим. Сак-қиз ёшга кирганимда бобомни буғлантириб юборишди. Ҳар ҳолда, у йўқолиб қолди. Қизиқ, апельсинлар қанақа бўлган экан, – қутилмаганда сўради у. – Лимонларни кўрганман. Сарғиш, қирраучли бўларди.

– Мен лимонларни эслайман, – деди Уинстон. – Эллигинчи йилларда улар кўп эди. Шундай нордон эдики, хидининг ўзидан оғзининг суви келарди.

– Сурат орқасида бургалар яшаса керак, – деди Жулия. – Бирор кун вақт топиб, уни яхшилаб тозалайман. Вақтимиз тугади. Мен ҳали бўёқларимни ювишим керак. Нақадар разиллик! Кейин сенга суртилган лаббўёқни артиб ташлайман.

Уинстон яна бир неча дақиқа ағанаб ётди. Хона қоронғилаша бошлади. У ёруғ томонга ўтирилди ва пресс-папьега тикилди, маржонга эмас, шишанинг ичкарасига қаради – инсоннинг назарини тинимсиз ўзига тортадиган нарса шу эди – шишанинг чуқурлиги ва мусаффо ҳаводай шаффофлиги. Фалак гумбази каби шиша ўз ичига ҳавоси бор мўъжаз бутун бир дунёни қамраб олганди. Уинстонга туюлардики, у шиша ичкарасига кириши мумкин, у аллақачон ичкарида – у ҳам, қизил ёғочдан бўлган шу ётоқ ҳам, сурилма стол ҳам, соатлар ҳам, ўйма сурат ҳам ва шиша пресс-папьенинг ўзи ҳам ичкарида эди. Шу шиша бир хона эди, ичидаги маржон эса Жулия ва ўзининг ҳаёти эди – абадият каби биллур шишанинг юрагига ўрнатилган эди у.

Сайм йўқолиб қолди. Эрталаб ишга келмади. Айрим калтабинлар унинг ишга келмай қолганини гапиришди. Кейинги кун уни ҳеч ким эсламади. Учинчи кун Уинстон «Хужжатлар бўлими»нинг эълонлар тахтасига қараш учун даҳлизга чиқди. У ерда Сайм аъзоси бўлган Шатранж кўмитасининг босма рўйхати турарди. Рўйхат худди аввалгидай кўринарди – ҳеч кимнинг номи устига чизилмаган – фақат рўйхат битта фамилияга кискарганди. Ҳаммаси тушунарли – Сайм мавжуд эмас, умуман мавжуд ҳам бўлмаган.

Ҳаво жизғанақ қиладиган жазирама эди. Вазирлик лабиринтларида, деразасиз, кондиционерли хоналарда ҳаво мўътадил сақланарди, аммо кўчадаги йўлкалар оёқни ёндирарди, тикилинч маҳалларда метрони чидаб бўлмас сассик ҳид босар эди. Нафрат ҳафталигига тайёргарлик авжида эди, вазирликлар ходимлари иш вақтидан ташқари ҳам ишлар эди. Намойишлар, митинглар, ҳарбий тантаналар, маърузалар, мум хайкаллар кўргазмаси, кинофильмлар намоиши, махсус теледастурлар – буларнинг барини ташкиллаштириш лозим эди; минбарлар қуриш, хайкалларни ўрнатиш, шиорларни пардозлаш, кўшиқлар яратиш, миш-мишлар тарқатиш, фотосуратларни сохталаштириш керак бўлар эди. «Адабиёт бўлими»да Жулиянинг бўлинмасини романлар тўқишдан олиб, шафқатсизликлар ҳақида рисолачалар тайёрлашга жалб этишди. Уинстон асосий ишига кўшимча «Таймс» газетаси тахламлари билан узоқ вақт ишлаб ўтирар, хабарларни ўзгартирар ва безатар, чунки уларни кейин маърузаларда иқтибос тариқасида ишлатишлари лозим эди. Проллар тўда-тўда бўлиб кезадиган кечки пайтларда Лондонни гўё талваса босарди. Ракеталар шаҳарга одатдагидан кўпроқ тушар, баъзида олислардан ваҳшатли портлашларнинг овози эшитилади – ҳеч ким бу портлашларни тушунтира олмас ва бу ҳақда бир-бирдан кўркинчли миш-мишлар тарқаларди.

Ҳафталикнинг мусиқий мавзуси аллақачон яратилган («Нафрат кўшиғи» деб аталган эди) ва тасдиқланган бўлиб, телекранлардан тинимсиз янграб турарди. Ғазабнок вовуллаш оҳангида, мусиқа деб ҳам бўлмайдиган бу тарақа-ту-

рук кўпроқ ноғора садосини эслатарди. Юзлаб оғизлардан чиққан ўкирик товуш оёқларнинг тепкиси жўрлигида кўрқинчли эшитиларди. Проллар бу даба-дубани ёқтириб қолишди, тунги кўчаларда шу пайтгача машҳур бўлган «Қалбда аллақачон орзулар тамом» кўшиғининг ўрнини эгаллаганди. Парсонснинг болалари уни куну тун хуштакда пуфлаб, жўшиб ижро этарди. Энди Уинстоннинг окшомлари янада кўпроқ банд бўлганди. Парсонс жамлаб олган кўнгиллилар тўдаси кўчани Нафрат ҳафталигига тайёрлар, шиорларни ёзар, плакатларни чизар, томларга байроқ ўрнатар, ҳаётини хавфга қўйиб, кейинчалик бўлғуси шиорларни осиб учун кўча орқали нариги томондаги томларга сим тортарди. «Ғалаба» тураржой уйининг ўзига тўрт юз метрли шиорлар осиб қўйилади, деб мақтанарди Парсонс. У ўз ишидан ёш боладай қувонарди. Жазирама иссиқ ва жисмоний меҳнат унинг кечкурун кийим алмаштириб, калта иштон ва кенг кўйлак кийиб олишига баҳона эди. У бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда ҳозир бўлар – тортар, итарар, арралар, қоқар, ихтиро қилар, ўртоқларча далда берар ва баданининг ҳар бир қисмидан аччиқ тер ҳидини тарқатар эди.

Бирдан бутун Лондонни янги плакат босди. Остида ёзуви йўқ: ҳайбатли, уч-тўрт метрли, катта этик кийган евро-сиёлик ҳиссиз мўғулбашара аскар қўлидаги автомат билан томошабинни нишонга олиб, устига босиб келарди. Сурат перспективаси шундай эдики, сен қаерда турган бўлсанг ҳам, автоматнинг катталаштирилган оғзи сени нишонга олиб турарди. Бу суратни ҳар бир бўш жойга, ҳар бир деворга илиб ташлашди ва сон жиҳатдан у Катта Оғанинг суратидан ҳам кўпайиб кетди. Одатда уруш билан қизикмайдиган проллар ҳам вақт-вақти билан ватанпарварлик талвасасига тушишарди. Гўё бу дарғазаб кайфиятга уйғунлашгандай ракеталар ҳам одатдагидан кўпроқ одамларни йўқ қила бошлади. Битта ракета Степна мавзеидаги одам тўла кинотеатрга тушиб, юзлаб инсонларни вайроналар остида қолдириб ҳалок қилди. Ҳудуддаги барча фуқаролар дафн маросимига тўпландилар; жараён бир неча соат давом этди ва норозилик намоишига айланиб кетди. Бошқа ракета бўш ётгани учун болалар май-

дончасига айлантирилган жойга тушди ва ўнлаб болаларни бўлаклаб ташлади. Яна ғазабкор намоёишлар ўтказилди, Голдстейннинг ясама тулуми ёндирилди, евросиёлик аскарнинг юзлаб плакатлари юлиб олинди ва оловга ташлаб, ёкиб юборилди; тартибсизликлар пайтида бир неча дўконлар талон-тарож қилинди; жосуслар радиотўлқинлар орқали ракеталарни бошқараётганмиш деган миш-миш тарқалди, келиб чиқиши хорижлик бўлган кекса эр-хотиннинг уйини ёкиб юборишди, қариялар тутунда бўғилиб ўлди.

Жаноб Чаррингтоннинг дўкони устидаги хонада Жулия ва Уинстон тўшаксиз кроватда, жазирама туфайли яланғочланган ҳолда, чўзилиб ойна тагида ётардилар. Каламуш бошқа кўринмади, аммо бургалар иссиқда роса урчиди, ғиж-ғижлаб кетди. Буларнинг бари ошиқ-машуққа қор қилмасди. Кирми-тозами – бу хона улар учун жаннат эди. Келганлари заҳоти ҳамма ерга қора бозорда сотиб олинган қалампир кукунини сепиб чиқишди, кийимларни иргитишди, терга ботиб, висол оғушига кирдилар; кейин силлалари қуриб, ухлаб қолдилар, уйғонгач, бургалар ўзига келиб, қарши хужумга ўтаётганини кўрдилар.

Улар июнда шу тахлит тўрт, беш, олти, етти марта учрашдилар. Уинстон куннинг турли вақтида жиншароб ичиш одатини ташлади. Ичкиликка эҳтиёжи ҳам қолмаганди. Бироз тўлишди, варикоз яраси битди, фақат тўпиғида жигарранг доғи қолди; эрталабки йўтал тутиши ҳам барҳам топди. Ҳаёт чидаса бўладиган ўзанига тушиб олди; Уинстонни энди аввалгидай телекранга башарасини бужмайтириш ёки бор овози билан бақариш истаги безовта қилмай қўйди. Энди уларнинг ишончли бошпаналари бор, қарийб ўз уйларидай жой, гарчанд учрашувлар онда-сонда, бир-икки соатга бўлса ҳам, бу ҳолат уни оғринтирмайди. Уларнинг эски-туски сотиладиган дўкон тепасида хоналари борлиги муҳимроқ эди. Бу жойнинг борлиги ва дахлсизлигини билишнинг ўзи унинг ичида бўлиш билан баробар эди. Хона ўтмиш сақланадиган кўриқхона, аллақачон ҳалок бўлган жониворлар кезиб юрадиган дунё эди. Жаноб Чаррингтон ҳам ўлиб кетган махлук, деб ўйлади Уинстон. Юқорига чиқиш олдидан уй соҳиби

билан гаплашиш учун тўхтарди. Чол камдан-кам ёки умуман кўчага чиқмайдиганга ўхшарди; бошқа томондан, унинг харидорлари ҳам деярди йўқ эди. Унинг арвоҳдек кечадиган ҳаёти мўъжазгина қоронғи дўконча ва орқадаги янада кичикрок ошхона ўртасида ўтарди, у шу ошхонада ўзига емак тайёрлар, у ердаги буюмлари орасида карнайи улкан эски граммофон ҳам бор эди. Чол ким биландир гаплашиш имкони туғилса, хурсанд бўларди. Қиррабурун, букри чол қалин кўзойнагини тақиб, духоба нимчасини кийиб, ўзининг кераксиз буюмлари орасида айланиб юрар, бу кўринишида у савдогарга эмас, кўпроқ коллекционерга ўхшарди. Бир қадар сўниб қолган ҳавас билан у ёки бу лаш-лушни – шиша идишнинг чинни қопқоғини, тамаки қутисининг сурат ишланган ёпқичини, кимлиги номаълум ва аллақачон дунёдан ўтган гўдакнинг сочи солинган жез медалённи қўлга оларди – Уинстонга сотиб олмаса ҳам, шунчаки томоша қилишни таклиф этарди. У билан суҳбатлашиш эскирган мусиқий патефонни эшитишдай гап эди. У ўз хотирасининг олис сўқмоқларидан яна бир нечта болалар кўшиқларини чиқарди. Биттаси тўрт ва йигирмата қора қуш ҳақида, бошқаси шохи қайрилган сигир ҳақида эди, яна бири олашақшақнинг ўлими тўғрисида бўларди. «Мен бунинг сизга қизиғи бор деб ўйладим», дерди у мийиғида жилмайиб, навбатдаги шеър парчасини ўқиркан. Бироқ у бирор бир шеърни икки-уч сатрдан кўпини билмасди.

Бу ҳолат ҳозиргидек узоқ давом этмаслигини иккалови ҳам ёдда сақлардилар. Баъзида қаршиларида турган ўлим тағларидаги кроват сингари яқиндай сезиларди, ўлимига саноқли дақиқалар қолаётган одам ҳаётнинг охириги лаззатига ўзини ургандай улар чорасиз бир эҳтирос билан бир-бирларига ёпишар эдилар. Шундай кунлар ҳам бўлардики, улар ўзларини нафақат хавфсиз, балки доимий бахтиёрлик сезиб, хомхаёллик қилардилар. Бу хонада уларга ҳеч нарса бўлиши мумкин эмасдек, туюларди. Бу ергача келиш оғир ва қалтис, аммо хонанинг ўзи – бошпана. Худди шунақа бир туйғу билан у шиша пресс-папьега қаради: унга шишадан бўлган дунёнинг ўртасига тушиш мумкиндай туюлди, ўша ерга

тушганинга вақт тўхтаб қолади. Улар кўп бор озод бўлиш орзусига берилдилар. Омад улардан юз ўғирмайди, уларнинг ишқий романи ўз ажали билан ўлгунларича давом этади. Ёки Кэтрин ўлади, Уинстон ва Жулия турли-туман хийла-найранглар билан оила қуришга рухсат оладилар. Ёки улар биргаликда ўз жонларига қасд қиладилар. Ёхуд яширинадилар – киёфаларини ўзгартирадилар, пролетарча гап-сўзларни ўрганиб оладилар, бирор фабрикага ишга жойлашадилар ва кўлга тушмай чекка жойларда умрларини ўтказадилар. Буларнинг бари пуч хаёллар эканини иккалови ҳам биларди. Амалда қочишнинг имкони йўқ эди. Амалга оширса бўладиган битта йўл бор эди – ўзини ўлдириш, аммо бунга хоҳишлари йўқ эди. Келажаги йўқ бугунги кунни кундан-кунга, ҳафтадан-ҳафтага чўзишни енгилмас инстинкт талаб қиларди – агар ҳаво бўлса, ўпка яна кейинги нафасни олаверади.

Гоҳида улар партияга қарши фаол исён қилиш ҳақида ҳам гаплашишарди, бироқ нимадан бошлаш кераклигини тасаввур ҳам қилолмас эдилар. Агар ўша афсонавий «Биродарлик» мавжуд бўлса ҳам, у томонга қандай йўл топиш мумкин? Уинстон ўзи ва О'Брайен ўртасида юзага келган – ёки гўёки юзага келган – яқинлик тўғрисида ва гоҳида О'Брайеннинг олдига бориш, ўзини партиянинг душмани деб эълон қилиш ва ёрдам сўраш истаги пайдо бўлиши ҳақида Жулияга айтиб берди. Қанчалар ғалати эшитилмасин, Жулия бу ғояни аҳмоқона деб ҳисобламас экан. У одамларни юзларига қараб баҳолашга ўрганиб қолганди ва унга Уинстоннинг О'Брайен билан бир марта юзма-юз кўришиб, унга ишониб қолганлиги табиий туюлди. У партияни пинҳона ёмон кўрадиган ҳар бир инсон, деярли ҳар бир инсон, агар ўзига хавф солмаса, партия ўрнатган қоидаларни бузишини ўз-ўзидан бўладиган иш деб ҳисоблар эди. Бироқ у кенг ташкилий қаршилиқ ҳаракати мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши мумкинлигига ишонишни истамас эди. Голдстейн ва унинг яширин армияси ҳақидаги ҳикояларни партия ўз манфаати учун тўқиган, уларга ўзингни ишонадигандай тутишинг зарур бўлган пуч сафсата дерди. У неча марталаб партия мажлислари ва стихияли намоийшларда ўзи исмини ҳам эшитмаган, жиноят қилганига

ишонмаган одамларни қатл этишни талаб қилиб, томоғини йиртиб бақирган. Очiq суд ишлари бошланганда у суд биниси атрофида «Ёшлар лигаси» аъзолари билан бирга куни бўйи бақирарди: «Хоинларга ўлим!» Икки Дақиқа Нафратда ҳаммадан ҳам кўпроқ Голдстейнни у ҳақоратларди. Айни пайтда Голдстейн кимлигини ва унинг назарияси нимадан иборатлигини ғира-шира тасаввур қиларди. У инқилобдан кейин вояга етди ва ўша вақтда бола бўлгани боис эллигинчи ва олтмишинчи йилларнинг ғоявий жангларини эслай олмасди. Мустақил сиёсий ҳаракатни тасаввур ҳам қила олмасди; ҳар қандай ҳолатда ҳам партия пойдевори мустаҳкам деб биларди. Партия ҳамиша бўлган ва бўлади. Унга қарши фақат яширин бўйсунмаслик, алоҳида шафқатсизликлар – кимнидир ўлдириш, қаернидир портлатиш орқали исён қилиш мумкин.

Айрим муносабатларда у Уинстондан кўра зийракроқ, партия ташвиқотлари унга кам таъсир қиларди. Бир гал у Евросиё билан урушга боғлиқ нимадир гапирганда, Жулия уни батамом донг қолдирди – унинг фикрича, ҳеч қандай уруш бўлаётгани йўқ. Лондонга ёғаётган ракеталарни, эҳтимол, «одамларни кўрқувда ушлаб туриш учун» ҳукуматнинг ўзи ташламоқда. Унинг хаёлига бунақа фикр умуман келмабди. Бир гал қизга ҳатто ҳавас қилди: қизнинг айтишича, Икки Дақиқа Нафратда унинг учун энг қийин нарса – кулгидан ўзини тийиб туриш экан. Бироқ у партиянинг фақат ўзининг шахсий ҳаётига бевосита тааллуқли бўлганларинигина сўроққа тутарди. Қиз кўпинча расмий мифни рост-ёлғонлиги ўзи учун аҳамиятсиз бўлганда қабул қилишга тайёр эди. Масалан, у партия учоқ ихтиро этганига ишонар эди – унга мактабда шундай деб ўқитишганди (Уинстон мактабда ўқиган пайтлари – 50-йиллар охирида партия фақат вертолёт ихтиросига даъвогар эди; ўн йил ўтгач – Жулия мактабга борганда учоқ ҳам партия ихтироси деб ўқита бошлашди; яна бир авлод ўтсин – буғ машинасини ҳам партия ихтиро қилган бўлади). У Жулияга учоқлар у туғилмасидан олдин, ҳатто инқилобдан аввал ҳам учиб юрганини айтганида, қиз қизикмади ҳам. Дарҳақиқат, учоқни ким ихтиро қилгани-

нинг нима фарқи бор? Аммо уни бошқа нарса кўпроқ хайратга солди: йўл-йўлакай айтилган гапдан маълум бўлдики, Жулия тўрт йил аввал Евросиё билан тинчлик бўлгани, уруш эмас – Остосиё билан бўлганини эсламади. Тўғриси, урушни у умуман ёлғон деб биларди; ғаним номи ўзгариб қолганини у ҳатто сезмаган. «Биз ҳамisha Евросиё билан урушганимиз, деб ўйлабман», деди у лоқайдлик билан. Бу Уинстонни бироз чўчитди. Учоқни у дунёга келмасидан анча мукаддам ихтиро қилишган, аммо ғаним бор-йўғи тўрт йил аввал алмашди, у бу пайтда вояга етган эди. У қизга буни чорак соат тушунтирди. Алалоқибат у қизнинг хотирасини уйғота олди ва у, қийналиб бўлса-да, ростдан ҳам қачондир Евросиё эмас, Остосиё душман бўлганини эслади. Аммо унинг учун бу ҳамон аҳамиятсиз масала эди. «Барибир эмасми? – деди у ижирғаниб. – Бир аҳмоқона урушдан кейин иккинчиси... Хабарлар ёлғонлиги маълум».

Гохида у «Хужжатлар бўлими» ҳақида, сурбетларча сохталаштириш билан шуғулланиши тўғрисида қизга гапириб берарди. Қиз бундан ваҳимага тушмасди. Ёлғоннинг ростга айланишини эшитиб, ерга кириб кетмасди. У қизга Жонс, Аронсон ва Резерфорд ҳақида, қўлига тушиб қолган газета нарчаси ҳақида гапириб берди. Жулияни бу ҳам хайратга солмади. Ҳатто ҳикоянинг мантиғини ҳам тезда илғай олмади.

– Улар сенинг дўстларинг эдими? – сўради у.

– Йўқ, мен улар билан таниш ҳам эмасдим. Улар Ички партиянинг аъзолари бўлган. Бундан ташқари, уларнинг ёши мендан анча катта. Бу одамлар эски замоннинг, инқилобдан олдинги даврнинг одамлари. Уларнинг юзини ҳам зўрға танирдим.

– Бўлмаса, нега бунча хавотирланасан? Ҳар куни кимдир ўлдирилади-ку, тўғримасми?

У тушунтиришга уринди.

– Бу алоҳида воқеа. Гап кимнидир ўлдиришгани ҳақида эмас. Тушуняпсанми, ўтмиш кечаги кундан бошлаб амалда йўқотилган? Агар ўтмиш қаердадир сақланиб қолган бўлса, сўз билан боғлиқ бўлмаган мана бу шиша каби моддий

нарсаларда сақланади. Биз инқилоб ва инқилобгача бўлган воқеалар ҳақида деярли ҳеч нарсани билмаймиз. Ҳамма ҳужжатлар йўқ қилинган ёки сохталаштирилган, барча китоблар қайта ёзилган, суратлар қайта ишланган, ҳайкаллар, кўчалар ва бинолар қайта номланган, саналар ўзгартирилган. Бу жараён бир кун ҳам, бир дақиқа тўхтаб қолмайди. Тарих тўхтаб қолди. Партия ҳақ бўлган бугунги кундан бошқа нарса мавжуд эмас. Мен ўтмиш сохталаштирилишини биламан, бироқ буни исботлай олмайман – ҳатто ўзим сохталаштирган бўлсам ҳам. Воқеа содир бўлган заҳоти далиллар йўқ қилинади. Ягона далил – менинг бошимда, бироқ худди шу нарса яна бошқа бирор одамнинг хотирасида сақланиб қолган деб аниқ айтолмайман. Фақат ўша куни, умримда бир марта мен тўла ҳаққоний далилни кўлимда ушлаб турдим – ходисадан сўнг, бир неча йил ўтиб.

– Ҳўш, нима самара бўлди бундан?

– Ҳеч қандай самара йўқ, чунки бир неча дақиқадан кейин мен уни ташлаб юбордим. Агар шу воқеа бугун такрорланса, энди ташлаб юбормасдим.

– Мен эса – йўқ! – деди Жулия. – Мен арзийдиган бирор нарса учун ҳаётимни хавфга қўйишим мумкин, эски газетанинг бир парча қоғози учун эмас. Асраб қолдинг ҳам дейлик, уни нима қилардинг?

– Эҳтимол, айтарли ҳеч нарса. Аммо бу далил эди. Агар мен журъат қилиб кўрсата олсам – кимдadir шубҳа-гумон уйғота оларди. Биз ҳаётимиз мобайнида бирор нарсани ўзгартира оламиз деб ўйламайман, албатта. Аммо сийрак бўлса-да, қаршилиқ ўчоқлари пайдо бўлади – одамларнинг майда гуруҳлари йиғилади, улар кўпая боради ва, эҳтимол, ўзларидан келгуси авлод ўқий оладиган ва бизнинг ишларимизни давом эттирадиган бир неча ҳужжатларни қолдиради.

– Келгуси авлод, азизим, мени қизиқтирмайди. Мен ўзимизга қизиқаман.

– Сен белдан пастда исёнкорсан, – деди у.

Ҳазил Жулияга ёқти ва у ҳаяжондан йигитни кучоқлаб олди.

Партия доктринасидаги ўзгаришлар уни умуман қи-

зиқтирмасди. Уинстон ингсоц тамойиллари, кўшфикр, ўтмишнинг ўзгарувчанлиги ва ҳаққоний воқеликнинг инкор этилиши ҳақида гапирганда, Янгитил атамаларини қўллаганда қиз зерикиб қолар, аччиғланар ва бунақа нарсаларга ҳеч қачон эътибор бермаганлигини айтарди. Ахир буларнинг бари пуч сафсата эканлигини ҳамма билади-ку, бошни оғритиш нега керак? Қачон «ура» деб бакириш ва қачон олқишлаш кераклигини билсанг бўлди. Агар у яна шу мавзуларда гапни давом эттирса, қиз ухлаб қоларди. У ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай вақтда ухлай оладиганлар тоифасидан эди. Қиз билан суҳбатлашаркан, Уинстон тўғри эътиқоднинг ўзинималигини тушунмасдан ҳам тўғри эътиқодли одам бўлиб кўриниш жуда осон эканлигини англади. Маълум маънода партиянинг дунёқараши уни тушунмайдиган одамлар онгига самаралироқ сингади. Улар ҳақиқатнинг даҳшатли бузилишига ҳам рози бўлиб кетаверадилар, чунки ўзларидан талаб қилинаётган нарсанинг моҳиятини англамайдилар, ижтимоий ҳодисаларга қизикмаганлари боис, атроф-жавонибда нималар содир бўлаётганидан ғофил қоладилар. Тушунмаслик ақлдан озишдан сақлайди. Улар ҳамма нарсани бирин-кетин ютаверадилар ва ютганлари уларга зарар бермайди, худди куш ошқазонидан маккажўхори дони ҳазм бўлмасдан ўтиб кетгани каби, уларнинг дилларида асорат қолдирмайди.

VI

Нихоят содир бўлди. Узоқ кутилган хабар келди. Бутун умри давомида шу хабарни кутгандай эди.

У вазирликнинг узун йўлагидан борар ва Жулия унга ёзувли қоғозни тутқазган ерга яқинлашаркан, ортидан кимдир – ҳайбатлироқ одам келаётганини сезди. Номаълум кимса, гўё гаплашмоқчидай, секин йўталди. Уинстон жойида қотиб қолди, ортга ўгирилди. Унинг қаршисида О'Брайен турарди.

Нихоят улар юзма-юз туришибди, бироқ Уинстонда биттагина истак пайдо бўлди – қочиш истаги. Юраги қинидан чиққудай урарди. У биринчи бўлиб гап бошлай олмасди. О'Брайен аввалгидай шахдам қадам ташлаб, бир лаҳзада унинг ёнига келди, Уинстоннинг қўлига дўстона тегиб, ёнма-ён юра бошлади. О'Брайен Ички партиянинг аксарият аъзоларидан фарқли ўлароқ, жуда назокат билан гап бошлади.

– Мен сиз билан гаплашиш имконини излаб юргандим, – деб гап бошлади у. – Яқинда «Таймс» газетасида Янгитилда ёзилган мақолангизни ўқидим. Билишимча, Янгитилга қизиқшингиз илмий ҳарактерга эга қизиқиш бўлса керак?

Уинстон қисман ўзини ўнглаб олди.

– Жуда илмий эмас, – жавоб берди у. – Мен бор-йўғи ҳаваскорман. Бу менинг ихтисослигим эмас. Тилни амалий ишлаб чиқишда умуман иштирок этмаганман.

– Лекин мақола жуда яхши ёзилган, – деди О'Брайен. – Бу фақат менинг фикрим эмас. Яқинда бир танишингиз билан гаплашдим – у мутахассис. Ҳозир унинг исмини эслай олмаяпман.

Уинстоннинг юраги яна гупиллаб уришга тушди. Гап Сайм ҳақида бормоқда, шубҳасиз. Бироқ Сайм нафақат ўлган, у бекор қилинган – шахс эмас. Унинг борасида ўраб-чирмаб гапириш ҳам ҳалокатлидир. О'Брайеннинг сўзлари бир имо-ишора, калит сўз бўлса керак. Унинг олдида бу мўъжаз фикр жиноятини содир этар экан, О'Брайен уни ўзига шерик қилди. Улар йўлакда секин юришда давом этдилар, аммо О'Брайен тўхтаб қолди. Бурнидаги кўзойнакни тўғри-

лаб олди – бу харакатида доимгидай одамни юмшатадиган, дўстона нимадир бор эди. Кейин давом этди:

– Мен айтмоқчи эдимки, маколангизда ҳозир эскирган иккита сўзни илғаб қолдим. Аммо улар яқиндагина эскирган деб топилди. Сиз Янгитил луғатининг ўнинчи нашрини кўрдингизми?

– Йўқ, – деди Уинстон. – Менимча, у ҳали чоп этилмаган. Бизнинг «Хужжатлар бўлими»мизда тўққизинчи нашрдан фойдаланилади.

– Ўнинчи нашрни, билишимча, бир неча ойдан кейин чоп этишади. Аммо нишона нусхалари тарқатилган. Менда бор. Агар қизиксангиз бериб тураман?

– Қизикаман, албатта, – деди Уинстон, унинг нимага ундаётганини дарҳол тушуниб.

– Айрим янгиликлар жуда топқирлик билан қилинган. Фейл туркумидаги сўзларнинг қискартирилиши, ўйлайманки, сизни қизиқтиради. Сизга луғатни чопар орқали юборсам бўладими? Эсимда турмайди, деб кўркаман. Балки ўзингиз уйимга келарсиз – ўзингизга қулай вақтда? Бир дақиқа. Мен сизга манзилни ёзиб бераман.

Улар телекран қаршисида турардилар. О'Брайен иккала чўнтагини бепарвогина кавлади-да, чарм муковали ёндафтарчаси ва сиёҳли ручкасини чиқарди. Бевосита телекран қаршисида туриб, нариги томонда турган одам бемалол ўқий оладиган ҳарфларда манзилини ёзди, варақни йиртиб, Уинстонга тутди.

– Кечкурунлари одатда уйда бўламан, – деди у. – Агар уйда бўлмасам, хизматкорим луғатни сизга беворади.

У Уинстонни бу сафар яширмаса ҳам бўладиган қоғоз варағи билан қолдириб, ўзи кетди. Шунга қарамасдан, Уинстон манзилни ёдлаб олди ва бирор соатдан кейин варақни бошқа қоғозлар билан ёқиб юбориш учун хотира туйнугига ташлаб юборди.

Улар нари борса, бир неча дақиқа суҳбатлашишди. Бу учрашувни фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин. У Уинстонга О'Брайеннинг манзилини хабар қилиш учун уюштирилган. Бошқа йўли йўқ эди: инсоннинг қаерда яшашини

фақат унинг ўзидан бевосита сўраб билиш мумкин эди. Манзиллар китоби йўқ. «Агар мен билан кўришишни истасангиз, мени фалон жойдан топасиз» – аслида О'Брайен унга мана шу сўзларни айтмоқчи эди. Балки луғат ичида яширин ёзувли қоғоз бордир. Ҳар ҳолда, бир нарса аниқ: Уинстон орзу қилган фитна мавжуд ва Уинстон бу ишга жуда яқин турибди.

Эртами-кечми у О'Брайеннинг чақирғига жавоб беришини биларди. Эртага борадими ёки кечроқ – бугунча билмасди. Ҳозир бўлаётган воқеалар бир неча йил аввал бошланган жараённинг шунчаки ривожиди. Илк қадам фавқулодда махфий фикр келиши, иккинчиси – кундалик эди. У фикрлардан сўзларга ўтди, энди сўзлардан амалга ўтади. Энг сўнгги қадам Муҳаббат вазирлигида қўйилади. Бунга у кўниб бўлган. Интиҳо ибтидодаёқ мужассам эди. Бироқ бу кўрқитарди, тўғрироғи, у аллақачон ўлимни сеза бошлаган, аввалгига қараганда тириклиги биров озаётган эди. О'Брайен билан гаплашаётганда, таклифнинг маъносини тушунганда, бадани саросимадан қалтирарди. У гўё нами кетмаган янги қабрга тушгандай эди, қабр олисда эмаслиги, уни кутаётганини аввал ҳам биларди, аммо бу унга таскин беролмасди.

VII

Уинстон кўзида ёш билан уйғонди. Жулия уйқу ара-лаш унга суйкалди ва «Нима бўлди?» дегандек, ниманидир минғирлади.

– Тушимда кўрдим... – деб бошлади-ю, тўхтаб қолди. Ҳаммаси сўз билан ифодалаб бўлмас жуда чалкаш эди. Унда туш ҳам, уйғонганда хотирасига келган нарсалар ҳам қоришиб кетганди.

У яна жойига ётиб, кўзини юмди, ҳамон тушнинг таъсирида эди. Бу жуда кенг, ёруғ туш эди, унда бутун ҳаёти ёмғирдан кейинги ёз оқшоми манзараси каби кўз олдига келди. Ҳаммаси шиша пресс-папъенинг ичида юз берди, шшанинг юзаси само гумбази эди ва бу гумбаз остидаги дунё сарҳадсиз олисларни очадиган тоза, юмшоқ нурга чулганган эди. Ўз онасининг қўл ишоралари ва ўттиз йилдан сўнг кинохроникада кўрсатилган, норасида гўдагини қўллари билан ўқлардан пана қилаётгани ва кейин вертолёт иккаласини ҳам портлатиб, сочиб юборган яхудий онанинг қўллари имоси унинг тушлари моҳиятини очиб берарди.

– Биласанми, – деди у, – шу дақиқагача онамни ўзим ўлдирганман деб ўйлардим.

– Нега ўлдирасан? – деди Жулия мудраганча.

– Йўқ, мен уни ўлдирмаганман. Жисмонан.

Тушида у онасини охирги марта қандай кўрганини эслади, уйғонганидан сўнг бир лаҳза ўтгач, ўша кунги воқеаларни бутун майда тафсилотлари билан эслади. У кўп йиллар мобайнида унутишга уринган хотиралар эди. Бу хотиралар қайси даврга оид эканини у аниқ айтолмасди, лекин унинг ёши камида ўнда, балки ўн иккида бўлгандир.

Отаси аввалроқ йўқолган эди, аммо қанча авваллигини у эслай олмайди. Ўша даврдаги ҳаловатсизлик ва талатўп-ларни яхши эслайди: ҳаво ҳужумлари вақтидаги саросима, метрода қамалиб жон сақлаш, тош ва кесак уюмлари, бурчак-бурчакларга ёпиштирилган, тушуниб бўлмайдиган цаъватлар, бир хил тусда кийинган ёшларнинг гала-говур-мари, нонвойхона олдидаги узундан-узун навбатлар, олисдаги пулемёт овозлари ва, энг оғири, озиқ-овқатнинг дои-

мий танқислиги. У бошқа болалар билан пешиндан кейин узоқ вақт ахлат яшиқларини ва ювиндихоналарни титгани, ташландиқларни, картошка пўстлоқларини излагани, омади келиб, куйган, моғорлаган нон бўлагини топса, унинг куйган ерини астойдил тозалаганини эслади; муайян маршрут бўйлаб ўтадиган, ем-хашак ташийдиган юк машиналарини пойлашарди – йўлнинг ўнқир-чўнқирда силкинганда ундан бир неча зиғир дони, кунжара тўкилиб қолиши мумкин эди.

Отаси тўсатдан ғойиб бўлганда, онаси ҳайронлигини ҳам, маҳзунлигини ҳам кўрсатмади, аммо ҳаммаси тўсатдан ўзгарди – у руҳсиз бўлиб қолганди. Онаси муқаррар юз беражак ниманидир кутаётганини Уинстон ҳам билиб турарди. Уйда у одатдаги юмушларни бажаришда давом этарди – овқат тайёрлар, кир ювар, йиртиқларни ямар, ўрин-кўрпаларни солар, хонада супур-сидир қилар, чангларни артарди – фақат жуда секин ва ортиқча ҳаракатсиз бажарарди, гўё жонли манекендай эди. Унинг йирик ва чиройли вужуди ўз-ўзидан ҳаракатсиз қотиб қоларди. У қўлида Уинстоннинг синглисини – бир парчагина, касалманд, сокин, озгинлигидан маймун боласига ўхшаб қолган икки ёки уч ёшли қизчани ушлаганча қимир этмай соатлаб каравотда ўтирарди. Баъзида у Уинстонни қучиб олар, бир сўз айтмасдан, узоқ бағрига босиб ўтирарди. Ўзининг кичик ёшдалиги ва худбинлигига қарамай, у тушунардики, буларнинг бари онаси ҳеч қачон гапирмайдиган, юз бериши муқаррар нарса сабабли эди.

У ўша хонани эслайди – қоронғи, дим хона, унинг ярмини қавилган оқ ёпинчиқли каравот эгаллаганди. Хонада газ ёқиладиган камин, егуликлар учун жавон бор эди, ташқарида, зина майдончасида – бир неча оилага битта қўл ювадиган жигарранг чинни чаноқ турарди. Онасининг келишган гавдасини газ ўчоғи устида эгиб, тунукақозонда ниманидир кавлаши эсида. Бироқ ҳаммасидан ҳам аниқроқ эслайдигани тинимсиз очлик, овқат устидаги ашаддий ва бешафқат жанжаллар эди. У нега қўшимча овқат йўқ, деб тўхтовсиз онасидан сўрар, бақирар ва жанжал қиларди (ҳатто ўзининг овозини ҳам эслайди – унинг овози эрта синди ва у вақт-вақти билан дўриллаган овозда бақириб, увилларди) ёки онаси-

нинг раҳмини келтириш, егуликдан каттароқ қисмини олиш учун пиқиллаб, нола қиларди. Онаси дарҳол унга кўпроқ солиб берарди. У буни ўзи шундай бўлиши керакдай қабул қиларди: унга – «ўғил бола»га ҳаммадан кўп беришлари керак, бироқ онаси ҳар қанча бермасин, у кўпроғини талаб қиларди. Ҳар гал онаси ундан худбин бўлмасликни ёлвориб сўрар, синглиси касаллигини, у ҳам овқатланиши лозимлигини айтарди, бироқ унга таъсир қилмасди. Онаси овқат бермай кўйса, у жаҳл билан бақирни бошлар, унинг қўлидан капғир ва қозончани тортиб олар, синглисининг косасидаги бўлақларни ҳам илиб кетарди. У онаси ва синглисини оч қолдираётганини биларди, бироқ ўзини тута олмасди; у хатто ўзини ҳақ деб ҳам биларди. Уни гўёки ошқозонининг очликка қарши исёни оқларди. Овқатланиш вақти бўлмаганда ҳам, онаси салгина тескари ўтирилса, жавондаги қолган-қутган егуликларни ҳам олиб кочарди.

Уларга бир гал талон бўйича шоколад беришди. Бир неча ҳафталар ёки ойлар ичида илк бор беришди. У бу қимматли шоколад бўлақчасини аниқ эслайди. Уч кишига икки унция (ўшанда оғирликни унцияларда ўлчашарди). Шоколадни, албатта, учта тенг бўлақка бўлиш лозим эди. Тўсатдан, гўё бошқа томондан, Уинстон ўзининг баланд, дўриллаган овозини эшитди: у ҳаммасини талаб қиларди. Онаси очкўзлик қилма, деди. Минғир-минғир, тинимсиз такрорлар, бақирлар, нолишлар, кўз ёшлари, ялинишлар, савдолашишлар тўла давомли жанжал бошланди. Синглиси онасини қўлчалари билан кучоқлаб, маймун боласи каби, унга елка оша катта-катта, маъюс кўзлари билан боқарди. Ва ниҳоят, онаси шоколаднинг тўртдан уч қисмини Уинстонга берди, қолган чоракчасини – синглисига тутди. Қизча ўз бўлагини қўлга олиб, унга талмовсираб қараб турди, эҳтимол, у бу нималигини ҳам билмас эди. Уинстон уни пойлаб турди. Кейин сакраб турди-да, синглисининг қўлчасидан шоколадни юлиб кочди.

– Уинстон, Уинстон! – ортидан онаси қичқирди. – Қайт! Синглингга шоколадни бер!

У тўхтади, аммо ортга юрмади. Онаси ундан таҳликали

кўзларини узмади. Хатто ҳозир ҳам у ўша яқин ва муқаррар нарсани ўйлар эди – Уинстон унинг нималигини билмасди. Синглиси ниманидир тортиб олишганини тушунди ва сас-сиз, заиф йиғлади. Онаси уни бир кўли билан кучоқлади ва кўкрагига босди. Бу хатти-ҳаракатига қараб, у тушундики, синглиси жон бермоқда. У ўтирилди ва кўлида эриётган шоколадни сикқанча, зинадан пастга чошиб кетди.

Онасини кейин бошқа кўрмади. Шоколадни еб қўйганидан сўнг, қилган ишидан уялди, то яна қорни очиб, уйга етаклагунча, бир неча соат кўчада санғиб юрди. Қайтиб келганида онаси уйда йўқ эди. Ўша пайтларда ғойиб бўлишлар одатий ҳол эди. Хонада онаси ва синглисидан бошқа ҳеч нарса йўқолмаган эди. Кийимлар олинмаган, хатто онасининг пальтоси ҳам жойида эди. У ҳозиргача ҳам онасининг ўлик-тиригини аниқ билмасди. Уни мажбурий меҳнат лагерига сургун қилган бўлишлари ҳам мумкин. Синглисини эса, худди Уинстон каби, фуқаролик уруши натижасида пайдо бўлган қаровсиз болалар колониясига («ахлоқ тузатиш марказлари» дейиларди) жойлаштиришган ёки онаси билан лагерга жўнатишган, ёхуд қаергадир ўлгунича шунчаки ташлаб кетишган.

Туш ҳали миясидан ўчмаган, айниқса, онасининг ҳимоялаб кучоқлагани эсида, бутун маъно шу кучоқлашда мужассам эди. Хотирасига бошқа, икки ой аввалги туши келди. Бугунги тушида онаси оқ тўшакли қашшоқ қаравотда, сингилчасини бағрига босганча ўтирарди, ўтган тушида ҳам ўтирар, лекин у чўкаётган кемада, жуда чуқурда эди ва дақиқа сайин чўкиб, олислаб борар, қорайиб, қоронғилашаётган сув орқали унга термиларди.

У Жулияга онасининг ғойиб бўлгани ҳақида гапирди. Жулия, кўзларини очмасдан, ўтирилиб, қулайроқ ётиб олди.

– Ҳа, сен ўшанда ёввойи чўчкача бўлган экансан, – минғирлади у. – Ҳамма болалар чўчка бўлади.

– Ҳа. Бирок бу ерда асосийси...

Қизнинг нафас олишидан унинг мудраётгани сезилди. У яна онаси ҳақида гапирмоқчи эди. Унинг эсида қолганига қараганда, онаси ғайриодатий, қандайдир ўта ақлли аёл

бўлмаган; аммо унда қандайдир бир олийжаноблик, қандайдир поклик бор эди – шунчаки у амал қиладиган меъёрлар жуда шахсий эди. Унинг ҳис-туйғулари ўзиники эди, уларни ташқаридан ўзгартириб бўлмасди. Агар ҳаракат натижа бермаса, у маънога эга бўлмаслиги онасининг хаёлига ҳам келмасди. Агар кимнидир яхши кўрсанг, уни сеvasан, унга бошқа бирор нарсани беролмаганингда ҳам, жуда бўлмаганда муҳаббатингни берасан. Шоколад қўлдан кетгандан кейин, у боласини бағрига босди. Бундан фойда йўқ эди, бу ҳеч нарсани ўзгартира олмасди, шоколадни қайтаролмасди, на ўзининг, на боласининг ўлимини тўхтата оларди; аммо унинг учун шундай қилиш табиий бир нарса эди. Қайикдаги қочқин аёл ҳам боласини шундай кўли билан беркитганди, ваҳоланки, унинг қўллари ўқ зарби олдида қоғоздай нарса эди. Партия даҳшатли ишни амалга оширди: сени ҳис-ҳаяжон, завқ-шавқ ўз-ўзича ҳеч нарса эмаслигига ишонтирди ва, айни пайтда, сендан моддий дунё устидан эгаликни тортиб олди. Сен унинг чангалига тушганинг заҳоти, нимани ҳис қиласан ва нимани ҳис қилмайсан, нима қилгансан ва нима қилмагансан – фарқи йўқ. Нима бўлганда ҳам, сен ғойиб бўласан, на сен ҳақингда, на қилган ишларинг ҳақида ҳеч ким ҳеч қачон эшитмайди. Сени тарих оқимида юлиб оладилар. Атиги икки авлодда аввалгилар учун бу жуда муҳим эмасди – улар тарихни ўзгартиришга ҳаракат қилмаганлар. Улар шахсий садоқат билан бир-бирларига боғланган эди ва бу садоқатни шубҳа остига олмасдилар. Шахсий муносабатлар кадрланар эди ва буткул ожиз бир имо-ишора, кучоқлаш, кўз ёши, ўлаётган инсонга айтилган сўз ўз-ўзича қимматли эди. Проллар, тўсатдан шуни англаб қолди, ҳали ҳам ўша муносабатлар сақланган. Улар партияга, давлатга ёки ғояга эмас, бир-бирларига содикдирлар. Ҳаётида биринчи марта у проллар ҳақида ижирғанмай ўйлади – улар қотиб қолган куч эмас, бир куни уйғонади ва дунёни қайта тиклайди. Проллар одамлигича қолган. Уларнинг қалблари қотмаган. У қийналиб қайта ўрганаётган оддий ҳис-туйғуларни проллар сақлаб қолган. Бу ҳақда ўйлар экан, у эслади – буни эслаш ўрни бўлмаса ҳам – бир неча ҳафта олдин у йўлакда узилиб тушган

кўлни кўрган ва уни карам пўчоғини ирғитгандай ариққа те-
пиб юборганди.

– Проллар – инсонлар, – деди у овоз чиқариб. – Биз –
одам эмасмиз.

– Нега? – сўради Жулия, яна уйғониб.

У ўйланиб қолди, сўнг:

– Хаёлингга келмадимми, биз учун энг маъқули – кечик-
масдан бу ердан кетиш ва бошқа учрашмасликдир?

– Ха, азизим, кўп марта шундай ўйлаганман. Бирок мен
барибир сен билан учрашавераман.

– Омадимиз келиб турибди, аммо бу узокқа чўзилмайди.
Сен ёшсан. Сен ҳали ҳам оддий ва маъсум кўринасан. Мен
кабилардан узокроқ юрсанг, яна эллик йил яшашинг мумкин.

– Йўқ. Мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман. Сен нима қил-
санг, мен ҳам шуни қиламан. Кўнглингни чўктирма. Мен
яшовчанман.

– Биз ярим йил, бир йил бирга бўлармиз – буни ҳеч ким
билмайди. Алалоқибат бизни ажратишади. Тасаввур қил-
япсанми, ўшанда биз нақадар ёлғиз бўламиз? Бизни кўлга
олишганда на сен, на мен бир-биримизга ёрдам бероламиз,
ҳеч нарса кўлимиздан келмайди. Мен иқрор бўлсам, сени
отиб ташлашади, иқрор бўлмасам ҳам – барибир отиб ташла-
шади. Нима айтсам ва қилсам ҳам, нимани яшириб қолсам
ҳам, сенинг ажалингни беш дақиқа ҳам ортга суролмайман.
Мен ҳатто сенинг тирик ёки ўликлигингни ҳам билмайман,
сен ҳам мени билолмайсан. Биз батамом чорасиз бўламиз,
батамом. Муҳими бир нарса – гарчанд бу ҳеч нарсани ўзгар-
тирмаса ҳам, бир-бирини сотмаслик.

– Агар сен – иқрор ҳақида айтаётган бўлсанг, – деди жу-
вон, – гинг демай иқрор бўламиз. У ерда ҳамма иқрор бўла-
ди. Бошқа иложи йўқ. У ерда қийноққа солишади.

– Мен иқрор бўлишни айтмаяпман. Иқрорлик – соткин-
лик эмас. Сен нима дединг ва нима демадинг – бу муҳим
эмас, муҳими фақат ҳисларимиз. Агар улар мени сени сев-
май кўйишга мажбур қилсалар – бу ҳақиқий хиёнат бўлади.

У хаёлга ботди.

– Улар бундай қила олмайдилар, – деди у ниҳоят. – Бу

қўлларидан келмайди. Исталган нарсани айттириш – истаган тани – бунга улар мажбурлай оладилар, аммо бунга ишонтира олмайдилар. Улар сенинг қалбингга киролмайдилар.

– Ҳа, – жавоб берди у ҳам чорасиз, – ҳа, бу тўғри гап. Улар ичингга кира олмайди. Агар сен инсон бўлиб қолиш муҳим эканини ҳис қилсанг, бу сенга ҳеч нарса бермаса ҳам, сен уларни енгган бўласан.

У телекран ҳақида, шу уйку билмас қулоқ тўғрисида ўй-нади. Улар сени туну кун кузатишлари мумкин, бироқ елкангда бошинг бўлса, сен уларни алдашинг мумкин. Қанчалик устамон бўлсалар ҳам, улар инсон нимани ўйлаётганини аниқлашни ўргана олмаяптилар. Эҳтимол, уларнинг қўлига тушсанг, бошқача бўлиши мумкин. Муҳаббат вазирлигида нималар бўлиши номаълум, бироқ тахмин қилиш мумкин: қийноқлар, гиёҳванд моддалар, асаб торларингга уланган позик асбоб-ускуналар, уйқусизлик билан толдириш, ёлғизлик ва тинимсиз сўроқлар. Фактларни, ҳар ҳолда, яшириб бўлмайди. Тергов вақтида, қийноққа солиб, уларни миянгдан ситиб олишади. Башарти мақсад – тирик қолиш эмас, одам бўлиб қолиш экан, алалоқибат, нима фарқи бор? Ҳис-туйғуларингни улар ўзгартира олмайди. Истаганингда ҳам, ҳиссиётингни ўзинг ҳам ўзгартиролмайсан. Улар сен нима қилганингни, гапирганингни ва ўйлаганингни майда тафсилотларигача аниқлаб олишлари мумкин, бироқ ўзинг ҳам англаб етолмайдиган қалбинг туби дахлсиз қолади.

VIII

Уддаладик, ниҳоят уддаладик!

Улар турган хона узун ва ёруғ эди. Телекран овози пайтирилганидан шивирларди, мовий гилам юмшоқлиги билан духобани эсга соларди. Хонанинг нариги томонидаги стол ортида, яшил қалпоқли чироқ олдида О'Брайен ўтирарди, унинг икки томонида хужжатлар тахланганди. Хизматкор Жулия ва Уинстонни олиб кирганда у ҳатто бошини ҳам кўтармади.

Уинстоннинг юраги шунчалик қаттиқ гупиллаб урардики, гапиролмасам керак деб кўрқарди. Учрашдим, ниҳоят эришдим – у фақат шу ҳақда ўйлай оларди. Бу ерга келиш бемаъни, хато иш эди, бирга келганлари телбалик эди; тўғри, улар бошқа-бошқа йўлдан келиб, О'Брайеннинг эшиги олдида учрашишди. Уйга кириш учун ҳам мустаҳкам асаб керак эди. Ички партия аъзосининг уйини ичкаридан кўриш, ҳатто улар яшайдиган мавзеда айланиб юриш жуда кам одамга насиб қилади. Ҳайбатли уйдаги муҳит, ҳашамдорлик, тўкинлик ва кенглик, яхши овқат ва асл тамакиннинг инсон ўрганмаган хушбўй ҳиди, овозсиз тезюрар лифтлар, оқ камзул кийган ишчан хизматкорлар – буларнинг бари одамни довдиратиб кўярди. Гарчанд у бу ерга арзирли баҳона билан келган бўлса-да, кўркув ундан бир қадам ҳам нари кетмасди: мана, ҳозир бир бурчакдан қора коржомали кўриқчи чиқади, хужжатларни талаб қилади ва ҳайдаб юборади. Бироқ О'Брайеннинг хизматкори уларни итоаткорона киритди. Бу оқ кийимли, қорасоч, чўзинчоқ ва ҳиссиз юзли, озгин одам – эҳтимол, хитойликдир. У иккаловини қалин гилам тўшалган, деворларига сутранг гулқоғоз ёпиштирилган ва топ-тоза, оқ тахталар билан чегаланган йўлак орқали олиб ўтди. Бу ҳам инсонни довдиратарди. Уинстон деворлари одамларнинг туртилишидан сидирилмаган бунақа тоза йўлакни умрида кўрмаган эди.

О'Брайен бармоқларида қоғоз варағини ушлаб, диққат билан ўқирди. Унинг бурнининг бичими кўриниб турган тарзда бурилган гўштдор юзи жуда ҳайбатли ва ақлли кўринарди. Йигирма сонияча у қимир этмай ўтирди. Кейин овоз

ёзгични ўзи томонга қаратди ва вазирликнинг аралаш-қуралаш жаргониди гапирди:

– *Ҳолатни биринчисини вергул бешинчисини вергул еттинчисини қувватлаш оралаб нуқта олтинчи ҳолат бўйича таклиф қўшиплюс маънисизлик фикрий жиноят қирралари нуқта конструктив машина қурилишида ошириб бажарши плюсча рақамларни олгунча нуқта ёзувнинг охири.*

У курсидан шошилмасдан турди ва уларнинг олдига гиламни битта-битта босиб овозсиз келди. Расмийликни у қисман Янгитил сўзлари билан қолдирди, бироқ ҳали ҳам одатдагидан дарғазаброқ кўринарди, гўё безовта қилганларидан норозидай эди. Уинстонни босиб турган саросимага одагий хижолатлилиқ кўшилди. У аҳмоқона хато қилаётган бўлса-чи? О’Брайен сиёсий исёнчи деган фикр қаёқдан келди ўзи? Бор-йўғи бир қараш ва битта икки маъноли, дудмал ибора; қолгани – Уинстоннинг туш билан қўллаб турилган махфий орзулари, холос. У ҳатто луғат учун келганини баҳона қилолмайди, чунки нега Жулия ҳам келганини изоҳлаб бўлмайди? Телекран ёнидан ўтаётиб, О’Брайен тўсатдан ниманидир эслаб қолди. У тўхтади ва девордаги ўчиргични босди. Чирқ этган товуш чиқди. Овоз ўчди.

Жулия ҳайратдан паст овозда чийиллади. Уинстон, саросимага қарамасдан, шунчалиқ ҳайратландики, ўзини тутолмади:

– Сиз уни ўчира оласизми?!

– Ҳа, – деди О’Брайен, – биз уни ўчира оламиз. Бизга шундай ҳуқуқ берилган.

У шундоқ қаршиларида турарди. Салобатли эди, улардан баланд бўлгани учун юзининг ифодасини ўқиб бўлмасди. Айрича босиқлик билан у Уинстоннинг бирор нима дейишини кутарди – нима деса экан? Ҳамиша банд бўлган О’Брайен ўзини нега безовта қилишганини биллолмай аччиғи чиққан – шундай тушунса бўлади. Ҳеч ким бирор сўз айтмади. Телекран ўчирилган, хонада қабристон сукунати ҳукмрон эди. Сониялар бирин-кетин ўтарди, улкан сониялар. Уинстон О’Брайеннинг кўзларига қийналиб аранг қаради. Хўжайиннинг уюлган қовоғи бирдан юмшади, юзи табассум ваъда

қиларди гўё. Одатдаги ҳаракати билан бурни киррасидаги кўзойнагини тўғрилади.

– Мен гапирайми ёки сизлар айтасизларми? – гап бошлади у.

– Мен айтаман, – Уинстон дадиллашди. – У ростдан ҳам ўчирилганми?

– Ҳа, ҳаммаси ўчирилган. Биз ёлғизмиз.

– Бу ерга келганимиз сабаби...

Уинстоннинг тили айланмай қолди – бу ерга келиш сабаби ҳам тайинли эмасди. О’Брайендан қандай ёрдам кутаётганини ўзи ҳам билмасди, нега келганини ҳам тушунтиролмасди. Шунга қарамасдан, сўзлари ишончсиз ва тумтароқ чиқаётганини сезиб турса-да, у давом этди:

– Партияга қарши фитна бор, қандайдир яширин ташкилот партияга қарши курашяпти ва сиз унда иштирок этаётганингизга ишонамиз. Биз бу ташкилотга кирмоқчимиз ва унинг учун ишламоқчимиз. Биз партиянинг душманларимиз. Биз ингсоц тамойилларига ишонмаймиз. Фикр жиноятчиларимиз. Бундан ташқари, биз бузуқ инсонлармиз. Буни шунинг учун айтяпманки, биз ўзимизни сизнинг қўлингизга топширамиз. Агар сиз бизни яна бошқа қандайдир жиноятларда иқрор бўлишимизни истасангиз, биз тайёрмиз.

У жимиб қолди ва ортга ўтирилди – унга орқасида кимдир эшикни очгандай туюлди. Ростдан ҳам, бўйи паст, сарғиш юзли хизматкор эшикни тақиллатмасдан кириб келди. Унинг қўлларида кўзача ва қадаҳлари бор патнис турарди.

– Мартин ўзимизнинг одам, – хотиржам жавоб берди О’Брайен. – Мартин, бу ёкка келтиринг. Юмалоқ столга қўйинг. Курсилар етарлими? Агар шундай бўлса, қўлай ўтириб олиб, суҳбатлашамиз. Мартин, ўзингизга курси олинг. Бу иш. Сиз хизматкор эканингизни ўн дақиқага унутишингиз мумкин.

Кичкина одам хотиржам ва, айти пайтда, хизматкорларга хос ҳаракат билан берилган имтиёздан фойдаланиб курсига чўқди. Уинстон уни кўз қири билан кузатди. Бу одам бир умр рол ўйнаган ва ҳозир ҳам ниқобини бир неча лаҳза-

га олишга кўрқиб турибди, деб ўйлади у. О'Брайен кўзачани бўйнидан тутиб олди ва қадахларни қуюқ-қизил суюқлик билан тўлдирди. Уинстон қачонлардир кўрган нарсасини хира-шира эслади – девордами, панжарадами – катта шиша идиш электр нурлари билан тасвирланган, чироқлар лип-лип ўтишидан идишдаги суюқлик стаканга қуйилаётгандай кўринарди. Суюқлик юқоридан қараганда тим қорадай, кўзачадаги нурда эса товланиб, лаъл тошдай жилваланарди. Ҳиди нордон-ширин эди. Жулия стаканини қўлга олиб, қизиқиш билан ҳидлаганини кўрди.

– Буни вино дейишади, – енгил табассум билан деди О'Брайен. – Бу тўғрисида китобларда ўқиганингизга шубҳа йўқ. Кўрқаманки, Ташқи партия аъзоларига уни топиш осон эмас. – Унинг юзи жиддийлашди ва у қадахини кўтарди. – Менингча, қадах сўзидан бошлаш тўғри бўлади. Раҳнамомиз Эммануэл Голдстейн шарафига ичамиз.

Уинстон қадахни шошилмасдан қўлга олди. У вино ҳақида ўқиган, вино ичишни орзу қилганди. Худди шиша пресс-папье ва жаноб Чаррингтоннинг ярми унутилган шеърлари каби, вино аллақачон унутилган хаёлий ўтмишга, эски замонга – Уинстон хаёлларида уни шундай атарди – тегишли эди. У нима учундир ҳамиша вино қора қарағай мураббоси каби ширин бўлиши ва дарҳол бошга уриши керак деб ўйларди. Аммо биринчи култумдаёқ ихлоси қайтди. Шунча йил жиншароб ичиб келгандан кейин ҳозир унинг мазасини зўрға сизди. Бўшатган қадахини столга қўйди.

– Демак, Голдстейн исмли шахс бор? – деди у.

– Ҳа, шундай одам бор ва у тирик. Қаерда у, билмайман.

– Фитна-чи, ташкилот? Ростдан ҳам борми? Булар Фикр полициясининг уйдирмаларимасми?

– Йўқ, бу уйдирма эмас. Биз уни «Биродарлик» деб атаёмиз. «Биродарлик»нинг мавжудлиги ва сиз унинг аъзоси эканингиздан бўлак кўп нарса билолмайсиз у ҳақда. Мен бунга ҳали қайтаман. – У соатига қаради. – Телекранни ярим соатдан кўпроқ ўчириб қўйиш Ички партия аъзоларига ҳам тавсия этилмайди. Сизлар бирга келмасликларинг керак эди, энди алоҳида-алоҳида кетасизлар. Сиз, ўртоқ, – у Жулия то-

монга сал эгилди, – биринчи бўлиб кетасиз. Ихтиёримизда йигирма дақиқа вақт бор. Сизларга бир неча саволим бор, тушунасиз. Умуман, сизлар ўзи нимага тайёрсиз?

– Кучимиз етган ҳамма нарсага, – жавоб берди Уинстон.

О’Брайен курсисида бироз ўгирилди – Уинстонга юзланди. У Жулияга деярли эътибор қилмади, афтидан, Уинстон қиз номидан ҳам гапиради деб ўйларди. Бир лаҳзага кўзларини юмди. Кейин секин, ифодасиз, гўё ёдлаб олинган катехизисдек савол бера бошлади, жавобларини ҳам олдиндан биладигандек эди.

– Сиз ҳаётингизни қурбон қилишга тайёرمىсиз?

– Ҳа.

– Сиз қотиллик қилишга тайёرمىсиз?

– Ҳа.

– Юзлаб айбсиз инсонларнинг ҳаётига зомин бўладиган саботаж қила оласизми?

– Ҳа.

– Ватанга хоинлик қилиб, хорижий мамлакатларга хизмат қилишингиз мумкинми?

– Ҳа.

– Алдашга, сохталаштиришга, шантаж қилишга, ёш болаларнинг онгини бузишга, гиёҳванд моддалар тарқатишга, фоҳишабозликни ёйишга, таносил касалликларини тарқатишга – партия қудратини синдириш учун ҳар нарсага тайёرمىсиз?

– Ҳа.

– Агар, масалан, мақсадларимиз йўлида ёш боланинг юзига олтингугурт кислотасини сепиб юбориш талаб қилинса, шунга тайёرمىсиз?

– Ҳа.

– Сиз ўзлингизни йўқотиш, умрингизни сўнгигача официант ёки порт ишчиси бўлиб ўтказишга ҳам тайёرمىсиз?

– Ҳа.

– Сиз бизнинг буйруғимиз билан ўз жонингизга қасд қилишга тайёرمىсиз?

– Ҳа.

– Сиз – иккалангиз – ажралишга ва бошқа ҳеч қачон бир-бирингизни кўрмасликка тайёرمىсиз?

– Йўқ! – аралашди Жулия.

Уинстонга ўзи жавоб бергунча анча кўп вақт ўтиб кетгандай туюлди. У тилсиз қолгандай эди. Тили овозсиз ғўл-ширар, аввал бир сўзга жуфтланар, кейин бошқа сўзга кўчар, яна ва яна ортга қайтиб кетарди. Уинстон жавоб бергунча ҳам нима демоқчилигини билмасди.

– Йўқ, – деди у ниҳоят.

– Яхши, айтганларингиз яхши бўлди. Биз ҳаммасини билишимиз керак. – О’Брайен Жулияга ўгирилди ва бироз ҳаяжон аралаш сўроқлай бошлади:

– Агар у тирик қолса ҳам, буткул бошқа одам бўлиши мумкин. Шунини тушунапсизми? Дейлик, биз уни буткул ўзгартиришимиз лозим бўлади. Юзи, хатги-ҳаракатлари, қўлларининг шакли, сочларининг ранги... Ҳатто овози бошқача бўлади. Сизнинг ўзингиз ҳам шундай эврилишга дучор қилинарсиз балки. Бизнинг жарроҳларимиз инсонни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юбора олади. Баъзан шундай қилиш зарур. Баъзан тананинг бирор аъзосини кесиб ташлашимизга тўғри келади.

Уинстон ўзини тутиб туrolмади ва яна Мартиннинг мўғулча юзига қаради. Унда ҳеч қанақа чандиқ изларини кўрмади. Жулия шундай оқариб кетдики, юзидаги сепкиллари бўртиб чиқди, бироқ О’Брайенга тикка қаради. У ниманидир тасдиқ оҳангида шивирлади.

– Яхши. Бу ҳақда келишиб олдик.

Столда кумуш қутичали сигареталар турарди. О’Брайен паришон ҳолда уларнинг олдига қутичани суриб қўйди, ўзи сигарета олди, кейин ўрнидан туриб, худди шу ҳолатда яхши фикрлар келадигандай, хонанинг у ёғидан-бу ёғига юра бошлади. Сигареталар жуда яхши экан – йўғон, тамаки зич жойланган, номаълум ипак қоғозда. О’Брайен яна соатига қаради.

– Мартин, сиз яхшиси ошхонага қайтинг, – деди у. – Чо-рак соатдан кейин мен ёқиб қўяман. Кетмасларидан олдин

ўртоқларнинг юзларига яхшилаб қараб олинг. Сиз ҳали улар билан учрашасиз. Мен – эҳтимол, бошқа учрашмасман.

Худди киришда бўлгани каби, хизматкорнинг қора кўзлари уларнинг юзларига тепадан пастга тикилиб ўтди. Унинг қарашларида дўстоналикдан асар ҳам йўқ эди. У уларнинг ташқи кўринишини эслаб қолишга уринар, аммо уларга заррача қизиқиши йўқ эди ёки ўзини шундай кўрсатяпти. Уинстон синтетик юзда ифода ўзгармаса керак, деб ўйлади. Бир сўз демасдан, хайрлашмасдан, Мартин ташқарига чиқди ва яна эшикни орқасидан овозсиз ёпди. О'Брайен, бир кўлини қора камзулининг чўнтагига солганча, иккинчи кўлига сигаретани қисиб, хонани қадамлаб ўлчарди.

– Тушунасизларми, – деди у, – сизлар зулматда жанг қиласизлар? Ҳамма вақт зулматда бўласизлар. Буйруқ оласиз ва уни бажарасиз, лекин нима учун эканлигини билмайсиз. Кейинроқ мен сизларга китоб юбораман, сиз ундан жамиятимизнинг ҳаққоний табиатини ва биз уни қандай стратегия билан вайрон қилишимизни ўрганасиз. Китобни ўқиб чиққанингиздан сўнг, «Биродарлик»нинг чин аъзосига айланасиз. Бироқ курашимизнинг умумий мақсади ва муайян ишчи топшириқлардан бошқа ҳамма нарса сизлардан сир тутилади. Мен сизларга «Биродарлик» мавжуд эканини айтишим мумкин, бироқ унинг сафида юзта аъзо борми ёки ўн миллион, буни айта олмайман. Сиз ўзингизнинг шахсий алоқаларингиз орқали ҳатто ўнта одам борлигини ҳам аниқлай олмайсиз. Сиз билан уч ёки тўртта одам алоқа қилади; агарда улардан кимдир ғойиб бўлса, унинг ўрнини янгилар эгаллайди. Бу жой сизларнинг биринчи алоқангиз бўлгани учун, у сақланиб қолади. Агар буйруқ олсангиз, билингки, у менинги буйруғим. Агар бизга керак бўлсангиз, сизни Мартин орқали топиб оламиз. Сизларни тутиб олишса, сизлар иқдор бўласизлар. Бу муқаррар. Бироқ сизларда ўз қилмишларингиздан бошқа иқдор бўладиган нарсанинг ўзи бўлмайди. Сизлар бир бўлак аҳамиятсиз одамларни сотиб қўйишингиз мумкин. Эҳтимол, ҳатто мени ҳам тутиб бера олмайсиз. У пайтгача мен ё ўламан ёки бошқа юзли, бошқа одамга эвриламан

У қалин гиламда у ён-бу ёнга юришда давом этди. Ҳай-

батли одам бўлса-да, О'Брайен ажиб бир назокат билан ҳаракатланарди. Бу назокат ҳатто унинг қўлини чўнтагига солишида ҳам, сигаретани ушлаб туришида ҳам акс этарди. Унда қудрат сезилади, ундан ҳам кўпроқ – ўзига ишонч ва зийроқ, кинояли заковат зоҳир эди. У ўзини жуда жиддий тутар, лекин унда мутаассибларга хос торликдан асар ҳам йўқ эди. У қотиллик, ўзини ўлдириш, таносил касалликлари, тана аъзоларини кесиб ташлаш, юзни ўзгартириш каби гапларни айтаётганда, овозида масхараомуз оҳанг сезилди. «Бу муқаррар, – дерди унинг оҳанги, – биз заррача титрамасдан бу ишни қиламиз. Бироқ одамлар одамдай яшайдиган бир ҳаёт келганда, биз бу билан шуғулланмаймиз». Уинстоннинг ичида бу одамга мафтунлик тўлқини қуйилиб келди, ҳозир у О'Брайенга таъзим қилишга тайёр эди. Голдстейннинг ноаён кифёси орқа планга чекинди. О'Брайеннинг кучли елкаларига, оғир, дағал ва шу билан бирга заковатли юзига боқиб, бу одам мағлубиятга учраши мумкинлигига ишониб бўлмас эди. У фош этолмайдиган айёрлик йўқ, у олдиндан кўра билмайдиган хатар бўлиши мумкин эмас. У ҳатто Жулияни қойил қолдирди. У шу қадар диққат билан эшитдики, ҳатто сигаретаси ўчиб қолганини сезмади. О'Брайен давом этди:

– «Биродарлик» ҳақидаги миш-мишлар сизларгача етиб борган. Сизларда унинг ҳақида муайян тасаввур шаклланганига шубҳа йўқ. Сизлар кенг кўламли яширин ташкилотни, ертўлаларда йиғиладиган, деворларда ёзув қолдирадиган, бир-бирларини шартли сўзлар ва имо-ишоралар орқали танийдиган фитначиларни тасаввур этган бўлсангиз керак. Ҳеч ҳам бунақа эмас. «Биродарлик» аъзолари бир-бирини билиш имконига эга эмас, ҳар бир одам бор-йўғи бир неча одамни билади, холос. Голдстейннинг ўзи ҳам, агар Фикр полициясининг қўлига тушиб қолса, «Биродарлик»нинг рўйхатини уларга беролмайди ёки бу рўйхатни топиш йўлини айтолмайди. Чунки рўйхат йўқ. «Биродарлик»ни йўқотиб бўлмайди, чунки у одатий маънодаги ташкилот эмас. Уни ўлмас ғоядан бўлак нарса бирлаштирмаган. Ғоядан бошқа таянадиган нарсангиз йўқ. Ўртоқлик бўлмайди, рағбатлантириш ҳам йўқ. Сизни қўлга олсалар, ёрдам кутманг. Биз

ҳеч қачон ўзимизникиларга ёрдам бермаймиз. Энг катта ёрдам – кимнингдир жимлигини таъминлаш лозим бўлса – биз гоҳида маҳбустга устара тиғини йўллаймиз. Сиз самарасиз ва умидсиз ҳаётга кўникишингиз керак. Бир муддат ишлайсиз, сизни ҳибсга олишади, иқроор бўласиз, кейин ўласиз. Бошқа бирор натижани кўрмайсиз. Бизнинг ҳаётимиз мобайнида сезиларли ўзгаришлар бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам ўтирманг. Биз мурдалармиз. Бизнинг ҳаққоний ҳаётимиз – келажакда мужассам. Бу келажакка биз бир ҳовуч тупроқ, бир уюм суяк бўлиб борамиз. Бу буюк келажак қачон келади, ҳеч ким билмайди. Балки минг йилдан кейиндир. Ҳозир эса ҳеч нарсанинг иложи йўқ – соғлом ақл ҳудудини оз-оздан кенгайтиришимиз мумкин. Биз биргаликда ҳаракат қилолмаймиз. Фақат билимимизни ёйишимиз мумкин – одамдан одамга, авлоддан авлодга. Қаршимизда Фикр полицияси турибди – бошқа йўл йўқ.

У жим бўлиб қолди ва учинчи бор қўл соатига қаради.

– Ўртоқлар, кетар вақтингиз бўлди, – деди у Жулияга. – Бир пас тўхтаг. Кўзачанинг ярми ичилмаган.

У қадаҳларни тўлдирди ва ўзиникини кўтарди.

– Шундай қилиб, энди нима учун ичамиз? – яна киноя оҳангида деди у. – Фикрлар полициясининг тавқи лаънати учун? Катта Оғанинг ўлими учун? Одамийлик учун? Келажак учун?

– Ўтмиш учун, – деди Уинстон.

– Ўтмиш муҳимроқ, – залварли қилиб тасдиқлади О'Брайен.

Улар қадаҳларни бўшатишди ва Жулия ўрнидан турди. О'Брайен митти жавондан кичик қутичани олди ва унга ок таблетка берди, уни сўришни буюрди.

– Сиздан вино ҳиди келмаслиги керак, – деди у, – лифтчилар жуда кузатувчан бўлади.

Жулия эшикдан чиққан заҳоти, у гўё қизнинг мавжудлигини унутди. Икки-уч қадам қўйиб, тўхтади.

– Тафсилотлар ҳақида келишиб олиш керак, – деди у. – Қаердадир бошпанангиз бўлса керак?

Уинстон жаноб Чаррингтоннинг дўкони устида хонача борлигини тушунтирди.

– Бошланишига бўлади. Кейин биз сизни бошқа жойга жойлаштирамиз. Бошпанани тез-тез алмаштириб туриш керак. Ҳозирча сизга имкон қадар тезроқ китобни етказишга ҳаракат қиламан, – Уинстон ҳатто О’Брайен ҳам бу сўзни сиқик оҳангда талаффуз қилишини сизди. – Голдстейннинг китобини айтяпман, тушунгандирсиз. Эҳтимол, мен уни бир неча кун ичида топарман. Сезиб тургандирсиз, китоблар қўлимизда жуда тақчил. Биз уларни чоп қилсак, Фикр полицияси шу заҳоти из олади ва йўқ қилади. Аммо бу муҳим эмас. Китобни йўқ қилиб бўлмайди. Агар энг сўнгги нусхаси йўқ қилинса ҳам, биз уни сўзма-сўз тиклай оламиз. Сиз ишга портфель билан борасизми?

– Одатда, ҳа.

– Портфелингиз қанақа?

– Қора, титилиб кетган. Икки илгакли.

– Қора, икки илгакли, титилиб кетган... Яхши. Яқин вақт ичида – кунини ҳозирча айтолмайман – эрталабки топшириклар ичида хато ёзилган сўз тушади ва сиз қайтаришни сўрайсиз. Кейинги кун сиз ишга портфелсиз жўнайсиз. Шу кун кўчада сизнинг қўлингизни биров туртади ва: «Менимча, сиз порфелингизни тушириб қўйдингиз», – дейди. У сизга Голдстейн китоби солинган портфелни беради. Сиз уни икки ҳафтадан кейин қайтарасиз.

Сукунат чўқди.

– Кетишингизгача уч дақиқа қолди, – деди О’Брайен. – Биз яна учрашамиз, агар учрашсак...

Уинстон унинг кўзларига қаради.

– Қоронғилик йўқ ерда? – ишончсиз тарзда тугатди у.

О’Брайен ҳайрон бўлмасдан, бошини силкитиб тасдиқлади.

– Қоронғилик йўқ ерда, – нимага шаъма қилинганини тушунгандай такрорлади у. – Кетиш олдидан бирор нарса демайсизми? Хоҳиш-истак? Савол?

Уинстон ўйланиб қолди. Бошқа сўрайдиган нарсаси йўқ эди; кетиш олдидан сийқаси чиққан баландпарвоз гап-

ларни айтишни ҳам истамас эди. Унинг хаёлига «Биродарлик»ка ҳам, О'Брайенга ҳам боғлиқ бўлмаган фикр келди: онасининг охирги кунлари ўтган қоронғи ётоқхона ва жаноб Чаррингтоннинг хонасини, шиша пресс-папье ва атиргул дарахти чизилган ўйма суратни бирлаштирган туш. Деярли ғайриихтиёрий тарзда у сўради:

– Сиз битта эски шеърни эшитганмисиз, унинг бошла-ниши шундай: «Апельсинлар ва лимонлар, Авлиё Мартин кўнғироқлари»?

О'Брайен бу гал ҳам бошини силкитди. У шеър қатори-ни хайрихоҳлик билан ва бир қадар жиддий тарзда тугатиб кўйди:

Апельсинлар ва лимонлар,
Авлиё Клемент кўнғироқлари.
Жаранглайди ана Авлиё Мартин,
Менга бергин, қани, бир фартинг!
Олд Бейли ҳам серзарда эди.
Қарзни қайтар, биродар! – деди.
Маошдан қайтаргум чоғи! –
Деди Шордитч кўнғироғи.

– Охирги сатрини ҳам биласизми?! – деди Уинстон.

– Ҳа, охирини ҳам биламан. Кетар вақтингиз бўлди, та-ассуф. Тўхтанг. Сизга ҳам таблетка беришга рухсат этгайсиз.

Уинстон ўрнидан турди, О'Брайен кўлини узатди. Уинстоннинг кафти унинг сиқуvidан ғижимланиб қолди. Эшикка келганда Уинстон ўтирилди. О'Брайен аллақачон бошқа нар-сани ўйлаётгандек эди. У кўлини телекран босқичига қўйиб, кутиб турарди. Унинг елкаси ортидан Уинстон яшил қалпоқ-ли чироқ турган столни, овозёзгични ва ҳужжатлар тўла сим-дан тўкилган саватларни кўрди. Иш битди. Ярим дақиқадан сўнг, – ўйлади Уинстон, – О'Брайен партиянинг масъул вази-фаларини бажаришга қайтади.

IX

Уинстон чарчокдан увилдирикқа ўхшаб қолди. Увилдирик – муносиб сўз. Бу сўз хаёлига туйқус келди. У ўзини нафақат худди дирилдоқ каби эзилган, балки худди шундай ярим шаффоф ҳолда ҳис этади. Унга, агар қўлини офтобга тутса, ичидан нур ўтиб турадигандай туюлди. Тинкакуритар иш унинг қони ва лимфаларини сўриб бўлди, фақат асаблар, суяклар ва теридан иборат мўрт қурилмани қолдирди. Ҳамма сезгилари ўтқирлашиб, қакшай бошлади. Коржомаси елкасини шиларди, йўлак товонларини қитиқларди, ҳатто қўлини мушт қилиб тугиши учун куч керак бўлар, бўғимлари қисирларди.

Уинстон вазирликдаги ҳамма катори беш кун ичида тўқсон соатдан кўпроқ ишлади. Энди ҳайбарақаллачилик тугади, қиладиган иши битди – эрта эрталабгача қиладиган партиявий иши қолмади. Олти соатини бошпанасида ўтказиши ва яна тўққиз соат – ўз тўшагида ётиши мумкин. Кечки офтобнинг майин нурлари остида, у чиркин босган кўчадан жаноб Чарингтоннинг дўкони томон шошилмасдан юриб борар, гарчанд патрул борми-йўкми деб эҳтиёткорона қараса-да, ич-ичидан бугун қўркмаси ҳам бўлади, ҳеч ким тўхтатмайди, деб ишонарди. Оғир портфели ҳар бир қадам қўйганида тиззасига урилар ва зарба оғриғи бутун оёққа тарқалар эди. Портфелида олти кундан бери китоб ётарди, аммо ҳалигача уни очиш тугул, қарашга ҳам улгурган эмас.

Нафрат ҳафталигининг олтинчи кунида, намойишлар, нутқлар, бақириқлар, ҳайқириқлар, кўшиқлар, шиорлар, транспарантлар, фильмлар, мум ҳайкалчалар, ноғора зарблари, карнай чинқириқлари, қадам дупурлари, танк занжирларининг шақир-шуқури, эскадрилиялар шақ-шақлари ва ўқотар қуролларнинг пақ-пақларидан сўнг, катта организмнинг тутканоғи ҳадди аълосига етганда, ғазаб тадбирларининг охириги кунида осилиши режаланган икки минг евросиёлик уруш жиноятчиларини оломон мажақлаб ташлашга шай турганда – худди шу куни Океания Евросиё билан уруш ҳолатида бўлмаганини эълон қилди. Уруш Остосиё билан бормоқда. Евросиё – иттифоқчи.

Табийки, бирор ўзгариш ҳақида гап ҳам бўлгани йўқ. Тўсатдан ҳамма жойда душман Евросиё эмас, Остосиё экани маълум бўлиб қолди. Бу ҳодиса юз берганида Уинстон Лондоннинг марказий кўчаларидан биридаги намоийишда иштирок этаётган эди. Кеч кириб улгурган, прожекторларнинг жонсиз нурлари оппоқ юзларга ва алвон байроқларга тушиб турарди. Майдонда бир неча минг одам, улар орасида «Жосуслар» коржомасидаги, тахминан, мингтача мактаб ўқувчилари тик турарди. Алвон мато билан тортилган минбарда Ички партиянинг воизи нутқ ирод қиларди – бу қилтирик воизнинг кўллари ғайриодатий тарзда узун ва каттакон боши кал эди, ялтирок бошнинг у ер-бу ерида сийрак соч тутамлари хилпираб турарди. Нафрати зўрлигидан букчайиб олган бу пакана воиз бир кўли билан микрофонни бўйнидан бўғар, иккинчи каттакон озгин кўли қоқсуяк тирсаклари билан боши узра ҳавони сидирарди. Овоз кучайтиргичдан отилиб чиқаётган сўзлар сўнгсиз ваҳшийликлар, хунрезликлар, бутун-бутун халқларни тураржойидан кўчиришлар, қароқчиликлар, зўравонликлар, ҳарбий асирларни қийноққа солиш, тинч аҳолини бомбардимон қилишлар, ташвиқот уйдирмалари, сурбетларча қилинган тажовузлар, бузилган шартномалар ҳақида бонг урарди. Уни тинглаб, бир дақиқадан сўнг ишонмаслик, икки дақиқадан сўнг дарғазаб бўлиб, жазавага тушмаслик мумкин эмасди. Унда-бунда оломоннинг ғзаби ошиб-тошар, минглаб томоқлардан чиқаётган ҳайвонона ўкирик воизнинг овозини босиб кетарди. Ҳаммадан ҳам қаттиқ мактаб ўқувчилари қутуришарди. Нутқ йигирма дақиқалардан бери давом этаётганди, шу пайт тўсатдан минбарга чопар югуриб чиқди ва воизга қоғозчани узатди. У ортга ўгирилди ва, гапдан тўхтамасдан, қоғозни ўкиди. Унинг на овозида, на хатти-ҳаракатларида, на нутқининг мазмунида ўзгариш бўлди, фақат номлар ўзгарди. Оломон ортиқча сўзларсиз тушунди Остосиё билан жанг бўляпти! Кейинги лаҳзада дахшатли қий-чув бошланди. Майдондаги ҳамма плакатлар ва транспарантлар нотўғри эди! Уларнинг ярмисида ноўрин шахслар тасвирланганди. Бу саботаж эди! Бу Голдстейн жосусларининг иши эди! Гулдур-гулдурли бир интер-

людия бошланди: деворлардан плакатларни юлиб олишди, нарча-нарча килиб йиртишди, баннерларни оёқ остига олиб топтай бошлашди. «Жосуслар» эпчилликнинг намунасини кўрсатиб, томларга чиқдилар ва мўриларга боғланган широрларни йирта бошладилар. Икки-уч дақиқада ҳаммаси тугади. Воиз ҳали ҳам микрофоннинг бўғзидан тутган ҳолда, чакаги тинмасди, елкалари букчайган ва ҳавони кесиб, қўл силташда давом этарди. Яна бир дақиқа ўтди, оломон нафрат билан ёввойи қий-чувини қайта бошлади. Нафрат ҳеч нарса бўлмагандай давом этарди – фақат унинг нишони ўзгарган эди.

Уинстон воизнинг, нафақат тутилиб қолмасдан, балки гап курилишини бузмасдан, унинг қоқ ярмидан йўналишини ўзгартира олганига ҳайратланди. Аммо ҳозир бу билан унинг иши йўқ эди. Оломон плакатларни тортиб, йиртаётганда, кимдир унинг елкасидан туртди ва: «Кечирасиз, менимча, сиз портфелингизни тушириб кўйдингиз», – деди. У довдираб, бир сўз демай портфелни олди. Яқин кунлар ичида портфелнинг ичига қарашга вақти бўлмаслигини биларди. Намойиш тугаган заҳоти у Ҳақиқат вазирлигига борди, вақт аллақачон йигирма учга яқинлашган эди. Вазирликнинг барча ходимлари шундай қилди. Ишхонага келиш ҳақидаги телекранлардан янграётган чақирикка ҳожат йўқ эди.

Океания Остосиё билан уруш ҳолатида: Океания ҳамisha Остосиё билан урушган. Кейинги беш йиллик сиёсий адабиётнинг аксарият қисми бир зумда эскирди. Турли-туман репортажлар ва ҳужжатлар, китоблар, газеталар, рисо-лалар, фильмлар, фонограммалар, фотосуратлар – буларнинг барини чакмоқ тезлигида тузатиб чиқиш керак. Гарчанд бу тўғрисида очик кўрсатма бўлмаса ҳам, раҳбарият бир ҳафта ичида Евросиё билан уруш ва Остосиё билан иттифоқчилик борасидаги ҳар қандай гапни йўқ қилишга қарор қилгани аён эди. Иш бошдан ошди, бунинг устига у билан боғлиқ жараёнларни ўз номи билан аташ ман қилинган эди. Ҳужжатлар бўлимида бир кунда ўн саккиз соатлаб ишлашарди, ўртада уйқу учун икки-уч соатлик танаффус бериларди, холос. Ертўлалардан матрасларни олиб чиқишди ва йўлакларга тў-

шашди; ошхонадан аравачаларда овқатни – сэндвичлар ва «Ғалаба» қаҳвасини ташиб келишди. Ҳар бир танаффусгача Уинстон иш столини ишдан тозалашга ҳаракат қиларди ва уйқусираган кўзлари ва қақшаётган вужуди билан иш столига қайтганда, ҳар гал уни овозолгичгача столни кўмган, ҳатто сиғмаганидан ерга ҳам тўкилган топшириклар тўла ўрама қоғозлар уюми кутиб турарди; биринчи иши жой бўшатиш учун уларни озми-кўпми тартибга солиш бўларди. Энг ёмони, иш шунчаки механик ишмасди. Тўғри, гоҳида бир исми бошқаси билан алмаштириб қўйиш кифоя эди; аммо ҳар бир батафсил хабар диққат-эътиборни ва фантазияни талаб қиларди. Урушни дунёнинг у қисмидан бу қисмига ўтказиш учун ҳам унча-мунча жуғрофий билим зарур эди.

Учинчи куни унинг кўзлари чидаб бўлмас оғрий бошлади, ҳар бир неча дақиқада кўзойнагини артиб туришга тўғри келарди. Бу қандайдир ўта машаққатли жисмоний юмушни эслатарди: сен ундан воз кечишинг ҳам мумкин, аммо асабий бир таҳлика сени бунга ундаб-мажбурлаб туради. Бирор нарсани эшлашга умуман вақти йўқ, бироқ унинг овозолгичга айтаётган ҳар бир сўзи, қаламининг ҳар бир чизиғи – уйдирма эканлиги уни ташвишлантирмай қўйганди. Бўлимдаги ҳар бир одам сингари у ҳам сохталаштириш мукамал бўлиши учун тер тўкарди. Олтинчи куннинг тонгидан бошлаб топшириклар оқими камая бошлади. Ярим соат мобайнида столга биронта топширик ўрамаси тушмади; кейин битта тушди, ва яна ҳеч нарса тушмади. Тахминан, шу вақтда ҳамма ерда иш камая бошлади. Бўлимда чуқур ва, айтиш мумкинки, ичга ютилган бир хўрсиник чикди. Буюк, аммо эсланмайдиган қаҳрамонлик амалга оширилди. Ҳеч бир одам Евросиё билан уруш бўлганлигини ҳужжатлар билан исботлаб беролмайди энди. Соат 12:00 да тўсатдан вазирлик ходимлари эрталабгача озодлигини эълон қилишди. Уинстон китоб солинган портфелни ишлаётганда оёқлари орасида, ухлаётганда бошига ёстиқ қилиб саклади. У уйига бориб, соқолини олди, сув салқинроқ бўлса ҳам, ваннада қарийб ухлаб қолаёзди.

Бўғинлари қисирлаган ҳолда, зинадан у жаноб Чарринг-

тоннинг хоначасига кўтарилди. Чарчок тарқалмаган, бироқ у уйкуси келмасди. У деразани очди, чирк босган керосин чирокни ёқди ва қахва учун сув кўйди. Жулия яқинда келади, ҳозирча – китобни ўқиш керак. У ёғ босган оромкурсига чўкди ва портфелни очди.

Кўлбола муқоваланган қалин китобнинг қора муқовасида номи ёзилмаган эди. Босмаси ҳам бир қадар нотекис эди. Четлари ғижимланган варақлар бир-биридан ситилиб кетганди – китоб кўп қўллардан ўтганди. Сарварағида шундай ёзилганди:

ЭММАНУЭЛ ГОЛДСТЕЙН ОЛИГАРХИК КОЛЛЕКТИВИЗМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Уинстон ўқий бошлади:

1-боб. Билимсизлик – кучдир

Ёзилган тарихнинг бошидан охиригача, эҳтимол, неолит даврининг охиридан бошлаб, дунёда уч нав одамлар яшаганлар: олий, ўрта ва паст. Улар яна бошқа майда гуруҳчаларга бўлинган, турли-туман номланган, уларнинг нисбий миқдори, шунингдек, ўзаро муносабатлари асрдан асрга ўзгариб турган; аммо жамиятнинг фундаментал тузилиши ўзгармаган. Ҳатто улкан ларзалар ва гўёки ортга қайтмас ислоҳотлардан кейин ҳам бу тузилиш қайта тикланаверган, ўзини тиклаб оладиган урчуқ сингари, тикланиб олаверган.

Бу уч гуруҳнинг мақсадлари ўзаро бир-бирига зиддир...

Уинстон мутолаани тўхтатди – асосан у яна бир ҳис қилмоқчи эди: у сокин ва қулай шароитда китоб ўқимоқда. Унинг бир ўзи: телекран йўқ, биров қулф тиркишига қулоғини қўйиб эшитмаяпти, асаб у ёқ-бу ёққа аланглаб, варақни қўл билан беркитишга ундамаяпти. Олисдан болаларнинг кўчадаги қичқириқлари элас-элас эшитилади; хонанинг ўзида эса – бирор товуш йўқ, фақат соат қора чигиртка каби чик-чик қилади. У чуқурроқ курсига чўкиб, оёқларини камин панжарасига қўйиб олди. Бирдан, китобни барибир ўқишингни, қайта-қайта бошдан оёқ синчиклаб мутолаа қилишингни билсанг, мутолада бунақаси бўлади, албатта, у ки-

тобни тусмоллаб, истаган жойидан очди ва учинчи бобнинг бошига тушди. У яна ўқий бошлади:

3-Боб. Уруш – бу тинчликдир

Дунёнинг учта буюк давлатга ажралиши олдиндан башорат қилиниши мумкин бўлган ва XX асрнинг ўрталарида башорат қилинган ҳодиса эди. Россия Европани ютиб юборганидан сўнг ва Қўшма Штатлар – Британия империясини эгаллагач, уларнинг иккитаси амалда шаклланиб бўлганди. Учинчиси, Остосиё, яна бетартиб урушлар билан тўла ўн йил ўтгандан сўнг, яхлит бир бутунликка эришди. Буюк давлатлар ўртасидаги чегаралар қаерлардадир ўрнатилган, қаерларидир ҳарбий омадга қараб у ён-бу ёнга силжиб туради, бироқ, умуман олганда, табиий жузғрофий чегараларга мос келади. Евросиё Европа ва Осиё қитъаларининг Португалиядан то Беринг бўғозигача бўлган яхлит шимолий қисмини эгаллайди. Океанияга иккала Америка, атлантики ороллар, жумладан, Британия, Австралосиё ва Африканинг жануби киради. Остосиё, учаласининг ичида энг кичиги ва гарбий чегаралари ҳали мустаҳкам бўлмагани, ўз ичига Хитойни, унинг жанубидаги мамлакатларни, Япон ороллари ва Манжурия, Монголия ва Тибетнинг каттакон, лекин доимий бўлмаган ҳудудларини олади.

У ёки бу таркибда учта буюк давлатлар доимий уруш олиб борадилар, бу урушлар йигирма беш йилдан буён давом этмоқда. Бироқ, уруш XX асрнинг биринчи ярмида бўлгани каби ҳеч нарсадан тап тортилмайдиган, ҳаёт-мамот уруши эмас. Бугунги урушлар чекланган мақсадлари бўлган ҳарбий ҳаракатлардир, айти пайтда ганимлар бир-бирларини йўқ қила олмайдилар, урушдан моддий манфаатлари йўқ ва бир-бирларига зоявий жиҳатдан қарама-қарши эмас. Бироқ урушни олиб бориш усуллари ва унга бўлган устувор муносабатларда шафқатсизлик ва қон тўкиш камайди, деб ўйлаш хато бўларди. Аксинча, барча мамлакатларда ҳарбий талваса умумий ва доимий характерга эга, зўравонлик, талон-тароҷлар, болаларнинг ўлдирилиши, бутун аҳолини қул қилиб олиш, асирларга қарши тириклайин қайнатиш, кўмиб юборишгача борадиган қатагонлар сингари актлар – агар ганим

томонидан эмас, ўз аскарлари томонидан қилинса, меъёрдаги иш ва ҳатто жасорат ҳисобланади. Аммо жисмонан уруш билан аҳолининг оз қисми банд – асосан, яхши ўргатилган малакали аскарлар, шунинг учун, қиёсан олганда, одамларни ҳалок бўлиши нисбатан катта эмас. Жанглар – жанг бўлаётган пайтда – олис чегараларда боради, оддий фуқаро уларнинг қай ердалигини фақат тахмин қилиши мумкин, холос, ёки жанг коммуникацияларни кузатиб юрадиган, сузиб юрувчи қалъалар атрофида жанг бўлиши мумкин. Тамаддун марказларида уруш истеъмол маҳсулотларининг доимий танқислиги ва гоҳи-гоҳида ўнлаб одамларни ҳалок этадиган – ракеталар портлаши кўринишида намоён бўлиши мумкин. Уруш моҳиятан шамойилини ўзгартирди. Аниқроғи, авваллари иккинчи даражали бўлган сабаблар биринчи планга чиқди. XX аср бошидаги катта урушларда бир қадар мавжуд бўлган сабаблар бугун устуворлик касб этди, уларни англашди ва уларга амал қилишмоқда.

Ҳозирги урушларнинг табиатини англаш учун – бир неча йилда бир юз берадиган қайта гуруҳланишларга қарамасдан, бу айнан битта ва ягона уруш, – аввало, у ҳал қилувчи жанг бўлмаслигини тушуниб олмоқ лозим. Бирорта буюк давлат қолган иккитасининг қўшинларини бирлаштирганда ҳам босиб олиниши имконсиздир. Уларнинг кучлари жуда мутаносиб ва табиий мудофаа салоҳияти туганмасдир. Евросиё ўзининг тасаввурга сизмас кенгликлари ҳимояланган. Океанияни – Атлантик ва Тинч уммонларининг кенглиги асраб туради, Остосиё – аҳолисининг тез кўпайиши ва меҳнаткашлиги билан барқарордир. Бундан ташқари, моддий томондан жанг қилишига асос йўқ. Ўз-ўзини таъминлайдиган иқтисодий тизимлар барпо этилиши билан – аввалги урушларнинг бош сабаби бўлган – бозорлар учун курашлар тўхтади, хомашё захиралари учун ганимлик ҳаётий муҳим нарса бўлмай қолди. Учала буюк давлатнинг ҳар бири шу қадар улканки, барча зарур хомашёни ўз ҳудудидан ўзлаштириб олаверади. Урушнинг соф иқтисодий мақсадларига келсак, бу ишчи кучи учун урушдир. Буюк давлатларнинг чегаралари ўртасида уларнинг бирортасига доимий тегишли бўлмаган

нотўғри тўртбурчаклик жойлашган бўлиб, уларнинг чўққилари Танжирда, Браззавилда, Дарвинда ва Ҳонконгдадир, бу тўртбурчак ҳудудида Замин аҳолисининг бешдан бири яшайди. Бу аҳоли зич жойлашган минтақаларга, шунингдек, Арктикадаги музликлардан иборат қопқоққа эгалик қилиш учун учта буюк давлат доимо курашишади. Амалда уларнинг ҳеч бири бу баҳсли ҳудудни ҳеч қачон тўла назорат қилмаган. Уларнинг қисмлари доимо қўлдан қўлга ўтиб туради; у ёки бу қисмни сотқинона ҳаракат билан тўсатдан эгаллаб олиш имконияти айнан ҳамкорликни тинимсиз алмаштиришни тақозо этади.

Барча баҳсли ҳудудлар муҳим минерал захираларга эга, айримлари қимматли ўсимлик маҳсулотларини, масалан, каучук ишлаб чиқаришади, ҳолбуки, шимолий давлатларда каучукни синтезлаш йўли билан олишади ва бу анчайин қимматга тушади. Бироқ, энг муҳими, улар арзон ишчи кучининг чекланмаган захираларига эгадир. Ким Экваториал Африкани ёки Яқин Шарқ мамлакатларини, ёхуд Индонезия архипелагини забт этса, амалда юз миллионлаб арзон, деярли текин ишчи қўлларига эга бўлади. Бу минтақанинг озми-кўпми очиқ тарзда қуллик ҳолатига туширилган аҳолиси тинимсиз у ёки бу мустамлакачининг қўли остига ўтиб туради ва улар томонидан кўпроқ қурол ишлаб чиқариш учун, каттароқ ҳудудни босиб олиш учун, кўпроқ ишчи кучига эга бўлиш учун, кўпроқ қурол ишлаб чиқариш учун – шу тарзда то чексизликкача сарфланаверади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳарбий ҳаракатлар ҳаминша баҳсли ҳудудларнинг чегараларида олиб борилади. Евросийнинг чегаралари Конго ва Ўртаер денгизининг шимолий қирғоқлари ўртасида олдинга ва орқага ўзгариб туради; Ҳинд уммони ва Тинч уммони ороларини гоҳ Океания, гоҳ Остосий босиб олади; Мўғулистонда Евросий ва Остосий ўртасидаги чизиқлар доимий эмас; Арктикада ҳар учала буюк давлатлар – асосий қисми аҳолисиз ва ўрганилмаган улкан ҳудудларга даъвогардир; бироқ кучларнинг нисбий мутаносиблиги ҳаминша сақланиб қолади ва метрополиялар ҳар доим эгаллаб бўлмайдиган, мустаҳкам жойлигича қолаверади. Ундан ҳам муҳими, жаҳон иқтисодига моҳи-

ятан тропик мамлакатларнинг тасарруф этиладиган арзон ишчи кучи керак эмас. Улар дунёни ҳеч нарса билан бойи-таётгани йўқ, зеро, у ерда ишлаб чиқиладиган ҳамма нарса ўша ернинг ўзида урушга сарфланмоқда, урушнинг мақсади эса – янги уруш учун яхши позицияни тайёрлашдир. Ўзларининг қўлларча меҳнатлари билан бу мамлакатлар шунчаки тинимсиз давом этадиган урушнинг суръатини оширишига имкон бермоқдалар, холос. Агар улар бўлмаганида ҳам, дунё ҳамжамиятининг тизими ҳам, уни қувватловчи жараёнлар ҳам сезиларли ўзгармайди.

Замонавий урушнинг асосий мақсади (қўшфиқр тамо-йлига мувофиқ бу мақсад ички партиянинг раҳбарий бош-лиқлари томонидан бир пайтнинг ўзида ҳам тан олинади, ҳам тан олинмайди) – умумий ҳаёт даражасини кўтар-масдан туриб, машина маҳсулотларини сарф этиши демак-дир. Индустириал жамиятда истеъмол маҳсулотларининг керагидан ортиқчасини нима қилиши керак, деган масала XIX аср охиридаёқ зимдан етилган эди. Камдан-кам одам тўйиб овқат еяётган ҳозирги пайтда, бу масала, аёнки, кўн-даланг турмайди; эҳтимол, агар сунъий вайрон этиши жара-ёнлари амалга оширилмаганида ҳам, бу масала долзарб бўл-масди. Бугунги дунё – 1914 йилгача мавжуд бўлган дунёга қиёслаганда қашшоқ, оч, хароб дунёдир, ўша давр одамлари тасаввур қилган келажакка қиёслаганда ҳам бу аён сезилади. XX аср бошида бўлғуси ҳаддан зиёд бой, дам олиши имкони-ятлари кенг, тартибга солинган, самарали – ишша, нўлат ва қордай оқ бетондан бўлган – жамият орзуси деярли ҳар бир саводли инсоннинг онгида яшарди. Илм ва техника ҳай-ратланарли тезликда ривожлана бошлади, уларнинг ривож-ланишида давом этишини тахмин этиши табиий эди. Бироқ бундай бўлмади – бунинг бир сабаби тинимсиз урушлар ва инқилобларнинг оқибатида юзага келган қашшоқлик бўлса, иккинчи сабаби илмий-техникавий ривожланишининг асоси бўлган эмпирик тафаккурнинг қатъий чегараланган жами-ятда яшаб қололмаслиги эди. Умуман олганда, бугунги дунё эллик йил олдингисидан жўнроқ, ибтидоийроқдир. Айрим қо-лоқ соҳалар ривожланди, турли-туман янги ускуналар кашф

этилди – рости гап, уларнинг аксарияти уруш ва полициявий кузатувга оид эди, – аммо тажрибачилик ва кашфиётчилик асосан тамом бўлди ва 50-йиллардаги атом урушида юзага келган вайронагарликлар барҳам топганича йўқ. Шунга қарамасдан, машина юзага келтираётган хавф-хатарлар ҳеч қаяққа кетмаган. Машина ўзининг борлигини намоён этгандан буён, ҳамма фикрловчи инсонлар шуни ангадиларки, қора ишчилар керак бўлмай қолди – демак, инсонлар нотенглигининг асосий сарзамини йўқолди. Агар машиналарни мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлатилганда эди, бир неча авлоддан сўнг очлик ҳам, тинкақуристар меҳнат ҳам, ифлосликлар ҳам, саводсизлик ҳам, касалликлар ҳам барҳам топар эди. Бу мақсадда қўлланилмаган, стихияли тартибда ишлатилганда – гоҳида тақсимлашга ҳам имкон бўлмаган маҳсулотларни яратиш – машина XIX аср охири ва XX аср бошидаги ўн йиллар ичида оддий инсонларнинг ҳаёт даражасини кескин юксалтирди.

Бироқ, яна шу нарса аниқ бўлдики, умумий фаровонлиكنинг ўсиши иерархик жамиятга қирон келтиради, қайсидир маънода бу ҳалокат алақачон бошланган. Иш куни қисқа бўлган, ҳар бир одам тўқ ва ҳаммоми ҳамда совутгичи бўлган алоҳида хонада яшайдиган, автомашинаси ва ҳатто самолёти бўлган дунёда нотенгликнинг энг кўзга кўринарли ва муҳим шакли алақачон йўқ бўлади. Умумий бўлган бойлик тафовутларни келтириб чиқара олмайди. Албатта, шахсий мулк ва роҳат-фароғат маъносидagi бойликлар тенг тақсимланадиган, ҳокимият бир қисм имтиёзли гуруҳ қўлида қоладиган жамиятни тасаввур қилиши мумкин. Амалда бундай жамият узоқ яшай олмайди. Зеро, агар ҳамма таъминот ва фароғат имконига эга бўлса, аввал қашшоқликдан лақма бўлган улкан бир омма савод чиқаради ва мустақил фикрлай бошлайди; кейин бу одамлар эрта ёки кеч ҳокимиятдаги имтиёзли озчилик керак эмаслигини тушуниб қолади ва уларни тепадан иргитиб юборади. Алалоқибат, табақалашган иерархик жамият фақат қашшоқлик ва эжоҳилликка асосланади. XX аср бошидаги айрим мутафаккирлар орзу қилгани каби, қишлоқча ҳаёт тарзига қайтиш, – ҳаққоний

йўл эмас. У ҳамма ерда аллақачон квазиинстинктга айланган индустриаллаштиришга интилишга қаршидир; бундан ташқари, индустриал жиҳатдан қолоқ мамлакат ҳарбий жиҳатдан ҳимоясиздир ҳамда у бевосита ёки билвосита ўзидан кўра ривожланганроқ рақибларининг қўл остига ўтади.

Бошқа усул: маҳсулот ишлаб чиқаришни чеклаб, оломонни қашшоқликда ушлаб туриш ҳам ўзини оқламади. Бу қисман капитализмнинг сўнги босқичида – тахминан, 1920 ва 1940-йиллар кузатилган эди. Кўплаб мамлакатларнинг иқтисодида турғунлик юз берди, ерларга ишлов берилмади, ускуналар янгиланмади, аҳолининг катта-катта гуруҳлари ишсиз эди ва улар давлатнинг ҳомийлигида бир нави кун кечирардилар. Бу нарса, шунингдек, ҳарбий салоҳиятни заифлаштиради ва, азоб-уқубатлар заррурият туфайли юзага келмаганлиги учун, муқаррар равишда муҳолифат юзага келди. Вазифа шундай эдики, саноат ишлаб чиқариши бутун қудрати билан ишлаши, лекин дунёдаги моддий қимматларни кўпайтирмаслиги лозим эди. Маҳсулотларни ишлаб чиқариши керак, аммо уларни тақсимламаслик зарур эди. Амалиётда бунинг ягона йўли – тинимсиз урушдир.

Урушнинг моҳияти – нафақат тирик инсонларни йўқ қилиш, балки инсон меҳнати натижаларини ҳам йўқотишидир. Уруш – халқ ҳаётини яхшилаши ва бу билан, алалоқибат, инсонларни ақллироқ қилиши мумкин бўлган ашёларни парча-парчалаб йўқ қилиш, ҳавода, стратосферада тўзғитиб юбориш, денгизга чўктиришидир. Ҳатто, агар қурол жанг майдонида йўқ қилинмаса ҳам, қуролни ишлаб чиқаравериш – инсон меҳнатини сарфлаб, истеъмол қилиш мумкин бўлмаган маҳсулотни ишлаб чиқаришининг қулай йўлидир. Масалан, сузувчи қалъа қуриш шунча кўп меҳнат ва захираларни талаб қиладики, уни бир неча юзлаб юк кемалари қуришга сарфлаш мумкин эди. Охир-оқибат, бу қалъалар эскиради, бузилади, металлومга айланади, лекин инсониятга заррача фойда бермайди, яна катта куч ва моддий захиралар сарф қилиниб янги сузувчи қалъа қурилаверди. Назарий жиҳатдан барча ҳарбий ҳаракатлар одамларнинг

минимал эҳтиёжларини қондиришдан қолган барча ортиқча ресурсларни йўқ қилиш учун режалаштирилади. Амалда аҳолининг эҳтиёжлари ҳаминша етарлича баҳоланмайди, натижада – энг зарур ашёларнинг узлуксиз танқислиги юзага келади, ракета ишлаб чиқарадиган мамлакатда оддий устара ҳам тақчил ва қиммат бўлади; аммо халқнинг бу қашшоқ ва тақчил ҳаёти фойдали ҳисобланади. Бу жуда пухта ўйланган сиёсат: имтиёзли қатламларни ҳам йўқсиллик чегарасида ушлаб туриш керак, зеро умумий қашшоқлик шу майда имтиёзларни ҳам аҳамиятли кўрсатади ва бу билан аҳолининг бир гуруҳидан бошқа гуруҳининг фарқини кучайтиради. XX аср бошидаги ўлчамларга кўра, ҳатто ички партия аъзолари ҳам машаққатли ва дарвешона ҳаёт кечирадилар. Аммо уларга берилган озгина имтиёзлар ҳам, – сал каттароқ, жиҳозланган хона, бироз пишиқ матодан тикилган кийим, бир қадар сифатли таом, тамаки ва ичкилик, бир ёки икки хизматкор, шахсий автомобиль ёки вертолёт – уларни ташқи партия аъзоларидан катта жсарлик бўлиб ажратиб туради, ташқи партиянинг шўрлик аъзолари эса улардан ҳам қашшоқ, биз «проллар» деб атайдиган шўрлик оломон олдида бироз имтиёзга эгадирлар. Бу қамал қилинган шаҳарнинг ижтимоий муҳитига ўхшайди, унда бойлик ва қашшоқликнинг фарқи бор-йўғи бир парча от гўштига эгаликдадир. Айни пайтда, уруш сезгиси, демакки, бутун ҳокимиятни кичкина раҳбариятга бериб турилиши яшаб қолишининг табиий, зарурий шартини бўлиб кўринади.

Уруш, буни сезиш қийин эмас, нафақат зарур вайронагарчиликларни, қашшоқликни келтириб чиқаради, балки бу ишни руҳий жиҳатдан мақбул тарзда амалга оширади. Аслида ортиқча меҳнат захираларини фиравнлар каби эҳром ва пирамидаларни барпо этиш, хандақлар қаздириш ва кейин уларни яна кўмиб юбориш ёки ҳатто керагидан кўп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кераксизлиги учун ёқиб юбориш сингари беҳуда ишларга сарфлаш ҳам мумкин эди. Бироқ бунда табақалашган жамиятнинг иқтисодий асосини яратган бўламиз, аммо ҳиссий асосларни яратолмаймиз. Бу ерда гап оломоннинг ахлоқий ҳолати ҳақида бормаяпти – токим

ишига ва турмуш машаққатига кўмилиб турар экан, халқнинг кайфияти аҳамиятсиз, – гап партиянинг ахлоқи ҳақидадир. Партиянинг ҳар бир аъзосидан, энг кўримсизидан ҳам иш кўзини билиш, меҳнатсеварлик ва ҳатто тор диорадаги ақл талаб этилади, бироқ, шунингдек у анқов, жоҳил мутаассиб ҳам бўлмаслиги керак ва унинг қалбида қўрқув, нафрат, кўр-кўрона итоат ва жазавали олқиш яшаши шарт. Бошқача айтганда унинг зеҳнияти уруш ҳолатига мувофиқ бўлиши лозим. Урушда қатъий галаба қилиш мумкинмаслигидан келиб чиқсак, уруш аслида борми-йўқми, фронтда ишлар яхши кетяптими ёки ёмонми, бу муҳим эмас. Бир нарса зарур: уруш ҳолатида яшаиш. Партия ўз аъзоларидан талаб қиладиган ва уруш ҳолатида осон эришиладиган айғоқчилик оммавий тус олди, бироқ инсон юқори табақага кўтарилган сари у фаол жосусга айланиб бораверади. Айнан ички партияда ҳарбий жазав ва душманга нафрат кучлироқдир. Маъмур ўлароқ, ички партиянинг аъзоси шуни билиши керакки, у ёки бу ҳарбий маълумотнома ҳақиқатга тўғри келмайди, кўпинча у шуни биладики, урушининг ўзи бошдан оёқ – сохта, ё умуман олиб борилмаяпти, ёки эълон қилинганидан умуман бошқа мақсадда олиб борилмоқда; бироқ бундай билим иккификрлик усули билан мутаносиблаштирилади. Айни пайтда, ички партиянинг бирорта аъзосида уруш – ҳаққонийлигига, галаба билан яқунланишига, Океания ер шарининг ягона эгаси бўлишига бўлган мистик ишончга заррача дарз кетмаслиги лозим.

Ички партиянинг барча аъзолари учун истиқболдаги галаба – ишонч ақидасидир. Унга ёки кучлар жиҳатдан катта афзаллик берувчи ҳудудларни доимий кенгайтириши билан ёхуд қандайдир янги, гўё душман қайтара олмайдиган қуролни яратганлик туфайли эришиши мумкин. Янги қурол излаш доимий давом этади, чунки бу ихтирочилик ёки назарий билимлар қўлланилиши мумкин бўлган соҳалардан биридир. Ҳозир Океанияда олдинги маънодаги фан деярли ўлди. Янгитилдап «фан» деган сўз йўқ. Ўтмишдаги барча илмий ютуқлар асосланган тафаккурнинг эмпирик усули ингсоцнинг ўзак тамойимлларига зиддир. Бугун ҳатто техникавий

тараққиёт ҳам фақатгина инсон эркини чегаралаш учун ишлатилиши мумкин бўлган ерларда юз бермоқда. Фойдали ҳунарлар масаласида бугун дунё ё ўрнидан кўзгалмаяпти ёки ортга кетмоқда. Далаларни от қўшиб, омочда ҳайдашяпти, китобларни эса машиналар ёзмоқда. Аммо ҳаётий муҳим соҳаларда, яъни ҳарбий ва полициявий соҳада эмпирик усулларни қувватлашади ёки, ҳеч бўлмаганда, унга тоқат қилишади. Партиянинг иккита мақсади бор: бутун дунёни эгаллаб олиш ва мустақил фикрлаш имкониятини абадий йўқ қилиш. Шунинг учун у иккита муаммо устида ишлайди. Биринчиси – қандай қилиб инсоннинг хоҳишига қасдма-қасд унинг нимани ўйлаётганини билиш мумкин, иккинчиси – қандай қилиб бир неча лаҳзада, огоҳлантиришларсиз бир неча юз миллионлаб одамни ўлдириш мумкин. Фаннинг қолган парчалари шу икки предмет устида ишламоқда. Бугунги олим – ёки инсоннинг ичидан ҳақиқатни суғуриб олиш учун имо-ишоралар, кўз имлашлар, овоз тебранишларини синчиклаб ўрганаётган ва инсон вужудига дориларнинг, гипнознинг ва қийноқларнинг таъсирини ўрганаётган психолог ва инквизиторнинг қоришмаси; ёхуд бу фақат инсонни ўлдириш йўллари билан боғлиқ фан соҳаларини ўрганиш билан банд бўлган кимёчи, физик ва биологдир. Тинчлик вазирлигининг Бразилия чангалзорларида, Австралия саҳроларида, Антарктиданинг олис оролларида яширин маҳобатли лабораторияларида ва тажриба полигонларида илмий жамоатлар меҳнат туну кун қилмоқдалар. Бирлари келгуси урушларни моддий-техникавий таъминлашни режаслаштирадилар, бошқалари янги ва янги, қаттолроқ ракеталар, вайронакорроқ портлаш моддалари, мустаҳкамроқ ҳимоя қобиклари ишлаб чиқмоқдалар; учинчилари бутун бошли қитъалардаги тирик жонларни, ўсимликларни ҳалок қилишга етадиган миқдорда ажсал ташувчи газлар ёки эритиладиган огуларни ёхуд гайрижисмлар таъсир этолмайдиган янги микробларни ихтиро қилмоқдалар; тўртинчилари ерни сувости кемаси сув тагида юргани сингари тешиб, еростида кезиб юра оладиган транспорт воситасини ёки аэродромларга ва самолёт ташувчи кемаларга боғлиқ бўлмаган учоқларни барпо

этиш устида ишламоқдалар; бешинчилари қуёш нурларини линзалар билан жамлаб, самовий кенгликларга йўналтириш ёхуд Ернинг оловли ядросига кириб бориб, ер қимирлашларини келтириб чиқариш каби буткул хаёлий зояларни ўрганиш билан банддирлар.

Бу лойиҳаларнинг ҳеч бири амалга оширишга яқин ҳам бормайди ва уч буюк давлатдан ҳеч бири бошқасидан устун бўлолмайди. Бироқ, энг ҳайратланарлисиз, учала давлат ҳам атом бомбасига эга, бу қурол ҳозир тадқиқотчилар ихтиро қилиши мумкин бўлган барча нарсадан қудратлироқдир. Гарчанд партия, одатдагидай, бу ихтирога ҳам эгалликни даъво қилса-да, атом бомбалари 40-йиллардаёқ пайдо бўлган ва ўн йиллар ўтгач оммавий қўлланган эди. Ўшанда ишлаб чиқариш марказларига – асосан Россиянинг Европа қисмига, Ғарбий Европага ва Шимолий Америкага юзлаб бомбалар ташланган. Натижада барча мамлакатларнинг ҳукмрон гуруҳлари шунга ишонч ҳосил қилдиларки, агар яна бир нечта бомба ташласалар, тартибли жамиятлар тугайди, демакки уларнинг ҳукмронлиги ҳам поёнига етади. Шундан сўнг, гарчи ҳеч қандай расмий битим имзоланмаган, бу ҳақда ҳатто эсланмаган бўлмаса-да, атом бомбаларини қўллаш тўхтатилди. Ҳар учала буюк давлат эртами-кечми, қулай фурсат келса, урушни ўз фойдасига ҳал этиши умидида атом бомбаларини ишлаб чиқариш ва тўплашни давом эттирмоқда. Умуман олганда, кейинги ўттиз-қирқ йил давомида ҳарбий санъат бир ерда депсиниб турибди. Вертолётлар кенг қўллана бошлади; бомбардимончи учоқлар ўрнини учар снарядлар эгаллади, мўрт ҳарбий кемалар ўрнини деярли чўкмайдиган сузувчи қалъалар эгаллади; қолган соҳалар кам ўзгарди. Шундай қилиб, танк, сувости кемалари, пулемёт, милтиқ ва қўл гранатасидан ҳали ҳам фойдаланишади. Матбуот ва телекранлар орқали берилаётган қонли жанглар ҳақидаги сўнгсиз хабараларга қарамасдан, ўтган урушларда бўлгани каби бир неча ҳафтада юз минглаб ва ҳатто миллионлаб одамлар ҳалок бўладиган қақшатқич жанглар энди такрорланмайди.

Уч буюк давлат ҳам огир мағлубиятга сабаб бўлиши

эҳтимоли бор ҳаракатларни амалга оширмайди. Каттароқ операция амалга оширилса ҳам, бу одатда ўз иттифоқчисига қўққисдан ҳужум қилиш бўлади. Ҳар уч буюк давлат ҳам битта стратегияга риоя қилади — ёки риоя қилаётибман, деб ўйлайди. Бу гоёнинг моҳияти шундаки, ҳарбий ҳаракатлар, музокаралар ва ўз вақтида қилинган хиёнаткорона ҳаракатлар орқали ганим ҳарбий базалар билан батамом ўраб олинади, у билан иттифоқчилик, дўстлик битимлари тузиб, бир неча йил тинчлик ўрнатади, яъни ҳушёрлиги заифлаштирилади, шубҳа-гумонлардан йироқ тутилади. Айни пайтда барча стратегик жойларга атом бомбасига эга ракеталар жойлаштирилади ва, ниҳоят, душманга жавоб қайтариш имкони бермаслик учун ҳар томондан ёппасига зарба берилади. Сўнг учинчи буюк давлат билан тинчлик сулҳи тузилади ва янги ҳужумга тайёргарлик кўрилади. Бу режа бир хомхаёллигини, у амалга ошмаслигини таъкидлаш ортиқча. Жанглар ҳам асосан экватордаги ва қутбдаги баҳсли ҳудудларда олиб борилади; душман ҳудудига ҳужум умуман бўлмаган. Буюк давлатлар ўртасидаги айрим чегараларнинг ноаниқлиги шу билан изоҳланади. Масалан, Евросиё учун жузгофий жиҳатдан Европада жойлашган Британия ороллари эгаллаб олиш қийин эмас; иккинчи томондан, Океания ҳам ўз чегараларини Рейнга ва ҳатто Вислагача чўзиши мумкин. Бироқ бу ҳолатда айтилмаса-да, ҳамма томонлар риоя этадиган тамойил — маданий яхлитлик тамойили бузилади. Агар Океания аввал Фарангистон ва Олмония деб аталган ҳудудларни босиб олса, аҳолини қириб ташлаши керак, бунини амалга ошириб бўлмайди, ёки техник жиҳатдан Океания билан бир даражадаги тараққий қилган юз миллион инсонни ассимиляция қилиши керак. Учала буюк давлат олдида айнан битта муаммо туради. Учала давлат ҳам асирлар, қора ва қизил танли қулларни ҳисобга олмаганда хорижликлар билан алоқа қилмасликни талаб қилади. Ҳатто расмий иттифоқчи бўлганларга ҳам жиддий шубҳа билан қаралади. Асирларни ҳисобга олмаса, Океания фуқароси ҳеч қачон Евросиё ва Остосиё фуқароларини кўрмайди ва унга хорижий тилларни ўрганиш ҳам ман этил-

ли. Агар унга хорижлик фуқаро билан алоқа қилишга рухсат берилса, улар ҳам худди ўзи каби одам эканлигини, улар ҳақидаги ташвиқотлар асосан ёлғондан иборатлигини билиб қолади. У яшайдиган биқик дунё очилиб кетади ва унинг кўрқув, нафрат, ўзининг ҳақлигига ишонч билан тирик бўлган фуқаролик руҳи сўнади. Шунинг учун Форс ва Миср, Ява ва Цейлон каби мамлакатлар қанчалик тез-тез қўлдан-қўлга ўтмасин, асосий чегараларни ракетадан бошқа нарса кесиб ўтмаслиги лозимлигини бу уч давлат тушунади.

Бунинг остида ҳеч қачон муҳокама этилмайдиган, бироқ сассизгина тан олиб, ҳисоблашиладиган факт яширин учта буюк давлатнинг барчасида ҳаёт даражаси бир-бирига жуда ўхшашдир. Океанияда ҳукмрон фалсафани ингсоц деб аташади, Евросиёда – неольшевизм, Остосиёда уни «итойча сўз билан аташади, бу сўзни одатда «ўлимга сизини» деб таржима қилишса-да, унинг маъносини «шахсни илқотиши» ибораси тўғри ифода қилади. Океания фуқаросида қолган икки фалсафанинг асослари ҳақида бирор нарса ни билишга рухсат йўқ, аммо у бу фалсафаларни ахлоқ ва соғлом ақлга қарши ваҳшийлик, деб лаънатлашга ўрганган. Аслида бу учта мафкура деярли бир хил, уларга асосланган ижтимоий тузумлар ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳамма ерда худди шу пирамида тизими, ярим-илоҳий доҳий шахсга сизиниш, худди шу тинимсиз урушлар орқасидан ва урушлар учун мавжуд иқтисод. Бундан келиб чиқадики, учта буюк давлат нафақат бир-бирини босиб ололмайди, балки бундан манфаатдор ҳам эмас. Аксинча, токи улар бир-бири билан ёвлашар экан, худди бинонинг учта устуни каби бир-бирини тик тутиб туради. Ҳар доимгидай, учта давлатнинг раҳбарлари нима қилаётганларини бир вақтнинг ўзида ҳам билишади, ҳам билишмайди. Улар ҳаётларини дунёни эгаллашга баҳшида этганлар, аммо урушнинг давом этиши, унда голиб бўлмаслиги зарурлигини билишади. Босиб олиниш хавфи йўқлиги туфайли воқеликни инкор этиш имконияти мавжуд – бу ингсоц ва бошқа рақобатчи таълимотларга хос белгидир. Бу ерда аввал айтилганларни такрорлаш лозим: доимийга айланган уруш ўз шамойилини ўзгартирди.

Ўтмишида уруш, айтиши мумкинки, моҳиятан эрта ми-кечми ниҳоясига етадиган ҳодиса эди – ё шубҳасиз галаба ёки мағлубият билан яқунланарди. Бундан ташқари ўтмишида уруш жамиятга жисмоний воқеликдан узилди қолмаслик имконини берадиган асосий восита ҳам эди. Ҳамма замонларда ҳамма ҳукмдорлар қўл остидагилар онгига воқелик ҳақида ёлгон тасаввурларни сингдиришига урунган; аммо улар ҳарбий қудратни барбод қиладиган хомхаёлларни тарғиб қилмасди. Урушдаги мағлубият мустақилликни йўқотиши ёки шу каби исталмаган натижаларга сабаб бўлиши туфайли, мағлуб бўлишдан сақланишига жиддий қаралган. Моддий фактларни инкор этиб бўлмайди. Фалсафада, динда, ахлоқда, сиёсатда икки карра икки беш бўлиши мумкин, бироқ агар сиз тўп ёки учоқ ясамоқчи бўлсангиз, икки карра икки тўрт бўлиши шарт. Қобилиятсиз, салоҳиятсиз давлат эртами-кечми енгиледи, салоҳият иллюзияга таяниши мумкин эмас. Бундан ташқари, салоҳиятли бўлиш учун ўтмишдан сабоқ чиқара олиши лозим, бунинг учун эса у ёки бу даражада ўмишида нима бўлганини аниқ билиши шарт. Газеталар ва тарих китоблари, албатта, ҳаммиша ноҳолислик ва ноҳалоликка мойил бўлган, аммо бугунги кўламдаги сохта-лаштиришлар авваллари имконсиз эди. Уруш ҳаммиша соғлом ақл қўриқчиси эди ва, агар ҳукмрон табақалар ҳақида гапирсак, эҳтимол, асосий қўриқчи уруш эди. Урушда галаба қилиши ёки мағлубиятга учраши мумкин бўлган замонларда ҳеч бир ҳукмрон синф ўзини буткул масъулиятсиз тута олмас эди.

Аммо уруш доимий ҳодисага айлангач, у хавфли бўлмай қолди. Токи уруш доимий экан, ҳарбий зарурият сингари тушунча ҳам бўлмайди. Техник тараққиёт тўхташи, энг аён фактлар ҳам инкор этилиши ёки эътибордан четда қолиши мумкин. Биз кўриб ўтганимиздек, илмий деб аталадиган тадқиқотлар ҳамон ҳарбий мақсадларда олиб борилмоқда, бироқ улар моҳиятан орзу-истак бўлиб, уларнинг самара бермаслиги муҳим эмас. Салоҳият ва ҳатто ҳарбий қудрат энди керак эмас. Океанияда фақат Фикр полициясигина яхши ишлайди. Буюк давлатларни енгиб бўлмаслиги,

уларнинг ҳар бири алоҳида маҳдуд олам эканлигини ҳисобга олсак, уларда ақли ноқислик учун исталганча шароит бор. Воқелик фақат кундалик турмуш орқали ўзини билдиради: ейиши ва ичиши эҳтиёжи, бошида бошпана, танага кийим лозим, заҳар ичмаслик, юқори қаватдаги деразадан ташқарига чиқмаслик керак ва ҳоказо. Ҳаёт ва ўлим, жисмоний лаззат ва жисмоний оғриқ ўртасида фарқ ҳамон сақланиб қолган – ўзгармай қолгани шулар. Ташқи дунёдан ва ўтмишдан узилган Океания фуқароси, юлдузлараро маконда юрган одам сингари, наст қаерда, баланд қаерда – билолмайди. Бундай давлатнинг ҳукмдорлари цезарларда ҳам, фиръавнларда ҳам бўлмаган мутлақ ҳокимиятга эга. Улар, албатта, қўл остидагиларнинг ҳаддан зиёд қисми очликдан ўлиб кетишига йўл қўймасликлари лозим, чунки бу улар учун бир қадар ноқулайлик тугдиради, ва улар ҳарбий техникани ўз рақиблариники билан тенг даражада ушлаб туришлари керак; агар ана шу минимум талаб қондирилса, улар воқеликни истаганча ўзларига мослаб бузиб тасвирлашлари мумкин.

Шундай қилиб, бугунги урушлар, агар уларга ўтган урушлар мезонлари билан баҳо берилса – фирибгарликдир. Бу урушлар шохи бурчак томон қийшайиб ўсгани учун бир-бирини ярадор қила олмайдиган кавиш қайтарувчи ҳайвонлар жангини эслатади. Уруш гайриҳаққоний бўлса-да, маъносиз эмас. У ортиқча неъматларни ютиб юборади ва табақалашган жамият учун зарур ўзига хос маънавий муҳитни яратади. Кўриниб турибдики, бугун уруш – соф ички шидир. Ўтмишда ҳукмдорлар гоҳида манфаатлари умумийлигини билиб, урушининг назоратдан чиқиб кетиши олдини олсалар-да, бир-бири билан урушар, голиб мағлубни талон-тарож қиларди. Бугун ҳукмдорлар бир-бири билан урушмайди – уруш ҳукмрон гуруҳнинг тобеларга қарши ҳаракатидир. Бу урушдан кўзланган мақсад – ўз ҳудудини босқиндан асраш, ёки ўзга ҳудудни босиб олиш эмас, мавжуд ижтимоий тузумини сақлашдир. Бу ўринда «уруш» сўзининг ўзи ҳам одамни адаштиради. Доимийга айлангани учун уруш энди мавжуд эмас, десак, эҳтимол, тўғрироқ бўлади. Неолит давридан то XX асргача урушининг инсониятга ўтказган ўзига хос босими

йўқолди ва бошқа бир нарса билан ўрин алмашди. Агар уч буюк давлат бир-бири билан урушмаса, абадий аҳилликда яшашга ва чегаралари дахлсизлигига келишса ҳам, натижа ўша-ўша бўларди. Бундай ҳолатда уларнинг ҳар бири ташқи хавфнинг ҳушёр тортирғувчи таъсиридан мангу халос бўлган ётиқ оламлигича қоларди. Доимий тинчлик ҳам худди доимий уруш каби бўлар эди. Аксарият партия аъзолари юзаки тушунса-да, «УРУШ – ТИНЧЛИКДИР» деган партия шиорининг асл маъноси шудир.

Уинстон ўқишдан тўхтади. Қаердадир олисда портлаган ракетанинг гулдуроқ овози эшитилди. Телекрансиз бир хонада тақиқланган китоб билан ёлғиз ўтиришнинг фароғатли хисси ўтиб кетмаганди. Ёлғизлик ва хотиржамлик танадаги чарчок, оромкурсининг юмшоқлиги, деразадан юзга урилаётган шабада сезгиси билан қоришиб кетди. Китоб уни ўзига тортар, тўғрироғи, уни овуларди. Қайсидир маънода китобдан янги бир нарса ўргангани йўқ – унинг бутун жозибаси шунда эди. Китоб, агар Уинстон онгидаги пароканда фикрларини жамласа, ўзи ҳам айтиши мумкин бўлган нарсаларни сўзларди. Бу китоб унинг ўзи каби ўйлайдиган одамнинг асари эди, фақат бу одамнинг ақли кучлироқ, изчилроқ ва кўрқувдан холи эди. У тушундики, энг яхши китоблар сенга ўз билганларининг сўзлайдиган китоблардир. У биринчи бобга қайтмоқчи эди, бироқ зинада Жулиянинг кадам товушларини эшитди ва у билан кўришиш учун ўрнидан кўзғалди. Қиз асбоб-ускуналар солинган жигарранг халтасини полга ташлаб, унинг бўйнига осилди. Уларнинг кўришмаганларига бир ҳафтадан ошганди.

– Китоб менда, – деди Уинстон бир-бирларини қўйиб юборишгач.

– Ҳа-я, олдингми? Яхши, – деди у кизиқиш билдирмай ва қаҳва қайнатиш учун керосин печка олдига чўккалади.

Улар ярим соатни тўшакда ўтказганларидан сўнг китоб ҳақидаги гапга қайтдилар. Улар устларига тўшакни тортишди – бугун кечкурун хаво етарлича салқин эди. Пастдан одатдаги таниш қўшиқ хиргойиси ва тош йўлакда оёқ кийим товуши эшитиларди. Уинстон биринчи келганда кўрган қизил

ошлакли бахайбат аёл гўё ҳовлидан ҳеч кетмагандай эди. У юбора ва кир илгич дор ўртасида, гоҳ оғзига кир кистиргични солиб, гоҳ бўшаган лаблари билан жонга теккан кўшиғини хиргойи қилганча у ён-бу ёнга юрмаган бирор кун, бирор соат йўқ эди. Жулия ёнбошга ўгирилиб, мудрай бошлади. Уинстон полда ётган китобни қўлига олиб, ётоқнинг бош қисмига чўкди.

– Буни ўқиб чиқишимиз керак, – деди у, – Сен ҳам. «Биродарлик»да бўлган ҳар бир одам уни ўқиши керак.

– Сен ўқи, – деди қиз юмуқ кўзларини очмасдан. – Овоз чиқариб ўқи. Шу яхши. Кейин менга тушунтириб берасан.

Соат олтини, яъни ўн саккизни кўрсатаётганди. Яна уч-дўрт соат вақт қолганди. У китобни тиззасига қўйиб, ўқишга тугинди:

1-боб. Билимсизлик – кучдир

Ёзилган тарихнинг бошидан охиригача, эҳтимол, неолит даврининг охиридан бошлаб, дунёда уч нав одамлар яшаганлар: олий, ўрта ва қуйи. Улар яна бошқа майда гуруҳчаларга бўлинган, турли-туман номланган, уларнинг нисбий миқдори, шунингдек, ўзаро муносабатлари асрдан асрга ўзгариб турган; аммо жамиятнинг фундаментал тузилиши ўзгармаган. Ҳатто улкан ларзалар ва гўёки ортга қайтмас ислоҳотлардан кейин ҳам бу тузилиш қайта тикланаверган, ёзини тиклаб оладиган урчуқ сингари, тикланиб олаверган.

– Жулия, ухламаяпсанми? – сўради Уинстон.

– Йўқ, азизим, эшитяпман. Ўқи. Бу жуда ажойиб.

У давом этди:

Бу уч гуруҳнинг мақсадлари бир-бирига зиддир. Юқоридагиларнинг мақсади – ўз жойларида қолишидир. Ўртадагиларнинг мақсади – юқоридагилар билан ўрин алмашиш; қуйидагиларнинг мақсади, агар уларда мақсад бўлса, зеро, қуйидагилар оғир меҳнатда шунчалар эзилганки, кундалик ҳаётидан нарига камдан-кам назар солади, уларнинг мақсади – ҳамма тафовутларни бекор қилиш ва ҳамма инсонлар тенг бўлган жамият барпо этиш. Шундай қилиб, бутун тарих мобайнида белгилари ўхшаш бўлган кураш қайта ва қайта аланга олади. Юқоридагилар гўё узоқ вақт ҳокимиятни

ушлаб туради, бироқ эртами-кеч улар ўзларига шиончни ёки самарали бошқарув қобилиятини, ёхуд ҳар иккисини йўқотади. Шунда ўртадагилар ўзини озодлик ва адолат қўриқчиси кўрсатиб, қуйидагиларни ўз томонига оғдирган ҳолда юқоридагиларни ағдаради. Ўз мақсадига эришгач, улар қуйидагиларни аввалги қуллик ҳолига қайтаради ва ўзлари юқорини эгаллайди. Айни пайтда янги ўрта қатлам қолган икки гуруҳнинг биридан ёки ҳар иккисидан ажралади ва кураш янгидан бошланади. Учала гуруҳдан фақат қуйи табақа ҳеч қачон, ҳатто вақтинча ҳам ўз мақсадига эриша олмайди. Тарихда моддий тараққиёт бўлмаган десак, муболага бўларди. Ҳатто бугунги таназзул кунларида ҳам оддий одам бир неча аср олдинги яшаган одамдан кўра яхшироқ кун кечиради. Аммо на сарватнинг кўпайгани, на ахлоқларнинг юмшагани, на инқилоблар ва ислоҳотлар инсоний тенгликни рўёбга чиқара олди. Қуйи табақа учун барча тарихий ўзгаришлар хўжайинларнинг ўзгаришидан бошқа нарса эмас.

XIX аср охирига келиб, бу тартиботнинг такрорланиши кўп кузатувчиларга аён бўлиб қолди. Шу пайтда тарихнинг даврий такрорланиши, нотенглик инсон ҳаётининг ўзгармас қонунини эканлиги ҳақида таълимотлар пайдо бўлди. Албатта, бу таълимотнинг доим тарафдорлари бўлган, бироқ ифода йўсини жиддий ўзгарди. Табақалашган тузумнинг зарурлиги авваллари фақат юқоридагиларнинг ақидаси эди. Уни қироллар ва оқсуяклар ҳамда улардан фойдаланадиган текинхўр руҳонийлар, юристлар ва шу кабилар тарғиб қилишар, бу дунёдаги қашшоқлик ва азоб-уқубат учун қабрдан кейинги хаёлий дунёда компенсация ваъда қилинарди. Ўрта қатлам ҳокимият учун курашар экан, ҳаммиша озодлик, адолат ва биродарлик сингари сўзлардан фойдаланар эди. Бугун эса барча инсонларнинг биродарлиги гоёсини ҳали ҳокимиятга эга бўлмаган, лекин уни эгаллаш умидидаги гуруҳлар тасарруф қилмоқда. Авваллари ўрта қатлам тенглик шиори остида инқилобларни амалга оширар, эски золимни ағдаргач, янги зулмни бошларди. Бугун бу қатлам ўз истибдодини олдиндан эълон қилди. Социализм XIX аср бошида юзага келган таълимот бўлиб, қадимги қулларнинг қўзғолонларига

ўтган ғоявий анъананинг охириги бўғинидир. У ҳамон ўтган асрларнинг утопик ғояларидан халос бўлмаган. Бироқ социализмнинг 1900 йилдан кейин пайдо бўлган турлари тенглик ва биродарликни собит қилиш мақсадидан ошкора воз кечди. Аср ўрталарида юзага келган янги ҳаракатлар – Океанияда ш.соц, Евросиёда необошьевиизм ва Остосиёда ўлимга сизини ҳаракатлари эрксизлик ва нотенгликни сақлаб туришни қасд қилган. Бу янги ҳаракатлар эскиларидан униб чиққан, албатта, уларнинг номларини сақлаган ва сўзда уларнинг мафкурасига содиқдир. Аммо уларнинг мақсади керакли пайтда тараққиётни тўхтатиш ва тарихни музлатишидир. Тарих қапгири яна бир тебраниши ва қотиб қолиши лозим. Одатдагидай юқоридагиларни ўртадагилар ағдаради ва ўзлари юқорига айланади; аммо бу гал ўйланган стратегия тўғрисида улар ўз мавқеларини абадий сақлаб қоладилар.

Мазкур янги таълимотларнинг юзага келиши қисман тарихий билимларнинг жамланиши ва XIX асргача ибтидоий ҳолда сақланган тарихий тафаккурнинг ўсиши билан боғлиқдир. Тарихнинг даврий такрорланиши тушунарли бўлиб қолди ёки тушунарлидай кўрина бошлади, тушунилгандан кейин унга таъсир ўтказиши мумкин. Аммо асосий, чуқур сарзамин шунда эдики, XX асрнинг бошидаёқ одамларнинг ўзаро тенглигини таъминлашнинг техник имконияти пайдо бўлди. Тўғри, одамларнинг қобилияти ҳали тенг эмасди, албатта, соҳалар бўйича ихтисослашув баъзи одамларни бошқалардан қулайроқ мавқега қўярди; бироқ синфий тафовутларга ва катта моддий нотенгликка эҳтиёж қолмади. Ўтган асрларда синфий тафовутлар нафақат муқаррар эди, балки исталган бир ҳодиса эди. Нотенглик тамаддун учун тўланган товон эди. Аммо машинада ишлаб чиқариш ривожланиши билан вазият ўзгарди. Гарчи одамлар аввалда турлича ишларни бажаришига тўғри келса-да, уларнинг турли ижтимоий табақаларда ва иқтисодий даражаларда қолишига зарурат йўқолди. Шунинг учун ҳокимиятни каллашига тайёрланаётган янги гуруҳлар нуқтаи назарига кўра, инсонларнинг тенглиги интилиш зарур бўлган идеал эмас энди, аксинча, олдини олиш лозим хавфга айланди. Адо-

латли ва тинч жамият қуриши имкони бўлмаган ибтидоий даврада адолат ва тинчлик бўлиши мумкинлигига ишонил осон эди. Инсонлар минг йиллар мобайнида одамлар биро- дарларча яшайдиган, қонунлар ва оғир меҳнат бўлмаган за- миний жаннат қуриши ҳақида орзу қилиб келдилар. Бу орзу, тарихий ислохотлардан ютадиган гуруҳларга ҳам таъсир ўтказиб келди. Инглиз, фаранг ва америкача инқилоблар во- рислари ўзлари айтган инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, қонун олдидаги тенгликка қисман ишонган ва ўз хатти-ҳаракат- ларини шунга бўйсундирган. Аммо XX асрнинг тўртинчи ўн йиллигига келиб, сиёсий тафаккурнинг барча асосий оқимла- ри яккаҳокимлик оқимларига айланди. Амалга ошириши имко- ни тузилганда заминий жаннатга ишонмай қўйдилар. Ҳар бир янги сиёсий назария, нима деб аталишидан қатъи назар, ортга, иерархияга, ва қатъий чекловларга даъват қила бош- лади. 1930 йилга келиб, фикрларнинг умумий кескинлашуви- га мос равишда, аллақачон (гоҳида юз йиллар олдин) тарк этилган одатлар – судсиз қамоққа олиши, ҳарбий асирларни қул қилиб ишлатиши, ошкора қатллар, иқрор қилдириши учун қийноқлар, одамларни гаровга олиши, бутун бошли халқларни кўчириши – нафақат қайта оммалашди, балки ўзини маъри- фатли ва тараққийпарвар ҳисоблаган одамлар ҳам уларни қўллаб-қувватлади.

Урушларга, фуқаролик урушларига, инқилобларга ва аксилинқилобларга тўла ўн йил ўтгач, Ингсоц ва унинг рақобатчилари тўлақонли сиёсий назариялар сифатида шаклланди. Уларнинг илк шамоллари – бир сўз билан «тота- литар» деб аталадиган турли тизимлар аср аввалида пайдо бўлди; мавжуд парокандаликдан тузиладиган дунё тарти- боти қандай бўлиши ҳам аллақачон маълум эди. Дунёни ким бошқариши ҳам шундай аён эди. Янги аристократия асо- сан бюрократлар, олимлар, инженерлар, касаба уюшмалари раҳбарлари, ижтимоий фикрни шакллантириши мутахас- сислари, социологлар, ўқитувчилар, журналистлар ва мала- кали сиёсатчилардан иборат бўлди. Келиб чиқиши хизматчи ўрта табақа бўлган бу одамларни ва ишчи синфининг юқори қатламини монополистик саноат ва марказлашган ҳокими-

ятнинг сийқа дунёси шакллантирди ва бирлаштирди. Ўтган асрларнинг шу каби гуруҳларига қиёслаганда, уларнинг баднафслиги, ҳашамга ўчлиги камроқ эди, аммо уларнинг соф ҳокимиятга истаклари кучли эди, энг асосийси, қилаётган ишларини аниқ англр ва муҳолифатни йўқотишига қаттиқ ҳаракат қилардилар. Бу сўнгги интилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бугунги мавжуд тузумлар олдида ўтмишининг барча зolimлари журъатсиз ва ландовур туюлади. Хукмрон гуруҳлар ҳаминша озми-кўпми либерал зояларга мойил эди, бироз нафас олишига имкон қолдирарди, фақат яққол қарши хатти-ҳаракатларга жавоб қилар, тобелар нима ўйлаётгани уларни қизиқтирмасди. Бугунги ўлчамларга қараганда, ҳатто ўрта асрлардаги католик черков ҳам булардан кўра тоқатлироқ эди. Бунинг қисман сабаби, олдинги ҳукуматларда фуқароларни доимий назоратда қилиш имкони бўлмаган. Матбуот пайдо бўлганидан кейин ижтимоий фикрни бошқариш осонлашди; радио ва кино бу борада янада олдинроққа кетди. Телевизион техника ривожланиб, битта ускуна билан маълумотни ҳам қабул қилиш, ҳам узатиш имкони пайдо бўлгач, шахсий ҳаёт тамом бўлди. Ҳар бир фуқарони, ҳеч бўлмаганда, кузатишга арзирли муҳим шахсларни тун-кун полиция назоратига олиш, бошқа алоқа йўллари бекитиб, кунбўйи расмий ташвиқот билан тўйинтириш мумкин бўлди. Фуқароларни давлат иродасига нафақат тўла бўйсундириш, балки уларнинг барча масалаларда бир хил фикрлашига эришиш имкони илк бор пайдо бўлди.

50 – 60-йиллар инқилобидан сўнг, ҳар доимгидай, жамият яна юқори, ўрта ва қуйи табақаларга ажралди. Энди янги юқоридагилар аввалги ўтмишдошлари каби таваккалга иш қилмасди: улар ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун нима қилишни биларди. Аллақачон аён эдики, олигархия учун ягона ишончли асос – коллективизмдир. Бойлик ва имтиёзларни биргаликда эгалик қилган ҳолдагина яхши ҳимоя қилиш мумкин. Аср ўрталарида хусусий мулкнинг йўқ қилиниши аслида мулкни янада тор доира қўлида жамланишини англатарди – фарқи шунда эдики, энди шахслар оммаси эмас, тор

бир гуруҳ мулк эгасига айланди. Партиянинг ҳеч бир аъзоси, озгина шахсий буюмлардан ташқари ҳеч нарсага эга эмас. Партия жамоавий тарзда Океаниядаги ҳамма нарсага эгаллик қилади ва маҳсулотларни ўз хоҳишига кўра тасарруф қилади. Инқилобдан кейинги йилларда партия деярли тўсиқсиз ҳукмрон мавқени эгаллади, чунки бу жараён коллективлаштириш номи билан ўтказилди. Капиталистлар синфини мулкдан мосуво қилсак, социализм юзага келади, деб ҳисобланарди. Капиталистлар мулки тортиб олинди. Уларнинг ҳамма нарсасини – заводлар, шахталар, ер, уй-жой, транспортни тортиб олдилар. Булар хусусий мулк бўлмай қолди, демак, улар энди жамоа мулки бўлди. Эски социалистик ҳаракатдан униб чиққан ва унинг ибораларини мерос қилиб олган ингсоц социалистик дастурнинг муҳим бандини оқибатини аввалдан била туриб, қасддан амалга оширди – иқтисодий нотенглик абадий мустаҳкамлаб қўйилди.

Аммо табақалашган жаамиятни сақлаш муаммолари анча чуқур. Ҳукмрон гуруҳнинг ҳокимиятдан ажрашининг тўрт сабаби бор. Ё ташқи душман босиб олади, ёки у шу қадар уқувсизлик билан бошқарадики, одамлар исён кўтаради, ёки у кучли ва норози ўрта қатламнинг шаклланишига йўл қўйиб беради, ёинки ўзига ишончи ва бошқариш истаги йўқолади. Бу сабаблар бир-биридан айро эмас; одатда, тўртта сабаб бир пайтда маълум даражада таъсир қилади. Бу сабаблардан сақлана олган ҳукмрон синф ҳокимиятни абадий ушлаб тура олади. Алалоқибат, ҳал қилувчи омил ҳукмрон синфнинг руҳий ҳолатидир.

Ҳозирги асрнинг ўртасига келиб, биринчи хавф батомом йўқолди. Дунёни бўлиб олган уч буюк давлат, моҳиятан, энгилмасдир ва уларни фақат демографик ўзгаришлар зимдан заифлаштириши мумкин, холос; аммо катта қудратга эга ҳукумат бунинг олдини олиши осон. Иккинчи хавф ҳам фақат назарий жиҳатдан мавжуддир. Оломон ҳеч қачон ўз-ўзидан исён қилмайди ва эзилганлиги учунгина исён қилмайди. Дарҳақиқат, агар бошқалар билан қиёслаш имкони берилмаса, улар ўзининг эзилаётганини ҳам билмайди. Ўтмишининг такрорланиб турган иқтисодий инқирозларига

ҳеч бир зарурат йўқ ва энди уларга йўл қўйилмайди. Бошқа катта кўнгилсизликлар юз бериши мумкин ва юз беради ҳам, аммо улар сиёсий оқибатларга сабаб бўлмайди, чунки порозиликни ифодалаш йўли мавжуд эмас. Машина техникалари яратилгандан бери жамиятимизда мавжуд ортиқча маҳсулот муаммоси эса тинимсиз уруш орқали ҳал этилади (3-Бобга қаранг), қолаверса, уруш ижтимоий руҳни кучайтиришига ҳам хизмат қилади. Шундай қилиб, бугунги ҳукмдорлар нуқтаи назарига кўра, асосий хавфлар – қобилиятли, вичалик банд бўлмаган, ҳокимиятга интиладиган одамларнинг янги гуруҳи пайдо бўлиши ва улар сафларида либерализм ва скептиклик ўсишидир. Бу муаммо, айтиши мумкинки, таълим муаммосидадир. Бу муаммо оз сонли бошқарувчи гуруҳ ва унинг қўл остидаги кўпсонли ижро этувчи гуруҳ онгига тинимсиз ишлов бериши муаммосидир. Оломоннинг онгига эса фақат салбий планда таъсир этиши кифоядир.

Аввал билмаганлар ҳам шу айтилганлардан Океания давлатининг умумий аҳволи ҳақида хулоса чиқариши қийин эмас. Пирамиданинг чўққиси – Катта Ога. Катта Ога маъсум ва қудратлидир. Ҳар бир эришилган ютуқ, ҳар бир муваффақият, ҳар бир галаба, ҳар бир илмий кашфиёт, барча билимлар, бутун донишмандлик, тўқис бахтиёрлик, чинакам жасорат – бевосита унинг раҳнамолигидандир ва ундан илҳомлангандир. Катта Огани ҳеч ким кўрмаган. Унинг юзи – плакатларда, унинг овози – телекранлардадир. У ҳеч қачон ўлмайди, дейишига асослар етарли ва аллақачон унинг қачон тугилганлиги борасида сезиларли мавҳумликлар мавжуд. Партия Катта Ога сиймосида ўзини бутун дунёга кўрсатади. У муҳаббат, кўрқув, эҳтиром сингари ташиқлотга эмас, алоҳида шахсга йўналиши қулай бўлган туйғулар қаратиладиган нишондир. Катта Огадан қуйида – Ички партия; унинг сони олти миллион билан чегараланган, бу Океания аҳолисининг икки фоизидан камроқдир. Ички партиядан қуйида – Ташиқи партия. Агар Ички партияни партиянинг ақли десак, Ташиқи партия унинг қўлидир. Қуйида эса – биз одатда «проллар» деб атайдиган гунг оломон. Улар, афтидан, аҳолининг 85 фоизини ташиқил этади. Олдинги тасни-

фимизга кўра, проллар – қуйи қатламдир. Экваториал минтақаларнинг қўлдан қўлга ўтиб турадиган қул аҳолиси эса жамиятнинг доимий ва зарурий қатлами эмас.

Аслида бу уч гуруҳга аъзолик наслий эмас. Ички партия аъзосининг болалари ворисийлик асосида Ички партияга тегишли бўлиб қолмайди. Бола ўн олти ёшга тўлганда имтиҳон асосида партиянинг у ёки бу қисмига қабул қилинади. Партияда на ирқий, на жузгофий белгисига кўра афзаллик бериши йўқ. Энг юқори погоналарда яҳудийни ҳам, қора танлини ҳам, соф ҳинду қони бор латинамерикаликни ҳам кўриши мумкин; ҳар бир минтақанинг маъмурини ўша минтақа аҳолиси орасидан танлаб олишади. Океаниянинг бирор-бир қисмида аҳоли ўзини олис пойтахтдан келган бегона бошқарадиган мустамлака деб ҳис қилмайди. Океанияда пойтахт йўқ: давлат раҳбари қай ерда ўтиришини ҳеч ким билмайди. Мамлакатнинг исталган ерида инглиз тилида гаплашиши мумкинлигини, унинг расмий тили эса Янгитил эканини истисно қилганда, у марказлашмаган. Бошқарувчилар қондошлик билан эмас, партия таълимотига содиқлик ришталари билан ўзаро боғланган. Албатта, бизнинг жамият табақаланган, дарвоқе, жуда аниқ қатламларга ажратилган ва, бир қараганда, табақаланиши наслий характерга эгадай кўринади. Турли қатламлар аро юқори ва қуйига ҳаракатланиши капитализм ва саноатлашувгача бўлган даврдагига нисбатан анча секин юз беради. Партиянинг икки қисми ўртасида муайян алмашув бор – бу фақат Ички партиядаги заифлардан қутулиши ва Ташқи партиядаги шухратпарастларни зарарсизлантириши учун юқорига кўтаришига етарли миқдорда амалга ошади. Пролетарийларга партияга кириши йўли амалда ётиб қўйилган. Халқнинг энг қобилиятлиларини – норозиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлганларини – Фикр полицияси шунчаки қайд этиб, кузатувга олади ва йўқ қилади. Лекин бу аҳвол доимий эмас, ўзгартирилиши мумкин. Партия – эски маънодаги синф эмас. У ҳокимиятни ўз фарзандларига мерос қолдиришига интилмайди; агар энг қобилиятлиларни юқорида тўплашнинг бошқа йўли бўлмаганда эди, ҳеч иккиланишсиз пролетариат орасидан одам

танларди. Партия ворисий жамоа эмаслиги оғир даврларда мухалифатни йўқотиши учун катта ёрдам берди. «Синфий имтиёзлар» деб аталадиган нарсалар билан курашишга ўрганган эски социализм нимаики ворисий эмас, у бардавом бўлолмайди, деб ҳисобларди. У олигархия ворисий бўлиши шарт эмаслигини тушунмади, ворисий асосдаги аристократиянинг умри доим қисқа бўлгани, аксинча, танлаб олишга асосланган ташкилотлар, масалан, католик черкови юз, ҳатто минг йиллаб собит турганини ҳисобга олмади. Олигархик бошқарувнинг моҳияти отадан ўнгилга мерос эмас, балки ўликлар тирикларга уқтирадиган муайян дунёқараши ва ҳаёт тарзининг бардавомлигидир. Ҳукмрон гуруҳ ворисни ўзи тайинлай олар экан ҳукмронликни сақлайди. Партия ўз қонини абадийлаштиришни эмас, ўзини абадийлаштиришни ўйлайди. Ким ҳукмдор экани муҳим эмас, иерархик тузум сақланса бўлгани.

Замонамизни характерловчи барча ишонч-эътиқодлар, урф-одатлар, таъблар, ҳис-туйғулар, нуқтаи назарлар аслида партиянинг сирини сақлашга ва ҳозирги жамиятнинг асл табиатини яширишга хизмат қилади. Жисмоний исён ҳам, исён томон қадам ташлаш ҳам бугун имконсиздир. Пролетарийлардан қўрқмаса ҳам бўлади. Ўзларига қўйиб берилса, улар авлоддан-авлодга, асрдан-асрга худди шундай меҳнат қилади, кўпайишади ва ўлади, исён қилишга уриниши у ёқда турсин, ҳаёт бундан бошқача бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмайди. Агар техник тараққиёт уларга юқорироқ таълим беришни тақозо қилса, ана ўшанда улар хавфли бўлишлари мумкин. Бироқ ҳарбий ва тижорий рақобатчилик энди аҳамиятли эмаслигини ҳисобга олганда, халқ таълимининг даражаси амалда пасаяди. Оломон қандай фикрда ёки фикрда эмас – бунга бефарқлик билан қаралади. Уларга тафаккур эркинлигини бериш мумкин, чунки уларда ақлнинг ўзи йўқ. Бошқа томондан, партия аъзосининг энг аҳамиятсиз масалада қилган кичик хатосига ҳам тоқат қилинмайди.

Партия аъзоси туғилганидан ўлгунича Фикр полициясининг кузатувида яшайди. Ҳатто ёлғиз қолганда ҳам

у ўзининг ёлғизлигига ишончи комил бўлолмайди. У қаерда бўлмасин, уйгоқми ёки ухлоқ, ишляптими ёки дам оляпти, ҳаммомдами ёки тўшакда – уни кузатишлари мумкин, у эса бундан беҳабар бўлади. Унинг ҳеч бир ҳаракати эътибордан четда қолмайди. Унинг дўстлари, унинг қизиқишлари, унинг хотини ва болаларига муомаласи, ёлғизликдаги юз ифодаси, уйқусида босинқираб айтган сўзлари, ҳатто танасининг ўзига хос ҳаракатлари – ҳаммаси синчковлик билан ўрганилади. Нафақат бирор ножўя иши, ҳатто ҳар қандай майли, энг беозор қилиги, ҳар бир янги пайдо бўлган одати ва ички безовталигидан дарак берадиган асабий имо-ишораси муқаррар эътиборга олинади. Ҳеч бир нарсада унинг танлаш эрки йўқ. Бошиқа томондан, унинг хулқ-атворини қонун ёки бирор хулқ-атвор кодекси тартибга солмайди. Океанияда қонунлар йўқ. Қўлга тушса, ўлимга ҳукм қилинишига сабаб бўладиган фикрлар ва хатти-ҳаракатлар расман тақиқланмаган. Тинимсиз тозалашлар, ҳибсга олишлар, қамоққа тиқиши, қийноқлар ва буглатиб юборишдан кўзланган мақсад жинойятчини жазолаш эмас, балки келажакда жинойят қилиши мумкин бўлганларни йўқ қилишдир. Партия аъзоси нафақат тўғри фикрда бўлиши лозим, айни чоғда, унда инстинктлар ҳам тўғри бўлиши шарт. Унинг дунёқарашини ва эътиқодига қўйилган талаблар кўпинча тушунарли шаклда расман ифодаланмаган – уларни ингсоцга хос ички зиддиятларни ошкор қилмасдан ифодалаш ҳам мумкин эмас. Агар инсон табиатан тўғри эътиқодли (Янгитилда эзгуфикрли) бўлса, исталган шароитда, ўйлаб ўтирмасдан, қайси эътиқод тўғри ва қайси ҳиссиёт мақбуллигини билади. Бироқ, ҳар ҳолда, болаликдаги «ўзтўхташ», «оққора» ва «қўшфикр» сингарини Янгитил сўзларига асосланган ақлий машқлар уни муайян масала устида чуқур фикрлай олмайдиган, буни истамайдиган қилиб қўяди.

Партия аъзоси шахсий ҳис-туйғуларга эга бўлмаслиги, партиявий иштиёқни сўндирмаслиги лозим. У ташқи душманлар ва ички хоинлардан доимий нафрат ўтида ёниши, навбатдаги галабадан қувониши, партиянинг қудрати ва дошизмандлиги олдидан тўхтовсиз бош эгиши шарт. Қашшоқ

ва қувончсиз турмушидан тугилган норозилик онгли тарзда таиқи объектларга йўналтирилади, Икки Дақиқа Нафрат каби усуллар ёрдамида сочиб юборилади. Шубҳа ёки исён-корликка сабаб бўлувчи хаёллар эса болаликдан сингдирилган ички интизом воситасида пайдо бўлмасидан йўқ қилинади. Интизомнинг ҳатто болалар ҳам ўзлаштира олиши мумкин бўлган биринчи ва энг оддий погонаси Янгитилда «ўзтўхташ» деб аталади. Ўзтўхташ хавфли фикр келганда уни инстинктив тарзда тўхтата олишидир. Бу – ўхшашликларни кўра билмаслик, мантиқий хатоларни сезмаслик, ингсоқга хилоф энг оддий аргументларни ҳам нотўғри талқин этиши, тўғри эътиқоддан оғдирадиган хулосага олиб борувчи фикрлардан зерикши ва ижирганиши қобилиятидир. Қисқача айтганда, ўзтўхташ муҳофаза қилувчи аҳмоқликдир. Бироқ аҳмоқликнинг ўзи етарли эмас. Аксинча, тўғри эътиқод онгни акробат ўз танасини бошқаргани каби бошқаришни талаб этади. Алалоқибат Океания жамияти Катта Оганинг қудрати мутлақ, партия адашмайди, деган ақидага асосланади. Аммо аслида Катта Ога бошқалардан қудратли эмас, партия адашиши мумкин экан, фактлар билан муомала қилишда тинмасдан ва ҳар дақиқа қайшиқоқлик керак бўлади. Бу ердаги калит сўз – «оққора». Янгитилдаги аксарият сўзлар каби бу сўзнинг ҳам иккита қарма-қарши маъноси бор. Мухолиф одамга нисбатан бу очиқ фактларни инкор қилиб, ҳеч уялмай, қорани оппоқ дейишни англатади. Партия аъзосига нисбатан қўллаганда эса бу, агар партиявий интизом тақозо этса, эзгу ниятда қорани оқ деб аташга тайёрликни англатади. Бироқ нафақат аташ, яна қора оқ эканига ишонши ҳам керак, бундан ҳам ортиги, қора оқ эканлигини билиши ва қачондир бошқача ўйлаганингни унутишидир. Бу ўтмишни тўхтовсиз сохталаштиришни тақозо қилади. Бунга бошқа ҳаммасини қамраб оладиган ва Янгитилда «қўшфикр» деб аталадиган тафаккур тарзи имкон беради.

Ўтмишни ўзгартириши икки сабабга кўра лозимдир. Уларнинг бири, иккинчи даражалиси ва, айтиши мумкинки, профилактик аҳамиятга эга. Қиёслаш учун бошқа стандарт мавжуд бўлмаса, партия аъзоси ҳам, худди пролета-

рий каби ҳозирги турмушига сабр қилади. У аждодларидан кўра яхшироқ яшаётгани, турмуш шароити мунтазам ўсаётганига ишониши керак. Бунинг учун у хорижий мамлакатлардан узиб қўйилгани каби ўтмишдан ҳам узиб қўйилиши керак. Ўтмишни сохталаштиришининг бундан ҳам муҳимроқ сабаби – партиянинг адашмаслигига бўлган эътиқодни асрашдир. Нутқлар, статистик маълумотлар, турли-туман ҳужжатлар партиянинг башоратлари ҳаминша тўғри чиқишини исботлаш учун бугунги кунга мослаштириб борилиши лозим. Шунингдек, партия таълимоти ва сиёсатда бўлган ўзгаришлар тан олинмаслиги шарт. Зеро фикрни ёки сиёсатни ўзгартириш – заифликни тан олиш демакдир. Агар, масалан, бугун Евросиё ёки Остосиё (кимлиги муҳиммас) душман бўлса, демак, у ҳаминша душман бўлган. Агар фактлар буни инкор этса, фактлар ўзгартирилиши шарт. Шу тариқа тарих тинимсиз қайта ёзилаверади. Ҳақиқат вазирлигининг ўтмишни ҳар кун сохталаштириши ҳам Муҳаббат вазирлиги амалга оширадиган қатагон қилиш ва жосуслик сингари тузум барқарорлиги учун бирдек зарурдир.

Ўтмишнинг ўзгарувчанлиги – инсоцнинг бош ақидасидир. Ўтмиш объектив тарзда мавжуд эмас, фақат ёзма ҳужжатлар ва инсонларнинг хотираларида сақланади, деб таъкидланади. Ҳужжатлар ва хотираларга мос келадиганигина ўтмишдир. Партия ҳужжатларни назорат қилгани каби ўз аъзоларининг онгини ҳам батамом назорат қилгани тўфайли, ўтмиш – партия нимани истаса, ўшадир. Бундан келиб чиқадики, гарчанд ўтмиш ўзгарувчан бўлса-да, у ҳеч қачон ўзгартирилмаган. Зеро у бугунга керак бўлган ҳолатда тикланган экан, демак, бу янги нақлнинг ўзи ўтмишдир ва бошқача бир ўтмиш бўлиши мумкин эмас. Бу, кўпинча бўлгани каби, ўтмиш ҳар йили бир неча бора, таниб бўлмас даражада ўзгартирилган ҳолатлар учун ҳам тўғридир. Партия доимо мутлақ ҳақиқатга эгалик қилади; мутлақлик ҳозиргидан бошқача бўлиши мумкин эмаслиги аёндыр. Яна шуниси тушунарлики, ўтмишни бошқариш аввало хотирани кўниктиришга боғлиқдир. Ҳамма ҳужжатларни кун талабларига мослаштириши соф механик ишдир. Бироқ ҳодисалар худди

исталганидай бўлганини эсда сақлаш ҳам керак. Агар кимнингдир хотирасини ўзгартириши ва ҳужжатларни сохталаштириши лозим бўлса, шундай қилинганини унутиш шарт. Бу найрангни бошқа ақлий усулларни ўрганган каби ўрганиши мумкин. Партия аъзоларининг аксарияти буни ўрганади, ақли бор, тўғри эътиқоддаги ҳар ким ўрганади. Эскитилда бу содда қилиб «воқеликни бўйсундириши» дейилади. Янлитилда бу «қўшфикр» дейилади, «қўшфикр» бошқа кўплаб нарсаларни ҳам англайди.

Қўшфикр бир пайтнинг ўзида икки қарама-қарши эътиқодни қабул қила оlishи қобилиятини англайди. Партия зиёлиси хотирасини қайси томонга ўзгартириши лозимлигини билади; демак, у воқеликни ўйин қилаётганини ҳам билади; бироқ қўшфикр ёрдамида ўзини воқеликни ўзгартирмаганига ишонтиради. Бу жараён онгли бўлиши керак, акс ҳолда, уни тишиқ-пухта амалга ошириши қийин, бироқ айни пайтда бу англамаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шундай бўлмаса, англаган сохтакорлик сабабли унда айбдорлик туйғуси пайдо бўлиши мумкин. Қўшфикр – ингсоцнинг юридидир, чунки партия ўз мақсади сари мустаҳкам ирода билан самимий интилар экан, қасддан алдов билан шуғулланиши унинг асосий ишидир. Қасддан ёлгон сўзлаш ва айни пайтда унга ишониши, ноқулай ҳар қандай фактни унутиши, керак бўлганда, уни хотира қаъридан яна топиб чиқиши, объектив воқеликнинг мавжудлигини инкор этиши ва инкор этилаётган воқелик билан ҳисоблашиши – буларнинг бари мутлақ зарурдир. Ҳаттоки «қўшфикр» сўзидан фойдаланишининг ўзи қўшфикр бўлиши керак. Зеро, бу сўзни қўллар экансан, воқеликни бузаётганингга иқрор бўласан; яна бир қўшфикр орқали бу иқрорни ҳам хотирадан ўчирасан; шу тариқа ёлгон ҳақиқатдан бир қадам олдинда юриди. Охир-оқибат, айнан қўшфикр туфайли партия тарих чархпалагини тўхтата олди – ким билсин, яна минг йил тўхтатиб турар, эҳтимол.

Барча ўтган олигархиялар ҳокимиятни ё қотиб қолганлиги сабабли, ёки бўшашиганлиги учун йўқотган. Ёки улар калтафаҳм ва манман бўлиб, янги вазиятларга мослаша олмай ағдарилган, ёки либерал ва қўрқоқ бўлиб қолган, куч

ишлатиши зарур бўлган ерда ортга чекинган ва яна ағдарилган. Бошқача айтганда, уларни ё онглилик ёки, аксинча, онгсизлик ҳалок қилган. Партиянинг ютуғи шундаки, у бу икки ҳолат бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлган тафаккур тизимини яратди. Бошқа ҳеч бир интеллектуал шароитда унинг ҳокимияти мустаҳкам бўла олмас эди. Ҳокимият истегаган ёки ҳокимиятни сақламоқчи бўлганлар воқелик тўғрисида буза олиши шарт. Зеро, ҳукмронликнинг сири ўзининг адашмаслигига бўлган ишончини ўтган хатоларидан сабоқ чиқариши билан қўша олишидир.

Қўшфиқрни ихтиро қилганлар ўз ихтироларини устомона қўллай олиши ва у бемисл алдов эканини билишини айтмаса ҳам бўлади. Бизнинг жамиятимизда юз бераётган ҳодисалардан энг яхши хабардор одамлар дунёни аслидек кўришдан энг узоқ одамлардир. Умуман олганда, қанча яхши тушунса, шунча яхши алданади; қанча ақлли бўлса, шунча ақлсиз бўлади. Аниқ-равшан бир мисол – ижтимоий мавқеи қанча юқориласа, уруш жазавасига шунча осон тушади. Урушга нисбатан энг оқил муносабат баҳсли ҳудудлардаги босиб олинган халқларда бўлади. Бу халқлар учун уруш шунчаки танасини яна ва яна босиб ўтадиган туганмас офат. Уларга ким ғалаба қилиши фарқсиздир. Улар янги ҳукмдорлар қўл остида ҳам аввалги меҳнатларини қилишларини, уларга ҳудуди аввалгидай муомала қилинишини яхши биладилар. Улардан озгина яхши яшайдиган, биз «проллар» деб атайдиган ишчилар урушни гоҳ-гоҳида сезиб қоладилар. Зарур бўлганда уларни ашаддий нафрат ва қўрқув ҳолатига солиши мумкин, бироқ ўзларига қўйилса, улар урушни узоқ вақт эсламайдилар ҳам. Чинакам уруш завқини биз партия сафларида, айниқса, Ички партияда кўрамиз. Дунёнинг босиб олиншига ҳаммадан кўп бунинг иложсизлигини биладиганлар ишонади. Қарама-қаршиликларнинг бундай ажиб уйғунлиги – билимнинг билимсизлик билан, лоқайдликнинг мутаассиблик билан қоришуви – Океания жамиятининг ўзига хос белгиларидан биридир. Расмий мафкура зарурат бўлмаган ўринларда ҳам қарама-қаршиликларни тўлдириб ташилаган. Шу тариқа партия социализм ибтидода курашган барча тамойилларни

рад этади ва қоралайди, ва бу айнан социализм номи билан амалга оширилади. У ўтмишида мисли кўрилмаган тарзда ишчилар синфидан нафратини ошкор қилди, бир замонлар кўл меҳнати ишчилари кийган либосни ўз аъзоларига коржомма қилиб кийдирди, бу қарор айнан шу учун қабул қилинган. У тизимли тарзда оиладаги садоқатни ўлдиради ва ўз раҳнамосини оилавий садоқат туйғусига дахлдор ном билан атайди. Ҳаттоки бизни бошқарадиган тўрт вазирлик номида ҳам фактларни юзсизларча тўнтарини ҳолати мавжуд. Тинчлик вазирлиги уруш билан шугулланади, Ҳақиқат вазирлиги – ёлгон билан, Муҳаббат вазирлиги – қийноқлар билан, Фаровонлик вазирлигининг иши очарчилик. Бу қарама-қаршиликлар тасодифий ҳам, мунофиқлик ҳам эмас; бу – қўшифкр амалиётидир. Зеро, қарама-қаршиликларни келиштириши ҳокимиятни узоқ тутиб туришга имкон беради. Бошқа йўл билан қадимий циклни узиш мумкин эмас. Агар инсоний тенглик мангуга йўқотилиши керак бўлса, агар биз юқори табақа деб атайдиганлар ўз ўринларини абадий сақлаб қолмоқчи бўлса, у ҳолда ҳукмрон руҳий ҳолат бошқариладиган телбалик бўлиши лозим.

Аммо эътиборимиздан четда қолган бир масала бор. Нега инсонларнинг тенглиги йўқотилиши керак? Бу жараённинг механизми тўғри ишлаб чиқилган ҳам дейлик, тарихни муайян нуқтада тўхтатиб қўйишга қаратилган улкан, пухта режаланган бу ишлардан мақсад нима?

Шу ерда асосий жумбоққа келамиз. Кўриб ўтганимиздек, партия атрофидаги ва, энг аввало, Ички партия теваарагидаги мистик дабдаба қўшифкрга боғлаб қўйилган. Унинг замирида аввал ҳокимиятни эгаллашга ундайдиган, кейин қўшифкрни ҳам, Фикрлар полициясини ҳам, доимий урушни ҳам, тузумнинг бошқа мажбурий унсурларини ҳам юзага келтирадиган дастлабки сабаб, тадқиқ этилмаган инстинкт мавжуд. Сабаб шундан иборатки...

Уинстон янги овозни ҳис этгандай сукунатни ҳам ҳис қилди. Унга Жулия анчадан бери қилт этмаётгандай туюлди. У кафтини ияклари тагига қўйганча, ёнбошлаб олган, белигача яланғоч эди, кора сочларининг бир тутами кўзларини

ёпиб турарди. Унинг кўкраклари секин ва бир хил кўтарилиб тушарди.

– Жулия.

Жавоб йўқ.

– Жулия, ухламаяпсанми?

Жавоб йўқ. У уйкуда эди. У китобни ёпди, ерга қўйди, ўрнига ётди ва тўшакни юқорига – ўзига ва унга тортди.

У асосий сирни ҳамон билмайдигандай эди. Қандайлигини биларди, аммо негалигини билмасди. Биринчи боб ҳам, худди учинчи боб каби, унга бирор янгиликни очиб бермади. Китоб фақат унинг билимларини бир тартибга солди. Бирок китобни ўқигач, у бир нарсани аниқ билди – у тентак эмас. Агар сен озчилик сафида бўлсанг ҳам – ва ҳатто бир ўзинг бўлсанг ҳам – бу сенинг тентаклигингни англатмайди. Ҳақиқат бор, ёлғон бор, бутун дунёга қарши ўлароқ, агар сен ҳақиқат томон бўлсанг, тентак эмассан. Ботаётган куёшнинг сарғиш нурлари деразадан ёстикқа тушиб турарди. Уинстон кўзларини юмди. Юзига тушаётган куёш нурлари тафти ва баданига тегиб турган аёл танининг ҳарорати унга хотиржамлик ва уйқу аралаш ишонч ҳиссини бахш этди. У хавфдан холи, ҳаммаси жойида. У «Соғлом ақл – статистика эмас», дея минғирлаганча ухлаб қолди, унга бу сўзларда жуда чуқур маъно яшириндай туюлди.

Х

У жуда узок ухлагандай бир сезги билан уйғонди, аммо ёски соатлар ҳозир 20:30 эканини кўрсатиб турарди. У бироз мудраб ётди, кейин ҳовлида ўша таниш овоз хиргойисини бошлади:

Қалбда аллақачон орзулар тамом.

У кунлар баҳорнинг гулидай учди,

Бироқ унутмоққа кучлари етмас

Ўша овоз билан йўғрилган тушини!

Бу аҳмоқона кўшиқ ҳали ҳам урфдан чикмаган кўри-нади. Ҳали ҳам ҳар жойда эшитиш мумкин уни. Бу кўшиқ «Нафрат кўшиғи»дан узок яшади. Товуш уйғотиб юборган Жулия ширин энтикди ва тўшакдан сирғалиб чиқди.

– Қорним очди, – деди у. – Яна қаҳва дамлаймизми? Лаънати печка ўчиб қопти, сув ҳам совиган. – У керосин печкачани кўтариб силкитиб кўрди. – Керосин ҳам тугаган.

– Эҳтимол, қариядан сўраб кўриш керакдир.

– Ҳайронман, у тўла эди. Кийинаман, – деди қиз. – Совуқ тушганга ўхшайди.

Уинстон ҳам ўрнидан турди ва кийина бошлади. Тиниб-тинчимас овоз яна хиргойисини давом эттирди:

Майли, менга дерлар: даволайди вақт.

Майлига десинлар: дарддан ўксинма.

Лекин аллақачон унутилган сўз

Ҳануз тимдалайди кўксимни!

Коржомасининг камарини тақиб, у дераза яқинига келди. Куёш уйлар ортига беркинган – ҳовлига аллақачон ёруғ тушмай кўйган. Тош йўлак худди ҳозир ювилгандай хўл, унга осмон ҳам ювилгандай туюлди – мўрилар устида самовот жуда покиза ва мовий кўринарди. Аёл чарчоқ билмай, тинимсиз олдинга ва орқага юрар, оғзини гоҳ юмар ва гоҳ очар, хиргойи қилар, тагликларни дорга иларди, иларди, иларди. У ўйлаб қолди: у қир ювиб тирикчилик қиладими ёки шунчаки ўзининг ўттиз-қирқ набирасининг қулими? Жулия келиб, ёнига турди: ҳовлидаги баҳайбат гавда эътиборларини гортди. Мана, аёл яна одатдаги ҳолатига кирди – йўғон биллақларини дорга узатди, байталникидек чиққан кучли дум-

баси кўринди – Уинстонга илк марта бу аёл гўзал кўринди. Эллик ёшли аёлнинг кўплаб туғруқлардан сўнг катталашган, йиллар мобайнида қотган, ишдан дағаллашган, вақти ўтган шолғомдай сиқик вужуди гўзал бўлиши мумкинлиги ҳеч унинг ҳаёлига келмаганди. Бироқ у гўзал эди ва Уинстон ўйлаб қолди: нега у гўзал бўлмаслиги керак? Мустаҳкам ва шаклсиз танаси мрамор тошга ўхшарди, курукшаган қизил териси эса худди наматак меваси гулга мос келгани каби унинг келбатига мос эди. Меваси гулидан ёмон деб ким айтади?

– У жуда гўзал, – шивирлади Уинстон.

– Унинг бели айланасига икки метр келади, – деди Жулия.

– Ҳа, унинг ўзига хос гўзаллиги.

У бир қўли билан Жулиянинг белидан кучиб турарди. Қизнинг ёнбоши унинг ёнбошига тегиб турарди. Уларнинг вужудларидан ҳеч қачон фарзанд дунёга келмайди. Уларга бу насиб этмайди. Улар ўз сирларини фақат оғзаки сўз билан, ақлдан ақлга узатадилар. Ҳовлидаги аёлда ақл йўқ – фақат кучли қўллар, қайноқ юрак, наслдор қорин бор. У ўйлаб қолди: бу аёл нечта туққан экан? Бемалол ўн бешта бўлса керак. Унинг ҳам ҳаётида қисқагина субҳидам фароғати бўлган, қандайдир бирор йил, сўнг бу жувон уруғланган мевадек шишган, каттиклашган, қизарган, дағаллашган, кейин ҳаммаси бошланган: кир-чир, тозалаш, ямоқ солиш, овқат пишириш, супур-сидир, қиртишлаш, тузатиш, уй йиғиштириш, эски-тускини ювиш – аввал болалар учун, кейин набиралар учун – шу тарика нафас ростламай ўттиз йил ўтган. Шунча азоб-уқубатдан кейин яна қўшиқ куйлайди-я. Уинстон бу аёлга шу онда туйган сирли эҳтиром қандайдир тарзда мўрилар устидаги сўнгсиз олисларга чўзилган оқиш осмон манзарасига кўчди. Ҳамма ерда – Евросиёда ҳам, Остосиёда ҳам, бу ерда ҳам ўша-ўша осмон, деб ўйлаш қизиқ эди. Осмон остидаги одамлар ҳам ўша-ўша – ҳамма ерда, бутун дунёда, юзлаб, минглаб, миллионлаб одамлар, ҳаммаси ҳам мана шу жувондай: улар бир-бирларининг борликларидан беҳабар, улар нафрат ва ёлғон девори билан ажратиб қўйилган, шунга қарамасдан, ҳаммалари деярли бир хил, улар

хали чукур фикрлашга ўрганмаган, аммо қалбларида, белларида, мушакларида куч йиғмоқда, бу куч бир куни дунёни ағдар-тўнтар қилади. Агар умид бўлса, умид – проллардандир. Гарчанд у китобни охиригача ўқиб тугатмаган бўлса-да, Голдстейннинг сўнгги пайғоми худди шундай бўларди, деб ўйларди. Келажак пролларникидир. Уларнинг замони келганда, улар яратган дунё унга, Уинстон Смитга партия яратган дунё каби бегона бўлмаслигига ишониш мумкинми? Ҳа, мумкин, зеро, бу янги дунё камида соғлом ақлнинг дунёси бўлади. Тенглик бор ерда соғлом ақл ҳам бўлади. Эрта ёки кеч бу юз беради – куч онгга кўчади. Проллар барҳаётдир, ҳовлидаги жасур аёл қиёфасига қараганинда кўрасан буни. Сўнггида улар ғафлат уйқусидан уйғонадилар. То бу юз бергунича – майли яна минг йил ўтар – улар ҳаммасига қасдма-қасд яшайдилар, худди кушлар каби, танасидаги кучни она баданидан бола баданига узатиб яшайдилар, партиядо бу куч йўқ ва у бу кучни йўқота олмайди.

– Эсингдами, – сўради у, – ўша яйдоқликда биринчи кун бизга олашакшак куйлаб берганди?

– У бизга куйлаб бермаган, – деди Жулия. – У ўзининг роҳати учун куйлаган. Ҳатто бу учун ҳам эмас. Шунчаки куйлагиси келган ва куйлаган. Ўша куш қанчалар бахтли эди!

Кушлар куйлади, проллар куйлади, партия куйламади. Бутун дунёда, Лондонда ва Нью-Йоркда, Африкада ва Бразилияда, хориждаги сирли, ман қилинган мамлакатларда, Париж ва Берлин кўчаларида, Россиянинг бепоён кенгликларидаги кишлоқларда, Хитой ва Япония бозорларида – ҳамма ерда мустаҳкам, чайир, енгилмас, туғаверганидан ва асрий меҳнатдан тўлишиб кетган, шунда ҳам куйлашдан чарчамайдиган қиёфа тик турибди. Бу қудратли бадандан қачондир онгли жонзотлар етишиб чиқади. Сен – мурдасан, келажак – уларники. Агар улар ўз баданларини сақлагани каби сен онгингни тирик асрай олсанг, икки карра икки тўрт бўлиши ҳақидаги яширин билимингни келажакка узата олсанг, сен бу келажакка дахлдор бўлишинг мумкин.

– Биз – мурдамиз, – деди у.

– Биз – мурдамиз, – итоаткорона кўшилди Жулия.

– Сизлар мурдасиз, – елкалари ортидан темир бир овоз эшитилди.

Улар бир-бирларидан чўчиб четлашишди. Уинстоннинг ичи музлаб кетди. У Жулиянинг кўзлари кенгайиб кетаётганини кўрди. Юзи сутранг-сарғиш тусга кирди. Ёноқларидаги қизғиш ула тагидаги теридан алохида ажралиб тургандек эди.

– Сизлар мурдасиз, – такрорлади темир овоз.

– У суратнинг ортида, – шивирлади Жулия.

– Суратнинг ортида, – деди овоз. – Жойларингдан жилманг. Буйруқ берилмагунча қимир этманг.

Бошланаётган эди! Ниҳоят бошланди! Улар қимир этмай, факат бир-бирларининг кўзларига термилардилар. Қочиб жон сақлаш, кеч бўлмасдан уйни тарк этиш – бу уларнинг хаёлларига ҳам келмасди. Девордан келаётган темир овозга итоат қилмасликни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Нимадир тортилган овози келди, гўё кулфнинг лўкидони сурилгандай бўлди, синган шиша жаранги эшитилди. Ўйма сурат ерга тушди, унинг ортидаги телекран кўринди.

– Энди улар бизни кўришади, – деди Жулия.

– Энди сизни кўряпмиз, – деди овоз. – Хонанинг ўртасида туринглар. Орқангизни орқангизга ўгириб туринглар. Қўлларни бош орқасида тутинглар. Бир-бирларингизга тегинманглар.

Уинстон Жулияга тегиниб турмади, бироқ унинг бутун вужуди билан титраётганини сизди. Балки унинг ўзи титраётгандир. У ҳали тишларини тақиллатмасликка куч топа оларди, аммо тиззалари унга бўйсунмасди. Пастда – уй ичида ва ташқарида оғир бошмоқларнинг дупур-дупури эшитилди. Ҳовли одамга тўлгандек. Тош йўлдан гўё ниманидир судраб ўтишар эди. Аёлнинг хиргойиси тўхтади. Нималардир йўлак тошларига урилди – гўёки тоғорани бутун ҳовли бўйлаб ирғитишганди, кейин шовкин кўтарилди ва оғрикдан юзага келган қичқирик билан яқун топди.

– Уй ўраб олинган, – деди Уинстон.

– Уй ўраб олинган, – деди овоз.

У Жулиянинг тишлари ғичирлашини эшитди.

– Энди хайрлашсак ҳам бўлади, шекилли, – деди у.

– Хайрлашсанглар бўлади, – деди овоз.

Шу ерга келганда Уинстонга таниш туюлган бошқа бир баланд, закий овоз аралашди:

– Биз бу мавзуни тилга олганимиз учун айтаман: «Шампар келар сени тўшакка кузатгали. Қилич келар бошгинангнинг узиб олгали».

Уинстоннинг ортида нимадир шовкин билан ётоққа кунди. Деразага нарвонни тикдилар, унинг юқориси дераза пахтасида осилиб турарди. Кимдир деразага чикди. Уйдагигина бошмоқлар овози эшитилди. Хона қора кийим кийган, оёқларида темир бошмоқ ва қўлларида чарм таёқ кўтарган, барзангиларга тўлди.

Уинстон бошқа титрамай кўйди. Ҳатто унинг кўзлари ҳам деярли қотиб қолди. Муҳими шу эди: қилт этмаслик керак, уларнинг уришига бахона бўлмасин учун қилт этмаслик керак! Икки бармоғида қаттиқ таёғини ўйнатганча, унинг қаршисида боксчиниқандай вазмин жағлари устидаги ғордай оғзини очиб олган кимса турарди. Уинстон унга кўз қирини ташлади. Яланғочлик, қўллар бош орқасида, юз ва бадан ҳимоясиз экани туфайли уйғонган чорасизлик ҳиссига чидаш оғир эди. Кимса оқ тилининг учи билан лаб бўлиши лозим бўлган ерини ялади ва нарига кетди. Яна тарақа-турук эшитилди. Кимдир стол устидаги шиша пресс-папъени олди ва каминга уриб, парча-парча қилди.

Йўлакдаги намагга маржон қолдиклари сачради – тортдаги ширинликдай миттигина гулобранг тошча ғилдираб ўтди. Қандай кичкина, – ўйлади Уинстон, – қандай миттигина эди! Орқада юмшоқ бир ерга зарба теккандай овоз чикди, кимдир инқиллади; Уинстоннинг тўпиғига қаттиқ уришди, қарийб йиқиладди. Полициячилардан бири Жулиянинг кўксига қаттиқ урди, у икки букчайиб қолди. У ерда типирчилаб ётар, нафас ололмай қолганди. Уинстон бошини бир миллиметрга ҳам ўгиришга журъат қилмади, бироқ қизнинг қонсиз юзи ва катта очилган оғзига кўзи тушди. Дахшатли кўркувга қарамасдан, у гўё ўз танида қизнинг оғриғини ҳис қила

оларди – қизнинг нафас ололмай қийналишидек бўлмаса-да жуда оғир бир оғриқ. У бунинг нималигини биларди: ваҳшатли, укубатли, чекинмас бир оғриқ – бу оғриқ доим бўлган, аммо ундан азоб тортмасди. Ҳаммасидан бурун нафас олиш зарур эди. Кейин иккитаси қизни тиззалари ва елкасидан тутиб, букчайган ҳолида халта каби хонадан олиб чиқиш кетишди. Уинстоннинг қаршисидан қизнинг пастга қараган бужмайган, сарғиш юзлари, юмук кўзлари ва ёноклардаги упа доғлари йилт этиб ўтди; у қизни сўнгги бор кўриб турарди.

У жойида қотиб қолган эди. Ҳозирча уни урмадилар Миясида буткул кераксиз фикрлар айланарди. Жаноб Чаррингтонни ҳибсага олишдими ёки йўқ? Ҳовлидаги аёлни нима қилишди? У сийгиси келаётганини сезиб қолди ва бироз ҳайрон бўлди: у бор-йўғи икки-уч соат олдин ҳожатхонага борганди. Қаради, каминнинг устидаги соатлар тўққизни, яъни 21 ни кўрсатарди. Аммо ҳовли ҳали анча ёруғ эди. Ахир августда соат йигирма бирда қоронғи тушмасмиди? Балки Жулия ва у вақтни чалкаштириб юборгандир – ярим кун ухлаб қолгандирлар, шунда улар ўйлагандай, соат кечки 20:30 эмас, эрталабки 8:30 бўлгандир? Аммо буни бошқа ўйламади. Қизиғи йўқ эди.

Йўлакда яна кимнингдир енгил қадам овозлари эшитилди. Жаноб Чаррингтон хонага кирди. Қора кийимли одамлар бирдан жим бўлиб қолдилар. Жаноб Чаррингтон қандайдир ўзгариб қолганди. Унинг назари пресс-папъенинг синиқларига тушди.

– Шишани йиғиштириб олинглар, – деди кескин тарзда у.

Бир одам итоаткорона эгилди. Уй соҳибининг лондонча одми лаҳжаси йўқолганди; Уинстон тўсатдан эслаб қолди, телекрандан эшитилган овоз шу кишиники эди. Жаноб Чаррингтон аввалгидай эски духоба камзулчада эди, аммо унинг оппоқ сочлари қорайиб қолганди. Кўзида кўзойнаги ҳам йўқ эди. У Уинстонга, худди уни таниб олаётгандай, ўткир нигоҳини қадади ва бошқа эътибор бермади. У аввалги ўзига ўхшарди-ю, лекин буткул бошқача одам эди. Унинг энди қад-

ди тик, ўзи ҳам каттароқ эди. Юзида майда ўзгаришлар юз берганди – айна пайтда юз буткул бошқача бўлиб қолганди. Қора қошлари аввалгидай бутадай ёприлиб турмаётганди, ажинлари йўқолган, юзининг бичими ҳам ўзгарган эди; ҳатто бурни кискарганди. Бу ўттиз беш ёшлардаги хушёр, совуққон йигитнинг юзи эди. Уинстон тушунди, у ҳаётида илк бор Фикр полицияси ходимига қараб турарди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Уинстон шу онда ўзининг қаерда эканлигини билмасди., Муҳаббат вазирлигида бўлса керак, аммо буни аниқлашнинг имкони йўқ.

У деразасиз, шифти баланд ва деворлари оппоқ кошинли камерада эди. Кўринмас чироқлар хонани совуқ нурга чулғаб турар, текис ва сокин гувуллаш овози – камерага ҳаво киритувчи нимадир бўлса керак, деб ўйлади у. Деворлар бўйлаб, эшикни истисно қилганда, ўтирғичгами, жавонгами ўхшаш токча чўзилган, унинг кенлиги одам ўтиришига мос бўлиб, эшикнинг қаршисида, ўтирғичсиз ҳожатхона челаги турарди. Ҳар бир деворда телекран бор эди – тўрт дона.

Унинг қорни симиллаб оғрирди. Уинстонни усти ёпиқ машинага тикиб, олиб кетишаётган пайтдаёқ бу оғриқ пайдо бўлганди. Унинг қорни оч эди – носоғлом очлик танасини кемираётгандай эди. Эҳтимол, у бир кундан бери, балки бир ярим кундан бери овқатланмаган эди. У эрталаб ҳибсга олиними ёки кечкурун – ҳамон билмасди, эҳтимол, ҳеч қачон билолмас. Ҳибсга олганларидан бери овқат берганлари йўқ.

У тор ўтирғичга имкон қадар аста ўтириб, тиззасига қўлини қўйди. У аллақачон тинч ўтиришга ўрганганди. Агар кутилмаган бирор ҳаракат қилсанг, телекран сенга қичкиради. Очлик эса баттар забтига олмоқда. У хаммасидан ҳам кўра истагани – бир бўлак нон эди. Унинг тахминича, коржомасининг чўнтагида ушоқлар бўлса керак. Оёқларига нимадир битта-битта тўкилгандек туюляпти – каттароқ нон бўлаги бормикан. Алалоқибат, нафс кўрқувдан устун келди – у қўлини чўнтакка солди.

– Смит! – телекран шанғиллади. – 6069, Смит У! Камерада қўлни чўнтакдан чиқариб ўтир!

У яна қўли билан тиззасини кучганча, қотиб қолди. Бу жойга тушишдан олдин, у бошқа бир ерда бўлди – одатдаги камоқхонамиди ёки патрулларнинг вақтинчалик ҳибсхонаси – билолмади. У ерда қанча вақт бўлганини ҳам билмайди – ҳар ҳолда, бир соат атрофида: кун ёруғисиз ва соатсиз вақтни билиш жуда қийин. Жудаям сершовқин, сассиқ жой эди. Уни ҳозиргига ўхшаш камерага киргазишди, аммо у ўта чиркин жой

ди, камида ўн-ўн беш чоғли одам тикилиб ётарди. Аксарияти оддий жиноятчилар бўлиб, ораларида сиёсий маҳбуслар ҳам бор эди. У ифлос баданларнинг қисувида девор олдида ўтирар, кўрқув ва корнидаги оғриқ туфайли хонадошларига эътибор ҳам қилмаганди. Шунга қарамасдан, партия маҳбуслари ва қолганлар ўзларини турлича тутишига ҳайрон қолди. Партия аъзолари кўрқувда, жим ўтирардилар, жиноятчилар эса ҳеч кимдан кўркмайдигандай эди. Улар назоратчиларга бақирар, бирор нарсаларини тортиб олишса, аёвсиз муштлашар, полга уятли сўзлар ёзишар, яширинча олиб кирилган егуликларни кийимлари орасидан чиқариб тановул қилар ва ҳатто тартибга чакирадиган телекранларга ҳам ўдағайлашарди. Бошқа томондан, айримларининг назоратчилар билан яқин дўстона алоқаси бордай эди, уларни лақаблари билан чақирарди, туйнук орқали улардан сигарета сўраб олишарди. Назоратчилар оддий жиноятчиларга юмшоқроқ муомала қилар, ҳатто куч ишлатишга тўғри келганда ҳам, авайлаб уришарди. Маҳбусларнинг аксарияти олиб кетиладиган мажбурий меҳнат лагерлари ҳақида кўп гап-сўзлар бўларди. Уинстоннинг тушунишича, яхши танишларинг бўлса, ипларни билсанг, лагерлар «ёмон жой эмас». У ерда пора, ошна-оғайнигарчилик, турли фирибгарликлар, бесоқолбозлик ва фохишабозликлар авжида, ҳатто картошкадан қўлбола алкоголь топилар экан. У ерда одатий жиноятчилар, айниқса, қотил ва талончилар олий маком эгаси бўлар, энг қора ишларни сиёсий маҳбуслар бажарар экан.

Ҳибсхонага турли-туман маҳбуслар келиб кетарди: наркофурушлар, ўғрилар, талончилар, қора бозор чайқовчилари, маст-аластлар, фохишалар. Мастлар гоҳида шундай шовқин қилишардики, бошқалар биргалашиб уларни зўрға тинчитарди. Тўртта назоратчи икки қўл ва икки оёғидан тортиб, олтмиш ёшлардаги баҳайбат, катта кўкраги осилган, шилинган аёлни судраб киришди; у бақирар, оёқларини силтар, судраганда оқарган сочлари тутам-тутам юлиниб тушарди. У назоратчиларни тепишга ҳаракат қилар, назоратчилар эса унинг оёғидан бошмоғини ечиб, ўзини Уинстоннинг устига ташлаб юборишди, Уинстоннинг сон суяги синиб кетаёзди. Аёл ўтирди ва уларнинг ортидан қичқирди: «Ж... ҳаромилар-

лар!» Кейин нотекис жойга ўтирганини сезиб қолди ва Уинстоннинг тиззасидан сирғалиб, ўтирғичга чўкди.

– Кечирасан, азизим, – деди у. – Ўзим сенга ўтирганим йўқ – ўлаксахўрлар ўтирғизишди. Аёлга муомала қилишни билишмайди? – У тинчиб қолди, ўзининг кўкрагига муштлади ва кекириб юборди. – Кечирасан. Ҳушим жойидамас.

У букчайди ва ерга бирдунё қусиб юборди.

– Энди енгиллашди, – деди у, кўзларини юмганча, ортга, деворга суянаркан. – Менинг фикрим шу: зардангни ичингда олиб ўтирма. Чиқариб юбор, бўлмаса, қорнингда ачиб қолади.

Аёл бир қадар жонланди, ўтирилди, яна бир марта Уинстонга қаради ва дарҳол уни ёқтириб қолди. Ўзининг семиз кўллари билан унинг елкасидан кучди ва пиво ва қуски хиди анқиган нафасини пишиллашиб, ўзига қаратди.

– Исминг нима, азизим?

– Смит, – деди Уинстон.

– Смит? Буни қара-я. Мен ҳам Смит. – Ийиб кетганидан, кўшиб қўйди. – Мен сенинг онанг бўлишим мумкин эди.

Онам бўлиши ҳам мумкин, – ўйлади Уинстон. Ёши ҳам, гавдаси ҳам мос келади – бўлиши мумкин, йигирма йиллик лагер ҳаёти инсонни ўзгартириб юборади.

Бошқа ҳеч ким у билан гаплашмасди. Жиноятчилар хайратланарли даражада партия махбусларини писанд қилмасди. Уларни ошқора бир нафрат билан «сиёсатдонлар» дейишарди. Ҳибсга олинган партия аъзолари умуман биров билан гаплашишдан кўркишар, айниқса, бир-бирлари билан гаплашишмас эди. Фақат бир марта, партиянинг икки аёл аъзосини ўтирғичда бир-бирларига қапиштириб қўйишганда, у ғала-ғовур ичида уларнинг шивир-шивиридан узуқ-юлуқ парчаларни эшитди, улар қандайдир «бир юз бир» ҳақида гапиришди, аммо бу нимани аңлатишини у тушунмади.

Бу ерга уни олиб келишганига, эхтимол, икки соат ёки уч соат бўлди. Қорнининг симиллаган оғриғи ўтиб кетмаган, гоҳ сусаяр, гоҳида кучаяр эди – шунга монанд равишда фикрлари гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб коларди. Оғриқ кучайганда у фақат шу оғриқ ва очлиги ҳақида ўйларди. Оғриқ бироз ортга чекинса, уни саросима босарди. Гоҳида қаршисида тур-

ган дахшат шу қадар аниқ кўринардик, руҳи чўкиб, юраги ортга тортиб кетар эди. У тирсагига уриладиган чарм таёқ қарбларини ва оёғига тушадиган тақали этик тепкиларини ҳозирдан ҳис қиларди; ўзининг ерда судралишини, синган тишлари орасидан шафқат сўраб чинқираётганини тасаввур қиларди. Жулия ҳақида деярли ўйламасди. У ҳақда фикрини жамлай олмасди. У Жулияни севарди ва унга хиёнат қилолмасди; бироқ бу, худди арифметика қоидалари сингари, шунчаки маълум бир факт эди. У муҳаббатни ҳис қилмас, Жулия қай аҳволда экан деб ўйламасди. У О'Брайенни умид билан кўпроқ эсларди. О'Брайен уни қамокқа олишганини билиши керак. «Биродарлик» ҳеч қачон ўзиникиларга ёрдам бермаган, деганди у. Бироқ – устара тиғи; агар имкон туғилса, унга устара тиғини етказишади. Назоратчилар камерага чопиб келгунча, беш сония вақт ўтади. Писка куйдирувчи совук билан баданни кесади, ҳатто уни ушлаб турган бармоқлар ҳам суягигача кесилади. Буларнинг барини у аниқ ҳис қиларди, азобланган вужуди титраб-қақшар ва озгина оғриқдан ҳам букчаяр эди. Агар кўлига келтириб беришса ҳам, пискадан фойдалана олишига Уинстоннинг ишончи комил эмасди. Инсон ҳозирги лаҳза билан яшайди, уни муқаррар охирида кийноқ кутиб турганини билса-да, умрини ўн дақиқага бўлса ҳам узайтиришга уринади.

У бир неча марта ўзини чалғитиш учун камера деворидаги кошинларни санаб чиқишга уринди. Бу гўё шунчаки олдий бир иш бўлса ҳам, ҳар гал ҳисобдан адашиб кетарди. У кўпроқ ўзини қай ерда ушлаб туришганини ва ҳозир куннинг қайси пайти эканини ўйларди. Бир дақиқа олдин у кўчада кундузнинг авж палласи деб ишонарди, энди эса худди шундай қатъий ишонч билан ҳозир ярим тун деб ўйларди. У савқи табиий билан бу ерда чироқни умуман ўчиришмайди деб ўйлади. Қоронғилик бўлмайдиган жой; энди О'Брайен бу сўзларни дарҳол тушунгани сабабини англади. Муҳаббат вазирлигида деразалар йўқ эди. У ётган камера бино ўртасида бўлиши ҳам, ташқи девор олдида бўлиши ҳам, ер тагидаги ўнинчи қаватда бўлиши ҳам мумкин, эҳтимол, ер устидаги ўттизинчи қаватдадир. У фикран у ердан бу ерга ҳаракатла-

нар эди, у бутун вужуди сезгиси билан жуда баландда ёки чукур ер остидалигини аниклашга уринди.

Ташқаридан шахдам кадам эшитилди. Пўлат эшик шарақлаб очилди. Шиддат билан чармлари яркираган силлиққина қора мундирли, мумдан бўлган никоб каби оппоқ, хиссиз юзли ёш зобит кирди. У имо билан эшик ортидаги назоратчиларга маҳбусни олиб киришни буюрди. Шоир Амплфортни камерага туртиб киргазишди. Эшик яна шарақлаб ёпилди.

Амплфорт ийманибгина бир у томонга, бир бу томонга аланглади, гўё ташқари чиқадиган эшикни излаётгандай эди, сўнг хонада у ён-бу ёнга юра бошлади. У ҳали Уинстонни кўрмаётган эди. Унинг саросима тўла кўзлари Уинстондан бир метр баланддаги деворда тикиларди. Амплфорт оёқяланг эди; пайпоғининг йиртиқларидан кир босган йўғон бармоқлари чикиб турарди. У бир неча кундан буён соқолини олмагани кўришиб турибди. Ёноғигача ўсиб борган туклари юзига қароқчиларча кўрк берган, бироқ улкан, бесўнақай гавдаси ва асабий ҳаракатлари қароқчиларникига асло ўхшамасди.

Уинстон қотиб қолган еридан ўзини қўлга олди. У Амплфорт билан гаплашиши керак – кейин телекран чинқирса ҳам майли. Амплфортдан писка бериб юборган бўлишлари ҳам мумкин.

– Амплфорт, – деди у.

Телекран жим эди. Амплфорт, бироз довдираб, тўхтади. Унинг диққати аста-секин Уинстонга жамланди.

– А-а, Смит! – деди у. – Сиз ҳам шу ердамисиз!

– Сизни нега қамашди?

– Ростини айтганда... – У бесўнақай буралиб, Уинстоннинг қаршисидаги ўриндикка чўкди. – Ўзи битта жиноят бор, шундай эмасми?

– Сиз ўша жиноятни қилдингизми?

– Афтидан, шунга ўхшайди.

У қўлини пешонасига олиб борди ва бармоқлари билан чеккасини сиқди, гўё ниманидир эслашга уринар эди.

– Шунақаси ҳам бўлади, – мужмал гап бошлади у. – Мен бир вазиятни эслашим мумкин... эҳтимолий вазият. Мен эҳтиётсизлик қилганман – бу шубҳасиз. Биз Киплинг

шеърларининг мукаммал нашрини тайёрлаётган эдик. Мен сатр охирида «илтижо» сўзини қолдирдим. Бошқа йўлим йўқ эди! – деярли қатъий бир дарғазаблик билан кўшиб қўйди у ва Уинстоннинг кўзларига қаради. – Сатрни ўзгартириб бўлмасди. «Ҳижо» сўзи билан қофияланган эди. Биласиз, «хижо» сўзи бор-йўғи ўн икки сўз билан қофияланиши мумкин. Бир неча кун бош қотирдим. Бошқа қофия йўқ эди.

Унинг юз ифодаси ўзгарди. Тушқунлик йўқолди, у ҳозир деярли мамнун кўринарди. Кир юзи ва ўсиб кетган соч-соқоли ортидан кўтаринкилик сезилди, қандайдир кераксиз бир гафсилотни топиб олган расмиятчиға ўхшарди.

– Ҳеч хаёлингизга келганми, инглиз шеърятининг бутун ривожланиш йўли тилдаги қофия танқислиги билан белгиланган?

Йўқ, Уинстоннинг хаёлига бунақа фикр келмаган. Ҳозир ҳам бу фикр унга жуда қизиқ ва муҳим туюлмади.

– Ҳозир соат неча эканини биласизми? – сўради у.

Амплфорт яна довдираб қолди.

– Бу ҳақда ўйламаган эканман. Мени икки кун олдин, оҳтимол, уч кун олдин хибсга олишди. – У деворларга кўз югуртириб чиқди, гўё деразани излаб топмоқчидай эди. – Бу ерда кунни тундан ажратиб бўлмайди. Ҳайронман, бу ерда вақтни қандай билиш мумкин.

Улар яна алмойи-алжойи гапларни сўзлаб, бир неча дақиқани ўтказдилар, кейин бирор тайинли сабабсиз, телекран уларга шанғиллади: жим бўлларинг. Уинстон кўлини тиззасига қўйиб, жим бўлди. Ҳайбатли Амплфорт тор ноқулай ўтирғичга чўкди, типирчилади, ўнга, чапга ўгирилди, озғин қўллари билан гоҳ у тиззасини, гоҳ бу тиззасини кучди. Телекран яна шанғиллади: тинч ўтир. Вақт ўтиб борарди. Йигирма дақиқа ўтдимиз, бир соат ўтдимиз, билиб бўлмасди. Ташқаридан яна бошмоқларнинг қадам овози эшитилди. Уинстоннинг қорни симиллаб оғриди. Яқин, жуда яқин, оҳтимол, беш дақиқадан сўнг қадам товуши яна эшитилади ва бу унинг ҳам навбати келганини билдиради.

Эшик очилди. Юзи тошқотган ёш зобит хонага кирди. Кўлининг енгил ишораси билан Амплфортни кўрсатди.

– Бир юз биринчи хонага, – деди у.

Амплфорт тахлика ва саросимада икки назоратчи етовида хонадан чиқди.

Гўё анчагина вақт ўтиб кетгандай эди. Уинстоннинг қорин оғриғи жонланди. Фикрлари бир ўйикка қайта-қайта тикилиб қолган гольф коптокчаси каби яна ва яна бир нарсага келаверарди. Унинг хаёлини олти нарса банд қилган эди: қорин оғриғи, нон бўлағи, қон, чинқириқ, О’Брайен, Жулия ва устара пискаси. Бошмоқларнинг оғир дупур-дупури яқинлашди – қорни яна симиллаб оғриди. Эшик очилди ва Уинстоннинг димоғига эшикдан кирган ҳаво билан аччиқ тер ҳиди урилди. Камерага Парсонс кириб келди. У тупроқранг калта иштон ва майкада эди.

Уинстон ҳайратдан ҳамма дардини унутди.

– Сиз ҳам шу ердამисиз! – деди у.

Парсонс Уинстонга назар солди, унинг қарашида қизиқиш ҳам, ҳайрат ҳам йўқ эди, фақат укубат сезилар эди. У хона бўйлаб асабий юрарди, афтидан, бир ерда ўтиролмаётган эди. Унинг бўлиқ тиззалари титраётгани билиниб турарди. Катта-катта очилган кўзлари қилт этмай олдинга боқар, гўё олисдаги бир нарсадан кўз узолмаётгандай эди.

– Сизни нега қамоққа олишди? – сўради Уинстон.

– Фикр жинояти! – деди йиғламсираб Парсонс. Унинг овозида айбига иқрорлик ва ҳайрат тўла ваҳшат аралаш эди: нахотки бу сўз унга ҳам тааллуқли бўлса? У Уинстоннинг қаршисида туриб олди ва ҳаяжон ва ялиниш оҳангида гап бошлади:

– Мени отиб ташлашмаса кераг-а, айтинг, қария? Ахир, бизда айбсиз одамни отиб ташлашмайди-ку, фақат фикр учун, ахир, фикрлар одамнинг ўзига бўйсунмайди-ку. Биламан, текширишади, мени эшитишади. Мен бунга қатъий ишонаман. Улар партия учун қанчалар ҳаракат қилганимни билишади. Сиз ҳам биласиз-ку, менинг қанақа одамлигимни биласиз. Ёмонмасман, ўзига хосман. Ақлим, албатта, қўп эмас, аммо тиришқоқ эдим. Партия учун кучимни аямаганман, рост-ку бу? Нима деб ўйлайсиз, беш йил олиб, қутулсам керак? Хўп, майли, ўн йил ҳам беришсин. Мен каби одам ла-

герда ҳам фойда келтирса керак. Бир марта адашганим учун отиб ташлашмас-а?

– Сиз айбдормисиз? – сўради Уинстон.

– Албатта, айбдорман! – бақирди Парсонс, ялтоқилик билан телекранга назар ташлаб. – Наҳотки, сизнинг-ча, партия айбсизни ҳибсга олса? – Унинг қурбақасимон юзи бироз хотиржам бўлди, юзида ҳатто мунофиқона табассум пайдо бўлди. – Фикр жинояти – мудҳиш нарса, қария, – насиҳатомуз гапирди у. – Маккор. Қандай ҳамла қилганини сезмай қоласан. Менга қандай ҳамла қилганини биласизми? Уйқумда. Ҳа, бу факт. Тинимсиз ишлардим, ўз хиссамни қўшардим – миямда бу расвонинг борлигини ҳатто билмаганман. Уйқуда гапира бошлабман. Мендан нимани эшитишганини биласизми?

У тиббий сабабларга кўра ноқулай сўзни айтаётган одам каби овозини пасайтирди:

– «Йўқолсин Катта Оға!» Мана, мен нима деганмишман. Кўп марта айтган бўлсам керак. Орамизда қолсин-у, мени ҳозир, яна бошқа ишларни қилиб қўймасимдан, ҳибсга олганларига хурсандман. Биласизми, трибунал олдида мени тик қўйишганда нима демоқчиман? Мен: «Сизларга раҳмат, мени вақтида қутқарганингиз учун ташаккур», – дейман.

– Ким сиз ҳақингизда хабар қилди? – сўради Уинстон.

– Қизалоғим, – Парсонс ғурур билан жавоб берди. – Ўшиқдаги кулф тешигидан эшитиб қолибди. Менинг нима деганимни эшитган ва эртасигаёқ – назоратчиларга югурган. Ётти ёшли мишиқи учун ёмонмас-а? Мен ундан хафа эмасман, аксинча, фахрланаман. Бу воқеа уни тўғри тарбиялаганимни кўрсатади.

У бир неча марта титраб-қақшаб ўтириб турди, хожат челагига хўрсиниқ билан қараб-қараб қўйди. Бирдан иштонини туширди.

– Қария, кечирасан. Бошқа чидаб туролмайман. Бу ҳаяжондан бўлса керак.

У бўлиқ думбалари билан челақка ичагидагиларни тўкиб юборди. Уинстон юзини кафти билан ёпди.

– Смит! – шанғиллади телекран. – 6079, Смит У.! Юзингизни очинг. Камерада юзлар беркитилмасин!

Уинстон кўлини туширди. Парсонс челакни мўл-кўл ва пўриллатиб тўлғазди. Кейин аниқ бўлдики, челак қопқоғи яхши ёпилмас экан, хонада бир неча соат даҳшатли ҳид анқиб турди.

Парсонсни олиб кетишди. Янги ва янги маҳбуслар сирли тарзда пайдо бўлар ва яна ғойиб бўларди. Уинстон «101-хона»га йўлланган бир аёлнинг бу сўзларни эшитгандаёқ, жунжикиб, афти бўзариб кетганига эътибор берди. Агар уни эрталаб олиб келган бўлсалар, ҳозир, балки куннинг иккинчи ярми бўлса керак; агар кундузи олиб келишган бўлса – ҳозир ярим тун. Камерада олтига ҳибсга олинган эркак ва аёл қолди. Ҳамма жуда сокин ўтирар эди. Уинстоннинг қаршисида сўйлоқ тишли, деярли ияксиз, шу туришида бирор баҳайбат ва беозор кемирувчи жониворга ўхшайдиган одам ўтирарди. Унинг семиз, холдор юзи пастга шу қадар осилган эдики, у ерга овқат яширилган деб ўйламаслик мумкинмасди. Унинг очиқ, қорамтир қорачиқлари хавотир билан бир юздан иккинчи юзга кўчар, кимнингдир кўзига кўзи тушиб қолса, дарҳол бошқа томонга оларди.

Эшик очилди ва янги маҳбусни олиб киришди. Уинстон уни кўрган заҳоти музлаб кетди. Бу одатдаги кўримсиз бир одам, бирор муҳандис ёки техникачи эди. Унинг ориқ юзлари хайратли эди. Юз бош чаноғини эслатарди. Озиб кетганидан оғзи ва кўзлари катта-катта кўринар, кўзларида гўё кимгадир ёки нимагадир тизгинсиз, ҳалокатли бир нафрат қотиб қолган эди.

Янги маҳбус Уинстоннинг яқинидаги ўтирғичга чўкди. Уинстон бошқа унга қарамади, аммо қуриган бош чаноғи қаршисида тургандек кўз ўнгидан кетмади. У бирдан бу одамга нима қилганини англаб қолди. Бу одам очликдан ўлаётган эди. Бу фикр бирдан хонадагиларнинг ҳаммасининг хаёлига келган бўлса керак. Ўтирғичдаги ҳамма одам бирдан енгил ҳаракатга келди. Ияксиз одам чаноқ-юз одамга бир-бир қараб кўяр, айбдор одамдай кўзини олиб қочар ва яна қарарди, гўёки унинг юзи одамни қаттиқ ўзига тортарди. У типирчилай бошлади. Охири ўрnidан турди, лапанглаб қар-

шисидаги ўтирғичга келди ва коржомасининг чўнтагидан искирт нон бўлагини олиб, кизариб чанок-юз одамга узатди.

Телекран ваҳшатли, кулоқни қарахт қиладигандай шанғиллади. Ияксиз одам бутун танаси билан титраб кетди. Чанок-юз одам қўлини тортиб олди ва орқасига яширди, гўё хаммага тухфани олмаганини кўрсатмоқчи эди.

– Бамстед! – шанғиллади телекран, – 2731, Бамстед Ж.! Нонни ташла!

Ияксиз одам нонни ерга тушириб юборди.

– Жойингда тур! Эшикка қара. Қимирлама.

Ияксиз одам итоат қилди. Унинг солқиллаган юзлари титрагани сезиларди. Эшик шарақлаб очилди. Ёш зобит кирди ва четга ўтди, унинг орқасидан баҳайбат, елкалари кенг, билаклари йўғон кўриқчи пайдо бўлди. У махбуснинг қаршисида турди ва зобитнинг ишораси билан унинг башарасига бутун гавдасининг оғирлигини кўшиб, даҳшатли зарба берди. Махбус гўё ҳавога кўтарилди. У қарама-қарши деворга бориб урилди ва гурс этиб ҳожат челаги ёнига қулади. У ўша ерда ётиб қолган, гангиган, оғзидан ва бурнидан қора қон оқарди. Кейин у чийиллашгами, ҳикиллашгами ўхшаш овоз чиқарди, ҳали ҳам хушига келмагандай эди. Кейин қорнига ўгирилди ва инқиллаб тўрт оёқлади. Оғзидан қон ва тунук аралаш ясама тишнинг икки бўлаги тушди.

Махбуслар қўлларини тиззаларига қўйганча, жимгина ўтиришарди. Ияксиз одам ўз ўрнига чиқиб олди. Юзининг бир томони кўкара бошлаганди. Оғзи шишиб, ўртасида қора тешиги бор, шаклу шамойилсиз гилосранг бўтқага айланиб қолган эди. Вақт-вақти билан коржомасининг кўкрак қисмига қон томчилаб тушарди. Унинг қорамтир кўзлари яна юздан-юзга бир-бир қараб ўта бошлади, у ўзини янада айбдорроқ тутарди, гўё бошқалар бу хўрлик учун ундан қанчалар нафратланишларини билишга уринарди.

Эшик очилди. Зобит қўлининг енгил имоси билан чанок-одамга ишора қилди.

– 101-хонага, – буйруқ берди у.

Уинстоннинг ёнида шовқин, хўрсиниқ ва депсиниш

эшитилди. Махбус тиз чўкди, илтижо қилгандай қўлларини кўксига қўйди.

– Ўртоқ! Зобит! – овоз чиқарди у. – Мени у ёққа жўнатманг! Мен сизга ҳамма нарсани айтиб бердим-ку? Яна нима билмоқчисиз? Мен ҳаммасини тан оламан, нима десангиз, ҳаммасига иқрорман! Фақат нимагалигини айтсангиз бўлди, мен дарҳол бўйнимга оламан. Ёзинг – имзо қўяман – нима бўлсаям, қўл қўяман! Фақат 101-хонага жўнатманг!

– 101-хонага, – деди зобит.

Махбуснинг шудоғам оппоқ юзи шунақа рангга бўялдики, Уинстон ханузгача бунақа ранг бўлиши мумкинлигини билмасди. Махбуснинг юзи тиниқ яшил рангга кира бошлади.

– Нима қилсангиз, қилинг! – чинқирди у. – Сиз мени ҳафталаб оч қолдирдингиз. Ишни охирига етказинг, ўлишга имкон беринг. Мени отиб ташланг. Осинг. Йигирма беш йилга қаманг. Мен яна кимни сотишим керак? Айтсангиз бўлди, сиз истаган нарсани айтиб бераман. Менга барибир, унинг кимлиги ва сиз уни нима қилишингиз менга барибир. Менинг хотиним ва учта болам бор. Катта болам ҳали олтига кирмаган. Уларни ҳам ҳибсга олинг, менинг кўз ўнгимда томоқларига пичоқ тортинг – мен қараб ўтираман. Фақат 101-хонага жўнатманг!

– 101-хонага, – буюрди зобит.

Девонавор кўзлари билан у бошқа махбусларга қаради, гўё ўз ўрнига бошқа кишини қурбонликка бермоқчидай эди. Унинг кўзлари унга нон узатган ияксиз одамнинг дабдала қилинган башарасига тушди. У озғин қўлларини чўзди.

– Сиз мени эмас, ана уни олиб кетишингиз керак! – бақирди у. – Унинг башарасини ёргангизда у нима деганини эшитмадингиз. Мен сизга ҳаммасини сўзма-сўз айтиб бераман, рухсат этинг. Мен эмас, у партияга қарши. – Қўриқчилар унга томон юра бошлашди. Унинг овози чинқирикқа айланди. – Уни эшитмай қолдингиз! Телекран ишламай қолди. Мана, сизга ким керак. Мени эмас, уни олиб чиқинг!

Икки баҳайбат кўриқчи уни қўлтиғидан ушлаб, олиб чиқиш учун эгилишди. Айни шу дақиқада у ерга ётиб, ўтирғичнинг темир оёқларига тирмашиб олди. У худди хай-

вон каби, сўзсиз увиллаб юборди. Қўриқчилар уни ушлаб олишди, маҳбусни ўтирғич оёғидан ажратиб олишга уринишарди. Аммо бу қоксуяк ҳайратланарли бир куч билан темирга ёлишиб олганди. Улар йигирма сонияча уни тортиб олишга ҳаракат қилишди. Маҳбуслар жимгина, тиззаларига кўлларини қўйганча ўтиришар ва фақат тўғриларига қараб туришарди. Ингроқ тинди, у одамнинг фақат темир оёққа тармашишгагина қуввати колган эди. Кейин батамом бошқа чинқирик эшитилди. Қўриқчи ботинкасининг пошнаси билан маҳбуснинг бармоғини синдирди. Кейин иккита бўлиб уни оёққа турғазишди.

– 101-хонага, – буюди зобит.

Маҳбусни олиб чиқишди: у бошқа қаршилиқ қилмади, парчаланган қўлини ушлаб, бошини осилтирганча, зўрға юриб кетди.

Анча вақт ўтди. Чанок-юз одамни тунда олиб кетган бўлишса, ҳозир тонг пайти; агар эрталаб олиб кетишган бўлса, демак, кеч тушмоқда. Уинстон бир ўзи қолди, бир неча соатдан бери бир ўзи ўтирибди. Тор ўтирғичда ўтиргани учун гоҳида шунақа оғриқ бошланардики, у ўрнидан турар, хона бўйлаб юрар ва телекран унга бақирарди. Нон парчаси хали ҳам ияксиз одам тушириб юборган ерда ётарди. Аввалида нонга карамасликка уриниш жуда қийин бўлди, бироқ алалоқибат, очликни чанқоқ енгди. Оғзидаги сўлак шилимшиқ ва жирканч эди. Тўхтовсиз ғувиллаш ва текис оқ нурдан унинг кўнгли айнирди, миясида бўшлиқни ҳис қиларди. Ноқулай ўтириш сабабли суякларига оғриқ чидаб бўлмас зўрайса, у ўрнидан турар ва яна дарҳол ўтирарди, чунки боши айланарди, йиқилиб тушишдан қўрқарди. Соф жисмоний оғриқлардан озми-кўпми ўзини чалғитса, миясига даҳшати ўйлар келарди. У устара пискаси ва О'Брайен ҳақида гоҳида заиф бир умидворлик билан ўйларди. Агар овқат беришса, пискани унинг ичида узатишлари мумкин деб ўйлади у. Жулия ҳақида хира ҳаёллар келди. Нима бўлганда ҳам, у озми кўпми азобланаётибди ёки балки ундан ҳам қаттиқ азобдадир. Эҳтимол, шу лаҳзаларда у оғриқдан додлаётгандир. «Агар мен ўз азобларимни икки карра кўпайтириб, Жу-

лияни азобдан қутқара олсам, бунга рози бўлармидим? Ҳа, рози бўлардим», деб ўйлади у. Аммо бу соф ақлий қарор бўлиб, у шундай қилиш керак деб билгани учун шундай ўйлади. Аммо у бунинг нималигини ҳис қилмасди. Бу ерда фақат оғриқни сезиш ва оғриқ ҳақида ўйлаш мумкин. Ҳа, азоб ичида бўла туриб, уни яна қанақадир бир нарса учун кучайишини истаб бўладими? Бу саволга у ҳозирча жавоб беролмасди.

Яна қадам товушлари эшитилди. Эшик очилди. О'Брайен кирди.

Уинстон ўрнидан туриб кетди. У шу қадар ҳайратда эдики, ҳар қандай эҳтиёткорлик ёдидан кўтарилди. Кўп йиллар мобайнида у илк бор ёнида телекран борлигини унутиб қўйганди.

– Сизни ҳам ҳибсга олишдими! – деб юборди у.

– Мен аллақачон улардаман, – деди О'Брайен юмшоқ кинояли афеус билан. У четга ўтди. Унинг ортидан кенг елкали, қора чарм таёқ ушлаган кўриқчи пайдо бўлди.

– Сиз буни билардингиз, Уинстон, – деди О'Брайен. – Ўзингизни алдаманг. Сиз буни билардингиз... ҳамиша билардингиз.

Ҳа, энди у англади, у ҳамма вақт буни билган. Бироқ ҳозир буни ўйлашнинг вақти эмасди. Ҳозир у фақат бир нарсани – нозирнинг қўлидаги қора таёқни кўриб турарди. У исталган ерга тушиб қолиши мумкин: бошининг қоқ ўртасига, кулоғига, елкасига, тирсагига...

Тирсакка! Оғриқдан деярли шол бўлган Уинстон, тирсагини тутганча, тиззасига кулади. Ҳаммаёқ сарғиш ранга кирди гўё. Бир зарба шунча оғриқ етказишини тасаввур қилиб бўлмайди, асло! Сарғиш ранг тарқалди ва у тепасида қараб турган икки кишини кўрди. Унинг букчайишини кўрган кўриқчи кулди. Ҳар ҳолда бир нарса аниқ бўлди. Ҳеч би нарса учун оғриқнинг кучайишини истамайсан. Оғриқда би нарсани истайсан – оғриқ тезроқ ўтишини. Ҳаётда жисмоний оғриқдан ёмон нарса йўқ. Оғриқ қаршисида қахрамонлар йўқ, қахрамонлар йўқ, у ўзича такрор ва такрор шундай дер ва, шикастланган чап тирсагини ушлаганча, ерда типирчиларди.

У канопдан тўқилганга ўхшаш ўринда ётар, у жуда ба-
шанд бўлиб, қандайдир тарзда у нимагадир қотириб, кимир-
лай олмайдиган қилиб қўйилганди. Унинг юзига одаггидан
кучлироқ ёруғлик тушиб турарди. Ёнида О'Брайен турар ва
ушга тепадан синчковлик билан тикиларди. Бошқа томонида
ок кийимли кимса қўлида шприц ушлаб турарди.

Гарчи унинг кўзлари очик бўлса-да, каерда ётганини
ларҳол англай олмади. У бу хонага гўё бошқа, қандайдир
жуда пастда жойлашган сувости дунёсидан сузиб чикқан-
дай хис қиларди ўзини. У пастда қанча бўлганини билмасди.
Уни ҳибсга олганларидан бери кун нуруни ҳам, қоронғилик-
ни ҳам кўрмаган эди. Бундан ташқари, унинг хотираси парок-
анда эди. Онги гоҳида худди тушда бўлгани каби батамом
ўчар, кейин бўм-бўш танаффусдан сўнг яна пайдо бўларди.
Бироқ бу танаффуслар кунлар давом этардими ёки ҳафталаб-
ми ёхуд фақат сонияларми, буни билиб бўлмасди.

Ўша тирсагига урилган зарбадан сўнг ростакан даҳ-
шат бошланди. Кейинчалик у тушундики, у билан юз бер-
ган ҳамма нарса ҳали бор-йўғи тайёргарлик, шунчаки ҳамма
ҳибсга олинганлар берадиган сўроқ экан. Ҳар бир маҳбус
узун рўйхатда қайд этилган барча жинойтлар – жосуслик, зар-
раркунандалик ва ҳоказоларга иқрор бўлар экан. Иқрорлик
шунчаки расмиятчилик, аммо кийноқлар чинакам эди. Уни
печа марта ва қанча вақт урганларини эслай олмайди. Ҳар
ган уни қора кийимли беш ёки олти одам урарди. Муштлири
билан, чарм таёқлари билан, темир чивиклар билан уришар,
оёқлари билан тепкилашарди. Гоҳида шундай бўлардики, у
ерда уялмай, ҳайвондай судралар, тепкилардан четлаб қол-
моқ умидида, илондай ғужанак бўлар ва бу ҳаракати учун
яна қовурғаларига, қорнига, тирсакларига, товонларига, ича-
нига, мойк халталарига, думғазасига тепилган янги зарбалар-
га дучор бўларди. Гоҳида бу сўнгсиз ва сўнгсиз давом этар,
нинг даҳшатлиси, кўркинчлиси, чидаб бўлмаси уни уришда
давом этаётганлари эмас, ҳушидан кета олмаётгани эди.
Шундай ҳам бўлардики, эркаклик орияти ҳам уни тарк этар,
у ҳали зарба етиб келмасдан шафқат тилар, ялинар, мушт-

нинг тугилганини кўрган заҳоти ҳамма гуноҳларига, қилган ва қилмаган айбларига икром бўларди. Гоҳида ҳеч нарсани тан олмасликка қарор қилар ва ҳар бир сўзни ундан оғриқ билан суғуриб олишарди; баъзан эса у иродаси бўшлиқ қилиб, ўзи билан муроса қиларди: «Мен икром бўламан, аммо дарҳол тан олмайман. То оғриқ чидаб бўлмас даражага етгунча, сабр қиламан. Яна уч зарба, икки зарбадан кейин, бир зарбадан сўнг улар истаган ҳамма нарсани айтиб бераман». Айрим пайтлари у калтаклашлардан кейин оёғида зўрға турарди; уни бироз тин олиши учун бир халта картошкадай камерага улоқтиришар, ўзига келганидан сўнг яна калтаклаш учун олиб кетишарди. Узунроқ танаффуслар ҳам бўларди. У бу танаффусларни ғира-шира эслайди, чунки бу пайтлари у ҳамма вақт ухлар ёки мурдадай донг қотиб ётарди. У деворга михланган тахта ётоқли, юпқа темир жомаширли хонани, овқатни – нонли иссиқ шўрвани, гоҳида қаҳвани эслайди. Қовоғи уюлган сартарош иякларини қиртишлаб, сочларини олганлигини, ишчан, оқ кийинган одамлар унинг юрак зарбаларини ўлчаганини, рефлексларини текширганини, қовоқларини тўнкариб кўрганини, қотган бармоқлари билан суяги синган-синмаганлигини билиш учун сийпалаганини, билагига уйқу дори юборганини эслайди.

Кейин оз урадиган бўлишди, агар сўроқларга ёмон жавоб берса, бу ваҳшат истаган дақиқада яна қайта бошланиши мумкинлиги билан таҳдид қилиб туришарди. Энди уни қора мундир кийган барзанги безорилар эмас, партия аъзолари бўлган терговчилар – майда-миқти, ялтираган кўзойнакли, серҳаракат эркаклар сўроқ қила бошлашди; улар навбатма-навбат у билан ишлар, баъзида ўн – ўн икки соатлаб сўроқ қилишарди, унга шунча вақт ўтгандай туюлар, аниғина эса била олмасди. Бу янги терговчилар учун у ҳамма вақт бироз оғриқ хис қилиб турса етарли, аммо уларнинг асосий куроли оғриқ эмасди. Улар Уинстоннинг бетига тарсаки тортишар, кулоқларини бурашар, сочларини тортишар, бир оёқда турғазиб қўйишар, кичик ҳожатга ҳам қўйишмас, кўзлари ёшлангунча ёруғ нур остида сақлашарди; бироқ буларнинг бари уни ерга уриш, камситиш, унга баҳслашиш ва фикрлашга имкон бермаслик

учун қилинарди. Уларнинг ҳаққоний қуроли соатлаб шафқатсиз сўроққа тутиш эди. Улар уни чалкаштиришар, гапига тузок кўйишар, у айтган гапларни чувалаштиришар, ҳар қадамда уни ёлғончига чиқаришар, ҳар қадамда унинг алдаётгани ва ўз-ўзига қарши чиқаётганини уқтиришар, охири у уялганидан ва асаби толиққанидан йиғлаб юборишигача олиб боришарди. Гоҳида у бир сўроқ мобайнида беш-олти марта йиғларди. Кўпинча улар кўпол дўқ-пўписа қилишар, озроқ тутилиб қолса, яна кўриқчиларга топширишларини айтиб кўркитишарди; аммо гоҳида муомалаларини ўзгартириб, уни ўртоқ, деб аташар, ингсоц ва Катта Оға номи билан аврашарди: нахотки онди ҳам унда партияга садоқат пайдо бўлмаса ва у етказилган зарарни тузатмаса? Кўпсоатли сўроқлардан асаблари таранг-лашар ва ҳатто шу даъватдан ҳам йиғлаб юбориши мумкин эди. Охир-оқибат, бу минғир-минғирлар уни барзангиларнинг муштлари ва тепкиларидан ҳам баттар синдирди. У улар истаган нарсани гапирадиган оғиз, улар истаган нарсани имзолайдиган қўлга айланиб қолди. Унинг хаёли бир нарсада бўлиб қолди: улар нимани тан олишини истаётганларини тезроқ фаҳмлаш, яна жонига тегмасларидан дарҳол иқрор бўлиш. У атоқли партия раҳбарларини ўлдирганлигини, бузғунчи рисо-лаларни тарқатганлигини, ижтимоий жамғармаларнинг маб-лағларини ўзлаштирганини, ҳарбий сирларни сотганини ва бошқа саботажлар қилганини тан олди. У 1968 йилдан бери Остосиёнинг ёлланган жосуси эканига иқрор бўлди. У дин-дор эканига, капитализм тарафдорилигига, маиший бузукли-гига ҳам иқрор бўлди. Хотинини ўлдирганини ҳам тан олди — ҳолбуки, хотини тирик эди ва буни ҳамма нарсадан хабардор терговчилар яхши билишарди. Яна шунга иқрор бўлдики, у Голдстейн билан шахсан алоқада ва ўзи танийдиган барча одамлар аъзо бўлган яширин ташкилотга аъзодир. Энг осони ҳаммасини тан олиш ва ҳаммани аралаштириш эди. Бундан ташқари, қайсидир маънода бу ҳақиқат эди. У, ростдан ҳам, партиянинг душмани эди, партиянинг назарида фикр ва ҳара-кат ўртасида фарқ йўқ эди.

Бошқача хотиралар ҳам сақланганди. Улар узук-юлук — зулматга чулғанган суратлар эди.

У камерада эди – хонанинг қоронғи ёки ёруғлиги маълум эмас, чунки у фақат иккита кўзни кўрарди, холос. Ёнида қандайдир асбоб секин ва бир хилда тикирларди. Кўзлар қатталашар ва борган сари кучлироқ ёришарди. Кейин у ўрнидан бирдан турди ва бу кўзларга тушиб кетди, кўзлар уни ютиб юборди.

У кўзни қамаштирадиган чироқ остида, асбоб-ускуналар орасидаги оддий курсига боғлаб ташланган эди. Тепасидаги оқ кийимли одам асбобларнинг кўрсаткичларини кузатиб турарди. Ташқаридан оғир ботинкаларнинг тапирлаши эшитилди. Эшик шарақлаб очилди. Иккита қўриқчи кузатувида мумдай қотган юзли зобит кирди.

– 101-хонага, – деди зобит.

Оқ кийимли одам қайрилиб ҳам қарамади. Уинстонга ҳам қарамади; у фақат ускуналарнинг кўрсаткичларига термиларди.

У кенглиги километрларга чўзилган, ажиб бир тилло-рангга чулғанган йўлак бўйлаб кетиб борар, қаттиқ қахқаҳа отар ва оғзини тўлдириб иқроларини айтиб бақирарди. У ҳаммасига иқро бўларди – қийноқлар остида ҳам яширганларига иқро эди. У бутун ҳаётини шундоқ ҳам ҳаммасидан хабардор оломонга ҳикоя қилиб берди. Шу онда қўриқчилар, терговчилар, оқ кийимли одамлар, О'Брайен, Жулия, жаноб Чаррингтон – ҳамма у билан эди, йўлак бўйлаб боришар ва қаттиқ қахқаҳа отишарди. Уни келажакда кутаётган қандайдир даҳшадли ҳодиса нимадир бўлиб юз бермади. Ҳаммаси яхши эди, оғриқ йўколди, ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси аён бўлди, англанди, кечирилди.

У қалтираб, тахта тўшак устидан турди, О'Брайеннинг овозини эшитганига ишончи қисман комил эди. О'Брайен тергов пайти бирор марта ҳам кўринмади, бироқ у ҳамиша шу ерда, елкаси ортида ўзини кўрсатмасдан тургандай эди. У ҳаммасини бошқариб турибди. У Уинстонга қалтаклайдиган қўриқчиларни жўнатади, бироқ ҳар гал уни ўлдиришга имкон бермайди. Уинстон қачон оғриқдан додлаши кераклиги, қачон дам олиши, қачон овқатланиши, қачон ухлаши, қачон томирига дори юборишни у ҳал қилади. Азобловчи ҳам, ҳимоячи ҳам, ёвуз ҳам, биродар ҳам удир. Бир куни – дори таъсирида алаҳси-

раётгандами, ё шунчаки уйқудами, ёки ҳаётда бўлган-бўлмаганини ҳам эслай олмайди – Уинстоннинг кулоғига кимдир шивирлади: «Хавотир олманг, Уинстон, сиз менинг химоямдасиз. Мен сизни етти йил кузатдим. Ҳал қилувчи фурсат келди. Мен сизни қутқараман, сизни баркамол инсонга айлантираман». Бу О’Брайеннинг овози эканига унинг ишончи комил эмас, лекин айнан шу овоз етти йил аввал, бошқа бир тушига кириб: «Биз қоронгилик йўқ жойда учрашамиз», – деган эди.

Сўроқ тугаганмиди-йўқми – у буни ҳеч билолмасди. Аввал зулмат тушди, кейин у ётган камера ёки хона кўринди. У чалқанча ётар ва қимирлай олмасди. Унинг танаси бир неча еридан мустаҳкам боғлаб қўйилган эди. Ҳатто гарданидан ҳам қандайдир тарзда боғланганди. О’Брайен юқоридан жиддий ва махзун термилиб турарди. Пастдан қараганда О’Брайеннинг қовоқлари шишган, лабу лунжи қатланган, дағал ва ҳорғин кўринарди. У Уинстоннинг ёдида колганидан кексароқ кўринарди; унинг ёши, эҳтимол, қирқ саккиз ёки элликларда эди. Унинг қўли ракамлар билан белгиланган айлана шкаланинг туткичида турарди.

– Мен сизга айтгандим, – у Уинстонга гапирди, – агар биз учрашсак, шу ерда учрашамиз, дегандим.

– Ҳа, – жавоб берди Уинстон.

О’Брайеннинг қўли енгилгина тебранганини айтмаганда, ҳеч бир огоҳлантиришсиз, унинг баданига оғриқ кирди. Оғриқ даҳшатли эди: у ўзига нима бўлаётганини кўролмасди ва ўзига ўлдирадиган жароҳат етгандек эди. У англолмаётганди, бу оғриқ ростдан юз беряптими ёки электр токи туфайли шундай сезилмоқдами; бироқ унинг бадани бесўнақай тарзда кийшайар, бўғимлари аста-секин узилаётгандай эди. Оғриқнинг зўридан пешонасидан тер сизиб чиқди, аммо оғриқдан ҳам даҳшатлиси унинг умуртқаси синаётганидан ҳосил бўлган кўрқув эди. У тишини-тишига қўйиб, бурнидан оғир нафас оларди, имкон қадар қичқирмасликка уринарди.

– Кўрқяпсиз-а, – деди унинг юзини кузатиб турган О’Брайен, – ичимда нимадир синиб кетади, деб хавотирдасиз. Айниқса, умуртқам синиб кетади, деб кўрқасиз. Бир умуртқа суяги иккинчисидан ажралаётгани, улардан орқа

мия суюқлиги оқиб чиқаётгани манзарасини аниқ кўряпсиз? Сиз шуни ўйлаяпсиз-ку, Уинстон?

Уинстон жавоб бермади. О'Брайен туткични ортга сурди. Оғриқ қандай бошланган бўлса, шундай тинди.

– Бу қирқ эди, – деди О'Брайен. – Кўряпсиз, шкала юзгача рақамланган. Сухбатимиз давомида ҳамиша ёдингизда турсин, сизга исталганча ва истаган пайтда оғриқ етказиш имконим бор. Агар сиз ёлғон гапира бошласангиз ёки жавобдан қочсангиз ёхуд ўзингизни ақлий қобилиятингиз имкон берадиганидан кўра аҳмоқроқ тутсангиз, сиз дархол оғриқдан додлаб юборасиз, дархол. Мени тушундингизми?

– Ҳа, – деди Уинстон.

О'Брайен бироз юмшади. У хаёлчан тарзда кўзойнагини тўғрилаб қўйди ва хонада юра бошлади. Энди унинг овози юмшоқ ва хотиржам эшитилди. У шу алфозда жазоловчи эмас, шифокорга, муаллимга ёки ҳатто ишонтиришга ва тушунтиришга интиладиган руҳонийга ўхшарди.

– Сизни деб кўп ташвиш чекапман, Уинстон, – деди у, – чунки сиз шунга арзийсиз. Сиз ўзингизга нима бўлганини жуда яхши биласиз. Сиз буни анчадан бери биласиз, аммо буни тан олишни истамайсиз. Сиз руҳий беморсиз. Сиз хотирангизнинг бузилганлигидан оғир азобдасиз. Сиз ҳаққоний воқеа-ҳодисаларни эслай олмайсиз, аммо ҳеч қачон бўлмаган воқеаларни хотирлайсиз ва шунга ишонасиз. Бахтингизга, бу даволаса бўладиган дарддир. Сиз ўзингизни даволашни истамадингиз. Иродангизнинг озгина ҳаракати етарли эди, аммо сиз бунга ҳаракат қилмадингиз. Ҳатто ҳозир ҳам, мен буни кўриб турибман, сиз ўз дардингизга ёпишиб олгансиз ва буни жасорат деб биласиз. Шундай бир мисолни олайлик. Ҳозир Океания қайси давлат билан урушмоқда?

– Мени ҳибсга олишаётганда Океания Остосиё билан урушаётган эди.

– Остосиё билан. Яхши. Океания ҳамиша Остосиё билан урушган, тўғрими?

Уинстон чуқур хўрсинди. У жавоб бериш учун оғиз жуфтлади, лекин жавоб бермади. У оғриқ шкаласидан кўзини узолмаётган эди.

– Барака топгур, ҳақиқатни айтинг, Уинстон. Ўз ҳақиқатингизни айтинг. Сиз, ўзингизнинг фикрингизча, нимани хоёлайсиз? Шуни айтинг.

– Менинг эсимда, ҳибсга олинишимдан бир ҳафта аввал биз Остосиё билан умуман урушмаётган эдик. У билан иттифоқчи эдик. Уруш Евросиё билан бўлаётган эди. У тўрт йил давом этди. Унгача...

О'Брайен уни ишора билан тўхтатди.

– Бошқа мисол, – деди у. – Бир неча йил олдин сиз жудд жиддий адашдингиз. Сиз айбларига иқрор бўлган, бузғунчилиги ва хоинлиги учун қатл этилган партиянинг уч собиқ аъзоси – Жонс, Аронсон ва Резерфорд айбсиз жазоланган деб ўйладингиз. Сиз гўё уларнинг иқрори сохта эканини исботлайдиган ҳужжатни кўрдим деб ўйладингиз. Сизга гўё қандайдир фотосурат кўринган эмиш. Сиз уни қўлларимда ушлаб турганман, деб ишондингиз. Шунга ўхшаш фотосурат.

О'Брайеннинг кўлида газета қийкими пайдо бўлди. Беш сония бу сурат Уинстоннинг кўз ўнгида турди. Бу фотосурат эди – канақа сурат эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ўша сурат. Жонс, Аронсон ва Резерфорд партия тантаналарида, Нью-Йоркда – у ўн бир йил аввал тасодифан қўлга олган ва дарҳол йўқ қилган ўша сурат. Сурат Уинстоннинг кўз ўнгида бир лаҳза турди, кейин ғойиб бўлди. Лекин у кўрди, ҳеч шубҳа йўқки, у кўрди! Уқубатли, дарғазаб бир ҳаракат билан Уинстон елкасини тўшакдан узмоқчи бўлди. Бироқ бир сантиметрга ҳам, бирор томонга ҳам силжий олмади. Ҳатто у бир лаҳзага шкалани ҳам унутиб қўйди. Ҳозир у фақат бир нарсани истарди: суратни яна бир марта қўлда ушласа эди, ҳеч бўлмаса бир қараб қўйса эди.

– У мавжуд! – бақирди у.

– Йўқ, – деди О'Брайен.

У узоқлашди. Қаршисидаги деворда хотира туйнуғи бор эди. О'Брайен симли пардани кўтарди. Кўримсиз қоғоз парчасини иссиқ ҳаво учириб кетди: у олов ичида ғойиб бўлди. О'Брайен девордан у томонга ўтирилди.

– Қулга айланди, – деди у. – Қулни ҳам кўролмайсан, чанг-ғубор. Тўзон. Сурат йўқ. Ҳеч қачон мавжуд бўлмаган.

– У ҳозиргина мавжуд эди! Ҳозир ҳам мавжуд! У хотирада яшайди. Мен уни эслайман. Рад этсангиз ҳам, сиз уни эслайсиз.

– Мен эсламайман, – деди О’Брайен.

Уинстон қалбида тубсиз бўм-бўшликни ҳис қилди. Бу – қўшфикр. Уни тушкун умидсизлик чулғаб олди. Агар у О’Брайен ёлгон гапирди, деб ўйлаганда, бу унчалик муҳим туюлмасди. Бироқ, бўлиши мумкинки, ички партия аъзоси О’Брайен ростдан ҳам фотосуратни эслай олмайди. Агар шундай бўлса, у аллақачон сурат бор бўлганини инкор этганини унутган – буни унутганини ҳам унутиб юборган. Буларнинг бари шунчаки бир айёрлик эканига ишониш мумкинми? Балки шундай бемаъни сакталиқ ростдан ҳам онгда юз берар – худди шу нарса Уинстонни тушкунликка соларди.

О’Брайен хаёл сурганча, унга қаради. У ҳозир ҳаммасидан ҳам кўра қулоқсиз, лекин қобилиятли ўқувчиси билан тортишаётган муаллимни эслатарди.

– Ўтмишни бошқаришга оид партия шиори бор, – деди у. – Қани, лутфан уни такрорланг-чи.

«Ўтмишни бошқарган келажакни ҳам бошқаради; бугунни бошқарган ўтмишни ҳам бошқаради», Уинстон итоаткорона такрорлади.

– «Бугунни бошқарган ўтмишни ҳам бошқаради», – тасдиқлаганнамо ишора билан О’Брайен ҳам такрорлади. – Сиз ҳали ҳам, Уинстон, ўтмиш ҳақиқатан мавжуд, деб ўйлайсизми?

Уинстон яна ўзини чорасиз ҳис қилди. У кўзларини шкалага тикди. У қайси жавоб – «йўқ» ёки «ҳа» уни оғриқдан халос қилишини билмагани етмагандай, шу онда ўзи қайси жавобни тўғри деб ҳисоблашини ҳам билмасди.

О’Брайен енгилгина табассум қилди.

– Сиз метафизик эмассиз, Уинстон. Сиз ханузгача бирор марта «мавжуд бўлмоқ» нима экани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагансиз. Тушунарлироқ айтаман. Ўтмиш аён тарзда, маконда мавжудми? Ҳозир бирор бир ерда ўтмиш давом этаётган бирор жой, жисмоний объектлар дунёси борми?

– Йўқ.

– Шундай экан, ўтмиш мавжуд бўлса, у қаерда мавжуд?

– Хужжатларда. Ўтмиш ёзиб олинган.

– Хужжатларда. Ва яна?

– Онгда. Инсонларнинг хотирасида.

– Хотирада. Жуда яхши. Биз, партия, барча хужжатларни ва барча хотираларни назорат қиламиз. Демак, биз ўтмишни бошқарамиз, тўғрими?

– Аммо сиз одамларни ўтмишни эслашдан қандай тўсасиз? – яна оғриқ ускунасини унутиб, Уинстон бакириб юборди. – У одамнинг иродасидан ташқари юз беради. Бу инсонга боғлиқ эмас. Сиз хотирани қандай бошқарасиз? Менинг хотирамни бошқара олмаяпсиз-ку?

О’Брайен яна жиддийлашди. У қўлини тутқичга узатди.

– Аксинча, – деди у. – Сиз уни бошқаролмаяпсиз. Шунинг учун сизни бу ерга келтирдик. Ўзингизда итоаткорлик ва ички интизомни топа олмадингиз, шунинг учун бу ердасиз. Сиз итоат қилишни истамадингиз – итоат ақли расолик учун тўловдир. Сиз тентакликни, ёлғизликни афзал билдингиз. Фақат интизомли онг воқеликни кўра олади, Уинстон. Воқелик сизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд деб ишонасиз. Воқеликнинг шаклу шамойили сизга ўз-ўзидан аён, равшан туюлади. Ўзингизни ашдаб, нимнидир кўряпман деб ўйлаганингизда, бошқалар ҳам шуни кўряпти, деган хаёлда бўласиз. Бироқ, мен сизга айтсам, Уинстон, воқелик ташқи бир нарса эмас. Воқелик инсоннинг онгида мавжуд, бошқа ҳеч ерда. Воқелик адашиши мумкин бўлган, ўткинчи индивидуал онгда эмас, партиянинг жамоавий ва ўлмас онгида мавжуддир. Партия ҳақиқат деб ҳисоблаган нарса ҳақиқатдир. Воқеликни фақат партиянинг кўзи билан кўриш мумкин. Сиз бунга қайта ўрганишингиз лозим, Уинстон. Бунинг учун ўзлигингизни йўқотишингиз, иродангизни ишга солишингиз шарт. Сиз ақли расо бўлиш учун ўзингизни итоаткорликка ўргатишингиз зарур.

Уинстон унинг сўзларини фаҳмлаб олишини кутаётгандай, жим турди.

– Эсласангиз керак, – у яна гап бошлади, – ўз кундалигингизга: *«Эркинлик – икки карра икки – тўрт, деб айта олиш имконидир»*, деб ёзган эдингиз?

– Ҳа.

О'Брайен чап қўли кафтини тепага қаратиб, бош бармоғини букиб, қолган тўртта бармоғини Уинстонга кўрсатди.

– Мен нечта бармоғимни кўрсатяпман, Уинстон?

– Тўртта.

– Агар партия улар тўртта эмас, бешта деса, нечта бўлади?

– Тўртта.

Сўзнинг охириги бўғинини айтаётиб, оғриқдан чинқириб юборди. Шкалада оғриқнинг даражаси эллик бешга чикиб кетди. Уинстоннинг бутун танаси терга тушди. Ўпкаларига ҳаво оғриқ билан кириб, оғриқ билан нола бўлиб чикди – Уинстон тишларини тишларига босди, аммо шу тариха ушлаб туролмади. О'Брайен тўртта бармоғини кўрсатиб, уни кузатиб турарди. У туткични бироз бўшатди. Бу гал оғриқ бирозгина пасайди.

– Нечта бармоқ, Уинстон?

– Тўртта.

Шкала кўрсаткичи олтмишга кўтарилди.

– Бармоқ нечта, Уинстон?

– Тўртта! Тўртта! Яна нима дейишим мумкин? Тўртта!

Кўрсаткич, яна ҳам юқорига чиққан бўлса керак, бироқ Уинстон унга қарамади. У фақат оғир, қатъиятли юзни ва тўртта бармоқни кўриб турарди. Бармоқлар унинг кўз ўнгида устунлардек баҳайбат бўлиб турарди: бу улкан бармоқлар гимираб кўринар, лекин барибир тўртта эди.

– Бармоқ нечта, Уинстон?

– Тўртта! Бас, етар! Нима қиялпсиз? Тўртта! Тўртта!

– Бармоқ нечта, Уинстон?

– Бешта! Бешта! Бешта!

– Йўк, бу бефойда, Уинстон. Сиз алдаяпсиз. Бешта деяпсиз-у, барибир улар тўртта, деб ўйлаяпсиз. Шундай қилиб, бармоқлар нечта?

– Тўртта! Бешта! Тўртта! Сизга нечтаси керак ўзи?! Фақат азобламанг, бу жуда оғир!

Тўсатдан у ўтириб олган ва О'Брайен уни елкасидан ушлаб турарди. Афтидан, у бир неча сония хушидан кетган бўлса керак. Унинг танасини сиқиб турган боғичлар ечилганди.

У совиб қолган, қалтирар, тишлари дукурлар, ёноқларидан ёш оқарди. У худди гўдак каби О'Брайенга осилиб олганди; сикаларини ушлаб турган оғир қўллар негадир уни юпатар эди. Ҳозир унга О'Брайен ҳимоячи бўлиб туюлди, оғриқ қаердандир, бошқа ёқдан келган ва унинг халоскори – О'Брайен.

– Сиз ёмон ўқувчисиз, – юмшоққина деди О'Брайен.

– Нима ҳам қилишим мумкин? – кўзда ёш билан шивирлади Уинстон. – Кўзимнинг олдида турган нарсани қандай кўрмай тура оламан? Икки ва икки – тўрт.

– Гоҳида, Уинстон. Гоҳида – беш. Гоҳида – уч. Гоҳида – қанча бўлса, ҳаммаси. Сиз ҳаракат қилишингиз керак. Ақли расо бўлиш осон эмас.

У Уинстонни ётқизди. Қўллари ва оёқларидаги боғичлар яна сиқиб олди, аммо оғриқ аста-секин чекинди, титроқ йўқолди, фақат заифлик ва этнинг жунжикиши қолди. О'Брайен шу пайтгача қимир этмай турган оқ кийимли кишига ишора қилди. Оқ кийимли киши эгилди, Уинстоннинг кўз қорачиқларига тикилди, томир уришини текширди, кўкрагига қулоғини тутди, у ер-бу ерига чертиб кўрди; кейин О'Брайенга тасдиқ ишорасини берди.

– Яна бир марта, – деди О'Брайен.

Уинстоннинг баданига оғриқ тарқалди. Шкала кўрсаткичи етмиш-етмиш бешга кўтарилгандир. Бу гал у афтини тириштирди. У бармоқлар кўз ўнгидалигини, улар ҳали ҳам тўртта эканини биларди. Муҳими шу эди: нимадир қилиб бу акашакликни енгиб ўтиш шарт. У ҳозир чинқираётгидими ёки йўқми – билмасди. Оғриқ яна тинчиди. У кўзини очди, О'Брайен тутқични пасайтирди.

– Бармоқлар нечта, Уинстон?

– Тўртта. Тўртта бўлса керак. Агар бешта бармоқни кўра олсам, кўрган бўлардим. Мен кўришга ҳаракат қиламан.

– Нимани истаяпсиз: бешта кўринганига мени ишонтиришни ёки ростакамига бешта бармоқни кўришни?

– Ростакамига кўришни истайман.

– Яна бир марта, – деди О'Брайен.

Кўрсаткич, эхтимол, саксон-тўқсонда тўхтаган бўлса

керак. Уинстон онда-сонда оғриқ нима сабабдан бўлаётганини эслолмай қоларди. Тиришган қобоклари орасида қандайдир бир ўрмондай бармоқлар тебранар, улар кўпаяр ва яна озаяр, бири бошқасининг ортига ўтиб, беркинар ва яна пайдо бўларди. У бармоқларни санашга уринар, нега кераклигини – ўзи англамасди. Унинг билгани шуки, бармоқларни тўрт ва беш ўртасидаги қанақадир сирли ўхшашлик туфайли санаш мумкин эмас. Оғриқ яна камайди. У кўзини очди ва яна ўша нарсани кўриб турганини билди. Сон-саноксиз бармоқлар тирик дарахтлар каби у ён-бу ёнга кўзгалар, бир-бирига қоришар ва яна ажралар эди. У яна кўзини қисиб олди.

– Мен нечта бармоқни кўрсатаяпман, Уинстон?

– Билмайман. Агар яна бир марта ускунангизни кўшсангиз, мени ўлдириб қўясиз. Тўрт, беш, олти... ўлай агар, билмайман.

– Бу яхши, – деди О'Брайен.

Уинстоннинг кўлига игна кирди. Баданига дарҳол сархуш, шифоли илиқлик югурди. Оғриқ деярли унутилди. У кўзларини очди ва О'Брайенга миннатдорона жавдираб, термилди. Бу вазмин, тиришган, дағал, аммо ақлли юзни кўраркан, унинг юраги ийиб кетди. Агар у кўлини кимирлата олганда, О'Брайенга кўлини узатарди, билакларини ушларди. Ҳали у ҳеч қачон уни ҳозиргидай бу қадар яхши кўрмаганди – бу О'Брайен оғриқни тўхтатгани учунгина эмас эди. Аввалги туйғулари қайтди: О'Брайен дўстми ёки душман, фарқи йўқ. О'Брайен – гаплашса бўладиган одам. Балки инсон севилишдан ҳам кўра тушунишларига кўпроқ муҳтождир. О'Брайен уни азоблаб, ақлидан жудо қилаёзди ва тезда, шубҳасиз, ўлимга равона қилса ҳам керак. Лекин бунинг фарқи йўқ. Қандайдир маънода уларни дўстликдан ҳам каттароқ нарса боғлаб туради. Улар жуда яқин; майли, сўзлар ошқора айтилмаса ҳам, қайдадир улар учрашадиган ва гаплашадиган жой бор. О'Брайен унга юқоридан шундай қарадики, гўё у ҳам шулар ҳақида ўйлаб тургандай эди. Унинг овози ҳам сокин, бамайлихотир эшитилди.

– Сиз қаердалигингизни биласизми, Уинстон? – сўради у.

– Билмайман. Тахмин қиламан. Муҳаббат вазирлигида.

– Қанча вақтдан бери бу ерда эканлигингизни биласизми?

– Билмайман. Кунлар, ҳафталар, ойлар... ойлардан бери бўлса керак.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, биз нега бу ерда одамларни ушлаб турибмиз?

– Уларни айбига иқрор қилдириш учун.

– Йўқ, бу учун эмас. Яна ўйлаб кўринг.

– Уларни жазолаш учун.

– Йўқ! – хитоб қилди О'Брайен. Унинг овози кескин ўзгарди, юзи дарҳол жиддий ва ҳаяжонли тус олди. – Йўқ! Жазолаш учун ҳам эмас, сизни иқрор қилиш учун ҳам эмас. Истайсизми, мен сизни нима учун ушлаб турганимизни тушунтириб бераман? Сизни даволаш учун! Меъёрдаги бир одам қилиш учун! Сиз буни тушунасизми, Уинстон, бу ерда бўлган ҳеч бир инсон даволанмасдан кетмайди? Сизнинг аҳмоқона жинойатларингизнинг бизга қизиғи йўқ. Партияни ошқора ҳаракатлар безовта қилмайди; фикрлар – мана, шу бизнинг ташвишимиз. Биз душманларимизни йўқотибгина қолмаймиз, биз уларни тузатамиз. Нима ҳақда гапираётганимни тушуняпсизми?

У Уинстоннинг тепасидан эгилди. Унинг яқиндан баҳайбат кўринган юзи Уинстон пастдан қараб тургани учун сескантирадиган даражада хунук кўринди. Бу юзда савдойилик, телбавор бир завқ акс этарди. Уинстоннинг юраги яна орқага тортиб кетди. Агар имкони бўлса, у тўшакка кириб кетган бўларди. У ҳозир О'Брайен шунчаки лаззатланиш учун оғриқ тутқичини босади, деб ўйлади. Бироқ О'Брайен орқага ўгирилди. У ёқ-бу ёққа бир неча бор бориб келди. Кейин аввалги дарғазабликсиз, секин давом этди:

– Ҳаммасидан ҳам олдин бир нарсани билиб олишингиз керак, бу ерда шахидлар бўлмайди. Сиз ўтган замонларнинг диний таъкиблари ҳақида эшитганмисиз? Ўрта асрларда инквизиция мавжуд эди. У эътиқодга қарши бесамар қатағон эди. У еретикликни тағ-томири билан йўқотмоқчи бўларди-ю, бироқ амалда уни абадийлаштирарди. Гулханда ёндирилган ҳар бир сарбадор, бидъатчи ўрнига яна мингларчаси бош кўтарарди. Нима учун шундай бўлди? Чунки

инквизиция душманларини ошкора ўлдирарди, тавба-тазарру қилмаганларни ўлдирарди, моҳиятан, аслида шу тавба қилмаганликлари учун ўлдирарди. Одамлар ўз эътиқодларидан қайтмаганликлари учун қатл этилардилар. Табиийки, келгусида ҳамма шон-шуҳрат қатл этилган қурбонга тегарди, тавқи лаънат – инквизиторга, жаллодга қоларди. Кейин, йигирманчи асрда тоталитар деб аталадиган тузумлар пайдо бўлди. Олмон нацистлари ва ўрис коммунистлари. Ўрислар бидъатни инквизициядан ҳам баттар қатағон қилдилар. Улар ўтмишдан сабоқ чиқардик деб ўйлардилар; ҳар ҳолда, улар тузум қурбонларини яратиш мумкин эмаслигини тушундилар. Қурбонни ошкора судга олиб чиккунга қадар, унинг кадр-кимматини чилшарчин қилишга интилдилар. Ҳибсга олинганларни қийноқлар ва ёлғизлик билан тинкасини қуритардилар ва исталган нарсага иқрор бўладиган, ўзларини шарманда қиладиган, бир-бирини айблаб, ахлатга қорадиган, инқиллаб, ёрдам сўрайдиган, шафқат тиланадиган, итоаткор, пажмурда одамларга айлантирардилар. Бирок, яна бир неча йил ўтгач, ҳаммаси қайтарилар эди. Қатл этилганлар шаҳидлар сифатида қаҳрамонга айланар, уларнинг пажмурдалиги нутилари. Яна – нима учун? Энг аввало, шу учунки, уларнинг иқрорлари қийноқ билан олинган ва ёлғон эди. Биз бундай хатоларни қилмаймиз. Бу ерда жаранглайдиган барча иқрорлар – ҳақиқат. Биз уларни ҳақиқатга айлантирамиз. Энг асосийси, марҳумлар бизга қарши исён қилишига йўл қўймаймиз. Уинстон, келгусида сиз учун қасос олишади деган умидда бўлманг. Келажак сиз ҳақингизда эшитмайди ҳам. Сизни тарихдан ўчириб юборамиз. Биз сизни ҳавога, шамолга айлантириб, стратосферага чиқариб юборамиз. Сиздан ҳеч нарса, на рўйхатлардаги исм-шариф, на одамлар хотирасидаги эсдалик қолади. Сизни ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам ўчириб юборишади. Шундай бўладики, сиз бу дунёда ҳеч қачон яшамагансиз.

«Унда мени қийнаб ўтиришдан мақсад нима?» – алам билан ўйлади Уинстон. О'Брайен ўз нутқини бир лаҳза тўхтатди, гўё Уинстон фикрини ошкора айтгандай бўлди. У ўзи-

нинг баҳайбат юзини Уинстонга яқинлаштирди, унинг кўзлари қисилди.

– Сиз ўйлайсизки, – деди у, – биз сизни йўқ қилсак, сизнинг фикрингиз, ишларингиз биз учун аҳамиятсиз бўлса, сизни нега сўроқ қилиб, овора бўляпмиз? Сиз шу ҳақда ўйлаяпсиз, тўғрими?

– Ҳа, – деди Уинстон.

О’Брайен енгилгина табассум қилди.

– Сиз – умумий тартиботимиздаги иллатсиз, Уинстон. Сиз – ўчириш лозим бўлган доғ. Аввалги жазоловчилардан фарқимизни сизга айтмадимми? Бизга салбий итоаткорлик ва ҳатто шаънсиз итоаткорлик етарли эмас. Сиз бизга ўзингизни мутлақ топширганда, бу ўз истагингиз бўлиши лозим. Биз фикрибузукни бизга қарши экани учун йўқ қилмаймиз; токи у қаршилиқ қилар экан, биз уни йўқ қилмаймиз. Биз унинг фикрини тузатамиз, қалбини энг тубигача эгаллаймиз, қайта яратамиз. Биз ундаги бор ёвузликни ва хомхаёлларни топиб, ёндираемиз; у биз томонга ўтади – шунчаки, номигагина эмас, самимий, чин дилдан, ақли ва қалби билан ўтади. У бизлар каби бўлади ва кейин биз уни ўлдираемиз. Биз дунёнинг бирор ерида, гарчи заиф, яширин бўлса ҳам, хато фикр қолишини истамаймиз. Биз ўлим лаҳзасида бўлса ҳам, эътиқодимиздан чекиниш қолишига чидамаймиз. Аввалги замонлар бидъатчи бидъатчилигича гулханга кирарди, ўз бидъатини эълон қилиб, уни олқишлаб кирарди. Ўрислар қатағонининг жабрдийдалари йўлакда бораётиб ва миясига қадаладиган ўқни кутаётиб ҳам, бош чаноғининг ичида исёнкор фикрни олиб кетарди. Биз мияни янчиб ташлашдан олдин, аввал уни тозалаймиз. Эски мустабидларнинг шиори шундай сўзлар билан бошланарди: «Қилма». Тоталитар тузумларнинг шиори: «Қилишинг керак». Бизнинг шиор: «Сен борсан». Бизга олиб келинган ҳеч бир одам бизга қарши тура олган эмас. Ҳамманинг миясини тозалаймиз. Ҳатто сиз айбсиз ҳисоблаган бечора хоинларни – Жонс, Аронсон ва Резерфордни ҳам охири синдирдик. Мен ўзим терговларда иштирок этганман. Мен уларни қандай тозалашганини, улар қанақа чиранганларини, типирчилаганларини, эмаклар, йиғлаганларини кўрганман – охирида уларда на

оғрик, на кўрқув қолди, чин дилдан тавба қилдилар. Биз улар билан ишни якунлаганимизда, улардан фақат устухони қолди, холос. Уларнинг ичида қилган ишларидан афсусланишдан бошқа ҳеч нарса қолмади ва уларда энди Катта Оғага нисбатан муҳаббат бор эди, холос. Улар Катта Оғани чин дилдан севишларини кўриб, юрагинг эриб кетарди. Улар тезроқ отиб ташлашларини илтимос қила бошладилар – қалблари тозалигида ҳалок бўлишни истадилар.

Унинг овозида орзу оҳанглари эшитила бошлади. Башараси аввалгидай завқ-шавққа тўла, телба одамнинг жонталаш юзига ўхшарди. У риёкорлик қилмаяпти, деб ўйлади Уинстон; у муғомбир эмас, у ўзининг ҳар бир сўзига ишонади. Энг ёмони, Уинстон ўзининг ақли ноқислигини тан олишдан эзиларди. О'Брайен вазмин бир назокат билан хонада у ён-бу ёнга юрар, гоҳ унга кўринар, гоҳ ғойиб бўларди. О'Брайен ҳамма томондан ундан устун эди. Унинг миясида О'Брайенга маълум бўлмаган, текширилмаган ва инкор этилмаган бирор ғоя йўқ эди. О'Брайеннинг ақли унинг ақлини ҳам камраб олганди. Бу ҳолатда О'Брайен телба бўлиши мумкинми? Фақат у – Уинстон телба бўлиши мумкин. О'Брайен тўхтади, унга қаради. Яна қатъий оҳангда гапира бошлади:

– Кутулиб қоламан деб ўйламанг, Уинстон, ҳатто тўла таслим бўлиб ҳам, кутулолмайсиз. Йўлдан адашганларнинг бирортаси кутулиб қололмайди. Ҳатто биз сизга табиий ўлимнингиз келгунча яшашга имкон берсак ҳам, биздан кутула олмайсиз. Сиз билан бу ерда юз берган ҳодиса абадийдир. Буни олдиндан билиб қўйганингиз мақбул. Биз сизни шундай букиб қўямизки, аввалгидек бўлолмайсиз. Сиз билан шундай нарса юз берадики, минг йил яшасангиз ҳам ўзингизга кела олмайсиз. Сиз ҳеч қачон оддий инсоний туйғуларни ҳис этишга қобил бўлмай қоласиз. Ичингиздаги ҳамма сезгилар ўлади. Муҳаббат, дўстлик, ҳаёт қувончлари, табасум, кизиқувчанлик, жасорат, ҳалоллик – сизда буларнинг ҳеч бири ҳеч қачон бўлмайди. Сиз ғовакка айланасиз. Биз ичингизни бўшатиб, кейин ўзимиз билан тўлдирамиз.

У жим бўлиб қолди ва оқ кийимли кимсага ишора қилди. Уинстон орқа томондан бошига қандайдир оғир уску-

на яқинлашганини сезди. О'Брайен тўшак ёнига ўтирди ва унинг юзи қарийб Уинстоннинг юзи билан баробар келди.

– Уч минг, – деди у боши ортидаги оқ кийимли кимсага.

Уинстоннинг икки чаккасига иккита юмшоқ намчил ёстикча тегди. У тириша бошлади. Яна оғриқ бўлса керак, қанақадир янгича оғриқ. О'Брайен уни тинчлантирди, кўлларини деярли бир меҳр билан тутди:

– Бу гал оғриқ бўлмайди. Кўзларимга қаранг.

Дахшатли портлаш юз берди ёки портлашга ўхшаш бир нарса, гарчи бу портлашнинг овозли бўлганига унинг ишончи комил эмас. Кўзни қамаштирадиган чакноқ бўлгани аниқ. Уинстонни ярадор қилмади, аммо ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Гарчанд у чалқанча ётган бўлса-да, бу ҳодиса юз берганда гўё уни уриб ётқизишгандек бўлди. Уни оғриқсиз бир зарба тўшакка чўзилтирган, ёпиштирганди. Миясида нимадир юз берди. Кўзи кўра бошлагач, Уинстон ўзининг кимлигини ва қаерда ётганини эслади, унга синчков термилиб турган одам кимлигини англади; лекин қаердадир бир бўшлиқ пайдо бўлганди, гўё унинг миясидан бир қисмини узиб олишганди.

– Ўтиб кетади, – деди О'Брайен. – Кўзларимга қаранг. Океания қайси мамлакат билан уруш қилмоқда?

Уинстон ўйлай бошлади. У «Океания» нима эканини ва ўзи – Океания фуқароси эканини биларди. Евросиё ва Остосиё ҳам ёдида эди; аммо ким-ким билан урушаётганини билмасди. У ҳатто қанақадир уруш кетаётганини билмас эди.

– Эсимда йўк.

– Океания Остосиё билан урушмоқда. Эсладингизми?

– Ҳа.

– Океания ҳамиша Остосиё билан урушган. Ҳаётингизнинг биринчи кунидан бошлаб, партиянинг биринчи кунидан бошлаб, тарихнинг биринчи кунидан бошлаб танаффуссиз уруш борган – битта ўша уруш. Буни эслайсизми?

– Ҳа.

– Хоинлиги учун ўн бир йил аввал ўлим жазосига ҳукм қўйилган учта одам ҳақида бир афсона тўқиган эдингиз. Уларнинг айбсизлиги тўғрисидаги қоғоз парчасини кўрганингиз-

ни ўйлаб топдингиз. Бунақа қоғоз парчаси ҳеч қачон бўлмаган. Бу сизнинг чўпчагингиз, кейин сиз бунга ишонгансиз. Бу афсона ўйлаб топилган дақиқани энди эсладингиз. Эсладингизми?

– Ҳа.

– Ҳозиргина мен сизга бармоқларимни кўрсатдим. Сиз бешта бармоқни кўрдингиз. Буни эслайсизми?

– Ҳа.

О’Брайен унга, бош бармоғини беркитган ҳолда, чап қўлини кўрсатди.

– Бешта бармоқ. Сиз бешта бармоқни кўряпсизми?

– Ҳа.

У бармоқларни кўрди, миясида ҳамма нарса ўз жойига қайтгунча, бир ўткинчи лаҳзагина, у бешта бармоқни кўрди. У бешта бармоқни кўрди ва хатони сезмади. Кейин қўл табиий кўринишига кирди, аввалги кўркув, нафрат, ҳадик бирдан қайтиб келди. Бироқ шундай бир пайт бўлди – узоқмиди ё ярим дақиқаи, эслай олмайди – ҳаммаси аниқ бўлди, О’Брайеннинг ҳар бир янги ўғити миясидаги бўшлиқни тўлдирди ва мутлақ ҳақиқатга айланди, агар зарур бўлса, икки карра икки уч ҳам, беш ҳам бўлиши мумкин эди. Бу ҳолат О’Брайен унинг қўлини кўйиб юборишидан олдин юз берди; гарчанд Уинстон у ҳолатга қайта олмаса-да, бошқа бир одам бўлган пайтидаги ҳаётида бўлган ёрқин ҳолатни эслагандай, эслай оларди.

– Энди сиз ҳар ҳолда тушунасиз, – деди О’Брайен, – бу бўлиши мумкин.

– Ҳа, – жавоб берди Уинстон.

О’Брайен қоникш ҳисси билан ўрнидан кўзгалди. Уинстон чап томондаги оқ кийимли кимса шиша найчани синдириб, ичидаги суюқликни шприцга тортиб олаётганини кўрди. О’Брайен Уинстонга жилмайиб қаради. Худди аввалгидай бурнидаги кўзойнагини тўғрилаб кўйди.

– Эсингиздами, сиз мен ҳақимда кундалигингизга ёзгандингиз: «У дўстми ёки душманми, бу муҳим эмас – бу одам ҳеч бўлмаганда мени тушунади, у билан гаплашиш мумкин». Сиз ҳақ эдингиз. Сиз билан суҳбатлашиш менга ёқади.

Менга сизнинг ақлий тутумингиз ёқади. Биз бир-биримизга монанд фикрлаймиз, фарқ шундаки, сиз телбасиз. Сухбатни тугатишимиздан олдин, менга бир неча савол беришингиз мумкин, агар истасангиз, албатта.

– Ҳар қандай саволними?

– Истаган саволни беринг. – У Уинстон азоб ускунасининг кўрсаткичига боқиб турганини кўрди. – Ўчириб қўйилган. Биринчи саволингиз?

– Жулияни нима қилдингиз? – сўради Уинстон.

О’Брайен яна жилмайди.

– У сизни сотди, Уинстон. Дарҳол, бирор шарт қўймасдан сотди. Ҳамкорликка дарҳол рози бўлган, гапимизга қўнган бунақа одамни кам кўрганман. Сиз уни таний олмасдингиз. Исёнкорлик, ёлғончилик, девоналик, бузуклик – ҳаммасидан уни тозаладик. Бу дарсликларга киритса бўладиган мукамал эврилиш бўлди.

– Сиз уни азобладингизми?

О’Брайен бунга жавоб бермади.

– Кейинги савол, – деди у.

– Катта Оға мавжудми?

– Албатта, мавжуд. Партия мавжуд. Катта Оға – партиянинг тимсоли.

– У одамми, менга ўхшаб мавжудми?

– Сиз мавжуд эмассиз, Уинстон – деди О’Брайен.

Яна у чорасизликдан эзила бошлади. У унинг мавжуд эмаслигини қандай далиллар билан исботлашларини биларди, тасаввур қила оларди, бироқ уларнинг бари – бемаъни гаплар, сўз ўйини, холос. Ахир «Сиз мавжуд эмассиз» деган гапда мантикий бемаънилик мавжуд эмасми? Мавжуд бўлмаган одамга «Сиз...» деб мурожаат қилинадими?! Бу ҳақда гапиришдан фойда борми? Унинг ақли О’Брайеннинг рад қилиб бўлмас, бемаъни далиллари зарбасини ўйлаб, шалвираб қолди.

– Менимча, мен ҳали мавжудман, – чарчоқ билан минғирлади у. – Ўзимни англаб турибман. Туғилганман ва мен ҳали ўламан. Қўлим ва оёқларим бор. Мен бу дорул маконда ҳажмим билан муайян жойни эгаллаб турибман. Ҳеч

бир қаттиқ жисм бир вақтнинг ўзида мен билан бу жойни эгаллаб тура олмайди. Катта Оға шу маънода мавжудми?

– Бу нарса муҳим эмас. У мавжуд.

– Катта Оға қачондир ўладими?

– Албатта, ўлмайди. У қандай ўлиши мумкин? Кейинги савол.

– «Биродарлик» мавжудми?

– Буни эса, Уинстон, ҳеч қачон билолмайсиз. Агар биз ҳамма ишларни тугатгандан сўнг, сизни чиқариб юборишга қарор қилсак ва сиз тўқсон ёшга кирсангиз ҳам, буни бил олмайсиз, саволга ҳа ҳам, йўқ ҳам, деб жавоб беролмайсиз. Қанча йил яшасангиз, шунча йил бу сиз учун жумбоқлигича қолади.

Уинстон жимгина ётарди. Энди унинг кўкраги аввалгидан тезроқ кўтарилиб, тушарди. У миясига биринчи бўлиб келган саволни ҳали ҳам беролмаётган эди. У саволни бериши керак, аммо тили унга бўйсунмасди. О'Брайеннинг юзида истехзоли жилмайиш пайдо бўлди. Ҳатто унинг кўзойнаги ҳам масхараомуз ялтирарди. У билади, деб ўйлади Уинстон, нимани сўрамоқчилигимни билади! Шу пайтда саволи оғзидан чиқиб кетди:

– 101-хонада нима қилишади?

О'Брайеннинг юзидаги ифода ўзгармади. У куруккине жавоб берди:

– Уинстон, 101-хонада нима қилинишини сиз яхши биласиз. 101-хонада нима қилинишини ҳамма билади.

У бармоқлари билан оқ кийимли кимсага ишора берди. Сухбат, афтидан, охирига етганга ўхшайди. Уинстоннинг кўлига игна санчилди. У дарҳол чуқур уйқуга кетди.

III

– Сизнинг тикланишингиз уч босқичда ўтади, – деди О'Брайен, – Ўқиш, англаш ва қабул қилиш. Иккинчи босқичга ўтамиз.

Уинстон доимгидай чалқанча ётарди. Аммо боғичлар уни аввалгидай қаттиқ сикмаётган эди. Боғичлар худди аввалгидай уни тўшакка боғлаб турарди, бироқ у оёғини тиззасидан биров букиши, бошини ўнг ва чапга буриши ва кўлининг тирсагидан пастини кўтариши мумкин эди. Тутқичли азоб ускунаси ҳам аввалгидай кўркув солмаётганди. Агар у тезда фикрласа, оғриқдан кутулиб қола оларди; энди О'Брайен фақат унинг аҳмоқлигидан жаҳли чиққандагина тутқичга тармашарди. Баъзан суҳбат бошдан охиригача бирор зарбасиз давом этарди. Қанча суҳбат бўлганини у ҳатто эслай олмайди. Бутун жараён узокка чўзилди, эҳтимол, бир неча ҳафта бўлса керак, суҳбатлар ўртасидаги танаффуслар гоҳо бир неча кунга чўзиларди, гоҳида эса бир неча соат танаффус қилинарди.

– Сиз бу ерда ётганингизда, – деди О'Брайен, – тез-тез ўзингизга савол бердингиз, мендан ҳам шуни сўрадингиз, нега Муҳаббат вазирлиги сизга бунча вақт ва меҳнат сарфлайди? Ўзингиз ёлғиз қолганда ҳам, моҳиятан, шу саволни ўйлардингиз. Сиз ўзингиз яшаётган жамиятнинг механизмини англар эдингиз, бироқ бунга ундайдиган сабабларни билолмасдингиз. Эслайсизми, сиз кундалигингизга нима деб ёзгандингиз: «Мен қандайлигини биламан, нима учунлигини билмайман?» Ўша «нима учун» ҳақида ўйлаганда, ўзингизнинг ақли расолигингизга шубҳаланардингиз. Сиз китобни, Голдстейннинг китобини ўқидингиз, ҳар ҳолда қайсидир бобларини ўқишга улгурдингиз. Сиз унда аввал билмаганингиз бирор нарсани ўқидингизми?

– Сиз уни ўқиганмисиз? – сўради Уинстон.

– Мен уни ёзганман. Тўғрироғи, ёзишда иштирок этганман. Ўзингиз биласиз, бизда китобларни бутун гуруҳ ёзади.

– У ерда ёзилганлар тўғрими?

– Тавсифловчи қисми – ҳа. Ҳавола қилинган дастур – сафсата. Яширин маълумот тўплаш, маърифат тарқатиш,

кейин пролетарлар кўзғолони, партияни ағдариш. Кейин нима ёзилганини сиз ўзингиз тахмин қилардингиз. Пролетарлар ҳеч қачон исён қилмайди – минг йилдан кейин ҳам, миллион йилдан кейин ҳам. Улар исён қила олмайди. Сабабини сизга тушунтириш шарт эмас, ўзингиз биласиз. Агар қуролли кўзғалон ҳақида ўйлаган бўлсангиз, унутинг. Партияни ағдариб ташлашнинг ҳеч бир имкони йўқ. Партия ҳукмронлиги – абадий. Ўйлаётганда шуни эътибордан қочирманг.

О'Брайен тўшакка яқинроқ келди.

– Абадий! – такрорлади у. – Энди «қандай қилиб?» ва «нима учун?» деган саволларга қайтамиз. Партия ўз ҳокимиятини сақлаб қолишини сиз озми-кўпми тушундингиз. Энди менга айтинг-чи, нега биз ҳокимиятга ёпишиб олганмиз? Бунинг сабаби нима? Гапиринг, – жим турган Уинстонга буйруқ берилди.

Шунга қарамасдан, Уинстон жим эди. Уни чарчоқ босди. О'Брайеннинг кўзларида эса яна иштиёқнинг хира шуъласи ловуллаш бошлади. У О'Брайен нима дейишини биларди: партия ҳокимиятни ҳокимият учун эмас, кўпчилик фаровонлиги учун эгаллайди. Партия ҳокимиятни эгаллашига сабаб шуки, одамларнинг аксарияти заиф, кўрқоқ мавжудотдир, улар эркинликни эплай олмайдилар, ҳақиқатнинг кўзига тик қарай олмайдилар, шунинг учун уларни бошқариб туриш керак ва мунтазам тарзда кучлиларнинг алдовига учишлари шарт. Инсоният олдида эркинлик ёки бахтни танлаш имкони бор, аксарият кўпчилик учун эркинликдан кўра, бахтли бўлиш афзалроқ. Партия – заифларнинг абадий ҳомийси, у оқибати эзгулик бўлган ёвузлик қилади, бошқаларнинг бахти учун ўз бахтини қурбон қилади. Энг даҳшатлиси, – деб ўйлади Уинстон, – энг даҳшатлиси – шу гапларни айтаётган О'Брайеннинг ўзи бунга ишонади. Бу унинг башарасидан кўриниб турибди. О'Брайен ҳамма нарсани билади. У одамлар нақадар қашшоқ яшаётганини, партия халқни бу аҳволда қанчалар алдов ва шафқатсизликлар билан ушлаб турганини Уинстондан кўра минг марта яхшироқ тушунади. У ҳаммасини тушунган, баҳолаган ва эътиқодига дарз кетмаган:

хаммаси асл мақсад билан оқланади. Сен нима қила оласан, – деб ўйлади Уинстон, – ўзингдан кўра ақлли бўлган, сенинг далилларингни ҳиссиз эшитадиган ва ўзининг телбалигига содиқ бўлган телбага қарши қўлингдан нима келади?

– Сиз бизнинг фойдамиз учун бизни бошқарасиз, – сокин овозда деди у. – Сиз одамлар ўзини бошқаришга қобил эмас, шунинг учун биз...

У бирдан титроққа тушди ва йиғлаб юбораёзди. Оғрик баданини тешиб ўтди гўё. О'Брайен тутқични ўттиз бешга қўйди.

– Аҳмоқона гап, Уинстон, аҳмоқона! – деди у. – Мен сиздан яхшироқ жавоб кутгандим.

У тутқични орқага, аввалги жойига қайтарди ва давом этди:

– Энди мен ўзим бу саволга жавоб бераман. Мана, канақа. Партия ҳокимиятга мутлақо ҳокимиятнинг ўзи учун интилади. Бировларнинг фаровонлиги бизни қизиқтирмайди, бизни фақат ҳокимият қизиқтиради. На бойлик, на ҳашамдорлик, на узоқ умр, на бахт – фақат ҳокимият, соф ҳокимият. Соф ҳокимият нима эканлигини тезда англаб оласиз. Биз нима қилаётганимизни яхши биламиз ва биз бу билан ўтмишдаги барча олигархиялардан фарқ қиламиз. Қолган барчаси, ҳатто бизга ўхшаганлари ҳам, кўрқоқ ва риёкор эди. Олмон нацистлари ва ўрис коммунистлари усулларига кўра бизга жуда яқин эди, аммо улар ўз истакларини тафтиш қилиш учун жасорат топа олмадилар. Улар ўзларини ҳокимиятни мажбуран, вақтинчага олгандай тутдилар, олдинда одамлар эркин ва тенг бўлган жаннат бор, деб ишондилар. Биз унақа эмасмиз. Биз аниқ биламизки, ҳокимият кейин ундан воз кечиш, бировга бериш учун эгалланмайди. Ҳокимият – восита эмас; ҳокимият – мақсаддир. Диктатурани инқилобни асраш учун ўрнатмайдилар; инқилобни диктатурани ўрнатиш учун амалга оширадилар. Катағонларнинг мақсади – катағондир. Қийноқдан мақсад – қийноқлар. Ҳокимиятнинг мақсади – ҳокимият. Энди мени озроқ тушунгандирсиз?

Уинстон О'Брайеннинг юзидаги чарчоқдан ҳайратда эди, бу биринчи марта эмасди. Унинг юзи кучли, сергўшт

ва дағал эди, унда ақл ва жиловлаб турилган бир завқ-шавқ зохир эдики, у бу кучга дош беролмасди; бирок бу барибир чарчаган чехра эди. Кўзларининг остида шишган қопча ҳосил бўлган, жағ суяклари остида териси сўлқиллаб осилганди. О'Брайен унга эгилди – хорғин юзларини атайлаб унга яқинлаштирди.

– Мана, сиз ҳозир, шу онда, – деди у, – менинг юзим қари ва чарчаганлиги ҳақида ўйлаяпсиз. Сиз ўйлаяпсизки, мен ҳокимият ҳақида фикрлаяпман, аммо ўз вужудимнинг қариётгани, сўлиб бораётганига қаршилиқ қилолмайман. Наҳотки сиз буни англамайсиз, Уинстон, индивид бор-йўғи бир хужайра. Хужайранинг чарчоғи – тананинг қуввати камайганида. Сиз тирноғингизни олганда, ўлиб қоласизми?

У Уинстондан юз ўгириб, бир кўлини чўнтагига солганча, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Биз ҳокимият қоҳинларимиз, – деди у. – Худомиз ҳокимиятдир. Сизга келсак, сиз учун ҳокимият оддий сўз, холос. Сизга ҳокимият нима эканини тушунтирадиган вақт келди. Энг аввало, сиз буни тушунишингиз керак, билингки, ҳокимият жамоавийдир. Индивиднинг индивидуаллиги ўлгандагина ҳокимият соҳиби бўла олади. Сиз партиянинг «Эрк – қуликдир» деган шиорини биласиз. Уни тесқари ўгириш ҳам мумкинлиги хаёлингизга келганми? Қулик – эркинликдир. Ёлғиз, эркин одам ҳамиша мағлуб. Шундай бўлиши ҳам керак, зеро инсон ўлимга маҳкум ва бу унинг энг катта нуқсони. Аммо, агар у батамом, жамики хужайралари, қалби билан итоатда бўлса, ўзидан, ўзлигидан кечса, партияга буткул бир тану бир жон бўлиб кўшилиб кетса, у партияга айланади ва у энди қудратли ва боқийдир. Англашингиз керак бўлган иккинчи нарса шуки, ҳокимият одамлар устидандир. Вужудлар ва, энг асосийси, онг устидан ҳокимиятдир. Материя устидан – сиз айтганингиз каби, ташқи воқелик устидан ҳокимият – аҳамиятли эмас. Материяни биз тамоман маҳв эта олдик.

Уинстон азоб ускунаси ҳақида бир лаҳзагина унутди. Бор кучини тўплаб, ўтиришга уринди, бу билан ўзига азоб берди, холос.

– Сиз материяни қандай қилиб енга оласиз? – унинг оғзидан шу гаплар чиқиб кетди. – Сиз ҳатто иқлимни, ернинг тортишиш кучини енга олмайсиз. Яна ҳали касалликлар, оғриқ, ўлим бор...

О’Брайен қўли билан ишора қилган эди у жим бўлди.

– Биз материяни бўйсундирдик, чунки биз онгни бўйсундирдик. Воқелик – инсон бош чаноғининг ичида. Сиз буни аста-секин билиб оласиз, Уинстон. Биз қила олмайдиган бирор иш қолмади. Кўзга кўринмаслик, левитация – ҳаммаси қўлимиздан келади. Агар истасам, ҳозир совун кўпиги каби ердан узилиб, кўтарила оламан, учаман. Мен буни истамайман, чунки партия буни истамайди. Сиз ўн тўққизинчи асрнинг табиат қонунлари ҳақидаги тасаввурларидан халос бўлишингиз керак. Табиат қонунларини биз яратамиз.

– Қандай қилиб яратасиз? Сиз ҳали ер сайёрасининг ўзини эгаллаганингиз йўқ. Евросиё, Остосиё-чи? Сиз уларни босиб ололмадингиз.

– Бу муҳим эмас. Зарур бўлган куни босиб оламиз. Агар босиб олмасак ҳам – фарқи нима? Биз уларни ўз ҳаётимиздан ўчира оламиз. Океания – ўзи бутун дунёдир.

– Бироқ бу дунёнинг ўзи – бор-йўғи чангу ғубор. Инсон жуда мўъжаз, заррача, заифдир! У қанчадан бери мавжуд? Миллион йиллар Замин одамсиз эди.

– Бу сафсата. Ернинг ёши бизнинг ёшимизга тенг, у биздан кекса эмас. У қандай қилиб кекса бўлсин? Инсон онгидан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас.

– Бироқ, сиз ер қатламларига қаранг – ўлган ҳайвонларнинг суяклари... мамонтлар, мастодонлар, улкан динозаврлар, улар инсон пайдо бўлишидан анча илгари яшаган.

– Сиз ўша суякларни кўрганмисиз, Уинстон? Йўқ, албатта. Уларни ўн тўққизинчи аср биологлари ўйлаб топган. Инсонгача ҳеч нарса бўлмаган. Инсондан сўнг, агар у буткул йўқ бўлса, ҳеч нарса бўлмайди. Инсондан ташқарида ҳеч нарса йўқ.

– Биздан ташқари чексиз коинот бор. Юлдузларга қаранг! Уларнинг баъзилари биздан миллионлаб ёруғлик йил-

лари масофа узоқда, лекин бор. Улар ҳамини сиз етмас жойда қолаверади.

– Юлдузлар нима? – лоқайдлик билан рад қилди О’Брайен. – Бу ердан бир неча километргина узоқликдаги оловли заррачалар. Агар биз истасак, уларга ета оламиз ёки уларни ўчириб қўямиз. Замин – коинот маркази. Қуёш ва юлдузлар бизнинг атрофимизда айланади.

Уинстон яна ўтиришга ҳаракат қилди. Бу гал ҳеч нарса демади. О’Брайен, гўё унинг эътирозларига жавоб бергандай, давом этди:

– Албатта, муайян мақсадлар учун бу тўғри эмас. Биз уммонда сузмокчи бўлсак ёки қуёш ва ой тутилишини тушунтирмакчи бўлсак, бизга Замин Қуёш атрофида айланади ва юлдузлар миллион ва миллион километрлаб узоқликда, деб тасаввур қилиш қулайроқ. Шунга нима қилибди? Нима, сиз ўйлайсизки, биз иккиламчи астрономияни ўйлаб топа олмаймизми? Эҳтиёжга қараб, юлдузлар узоқ бўлиши ҳам, яқин бўлиши ҳам мумкин. Бизнинг математикларимиз буни эплай олмайди, деб ўйлайсизми? Қўшфиқр ҳақида унутдингизми?

Уинстон тўшакка узанди. У нима демасин, тезкор жавоб уни тўқмокдек уради. Барибир ҳам, у ўзининг ҳақ эканини биледи. Онгингдан ташқарида ҳеч нарса йўқ деган ғоя... бу ғояни инкор этишнинг бирор усули бўлиши керак. Ахир бунинг хато эканини аллақачонлар исботлаб беришмаганмиди? Бу қарашни нимадир деб аташган ҳам эди. О’Брайен юқоридан қаради, лабининг бир четида хира табассум ёйилди.

– Сизга айтишим керак, Уинстон, метафизика – сизнинг заиф томонингиздир. Сиз эслашга уринаётган сўз – солипсизм. Бироқ сиз хато қиласиз. Бу солипсизм эмас. Жамоавий солипсизм, агар керак бўлса. Барибир ҳам бу бошқа нарса, моҳиятан унинг тескариси. Биз мавзудан чалғиб кетдик, – у бошқача оҳангда эътироз қилди. – Ҳақиқий ҳокимият, биз туну кун курашишимиз зарур бўлган ҳокимият – нарсалар устидан ҳокимият эмас, бу одамлар устидан ҳокимиятдир. – У жимиб қолди, кейин қобилятли ўқувчисига савол бера-

ётган муаллим киефасига кирди. – Уинстон, инсон ўзининг бошқалар устидан ҳокимиятини қай тарзда ўрнатади?

Уинстон ўйлаб қолди.

– Уни азобга қўйган ҳолда, – деди у.

– Мутлақо тўғри. Уни азобга қўйган ҳолда. Итоаткорликнинг ўзи етарли эмас. Агар инсон азобланмаса, сиз унинг ўз иродасини эмас, сизнинг иродангизни амалга ошираётганига қандай ишонасиз? Ҳокимият азоб бериш ва хўрлашдан иборатдир. Ҳокимият одамларнинг онгини парчалаб, яна ўзингизга мақбул тарзда тикламоқдир. Биз қандай дунёни қурмоқчи эканимизни энди билдингизми? У олдинги ислохотчиларнинг аҳмоқона гедонистик утопияларига батамом қарама-қаршидир. Қўркув, хоинлик ва азоб-укубатлар дунёси, эзувчилар ва эзилганлар дунёси, мукаммаллашгани сари раҳмдил эмас, шафқатсизлашиб борадиган дунё. Бизнинг дунёмизда тараққиёт азобларнинг кўпайишидир. Аввалги тамаддунлар ўзининг муҳаббат ва адолат устига қурилганини даъво қилар эди. Бизнинг тамаддун нафратга қурилган. Бизнинг дунёмизда қўркув, ғазаб, ғалаба ва ўз-ўзини парчалашдан бошқа туйғулар бўлмайди. Қолган барчасини йўқота-миз. Барчасини. Аввалги тафаккур тарзини – инқилобгача бўлган саркитларни гумдон қиламиз. Биз ота-она ва фарзанд ўртасидаги, эркак ва аёл ўртасидаги, бир инсон ва бошқа инсон ўртасидаги алоқаларни уздик. Шундай қилдикки, ҳеч ким на хотинига, на фарзандига, на дўстига ишонади. Келажакда дўстлар ҳам, хотинлар ҳам бўлмайди. Янги туғилганларни оналаридан, товуқ тагидан очиб чиққан жўжаларини олгандай, тортиб оламиз. Жинсий мойилликни йўқ қиламиз. Одам кўпайиши озиқ-овқат картасининг ҳар йилги янгила-ниши каби бир расмиятчиликка айланади. Оргазмни йўққа чиқарамиз. Неврологларимиз бунинг йўлини излашяпти. Партиядан бошқага садоқат қилиш бўлмайди. Катта Оғага муҳаббатдан бошқа муҳаббат қолмайди. Мағлуб душман устидан қулишдан бошқа қулги қолмайди. Санъат, адабиёт, фан бошқа бўлмайди. Ҳамма нарсага қудратимиз етадиган бўлгач, фанга ҳам эҳтиёж қолмайди. Гўзал ва бадбашара ўртасида фарқ қолмайди. Қизиқишлар йўқолади, ҳаётдан завқ

йўқолади. Турли-туман роҳат-ҳаловатларни йўқ қиламиз. Аммо ҳамиша – эсда тутинг, Уинстон – ҳамиша ҳокимиятдан сархушлик бўлади, борган сари кучлироқ, қатъийроқ бўлади. Ҳамиша, ҳар лаҳза музаффарлик қувончи жўш уради, заиф душманингни эзғилаётганингдан роҳатланасан. Агар сизга келажакнинг тимсоли керак бўлса, инсоннинг башарасига тушаётган этик пошнаси абадий тимсолдир.

У Уинстоннинг жавоб беришини кутаётгандек жимиб қолди. Уинстоннинг эса яна тўшакка кириб беркингиси келиб қолди. У ҳеч нарса дея олмади. Унинг юраги гўё совиб қолганди. О’Брайен давом этди:

– Ёдингизда бўлсин, бу абадийдир. Тепки тушадиган башаралар ҳамиша топилади. Ҳамма вақт ҳам бидъатчи, жамиятнинг душмани, ватан хоини топилади ва биз уни енгимиз ва топтаймиз. Сиз бизнинг қўлимизга тушганингиздан бери тортган азоб-уқубатларингиз – барчаси давом этади ва баттарроқ бўлади. Жосусликлар, хиёнатлар, ҳибслар, қийноқлар, қатллар, изсиз ғойиб бўлишлар ҳеч қачон тўхтамайди. Бу ғалаба дунёси бўлгани баробарида террор дунёсидир. Партия қудратли бўла боргани сари бесабр ҳам бўла боради; мухолифлар заифлашгани сари, зулм кучаяверади. Голдстейн ва унинг бидъатлари мангу яшайди. Мухолифатни ҳар куни, ҳар дақиқа фош этишади, шарманда қилишади, устидан кулишади, унга тупуришади – у эса яшайверади. Бу партияга керак. Бу сиз билан биз етти йилдан бери ўйнаётган драма, қайта ва қайта ўйналаверади, ҳар бир янги авлод келган сари янада айёрона, маккорона бўлаверади. Фикри бузуқлар бу ерда ҳамиша бўлади, синдирилган ва пажмурда ҳолда оғриқдан қичкираверади, охирида ўзидаги бузуқ фикрлардан халос бўлгач, ич-ичидан тавба қилиб, ўзи оёқларимизга мушукдай суйкалади. Биз шундай дунё қурамыз, Уинстон. Ғалабадан ғалабага, зафардан зафарга ва янги музаффарликларга: ҳокимиятнинг асабини қитиклайверамиз, қитиклайверамиз, қитиклайверамиз. Кўряпман, бу дунё қандай бўлиши сизга тушунарли бўлиб борапти. Алалоқибат, сиз уни тушунибгина қолмайсиз. Сиз уни қабул қиласиз, уни олқишлайсиз, унинг бир қисмига айланасиз.

Уинстон гапира оладиган даражада бироз ўзига келди:

– Қўлингиздан келмайди.

– Нима демоқчисиз бу билан, Уинстон?

– Сиз ҳозир тасвирлаганингиздай дунё кура олмайсиз.

Бу орзуингиздир. Уни куриш мумкин эмас.

– Нима учун?

– Тамаддунни кўрқув, нафрат ва шафқатсизлик асосига куриб бўлмайди. У қаддини тутолмайди.

– Нима учун?

– Унда яшовчанлик бўлмайди. Парчаланиб кетади. Ўзини ўзи ҳалок қилади.

– Бўлмаган гап. Сиз ўзингизни нафрат муҳаббатдан кўра уқубатли деб ишонтиргансиз. Нима учун экан? Шундай бўлганда ҳам – фарқи нима? Дейлик, биз тез издан чиқамиз деб ўйлайлик. Инсон ҳаёти суръатини тезлаштиргач, у ўттиз ёшдаёқ қариб, пажмурда бўлиб қолади, дейлик. Бундан нима ўзгаради? Наҳотки сиз тушунмасангиз, индивиднинг ўлими – ўлим эмас? Халқ ўлаверади, партия абадийдир.

Ҳар доимгидай, унинг овози Уинстонни чорасиз қолдирди. Бундан ташқари, Уинстон баҳсни давом эттирса, О'Брайен азоб ускунаси тутқичини ишга солишидан кўрқарди. Бироқ у жим туrolмас ҳам эди. У заиф, далилларсиз – бор-йўқ кўмақчиси О'Брайеннинг нутқлари уйғотган сассиз кўрқув бўлгани ҳолда – хужумни яна бошлади:

– Билмадим... барибир. Эплай олмайсиз. Сизни нимадир енгади. Ҳаёт енгади.

– Ҳаётни биз бошқаряпмиз, Уинстон, ҳар жиҳатдан бошқаряпмиз. Инсон табиати деб аталадиган нимадир мавжуд ва у бизнинг ишларимизга чидамайди, исён қилади, деб хаёл қиласиз. Бироқ инсон табиатини ҳам биз яратамиз. Одамлар ўта қайишқоқ. Эҳтимол, бизни пролетарийлар ёки куллар исён қилиб, ағдаради, деган аввалги ғоянгизга қайтгандирсиз? Буни миянгиздан чиқариб ташланг. Халқ ҳайвонлардан ҳам бечорароқдир. Инсоният – бу партиядир. Қолганлар – ташқаридадир аҳамиятсиздир.

– Барибир. Охири улар сизни енгади. Эртами-кечми,

улар сизнинг кимлигингизни билиб олади ва парча-парча қилиб ташлайди.

– Сиз бунинг бирор белгисини кўряпсизми? Ёки бу тахминингизнинг бирор асоси борми?

– Йўқ. Мен шунчаки ишонаман. Сизни ҳалокат қутаётганини биламан. Коинотда нимадир бор, билмадим... Қандайдир рух, қанақадир тамойил бор ва унинг олдида ожизсиз.

– Уинстон, Худога ишонасиз шекилли?

– Йўқ.

– Қанақа тамойил бизни енгади унда?

– Билмадим. Инсон рухидир.

– Сиз ўзингизни одам деб биласизми?

– Ҳа.

– Агар сиз одам бўлсангиз, Уинстон, сиз – охирги одамсиз. Сиздақалар адо бўлди. Замин бизнинг қўлимизга ўтди. Ёлғиз эканингизни тушунасизми? Сиз тарихдан ташқарисиз, сиз мавжуд эмассиз, шу ҳибсхонада тугадингиз, – у бирдан жиддийлашди ва кескин гапирди. – Сиз ўзингизни биздан, яъни ёлғончи ва шафқатсизлардан маънан юксакман, деб ўйлайсизми?

– Ҳа, сиздан юксакман, деб ўйлайман.

О’Брайен ҳеч нарса демади. Уинстон бошқа иккита овозни эшитди. Бу овозларнинг бири уники эди. Бу унинг «Биродарлик»ка кирган оқшоми пайтидаги О’Брайен билан суҳбати ёзуви эди. Уинстон ўзининг алдаш, ўғирлаш, сохта-лаштириш, одам ўлдириш, гиёҳвандлик ва фоҳишабозликка кўмаклашиш, таносил касалларини одамлар орасида тарқатиш, боланинг юзига сульфат кислотасини сепишга берган ваъдаларини эшитди. О’Брайен сабрсизланиб, қўлини силкитди, давомини эшитишда маъно қолмаганди. Кейин ўчиргични буради, овозлар тинди.

– Тўшакдан туринг, – деди у.

Боғичлар ўз-ўзидан ечилди. Уинстон оёқларини ерга текизди ва талмовсираб, тик турди.

– Сиз охирги одамсиз, – деди О’Брайен. – Сиз инсоний рухни сақлаяпсиз. Ўзингизнинг бор-будингизни кўришингиз керак. Ечининг.

Уинстон коржомани ушлаб турган ипни ечди. Тугмаларини аллақачон узиб олишганди. Ҳибсга олишганидан бери бирор марта ечинган-ечинмаганлигини эслай олмади. Коржома тагида унинг баданини сарғиш латталар ўраб турарди, бу латталар қачондир баданини ёпган ички кийимларнинг парчалари эканини зўрға билиш мумкин эди. Латталарни ерга ташлаб юборгач, хонанинг олис бурчида турган уч қисмли кўзгуни кўрди. Кўзгуларга яқин келиб, қотиб қолди. Беихтиёр қичкирик ичидан отилиб чиқди.

– Қани-қани, – деди О’Брайен. – Кўзгунинг эшикчалари ўртасида туринг. Ўзингизни ёндан ҳам томоша қилинг.

Уинстон даҳшатдан қотиб қолганди. Кўзгудан унга букчайган, сарғиш, коксуяк скелет қараб турарди. Бу жонивор Уинстоннинг ўзи экани учунгина эмас, кўринишининг ўзи биланоқ этни жунжиктирарди. У кўзгуга яқинроқ келди. У юзини олдинга тутгандай эди – аслида букчайиб қолганди. Маҳбуснинг ажралиб чиққан пешонасида укубат акс этган юзи, тақир боши, тиришган бурни ва эзғиланган териси, ёввойи, эҳтиёткор қараши акс этиб турарди. Ёноқлари ажинлар билан тарам-тарам ажралган, оғзи кийшайган эди. Ҳа, бу унинг юзи эди, унга бу юз ботинидан кўра кўпроқ ўзгаргандай туюлди. Юзида акс этаётган ҳислар унинг ичида кечаётган ҳисларни акс эттиролмаётган эди. У қисман тепакал бўлиб қолибди. Аввал у сочларим ҳам оқариб кетибди, деган ўйга борди, аслида калласи чиркдан, кирдан сарғиш тусга кирганди. Эски, баданга сингган кирдан ҳамма ёғи сарғиш эди – юзи ва кўли қолганди, холос. Чиркин бадан остидан у ер-бу ерида калтакларнинг изи, чандиклар кўринарди, варикоз яраси куруқшаган тери остидаги илвираб йиринг оқадиган гўштга айланиб кетганди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ уни озғинлиги кўрқитди. Тери тортилган қовурғалар, коксуяклар бўртган кўкрак қафаси; оёқлари шу қадар қуриган эдики, тиззалари болдиридан ҳам ингичка эди. Нега О’Брайен унга ёндан қарашни буюрганини тушунди. Яна бироз ўтса, озғин елкалари бирлашиб, кўкраги чуқурга айланиб кетарди; озғин бўйни бошининг оғирлигини кўтара олмаётганди. Агар ун-

дан сўрасалар, у бу вужуд бедаво касалликдан азоб чекаётган олтмиш ёшли қариянинг бадани деб айтган бўларди.

– Сиз гоҳида менинг юзим, – деди О’Брайен, – Ички партия аъзосининг юзи кекса ва ғижимланган кўринади, деб ўйлардингиз. Ўзингизнинг юзингизни кўрдингизми?

У Уинстонни елкасидан ушлаб, ўзига қаратди.

– Қаранг, ўзингиз қай аҳволдасиз! – деди у. – Кўриб қўйинг, қанақанги расво бир чирк, балчиқ баданингизни қоплаган. Оёқларингиз бармоқлари орасидаги кирга термилиниг. Тиззангиздаги илвираган, хўл ярага қаранг. Биласизми, сиздан эчкининг ҳиди келади? Эҳтимол, аллақачон ҳидлаб кўргандирсиз ўзингизни. Кўринг, қанчалар озғинсиз. Кўряпсизми? Мен сизнинг мушагингизни икки бармоғим орасига олишим мумкин. Бўйнингизни сабзидай синдириб қўйишим мумкин. Биласизми, бизнинг қўлимизга тушганингиздан бери йигирма беш кило вазн йўқотдингиз? Ҳатто сочларингиз тутам-тутам тўкиляпти. Қаранг! – У Уинстоннинг сочларини ушлади ва бир тутам юлиб олди.

– Оғзингизни очинг. Тўққиз, ўн, ўн битта тишингиз қолибди. Сиз бу ерга тушганда нечта эди? Қолганлари ҳам зўрға турибди. Қаранг!

У икки бармоғини Уинстоннинг оғзига тикди. Милклари сиркираб оғриди. О’Брайен олдинги тишини илдизи билан суғуриб олди. Тишни ҳибсхонанинг бир четига улоқтириб юборди.

– Сиз тириклай чириб кетяпсиз, – деди у, – тўкиляпсиз. Сиз нимасиз? Бир қоп пилчиллаган лойсиз. Қани, кўзгуга яна бир қаранг-чи. Кўряпсизми, сизга ким қараб турибди? Охирги одам. Агар сиз одам бўлсангиз, бутун инсоният шунақадир. Энди кийининг.

Уинстон оҳиста, ўзига бўйсунмас қўллари билан баданига кийимни торта бошлади. Шу пайтгача ўзининг озғинлиги ва заифлашиб қолганини сезмаган эди. Бошида бир фикр айланарди: бу ерда ўйлаганидан кўра кўпроқ бўлган. Ўзига латта-путталарини ўраётган пайтда, адо бўлган танасига ачиниш ҳисси тўсатдан кўзгалди. Нима қилаётганини ҳам англамасдан, тўшак ёнидаги курсичага ўзини ташлади ва

йиғлаб юборди. У ўзининг мажруҳлигини, пажмурдалигини англади, бу манзаранинг шармандалилигини билди. Чиркин ич кийимдаги тирик скелет оппоқ нур тагида ўтириб, кўз ёш тўкарди; бироқ у ўзини тўхтата олмасди. О'Брайен қўллари-ни унинг елкасига қўйди, деярли овуtgандай бўлди.

– Бу абадий давом этмайди, – деди у. – Сиз буни истаган пайтда тўхтатишингиз мумкин. Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

– Сиз! – пиқиллади Уинстон. – Сиз мени шу аҳволга солдингиз.

– Йўқ, Уинстон, ўзингиз ўзингизни шу ҳолатга олиб келдингиз. Партияга қарши чиққанингиздан шу аҳволга тушдингиз. Буларнинг барчаси сизнинг илк ҳаракатингизда мужассам эди. Бошингизга тушганларнинг ҳаммасини олдиндан кўра олардингиз.

Бироз жим тургач, у яна давом этди:

– Биз сизни калтакладик, Уинстон. Биз сизни синдирдик. Танангиз қай аҳволга келганини кўрдингиз. Ақлингиз ҳам шу аҳволда. Сизда ғурур қолди, деб ўйламайман. Сизни тепкилашди, дўппослашди, ҳақоратлашди, сиз оғриқдан чинкирдингиз, ўз қонингиз ва қусқунгиз ичида ерда судралдингиз. Сиз шафқат сўраб, ёлвордингиз, ҳаммани ва барчасини сотдингиз. Бошингизга тушмаган бирор пасткашликни айта оласизми?

Уинстон йиғидан тўхтади, аммо кўзларидан ёш оқиши ҳали тинмас эди. У О'Брайенга қаради.

– Мен Жулияни сотмадим, – деди у.

О'Брайен унга қараб, ўйланиб қолди.

– Ҳа, – деди у. – Ҳа, жуда тўғри, Жулияни сотмадингиз.

Уинстоннинг юраги яна О'Брайенга нисбатан чуқур хурматга тўлди – бу эхтиромни ҳеч нарса тўса олмасди. Нақадар ақлли, ўйлади у, нақадар оқил! Ҳали бирор марта О'Брайен уни англамай қолган вазият бўлмади. Бошқа ҳар қандай одам дарҳол рад этган бўларди, сен Жулияни сотдинг, дерди. Ахир кийноқлар остида ундан нималарни тортиб олишмади! У қиз ҳақида билган ҳамма нарсаларини уларга айтиб берди – унинг қилиқлари, хулқ-атвори, ўтмишини гапирди; барча учрашувларининг майда тафсилотларигача тасвирлаб берди,

унга нима деганини, у нима деганини – барчасини айтди, қора бозорда сотиб олинган егуликлар билан қилинган кечки тановулни, ишқий тафсилотларни, партияга қарши англамаган исёнларини – ҳаммасини ҳикоя қилди. Бироқ у ҳозир англаб тургани бир маънода Жулияни сотмади. У ҳали ҳам уни севарди; унинг бу қизга нисбатан туйғулари аввалгидай қолганди. О’Брайен буни ҳеч бир изоҳларсиз англади.

– Айтинг-чи, – сўради Уинстон, – мени яқинда отиб ташлашадими?

– Яқинда бўлмаслиги ҳам мумкин, – жавоб берди О’Брайен. – Сиз оғир касалсиз. Тузатмагунча отмаймиз. Аммо умидингизни йўқотманг. Эртами-кечми, ҳамма тузалади. Батамом соғайган кунингиз сизни отиб ташлаймиз.

IV

Унинг аҳволи анча яхшиланди. У бироз тўлишди ва, агар бу ерда кун хақида гапириш мумкин бўлса, ўзини кундан-кунга кучлироқ сеза бошлади.

Аввалгидай қамокнинг бу хонасида оқ чирок ёниқ турар ва сокин ғувуллаш эшитиларди, бироқ хонанинг ўзи аввалгиларидан бироз қулайроқ эди. Бу ерда курсичага ўтириш мумкин эди, тахта ётоққа матрас ва ёстиқ тўшалган эди. Уни ҳаммомга олиб тушишди, кейин ҳаммом тоғорасида тез-тез ювинишга рухсат беришди. Ҳатто иссиқ сув келтиришди. Янги ич кийим ва тоза коржомга беришди. Оёғидаги варикоз ярасини тинчлантирувчи суртки суриб, боғлаб қўйишди. Тишлари қолдиқларини ҳам суғуриб ташлашди ва ясама тиш қўйиб беришди.

Эҳтимол, бир неча ҳафта ёки ой ўтгандир. Вактни ҳисоблаши мумкин эди, чунки уни гўёки мунтазам овқатлантиришаётганди. Унинг хулосасига кўра, бир кунда уч марта овқатлантиришаётганди; баъзан менга овқатни кундузи беришяптими ёки кечасими, деб ўйлаб қоларди. Овқат ҳайратланарли тарзда яхшиланган эди, ҳар учинчи гал гўшт беришарди. Бир марта бир кути сигарета ҳам беришди. Унинг гугурти йўқ эди, аммо овқат келтирадиган индамас қўриқчи ёндириб берарди. Биринчи марта унинг кўнгли айниди, аммо чидади, ҳар овқатдан сўнг яримта сигарета чекиб, бир кутини узоқ вақтга етказди.

Унга бурчагига қалам парчаси боғланган оппоқ тоштахта беришди. Аввалига ундан фойдаланмади. У тетик пайтлари ҳам батамом серрайиб, донг қотиб турарди. У бир овқатдан иккинчи овқат маҳалигача килт этмай ётаверарди, уйку оралиғида ғира-шира тебраниб ётар, ҳатто кўзини очиш ҳам машаққат эди. У кўзига уриладиган ёрқин чирок остида ухлашга кўникиб қолган эди. Фарқи йўқ эди, фақат тушлари бир маромга туша бошлаган эди. Тез-тез туш кўрарди – ҳаммиша бахтиёр тушлар. Олтин мамлакатда юрар ёки улкан, хайбатли, куёш нури ёритган вайроналар орасида онаси билан, Жулия билан, О'Брайен билан турарди, ҳеч иш қилмас, офтоб остида ўтирар ва оддий мавзуларда суҳбатлашарди.

Уйғонганида ҳам, агар бирор фикр келса, бу тушлари ҳақидаги фикр бўларди. Энди, оғриқли турткилар йўқ бўлганди, у гўё ақлий қобилиятини йўқотгандай эди. У зерикмасди; гаплашишни ҳам, бошқа бирор ишга чалғишни ҳам истамас эди. У ўзининг ёлғизлигидан, уни калтакламаётганларидан, сўроқ қилмаётганларидан, кир эмаслигидан ва қорни тўқлигидан батамом мамнун эди.

Вақт ўтган сари камроқ ухлайдиган бўлди, бироқ ба-рибир тўшакдан тургиси келмасди. Бир нарсани хоҳларди: сокин ётишни ва вужудига куч қайтиб кираётганини ҳис этишни истарди. У бу хаёл эмаслигини, мушаклари тўлишаётганини ва териси силлиқлашаётганини текшириш учун бармоқларини текизиб кўрарди. Ниҳоят, семира бошлаганига у тўла ишонч ҳосил қилди: энди болдирлари тиззасидан кўра йўғонлашган эди. Шундан сўнг, аввал истаб-истамай, кейин изчил машқ қила бошлади. Тез орада уч километрга юра оладиган бўлди – у масофани хонанинг у ёқ-бу ёғига қадамлаб ўлчарди, эгилган елкалари ҳам бир қадар ростланди. У янада қийинроқ машқларни бажармоқчи эди, нимани қила олмаслигини билиб хайратланди ва уялди. У фақат қадам қўя оларди, қўлини чўзган ҳолда курсини ушлаб туролмасди, бир оёғида тик туролмасди – йикилиб тушарди. У чўккалаб ўтирди ва зўрға турди, болдири ва тосида даҳшатли оғриқ сездди. Қорни билан ётди ва қўли билан ўзини кўтармоқчи бўлди. Бефойда, ҳатто кўкрагини ердан узолмади. Аммо бир неча кун ўтгач, бир неча тушлик ва нонуштадан сўнг у буни уддалади. Бироз вақт ўтиб, кетма-кет олти марта ердан кўтарила оладиган бўлди. У ўз гавдасидан ғурурланишни бошлади, гоҳида юзи ҳам меъёрга келаётганига ишона бошларди. Фақат тасодифан тақир бошига қўли тегиб кетганда, ўзининг ойнадан қараб турган ўша ажин босган, мажақланган юзини эслади.

Ақли ҳам қисман жонлана бошлади. У орқасини деворга тираганча тўшакда ўтирар, тиззасига тоштахтани қўйиб, ўзига қайта таълим бериш билан шуғулланарди.

У таслим бўлган эди, шунга кўнди. Аслида эса – у ҳозир буни тушунди – бу қарорни қабул қилишидан анча аввал тас-

лим бўлишга тайёр эди. У партияга қарши исён қилишнинг калтабинлик ва юзакилик эканини Муҳаббат вазирлигига келтиришгандаёқ англаган эди – йўқ, улар Жулия билан хо-нада чорасиз турган, телекрандаги темир овоз буйруқ бера-ётган дақиқалардаёқ билганди. Энди у билдики, Фикр поли-цияси уни етти йил мобайнида, қўнғизни катталаштирувчи кўзгу остида кўриб тургандай, кузатиб юрган. Бирор ҳара-кати, овоз чиқариб айтилган бирор сўзи, бирор фош этил-май қолмаган. Ҳатто кундалигининг муқовасидаги оқиш кум зарчасини ҳам яна жойига оҳиста қайтариб қўйишган. Улар унга ёзувларни эшиттиришган, суратларни, газета пар-чаларини ташлаб қўйишган. Унга суратларни кўрсатишган. Шу жумладан, Жулия билан бирга турган суратларини. Ҳа, ҳатто тўшакда. У партия билан ортиқ кураша олмасди. Бу-нинг устига, партия ҳақ эди. Ҳақ бўлса керак: ўлмас-йит-мас жамоавий онг адашиши мумкинми? Унинг фикрларини қайси ташқи мезонларга кўра баҳолаш лозим? Соғлом ақл – статистик тушунча. Улар сингари фикрлаш учун шунчаки ўқиш-ўрганиш керак. Фақат!..

Кўлларидаги қалам қалин ва бесўнақай эди. У миясига келган нарсаларни ёза бошлади. Аввал каттакон, қийшиқ харфлар билан ёзди:

ЭРК – ҚУЛЛИКДИР

Унинг остига эса дарҳол буни ёзди:

$$2 \times 2 = 5$$

Шу ерга келганда, тўхталиб қолди. Унинг онги нимадан-дир ҳайиқиб, диққатни жамлолмай қолди. У кейинги фикр ҳам тайёрлигини биларди, бироқ эслай олмасди. Эслаганида эса, бу осон бўлмади – у бу фикрга мулоҳаза қилиш орқали келди. У ёзди:

ХУДО – ҲОКИМИЯТДИР

У ҳар бир нарсани қабул қилди. Ўтмишни ўзгартирса бўлади. Ўтмиш сохталаштирилмаган. Океания Остосиё би-лан урушмоқда. Океания ҳамиша Остосиё билан урушган. Жонс, Аронсон ва Резерфорд суд қилинган жиноятларида айбдордирлар. Уларнинг айбдорлигини рад этадиган сурат-ни у ҳеч қачон кўрмаган. Сурат ҳеч қачон мавжуд бўлмаган;

у буни ўйлаб топган. У бунинг тескарисини таъкидлайдиган фактларни эслай олишини тушунарди, бироқ бу – хотира аберрацияси, ўзини алдашдир. Ҳаммаси нақадар осон! Фақат таслим бўлсанг кифоя – қолган ҳаммаси ўзи келаверади. Бу оқимга қарши сузишга ўхшайди – ҳар қанча ҳаракат қилма, оқим сени ортга итариб ташлайди, ва сен бирдан ортга ўгирилсан ва оқим билан курашиш ўрнига, оқим бўйлаб сузиб кетасан. Ҳеч нарса ўзгармади, фақат сенинг бунга муносабатинг ўзгарди: муқаррар нарсадан чап бериб қолиш иложсиздир. Нега исёнчи бўлиб қолганини ўзи ҳам тушунмасди. Ҳаммаси оддий, фақат...

Ҳамма нарса ҳақиқат бўлиши мумкин. Табиат қонунлари деб аталадиган нарсалар – сафсата. Ернинг тортиш қонуни – сафсата. «Агар истасам, – деган эди О'Брайен, – мен совун кўпиги каби ердан кўтарилиб, уча оламан». Уинстон бунинг асослади: «Агар у ердан учиб кўтариламан деб ўйласа ва мен ҳам айни пайтда бунинг кўрпачи, деб ўйласам, демак, шундайлиги ҳақиқатдир». Тўсатдан, чўккан кеманинг парчаси сув юзасига қалқиб чиққандай, миясида бир фикр пайдо бўлди: «Аслида, бу йўқ нарса. Биз бунинг хаёл қиламиз. Бу – сароб». У дарҳол бу фикрдан воз кечди. Аён мантикий хатолик. Гўё қаердадир, сендан ташқарида, «ҳаққоний» дунё бор, унда «ҳаққоний» ҳодисалар юз берадигандай. Бу дунё қаердан пайдо бўлиши мумкин? Биз фақат онгимизда мавжуд нарсаларни биламиз, холос. Ҳамма юз берадиган ҳодисалар онда юз беради. Ҳамманинг онда юз бераётган нарсалар ҳақиқатда юз беради.

У хатони осонгина топди ва хато қилишдан хавотири йўқ эди. Бироқ шуни тушундики, хато фикр унинг бошига умуман келмаслиги керак эди. Хавфли фикр мияга келган заҳоти, онда кўр бўшлиқ пайдо бўлиши керак. Бу жараён инстинктив, автоматик тарзда юз бериши шарт. Уни Янгитилда «ўзтўхташ» деб аташади.

У ўзтўхташни машқ қила бошлади. У шундай фикрларни хаёлига келтирди: «партиянинг айтишича, ер яссидир», «партиянинг айтишича, муз сувдан оғирроқдир» ва бунинг рад этиладиган далилларни кўрмасликни ва тушунмасликни

ўрганарди. Бу осон эмасди. Бунинг учун фикрлаш ва тўқиб чиқариш талаб этиларди. «Икки карра икки – беш» эканини тасдиқлаш сингари арифметик муаммоларга эса унинг кучи етмасди. Бунинг учун қандайдир атлетик ақл, мантикни но-зик бир тарзда қўллаш ва кейинги дақиқада қўпол мантикий хатони сезмай қола олиш керак эди. Ақл керак бўлгани каби, аҳмоқлик ҳам керак эди ва бунга эришиш осон эмасди.

Онгининг бир қисми ўзининг қачон отилиши ҳақидаги ўй билан банд эди. «Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ», деган эди О'Брайен; бироқ Уинстон бу ишни онгли ҳаракат билан яқинлаштириб бўлмаслигини тушунар эди. Бу ўн дақиқадан сўнг ҳам, ўн йилдан сўнг ҳам бўлиши мумкин. Улар уни йиллар бўйи ёлғиз хонада ушлаб туришлари, лагерга жўнатишлари, бироз вақт озодликка чиқаришлари мумкин – шунақаси ҳам бўлган. Отишдан аввал яна ҳибсга олишлари, сўроқ қилишлари – фожиа бошидан такрорланиши ҳам мумкин. Бир нарсани аниқ: ўлим кутилган пайтда келмайди. Анъана, айтилмайдиган анъана бор – у ҳақда эшитмаган бўлсанг ҳам, қаердандир у ҳақда билиб оласан, – унга кўра, ортдан отишади, миянинг орқасидан, огоҳлантиришсиз, бир хонадан бошқа хонага йўлак бўйлаб кетаётганинда отишади.

Кунларнинг бирида – дарвоқе, «кун» – ноўрин сўз, бу тун бўлиши ҳам мумкин – бир гал у ғалати, чуқур беҳушликка тушди. У йўлак бўйлаб борар, ўқ отилишини кутаётган эди. У бу ҳозир юз беришини биларди. Ҳаммаси текисланган, жой-жойига қўйилган, тартибланган. Ҳеч қандай шубҳа, ҳеч қандай далил, ҳеч қандай оғрик, ҳеч қандай кўркув йўқ. Танаси соғлом ва мустаҳкам. Енгил, ҳар қадамига қувониб, гўё қуёш нурида сайр қилмоқда. Бу Муҳаббат вазирлигининг узун оқ йўлаги эмасди; у улкан, қуёшли, кенлиги бир километр бўлган йўлда борарди, гўё дорининг сархушлиги таъсирида ҳаркатланар эди. У Олтин мамлакатда эди, қуёнлар ямлаган ўтлоқ орасидаги кўҳна йўлакдан кетарди. Оёғи остида чим ғичирлар, юзини офтоб иситарди. Ўтлоқнинг четида қайрағоч шохлари оҳиста тебранар, қаердадир шу атрофда ирмоқ шириллаб оқар, тол тагидаги кўлмакда қизилкўз қимирлаб турарди.

У титраб кетди ва дахшатдан кўзларини очди. Қовургалари орасидан тер оқарди. У ўз хўнграб йиғлаган овозини эшитди:

– Жулия! Жулия! Жулия, севгилим! Жулия!

Унинг хаёлида гўё севгилиси шу ерда эди. Нафақат у билан, балки унинг ичида эди. Баданининг бир қисмига айланган эди. Шу онда у ёрини бирга сайр қилган чоғларидан, озодликдагидан ҳам қаттиқроқ севарди. У билардики, севгилиси қаердадир яшайпти ва унинг мададига муҳтож.

У яна ётди ва фикрларини жамлашга уринди. Нима қилди у? Ўзининг мана шу лаҳзалик ожизлиги билан ўз қуллигини яна неча йилга чўзди?

Ҳозир у эшик ортида ботинкалар дупурини эштади. Бунақа ножўя қиликни улар жазосиз қолдиришмайди. Энди улар биладикки, агар аввалроқ билмаган бўлсалар, у келишувни бузди. У партияга итоат қилди, аммо ҳали ҳам аввалгидай уни ёмон кўради. Аввалги кунлари у саркаш фикрларини зохирий итоаткорлик пардаси ортига яшириб келган. Энди эса у яна бир қадам ортга қайтди; ақли таслим бўлди, аммо у қалбини дахлсиз сақлашдан умидвор эди. У ўзининг ноҳақлигини биларди, аммо шу ноҳақликни танлаган эди. Улар буни тушуниб қолишади – О'Брайен билади. Уни битта аҳмоқона йиғи сотиб қўйди.

У ҳаммасини бошдан бошлаши, бу эса йилларча чўзилиши мумкин. У кафти билан юзини силади, гўё ҳозирги кўришинини тиниқроқ тасаввур қилмоқчи эди. Ёноқларидаги чуқур излар яссиланган, кулгичлари бўрта бошлаган, бурни пучайгандай эди. Бунинг устига у ўзини ясама тишларини кўйишдан олдин кўзгуда кўрганди. Юзинг қандай кўришини билмасдан туриб, ўзингни довдир кўрсатиш осон эмас. Ҳар ҳолда, юз ифодасини назорат қила олишнинг ўзи етарли эмас. У буни илк бор сизди, сирни асраш учун уни ўзингдан ҳам беркитишинг керак экан. Албатта, сен унинг борлигини билишинг керак, аммо, ҳозирча зарур бўлмаса, уни тилга олиб бўлмайдиган тарзда онгдан йироқ тутиш лозим. Энди у нафақат тўғри ўйлаши керак; тўғри ҳис қилиши, тўғри тушлар кўриши зарур. Нафратни гўё танангнинг бир қисми бўл-

ган, бироқ тана билан боғланмаган бирор жисмоний ўсимта – шиш, ўсма каби ичингга қамаб қўйишинг шарт.

Бир кун уни отиб ташлашга қарор қиладилар. Қачонлиги номаълум, аммо бир неча сония олдиндан билиш мумкин бўлса керак. Йўлак бўйлаб бораётганингда орқадан отишади. Ўн сония кифоя. Ўша онда ички дунёинг ўзгариши мумкин. Ўшанда, дафъатан, бир сўз демасдан, қадамидан адашмасдан, юзини ўзгартирмасдан, бирдан ниқобини ечиб ташлайди – нафратини қалаштириб сочади! Нафрат уни улкан, гувуллаган олов каби тўлдиради. Худди шу лахза – ўқ отилади! Жуда кеч ёки жуда эрта бўлади. Ўқ унинг миясини улар тузатиб улгурмасдан мажақлаб, сочиб юборади. Жазоланмаган, тавба қилмаган саркаш фикрга уларнинг қўли ҳеч қачон етмайди. Улар ўз идеалларини тешиб қўядилар. Улардан нафратланган ҳолда ўлмоқ – чин эрк шудир.

У кўзларини юмди. Бу ақлни интизомга ўргатишдан кўра оғирроқ. Бунда ўзингни синдиришинг керак, ўзлигингни парчалашинг шарт. Энг чиркин ифлосликка ботишинг зарур. Энг расво, кўнгилни айнитадиган нарса нима? У Катта Оға ҳақида ўйлади. Баҳайбат башара (у уни фақат плакатларда кўрган, холос, шунинг учун унинг калласи энига бир метр бўлса керак, деб билади), кора мўйлов, ҳеч қачон сендан узилмайдиган кўз унинг қаршисида намоён бўлди. Аслида унинг Катта Оғага муносабати қандай?

Ташқарида этикларнинг оғир дупурлаши эшитилди. Пўлат эшик шақирлаб очилди. Хонага О'Брайен кирди. Унинг ортида юзи мумдан ясалгандай ҳиссиз зобит ва қора кийимли кўрикчилар турарди.

– Ўрнингиздан туринг, – деди О'Брайен. – Бу ёққа келинг.

Уинстон унинг қаршисида турди. О'Брайен кучли қўллари билан унинг елкасидан тутди ва юзига тикилиб қаради.

– Мени алдамоқчи бўлдингизми, – деди у. – Бу аҳмоқлик. Тўғри туринг. Кўзларимга қаранг.

У бироз жим турди ва майинроқ овозда давом этди:

– Сиз тузалапсиз. Ақлингизда камчилик йўқ. Ҳиссий томондан сизда тайинли яхшиланиш бўлмади. Менга ай-

тинг-чи, Уинстон, фақат ёдингизда тутинг, ёлғон гапирманг, ёлғон мендан пинҳон қолмайди, буни биласиз, айтинг-чи, аслида сиз Катта Оғага қандай қарайсиз?

– Мен ундан нафратланаман.

– Сиз ундан нафратланасиз. Яхши. Унда сиз учун охирги қадамни қўйиш вақти келди. Сиз Катта Оғани севишингиз керак. Унга итоат қилишнинг ўзи етарли эмас; сиз уни севишингиз шарт.

У Уинстоннинг елкасини қўйиб юборди ва енгилгина кўриқчилар томон итариб юборди.

– 101-хонага, – деди у.

Маҳбусликнинг ҳар бир босқичида Уинстон, деразалар бўлмаса ҳам, бинонинг қайси қисмида эканлигини биларди ёки биладигандек эди. Эҳтимол, ҳаво босимидаги фарқлардан сезгандир. Қўриқчилар уни калтаклаган ҳибс хоналари ер юзасидан пастда эди. О'Брайен уни сўроқ қилган хона юқорида, томга яқинроқ эди. Ҳозирги жойи эса чуқур ер остида, эҳтимол, энг чуқур ерда эди.

Хона у ётган барча хоналардан кўра каттароқ эди. У ён-атрофидаги нарсаларни аранг ҳис қилар эди. У сезган нарса қаршисида турган, яшил мовут қопланган иккита стол эди. Бири икки метрча нарида, бошқаси узоқроқ, эшик олдида турарди. Уинстон курсига шу қадар қаттиқ боғлаб ташланган эдики, ҳатто бошини қимирлата олмасди. Бошини орқадан қандайдир юмшоқ боштирагич ушлаб турарди ва у фақат олдинга қарай оларди. У бир ўзи эди, кейин эшик очилди ва О'Брайен кирди.

– Сиз бир кун, – деди О'Брайен, – 101-хонада нима қилинади, деб сўраган эдингиз. Мен ўзингиз биласиз, деб жавоб бергандим. Буни ҳамма билади. 101-хонада дунёда ҳамма нарсадан ёмонроқ нарса бор.

Эшик яна очилди. Қўриқчи симдан тўқилган бир нарсани олиб кирди, саватгами, қафасгами ўхшарди. У бу нарсани узоқда турган столга қўйди. О'Брайен ўртада тургани сабабли Уинстон унинг нима эканини кўра олмади.

– Дунёда ҳамма нарсадан ҳам ёмон нарса, – деди О'Брайен, – турли одамлар учун турлича бўлади. Бу тириклайин кўмиш, оловда ёниш ёки сувда чўкиш, ёхуд тигга ўтириш бўлиши мумкин – ўлимнинг юзлаб турлари бор. Гоҳида эса бу жуда арзимас, аҳамиятсиз, ҳатто ўлдирмайдиган нарса бўлиши мумкин.

У четга ўтди ва Уинстон столда турган нарсани кўрди. Бу тепасида олиб юриш учун тутқичи бўлган узунчоқ қафас эди. Четига қиличбозларнинг букилган томони ташқарига чиққан ниқобига ўхшаш нимадир бириктирилганди. Гарчанд қафасгача уч ёки тўрт метр масофа бўлса-да, Уинстон унинг

ўртасида ажратадиган тўсиғи борлигини, икки томонида ҳам қандайдир жониворлар юрганини кўрди. Бу каламушлар эди.

– Сиз учун, – деди О’Брайен, – дунёда энг дахшатли нарса – каламушлар.

Мавҳумлик олдидан кўркувни, олдиндан сезиш титроғини Уинстон қафасни кўргандаёқ сезганди. Энди қафас четидаги ниқоб нималигини тушунди. Дахшатдан унинг қорни ичига тортилиб кетди.

– Сиз бунақа қилмайсиз! – у дўриллаган, титроқ овоз билан додлади. – Сиз бундай қилмайсиз, қилмайсиз, ахир! Қандай қилиб?

– Эсингиздами, – деди О’Брайен, – баъзида тушларингизда саросимага тушардингиз? Қаршингизда қоронғи девор, кулоқларингизда ўкириш эшитиларди. У ерда, девор ортида дахшатли нимадир бор. Қалбингизнинг туб-тубидан девор ортида нима борлигини билардингиз, аммо икрор бўлишга ҳайиқар эдингиз. Девор ортида каламушлар бор эди.

– О’Брайен! – деди Уинстон, овозини жиловлашга уришиб. – Бу керак эмаслигини биласиз-ку. Мендан нима истайсиз?

О’Брайен бевосита жавоб бермади. Ўзини, гоҳ-гоҳида бўлгани каби, насиҳатгўйлардай тутиб, узоқ-узоққа қаради, гўё Уинстоннинг ортида турган ўқувчиларига мурожаат қилаётгандай эди.

– Оғриқнинг ўзи, – гап бошлади у, – гоҳида етарли эмас. Шунақа вазиятлар бўладики, индивид ўлим келгунича қаршилиқ қилади. Аммо ҳар бир инсон учун чидаб бўлмас, тасаввурга сиғмас нимадир бор. Жасурлик ёки кўрқоқликнинг бунга алоқаси йўқ. Агар баландликдан қулаётган бўлсанг, арқонга тармашиш – кўрқоқлик эмас. Агар сув тубидан тепага зўрға чиқсанг, шошиб ҳаво ютиш – кўрқоқлик эмас. Бу шунчаки инстинкт, унга кулоқ солмасдан бошқа чора йўқ. Худди шу нарса – каламушлар билан ҳам бўлади. Сиз уларга чидай олмайсиз. Бу истасангиз ҳам, қаршилиқ қила олмайдиган босим ўтказиш шаклидир. Сиз ўзингиздан талаб қилганидан нарсани бажарасиз.

– Аммо нимани, нимани талаб қилишади? Нимани талаб қилаётганларини билмасам, нима қила оламан?

О’Брайен қафасни қўлга олди ва яқиндаги столга томон келтирди. Яшил мовут устига оҳиста қўйди. Уинстон кулоғида қон гупурлаётганини эшитди. Энди у ўзини батамом ёлғиз ўтиргандек ҳис қилди. У кимсасиз кенглик, қуёш нурига тўлган сахронинг ўртасида турарди, овозлар олислардан келарди. Айни пайтда каламушлар тўла қафас унинг қарши-сида, икки метрча масофада эди. Каламушлар жуда баҳайбат эди. Улар шу ёшга етгандики, башаралари дағал ва ёвуз кўринар, терилари кўнғирдан жигаррангга айланаётганди.

– Каламуш, – деди О’Брайен, аввалгидай кўринмас тингловчиларига мурожаат қилаётгандай, – кемирувчи, айни пайтда – гўштсевар жонивор. Буни биласиз. Сиз, шубҳасиз, бу шаҳарнинг қашшоқ мавзеларида нималар бўлаётганидан хабардорсиз. Айрим кўчаларда оналар эмизикли гўдақларини уйда беш дақиқага ҳам қаровсиз қолдирмайди. Каламушлар уларга албатта ҳамла қилади. Ва тезда суягигача кемириб ташлайди. Улар касалларга ва ўлаётганларга хужум қилади. Каламушлар инсоннинг заифлигини хайратланарли даражада фаҳмлайди.

Қафасда чийиллаш бошланди. Уинстонга овоз узоқдан келаётгандай туюлди. Каламушлар урушаётган эди; улар тўсиқдан ўтиб бир-бирига ташланишга уринарди. Яна Уинстон чорасизлик ингроғини эшитди. Бу овоз ҳам ташқаридан келаётгандай эди.

О’Брайен қафасни кўтарди ва ундаги ниманидир босди. Қаттиқ шарақлаш эшитилди. Уинстон асабий ҳолатда курсидан узилиб, туришга уринди. Беҳуда – танасининг ҳамма қисмлари ва ҳатто боши ҳам қаттиқ боғланган эди. О’Брайен қафасни яқинроқ келтирди. Энди у Уинстоннинг юзидан бир метр масофада турарди.

– Мен биринчи тутқични босдим, – деди О’Брайен. – Қафаснинг тузилиши сизга тушунарлидир. Ниқоб сизнинг юзингизга кийилади, бошқа чиқиш жойи қолмайди. Мен иккинчи тутқични босганимда қафаснинг эшикчаси кўтарилади. Оч қолган жониворлар ўқдай учиб чиқадилар. Сиз ка-

ламушлар қандай сакрашини кўрганмисиз? Улар юзингизга сакраб чиқади ва кемира бошлайди. Гоҳида улар энг аввало лиқиллаб турган кўзни кемиришади. Гоҳида ёноқларни шилиб олишади ва тилни кемиришади.

Қафас яқинлашиб келди; ҳозир янада яқин келади. Уинстон гўё боши устида, ҳаводан келаётгандай, қулоқни тешиб юборадиган чийиллашни эшитди. Аммо у саросима билан курашишга уринарди. Бир лаҳза умр қолган бўлса ҳам ўйлаш керак, фикрлаш керак. Фикрлаш – ягона умиддир. Бурнига жониворларнинг димикқан ҳиди урилди. Қусқи кучаниши деярли томоғигача келди ва у қарийб ҳушидан кетаёзди. Ҳамма нарса қоронғиликка чекинди. Бир лаҳза у эс-ҳуши йўқ, маъраётган ҳайвонга айланди. Бироқ у ғояга таяниб, қоронғиликдан чиқди. Қутулишнинг битта, фақат битта йўли бор. Каламушлар ва унинг ўртасига бошқа одамни, бошқа кимсанинг танасини қўйиш керак.

Никобнинг бўртиғи юзига шу қадар яқинлашдики, қолган барча нарсалар тўсилди. Тўкима сим эшикча унинг юзидан икки қарич жойда турарди. Овқат яқин турганини каламушлар ҳам сеза бошлади. Биттаси турган жойида сакраётган эди; бошқаси – оқова ахлат ариқлари эгаси – қизғиш панжаларини қафас симларига қўйиб, ўрнидан турди ва бурнини ҳавога узатди. Уинстон унинг чиркин мўйлови ва сарғиш тишларини кўрди. Яна уни қора саросима босди. У чорасиз ва кўр эди, ҳеч нарсани мулоҳаза қилолмаётган эди.

– Бу Хитой империясида кенг қўлланган жазо усули эди, – деди О’Брайен аввалгидай насихат оҳангида.

Никоб юзга яқин келди. Симлар унинг юзига тегди. Сўнг... йўқ, бу қутулиш эмасди, фақат умид эди, умид учқун эди. Кеч, эҳтимол, кеч эди. Аммо у тўсатдан англаб қолди, у ўз жазосини ағдариши мумкин бўлган одам бу дунёда битта – фақат битта тана билан уни каламушлардан тўсиш мумкин. У саросимада бақира бошлади қайта ва қайта:

– Уларга Жулияни беринг! Уларга Жулияни ирғитинг! Мени эмас! Жулияни! Уни нима қилсангиз ҳам, менга барибир. Унинг юзини бурда-бурда қилинг, суякларигача кемиринг. Мени эмас! Жулияни! Мени эмас!

У орқаси билан каламушлардан йирокқа, тубсиз жарликка кулади. У ханузгача курсига боғланган эди, бироқ ердан ҳам пастга, бино деворларидан, заминдан, уммонлардан, ҳаводан, коинотдан, юлдузлараро тубсизликдан ўтиб кулади – каламушлардан олисга, олисга, олисга кетаётганди. У каламушлардан ёруғлик йиллари қадар олисда эди, аммо О’Брайен аввалгидай ёнида турарди. Совуқ сим ҳам юзига тегиб турарди. Бироқ у ўзини ўраган коронғилик ичидан яна бир темир шикирлашини эшитди ва қафаснинг эшикчаси очилмаганини, ёпилганини англади.

VI

«Каштан остида» кафесида одам кам эди. Куёшнинг қи-
ялама нурлари дераза орқали столларнинг чангли юзаларига
тушиб турарди. Соат кундузги ўн беш эди – сокинлик пайт.
Телекранлардан ўйноқи куй тараларди.

Уинстон ўз бурчагида ўтирар, бўш стаканига термилиб
турарди. Вақт-вақти билан у кўзларини кўтариб, қаршиси-
да турган, уни кузатаётган бахайбат юзга боқарди. КАТТА
ОҒА СЕНИ КУЗАТЯПТИ, деб ёзилганди сурат остида. Чақи-
рилмаса ҳам, официант келди, стаканни «Ғалаба» жиншаро-
би билан тўлғазди ва очкичига қувурча ўрнатилган бошқа
шишадан ҳам бир неча томчи қўшди. Бу ошхонанинг ўзига
хос белгиси – қалампирмунчок сувида тиндирилган шакар
эритмаси эди.

Уинстон телекранга қулоқ осди. Ҳозир фақат мусика
жаранглар, бир неча дақиқадан сўнг Тинчлик вазирлигининг
уруш ҳақидаги махсус хабари кутилаётганди. Африка жаб-
ҳасидан жуда хавотирли хабарлар келаётганди. Бугун эрта-
лабдан у хавотир билан бу ҳақда ўйлаб ўтирар эди. Евросиё
қўшинлари (Океания Евросиё билан жанг қиларди. Океания
ҳамиша Евросиё билан урушган) даҳшатли сурьатда жануб-
га яқинлашиб келарди. Тушликдаги хабарда муайян жойни
айтмаган бўлсалар-да, жанглар аллақачон Конго воҳалари
атрофида кетаётган бўлиши мумкин. Бразавил ва Леопольд-
двил тепасида хавф юзага келди. Бунинг нима эканини хари-
тасиз ҳам тушуниш қийин эмас. Бу нафақат Марказий Афри-
кани йўқотишга олиб келади; бутун уруш мобайнида илк бор
Океаниянинг ўз худудига хавф пайдо бўлди.

Унда шошқин ҳиссиёт – қўркув эмас, қандайдир туртки-
сиз ҳаяжон – ловуллади ва кейин сўнди. У уруш ҳақида ўйла-
май қўйди. Энди у бирор-бир муайян нарса устида фикрини
бир неча сониягина ушлаб тура оларди, холос. У стаканни
қўлга олди ва бир хўплашда ютиб юборди. Одатдагидай,
бир силкиниб олди ва сассизгина кекириб қўйди. Ичимлик
расво эди. Ўзи ҳам расво бўлган шакаробли қалампирмунчок
жиншаробнинг ёғли хидини босиб кетолмаганди, бироқ, энг

ёмони, уни туну кун тарк этмайдиган жиншароб ҳиди улар... билан бевосита боғлиқ эди.

У уларнинг номини ҳатто хаёлига келтирмас, уларни тасаввур қилмасликка уринарди. Улар қандайдир чала англандан, юзининг қаршисида бордай эди ва доимо ҳид чиқариб турарди. Жиншароб қорнида ғалкиллади ва у қизил лабларини чўччайтириб, кекирди. Уни озодликка чиқарганларидан бери анчайин тўлишди, юзларига аввалги қизиллик югурди, ҳатто ёноғи янада ёрқинлашди. Юзидаги бўртмалар ҳатто дағаллашиб, бурни ва ёноқлари қизил ва қуришиқ тусга кирди, ҳатто кал боши ҳам қизғиш эди. Официант яна чақирмасдан туриб шатранжни ва «Таймс» газетасининг шатранж жумбоғи ёзилган саҳифасини очган ҳолда келтирди. Кейин стаканнинг бўшлигини кўриб, шиша билан қайтиб келди ва жиншароб кўйди. Хизматчилар мижозларнинг одатларини яхши билишарди. Буюртма бермаса ҳам бўларди. Уни шатранж ва бурчакдаги столча ҳамиша кутиб турарди; кафе тўла бўлганда ҳам, у столда бир ўзи бўларди – ҳеч ким у билан бир даврада кўринишни истамас эди. У қанча ичганини ҳисоблашни буюрмаса ҳам бўларди. Вақт-вақти билан унга чирк босган қоғозни ҳисоб-китоб варағи деб узатишар, ундан камроқ пул олишаётгандай эди. Агар улар тескарисини қилганда ҳам уни бу ҳаяжонлантирмас эди. Унинг ҳамиша пули бўларди. Унга сердаромад ва енгил иш беришган ва аввалгидан ҳам кўпроқ маош тўлашарди.

Телекрандаги мусиқа тинди, овоз эшитилди. Уинстон бошини кўтарди ва кулоқ тутди. Бироқ фронтдан хабарлар берилмади. Фаровонлик вазирлиги хабари ўқиб эшиттирилди. Айтишларича, ўтган кварталда пойабзал боғичини ишлаб чиқариш бўйича ўнинчи учйилликнинг режаси тўқсон саккиз фоизга ошириб бажарилибди.

У шатранж топишмоғидаги вазифага қаради ва доналарни кўйиб чиқди. Бу иккита от иштирок этадиган қийин вазифа эди. «Оқлар бошлайди ва икки юришда мот қилади». У кўзларини Катта Оғанинг портретига қадади. Оқлар ҳамиша мот қилади, у бир ноён, соҳир туйғу билан шундай деган ўйга борди. Ҳамиша шундай, ҳеч бир истисноси йўқ, ҳаёт

шундай курилган. Асрлар бўйи бирор-бир шатранж вазифасида ҳали қоралар ютмаган. Бу Эзгуликнинг Ёвузлик устидан ғалабаси рамзи эмасмикан? Баҳайбат, хотиржам юз унга тикилди. Оқлар ҳамиша мот қилади.

Телекран тинди, кейин бошқача, тантаналироқ оҳангда деди: «Диккат! Соат ўн бешдан ўттиз дақиқа ўтганда муҳим хабар берилади! Ўта муҳим хабар. Ўтказиб юборманг. Ўн бешу ўттизда!» Яна қувноқ мусиқа янграй бошлади.

Унинг юраги сиқилди. Хабар фронтдан бўлади; шумхабарлигини кўнгли сезаётганди. Кунбўйи у қисқа-қисқа ҳажонлари билан Африка жабҳасидаги қақшатқич мағлубият ҳақидаги хабарга фикран қайтар эди. У Евросиё лашкарлари авваллари бузилмаган чегаралардан ўтаётганини ва чумолилар галаси каби Африкага оқиб кираётганини яққол тасаввур қилар эди. Нега улар ён қанотдан киришлари мумкин эмас? Унинг кўз ўнгида Ғарбий қирғоқ манзараси пайдо бўлди. У оқ отни олди ва шатранж тахтасининг бурчагига қўйди. Мана, тўғри жой шу ерда. У қора ўрда жанубга босиб келаётганини кўрди, айна пайтда бошқа бир сирли куч жамланаётганини, душманнинг орқа томонида жонланганини, ғаним денгизда ва қуруқликда алоқа воситаларини узаётганини ҳам кўрди. У ўз истаги билан бу кучни ҳаётга қайтараётганини сезди. Бироқ талмовсирамасдан, дарҳол ҳаракат қилиш лозим эди. Агар улар бутун Африкани эгаллаб олсалар, Эзгу Умид кўрфазидаги аэродромларни ва ҳарбий базаларни эгаллайдилар, Океания иккига бўлиниб қолади. Бу эса исталган нарсани келтириб чиқариши мумкин: мағлубият, дунёни қайтадан тақсимлаш, партия ҳалокати! У чуқур хўрсинди. Унинг кўк-сида бир-бирига қарама-қарши фикрлар калавадек ўрала бошлади – тўғрироғи, ўралмади, қаватма-қават қатламлашди, бироқ қайси қатлам чуқурроқ эканини англаб бўлмасди.

Сиқилиш тугади. У оқ отни жойига қайтарди, бироқ жумбоққа дикқатини жамлай олмади. Фикрлари яна бошқа томонга кетди. Деярли ғайриихтиёрий тарзда у бармоқлари билан столнинг чанг кўнган юзасига ёза бошлади:

$$2 \times 2 = 5$$

«Улар сенинг ичинга кира олмайдилар», деди Жулия.

Аmmo улар кира олишди. «Сизлар билан бу ерда бўладиган нарса абадий қолади», деди О'Брайен. Тўғри гап. Сен ўз қилмишларингдан тона олмайсан. Сенинг кўкрагингда нимадир ўлдирилган, ўйиб олинган, куйдириб ташланган.

У кизни кўрди; ҳатто у билан гаплашди ҳам. Бунинг хавфли ери йўқ эди. Сезгиси унга уқтирардики, энди унинг ишлари билан деярли қизиқишмаяпти. Агар иккисидан бири истаганда, улар янги учрашув ҳақида келишиб олишлари ҳам мумкин эди. Улар тасодифан учрашиб қолишди. Бу хиёбонда юз берди, одамни изғирин тешадиган, илмилик март кунларидан бири эди, ер темирдек қотган ва барча ўт-ўланлар ўликдай эди, бирор ерда ҳали куртак йўқ эди, фақат бир неча заъфарон барги лойдан чиқиб турар, шамол уларни тортқиларди. Уинстон увушган кўллари ишқалаб, шамолдан кўзи ёшланганча, шошилиб кетаётганди ва бехосдан ўн метр нарида уни кўриб қолди. У жуда ўзгариб кетган эди, бироқ бу ўзгариш нимада акс этиши тушунарсиз эди. Улар бегоналар каби турли томонга кетдилар; кейин у ортига қайтди ва, жуда истамаса-да, кизни кувиб етди. Бунинг хавфли ери йўқлигини, бунинг ҳеч кимга қизиқ эмаслигини биларди. Қиз гапирмади. Ундан қутулишни истаётгандай майсазор томонга қайрилди, бироқ бир неча кадамдан сўнг унинг ёнма-ён келишига кўникди. Улар тез орада қинғир-қийшиқ, яланғоч, на шамолдан, на бегона кўзлардан пана қилолмайдиган буталар ўртасига бориб қолдилар. Тўхтадилар. Совуқ жондан ўтиб борарди. Шамол шохларда хуштак чалар ва яккам-дуккам ўсган заъфарон буталарини тебратарди. У аёлнинг белидан кучди.

Атрофда телекран йўқ эди, эхтимол, яширин микрофонлар бўлса керак, бундан ташқари, уларни кўриб қолишлари ҳам мумкин эди. Аммо бунинг аҳамияти йўқ эди – ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмаганди. Улар бемалол ерга ётишлари ва истаган ишларини қилишлари мумкин эди. Бу фикрнинг ўзиданоқ унинг бадани жимирлаб кетди. Қиз унинг кучоқлашига ҳеч қандай жавоб қайтармади, ҳатто кучоғидан чиқишга ҳам уринмади. У аёлга нима бўлганини тушунди. Юзлари тупроқ рангига кирганди, пешонасидан пешонаси бўйлаб,

чаккасигача у ер-бу ерини соч ёпган чандиқ ўтганди. Аммо гап бунда ҳам эмас эди. Гап шунда эдики, унинг бели йўғонлашган, қизиғи, қаттиқлашган эди. У бир куни, ракета портлашидан сўнг, вайроналар орасидан мурдани олиб чиқишга кўмаклашганини эслади, ўшанда мурда танасининг нафақат оғирлигига, балки жуда қаттиқлигига, кўтариш ноқулайлигига ҳайрон бўлганди – бу инсоннинг мурдаси эмас, тош ҳайкал каби эди. Қизнинг танаси ҳам сийпалаганда тошдай туюлди. У қизнинг териси ҳам аввалгидан ўзгариб кетган бўлса керак, деб ўйлади.

У ҳатто қизни ўпишга ҳам уринмади, иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Улар ўтлоқдан чиққанларида, қиз илк бор унга тикилиб қаради. Бу қиска, нафрат ва ғижинишга тўла қараш эди. Бу ғижиниш уларнинг ўтмиши билан боғлиқми ёки йиртилган юзи ҳамда шамол ёшлантирган кўзи туфайлими, йигит англай олмади. Улар темир курсиларга ёнма-ён ўтиришди, аммо бир-бирларига қапишиб туришмади. Қиз ҳозир гап бошлашини у тушунди. У қўпол туфлисини у ёндан бу ёнга сурди ва атайин тумшугини букди. У қизнинг оёқлари кенгайганини сезди.

– Мен сени сотдим, – деди қиз дабдурустдан.

– Мен ҳам сени сотдим, – деди Уинстон.

У яна йигитга ғижиниб қаради.

– Гоҳида, – деди қиз, – сенга шунақа нарса билан пўписа қилишадикки, шунақа нарсаки, унга бардошинг етмайди, ҳатто буни ўйлай олмайсан. Шунда сен додлаб юборасан: «Менга қилманг, бошқага қилинг, анавигга қилинг». Кейин сен ўзингни бу бир баҳона эди, деб овутомқчи бўласан, шунчаки айтдим, жазони тўхтатишсин, деб айтдим, аслида истамаган эдим, деб ўйлайсан. Ёлғон бу. Ўша пайтда сенинг истагинг айнан шундай бўлган. Ўйлайсанки, қутулишнинг бошқа йўли йўқ, сен шу йўл билан қутулишга розисан. Сен бу ишни бошқа одамга қилишларини истайсан. Унинг азобларига тупурасан. Фақат ўзингни ўйлайсан.

– Фақат ўзингни ўйлайсан, – қайтарди йигит.

– Кейин у одамга бошқача муносабатда бўласан.

– Ҳа, – деди у, – муносабатинг бошқача бўлади.

Бошқа гаплашадиган гап қолмаганди. Шамол юпқа коржомаларни уларнинг баданига ёпиштирди. Сукунат дархол оғирлик қила бошлади, изғирин ҳам бир жойда ўтиришга имкон бермасди. Қиз метро поездига кечикаётганини айтиб, ўрнидан турди.

– Яна учрашишимиз керак, – деди у.

– Ҳа, – деди қиз, – учрашишимиз керак.

У қизнинг ортидан шошилмай, ярим қадам ортда юрди. Улар бошқа гаплашмадилар. Қиз ундан қутулишни истабми, тез-тез қадам босар, етиб олишга имкон бермасди. У қизни метро бекатигача кузатиб қўймоқчи эди, аммо тезда тушундики, шу совуқда унга эргашиб бориш бемаъни ва оғир ишдир. Жулиядан узоқроқ кетишни эмас, кўпроқ «Каштан остида» кафесига боришни истарди – уни бу жой ҳозиргидек қаттиқ ўзига тортмаганди. Ўзининг газета ва шатранжли бурчақдаги столини, туганмас жиншаробини қўмсаб қолди. Энг асосийси, кафеда иссиқ бўлади. Шу ерга келганда уларни унчалик қатта бўлмаган одамлар тўдаси ажратиб қўйди, ўзи ҳам бунга монелик қилмади. У, ростини айтганда, унчалик қаттиқ уринмасдан қизни қувиб етишга ҳаракат қилди, кейин қадамини секинлатди, ортга ўгирилди ва бошқа томонга кетди. Эллик метрларча юргандан сўнг ортга қаради. Одам кам эди, аммо у тўда орасида қизни кўра олмади. Бор-йўғи бир неча одам кўчада шошиб борар, уларнинг исталганини Жулия деб ўйлаш мумкин эди. Қизнинг кенгайган, дағаллашган гавдасини энди орқасидан таний олмаса керак.

«Ўша пайтда, – деди Жулия, – сен айнан шуни истагансан». Унда шу истак бўлган. У нафақат шундай деган, балки шуни истаган ҳам. У ўзини эмас, севганини беришни хоҳлаган.

Телекрандан таралаётган мусиқада нимадир ўзгарибди. Дўриллаган, масхараомуз хира оҳанг пайдо бўлибди. Кейин – балки аслида бундай бўлмаган, шунчаки хотираси эслатгандир – овоз куйлай бошлади:

Соядор каштан остида

Қуппа-кундуз куни сотдилар –

Мен сени, сен эса мени.

Унинг кўзларида ёш милтиради. Ёнидан ўтаётган официант стаканнинг бўшлигини кўрди ва жиншароб шишаси билан қайтди.

У стаканини кўтарди ва хидлади. Ҳар бир ютумда бу зардоб таъмининг расволиги камаймасди, баттар кучаярди. Аммо бу унинг жону дили, унинг ажали ва қайта тирилиши эди. Жиншароб ҳар кеч унинг хаёлларини ўчиради ва ҳар тонгда уни яна ҳаётга қайтарарди. Одатда соат ўн бирларгача уйғонмас, бир-бирига ёпишган ковоқлари, қуриган томоқлари ва умуртқасидаги синганда бўладигандай дахшатли оғриғи билан, тўшаги ёнида жиншаробли шиша ва чой идиши турмаганда, у ҳатто тикка турулмасди. У куннинг биринчи ярмини шиша қаршисида, телекранни эшитиб, хира кўзларини олисга тикканча ўтказарди. Соат ўн бешдан то ёпилгунча «Каштан остида» кафесида вақтини ўтказарди. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, хуштак уни уйғотмас, телекран насихат қилмасди. Онда-сонда, ҳафтасига икки марта Ҳақиқат вазирлигидаги чанг босган, ташландиқ идорасига борар ва бирозгина ишларди – агар шуни иш деб атамоқ мумкин бўлса. Уни сонсиз кўмиталардан биридан ажралиб чиққан Янгитил луғатининг ўн биринчи нашри билан боғлиқ осткўмитанинг иккинчи даражали муаммолар билан шуғулланадиган осткўмитасига ишга тайинлашди. Ҳозир «Дастлабки ҳисобот» деб аталадиган ҳужжатни тайёрлашлари керак, нимани ҳисобот қилаётганларини у барибир тагига ета олмаганди. Вергулни қаерга қўйиш керак – қавсдан олдинми ёки кейин, деган масалага оид қандайдир хулосалар керак экан. Осткўмида унга ўхшаган тўртта одам ишларди. Шундай кунлар бўлардики, улар йиғилишар ва, қиладиган ишлари йўқлигига иқроп бўлган ҳолда, ўша заҳоти яна тарқалишарди. Айрим кунлари улар ишга жиддий шўнғиб кетишар, ваҳима билан қайднома юритишар, узундан-узук меморандумлар тузишарди – рост, ҳеч қачон уларни охирига етказишмаганди – ҳамда баҳслари жуда қизир, дефинициялар борасида мохирона тортишувлар ўтказишар, ҳатто бошлиқларга арз қилиш билан пўписа ҳам қилишар эди. Кейин ҳаёт уларни тарк этар, стол атрофида ўтириб, бир-бирлари-

га сўнган нигоҳлари билан қараб туришарди – шу туришда улар хўрознинг биринчи қичқирғи билан тарқаб кетадиган арвоҳларга ўхшашарди.

Телекран бир муддат жимиб қолди. Уинстон яна бош кўтарди. Хабармикан? Йўқ, шунчаки музикани ўзгартиришмоқчи. Тепасида Африка харитаси турарди. Қўшинлар ҳаракатини у чизмаларда кўрарди: қора наштар ваҳшат билан пастга, жанубга йўналганди, оқ наштар уфққа томон, шарққа йўналган бўлиб, қора наштарнинг думини кечиб турарди. У, гўёки тасдиқлаб олмақчидай, бошини кўтариб, кўзини портретдаги хотиржам юзга қаратди. Иккинчи наштар умуман бўлмаслигини тасаввур қилиш мумкинми?

Унинг қизиқиши яна сўнди. У жиншаробдан бир ютум ичди ва синаб кўриш учун оқ отни сурди. Шоҳ. Аммо юриш хатолиги аён эди, чунки...

Хотирасидан чақирилмаган эсдалик қалқиб чиқди. Шам билан ёритилган хона, оқ ёпинчиқли улкан тўшак ва унинг ўзи, тўкқиз ёки ўн ёшида, ерда ўтирибди, ичида шашқол дончалари бўлган стаканчани силкитади ва ҳаяжон билан кулади. Қаршисида ўтирган онаси ҳам кулади.

Бу, эҳтимол, онасининг ғойиб бўлишидан бир ой олдин бўлса керак. Оилада бироз сокинлик қарор топган – ични сидирадиган очлик унутилган ва онасига нисбатан аввалги муҳаббати жонланган. У ўша кунни яхши эслайди – бузук ҳаво, шаррос ёғингарчилик, деразаларнинг ойналаридан сув куйилади, хонада ғира-шира коронғилик, ҳатто ўқиб бўлмайди. Қоронғи ётоқхонада иккита бола чидаб бўлмас тарзда зерикади. Уинстон инқиллар, инжиклик қилар, бефойда бўлса-да, егулик талаб қилар, хонада у ёқдан бу ёққа югурар, ҳамма буюмларни жойидан олиб, сочар, тахта билан ёпилган деворларни тепар, шундай қаттиқ тепардики, девор нарёғидаги қўшнилари деворни муштлашар, кичкина сингилчаси эса вақт-бевақт пиқиллаб йиғлар эди. Ниҳоят, онаси чидамади: «Ўзингни яхши тутсанг, сенга ўйинчоқ олиб бераман. Яхши ўйинчоқ, сенга ёқади»; ёмғир ёғаётганига қарамай, кўчага чиқди, яқин-атрофдаги гоҳ-гоҳида очиладиган кичкина универсал дўконга борди ва қоғоз қути – «Илончалар ва зинача-

лар» ўйинини кўтариб келди. У ҳали ҳам нам картон қоғоз ҳидини эслайди. Жамланма кўл учида ясалганди. Тахтчаси ёрилиб ётар, шашқол нотекис йўнилган, бир томони билан тушмасди. Уинстон ўйинчокка менсимай ва қизикмай қаради. Бироқ кейин онаси шам қолдиғини ёқди ва улар ўйнаш учун ерга чўккаладилар. Завқ-шавқ тезда уни ўзига тортди ва у қикирлаб кулишга тушди, илончалар зиначалардан кўтарилиб, ғалабага яқинлашар ва яна ортга, қарийб ўйиннинг бошига қайтарди. Улар саккиз бора ўйнадилар, ҳар бирлари тўрт мартадан ғолиб бўлишди. Митти сингилчаси ўйинни тушунмас, тепаларида қараб турар, гоҳида уларга кўшилиб, қикирлаб куларди. Кечгача учаловлари худди болаликнинг илк йилларидаги каби бахтли эди.

У бу манзарани миясидан қувди. Сохта хотира. Сохта хотиралар уни ўқтин-ўқтин безовта қилиб турарди. Уларнинг баҳосини билсанг, бу эсдаликлар кўрқинчли эмас. Нимадир аслида ҳаётда бўлган, нимадир ҳеч қачон юз бермаган. У яна шатранж ўйинига қайтди, яна оқ отни ушлади. Ва дарҳол столга тушириб юборди. Худди игна санчилгандай, титраб кетди.

Сокинликни карнай садолари беҳосдан бузганди. Хуш-хабар! Ғалаба! Агар янгиликлардан олдин карнай садоси янграса, демак, ғалаба. Бутун кафе бўйлаб электр токи ўтиб кетгандай бўлди. Ҳатто официантлар саросимада қулоқларини динг қилдилар.

Карнай садолари ҳаддан зиёд кучли шовқин берди. Телекран ҳаяжонланиб, тушунарсиз тарзда бижир-бижир қиларди – унинг овозини кўчадаги шодмон оломоннинг қийқириклари босиб кетди. Янгилик ажиб бир тезликда тарқалди. Уинстон кўп нарса эшитолмади, аммо эшитганининг ўзи ҳам етарли эди – ҳаммаси у олдиндан кўргандек эди: яширин тарзда тузилган денгиз армадаси, душман ортига дафъатан зарба, оқ наштар қора наштарнинг думини кесиш ташлаган. Шовқин-сурон ичидан узук-юлуқ гаплар эшитилади: «Улкан стратегик хийла... бенуқсон координация... бетартиб қочиш... ярим миллион асир... батамом парокандалик... Африкани батамом забт этиш... урушнинг якуни яқинлашди... ғалаба...

инсоният тарихидаги энг буюк зафар... ғалаба, ғалаба, ғалаба!»

Уинстоннинг оёқлари стол остидан бесаронжом харакатланарди. У ўрнидан туролмади, аммо хаёлан югуриб кетаётганди, тез чопар, кўчадаги оломон сафида борар ва ўз қичқириғидан қулоғи битаётганди. У яна Катта Оғанинг суратига қаради. Ер сайёраси узра тик турган ҳайкал! Осиё ўрдалари келиб уриладиган ва парчаланадиган чўкки! Ўн дақиқа олдин, бор-йўғи ўн дақиқа олдин гумонга борганди, нима бўлишини – ғалаба ёки мағлубият бўлишини билмай турганди. Йўқ, нафакат Евросиё кўшини йўқликка қулади! Муҳаббат вазирлигига илк тушганидан буён унинг ўзида кўп нарса ўзгарди, аммо батамом шифо берадиган ўзгариш энди бўлди.

Телекрандаги овоз қажшатқич жанглар, асирлар, ўлжалар ҳақидаги ҳикоясини тўхтатмасди, аммо кўчадаги шовкинтинчиган эди. Хизматчилар ишга киришдилар. Уларнинг бири жиншароб шишасини кўтариб келди. Уинстон, хушбахт мастоналик ичида эди, стаканини тўлдириб кетишганини сезмай ҳам қолди. Энди у оломон билан югурмас, қичқирмас эди. У яна Муҳаббат вазирлигида эди, ҳаммаси кечирилган, унинг қалби булоқ сувидай тоза эди. У халқ маҳкамасида ўтирар, ҳамма нарсага иқроп бўлган, ҳаммани айблаб кўрсатмалар берганди. У кошин тўшалган йўлақдан қуёш нурида кетаётгандек борар, ортидан қуролли кўрикчи келарди. Узок қутилган ўқ миясини тешиб кирди.

У назарини баҳайбат башарага қаратди. Бу қора мўйловлар ортида қандай табассум яширин эканини англаш учун қирқ йил умри кетди. Оҳ, шафқатсиз, нокерак тушунмовчилик! Оҳ, севиқли кўкрақдан ажралган ўжар ва қайсар қочок! Бурнининг қаншаридан жиншаробга қоришган икки дона кўз ёши оқиб тушди. Аммо ҳаммаси яхши, энди ҳаммаси яхши, жанг тугади. У ўзлиги устидан ғалаба қозонди. У Катта Оғани севарди.

ЯНГИТИЛ АСОСЛАРИ

Янгитил ингсоц, яъни инглиз социализми мафкурасига хизмат қилиш мақсадида ишлаб чиқилган, Океаниянинг расмий тили эди. 1984 йилда ҳали ундан ҳеч ким – на оғзаки ва на ёзма – ягона муомала тили сифатида фойдаланмаган. «Таймс»нинг бош мақолалари Янгитилда ёзиларди, аммо бу катта маҳоратни талаб қилар, уни ёзишни фақат мутахассисларга топширишарди. Режага кўра, Янгитил 2050 йилгача Эскитилни (яъни замонавий адабий тилни) батамом сиқиб чиқаради. Ҳозирча у ўз мавқеини изчил мустаҳкамлаб бормоқда: партия аъзолари кундалик сўзлашувларида Янгитил сўзлари ва грамматик шакллари имкон қадар кўпроқ қўлланмоқда. 1984 йилда қўлланган Янгитил луғатининг тўққизинчи ва ўнинчи нашрларида шаклланган вариант оралик луғат ҳисобланар ва унда ҳали кўплаб ортиқча сўз ва архаик шакллар мавжуд эди, уларни вақт ўтиши билан бекор қилиш лозим эди. Бу ерда гап мукаммаллашган вариант – Луғатнинг охириги, ўн биринчи нашри ҳақида боради.

Янгитил нафақат ингсоц тарафдорлари дунёқарашини ва тафаккурини ифодалаш воситаси билан таъминлаши, балки тафаккурнинг бошқача шакллари имконсиз қилиши лозим. Янгитил буткул қабул қилинган, Эскитил батамом унутилган пайтда ингсоцга ёт тафаккурни ифодалаб бўлмай қолади, зеро, тафаккур тилга қарамдир. Унинг сўзлари шундай тузиладики, партия аъзоси айтмоқчи бўлган фақат битта маънони аниқ, гоҳида ўта нозик ифодалаши мумкин бўлади, қолган барча маъноларни ифодалаш имконсиз бўлиб қолади, уларни билвосита ифодалаш ҳам мумкин бўлмайди. Бунга янги кўшимча сўзлар ихтиро қилиш билан эришилади, асосийси, исталмаган сўзларни йўқотиш ва қолган сўзларнинг номақбул ёндош маънолардан тозалашдир. Мисол келтирсак, «эркин» сўзи Янгитилда қолдирилган, бироқ уни фақат «этиklarни эркин кийиш», «ҳожатхона эркин турибди» сингари ибораларда ишлатиш мумкин. У «сиёсий эркинлик», «заковат эрки» сингари эски маъноларда қўлланмайди, чун-

ки фикр эркинлиги ва сиёсий эркинлик ҳаётда ҳам, тушунча сифатида ҳам мавжуд бўлмайди, демак, уларни ифодалаш учун сўз ҳам талаб этилмайди. Ноортодоксал маъноларни йўқ қилишдан ташқари, луғатни қисқартириш ҳам ўз-ўзича алоҳида мақсаддир, шунинг учун ишлатса ҳам, ишлатмаса ҳам бўладиган сўзларнинг барчаси истемолдан чиқариб ташланади ва йўқ қилинади. Янгитилдан тафаккур уфқини кенгайтириш эмас, торайтириш кўзланган ва сўз танлаш имконини минимумга келтириш билвосита шу мақсадга хизмат қилган.

Янгитил бугунги Инглиз тилига асосланган, бироқ Янгитилнинг кўплаб гаплари, янги ихтиро қилинган сўзларсиз ҳам, замондошларимизга тушунарсиз туюларди. Лексика учта тоифага бўлинган: **А** луғат, **В** луғат (таркибий сўзлар) ва **С** луғат. Энг осони уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқишдир; тилнинг грамматик ўзига хосликларини эса **А** луғатга бағишланган бўлимда кўриб чиқиш мумкин, чунки қоидалар ҳар уч тоифа учун бирдек татбиқ қилинади.

Алуғат. **А** луғатга кундалик ҳаётда зарур бўлган – озиқ-овқат, ичимлик, иш, кийиниш, зинадан кўтарилиш ва тушиш, юриш, боғбонлик, ошхона ва ҳоказоларга оид сўзлар киради. У деярли тўлиғича бугун биз фойдаланадиган, «бўлмок», «бермок», «уй», «дум» «ўрмон», «шакар» сингари сўзлардан иборат эди, бироқ бугунги кунга қиёслаганда уларнинг сони жуда оз, маънолари эса жуда қатъий белгиланганди. Барча ноаниқликлар, маънонинг нозик фарқлари тозалаб ташланганди. Бу тоифадаги сўзлар узук бир товуш ёки товушлардан иборат бўлиб, фақат битта аниқ тушунчани ифодалар эди. **А** луғат адабий мақсадлар ва фалсафий мулоҳазалар учун батамом яроқсиз эди. У фақат муайян объектлар ва жисмоний ҳаракатларга оид жўн, бир мақсадга йўналган фикрларни ифода қилиш учун мўлжалланганди.

Янгитил грамматикаси иккита ўзига хос жиҳатга эга эди. Биринчиси – гап қисмларининг ўзаро алмаштириш мумкинлигидир. Тилдаги исталган сўз (ҳатто буни абстракт сўзлар, масалан, «агар» ёки «қачонки»га ҳам татбиқ этиш мумкин) феъл, от, сифат ёки равиш бўлиб келавериши мум-

кин. Фейл ва от ўртасида – агар улар ягона ўзакдан чиққан бўлса – ҳеч қандай фарқланиш бўлмайди. Шу қоида кўплаб архаик сўзларни йўқотиш учун қўл келган. Янгитилда «тафаккур» сўзи йўқ. Унинг ўрнини «фикр» сўзи эгаллаган. Ва у ҳам от, ҳам феъл ҳисобланади. Бу ерда ҳеч қанақа этимологик тамойилга риоя қилинмасди: баъзида феъл, баъзида от ўзак сифатида олинарди; этимологик жиҳатдан боғланмаган, турли маъноли икки сўздан бири ишлатилмай қоларди. Масалан, «кесмоқ» ва «пичоқ». Суффикслардан жуда эркин фойдаланиш мумкин эди, бу ўзак сўзни аввалгидан кўра тасаввур қилиб бўлмас кўламда кенгайтирар эди. Шу тариқа, масалан, «овқатча», «тухумлаштириш», «ириллоқча», «думнамо» (равиш), «кайфиятона», «эътиқодчи» сингари сўзлар ясалганди. Агар от ва унга маъноси яқин феъл этимологик жиҳатдан боғланмаса, улардан бири бекор қилинарди: шу тариқа, «ёзувчи» сўзи фақат ёзадиган ашё бўлган «қалам»ни англатарди, чунки бадий асар ёзадиган аслаҳа – версификатор ихтиро қилингандан сўнг, ёзиш фақат соф жисмоний жараёни англатарди, холос. Албатта, айни пайтда тегишли эпитетлар сақланиб қолди ва ёзувчи кимёвий ёзувчи, оддий ёзувчи, сиёҳли ёзувчи ва ҳоказо бўлиши мумкин эди. Ҳар қандай турдош отдан сифатдош ясаларди ва ҳоказо.

Бундан ташқари, исталган сўзга – умуман олганда, бу яна ҳар қандай сўзга тегишли эди – «но» олдқўшимчасини қўшиш орқали янги сўз ясаш мумкин эди. Шу тариқа, масалан, «ношаҳс» ва «ночақув» сўзлари ясалганди. Сўз маъносини кучайтириш учун «плюс-», янада бўрттириш учун «қўшплюс-» олдқўшимчалари қўлланарди. Кучайтиришнинг аввалги усуллари биров янгиланган тарзда сақлаб қолинди. Шу тариқа, «иссиқ» ўрнига «носовуқ», «жуда совуқ» ва «қаҳратон» ўрнига «плюссовуқ» ва «қўшплюссовуқ» сўзлари ясалди. Билвосита шунга монанд жараён яқин сўзларни қаратқич келишигида бириктириш орқали отдошларга (кўпроқ феълдан ясалган отларга) ҳам қўлланилди: «таракқиёт суръатларини тезлаштиришни ўстириш». Ҳозирги тилдаги сингари, сўзнинг маъносини олдқўшимчалар билан ўзгартириш мумкин эди, бироқ бу тамойил бирқадар

изчил амалга оширилди ва турли-туман шаклларга эга эди, масалан, «остчарчоқ», «устолмоқ», «махсулотланиш», «жиноятсизланиш» (коэффициенти), «балиқлашув», «сигирсизлантириш», «ортиқбажармоқ» ва «нотанқисбермоқлик». Ўзақларни кенгайтириш уларнинг сонини кескин қисқартириш имконини берди, яъни тилдаги тирик ўзақларнинг турли-туманлиги минимумга келтирилди.

Янгитилнинг иккинчи ўзига хос белгиси унинг мунтазамлиги эди. От туркумидаги сўзларнинг кўплигини ҳосил қилиш, уларни турлаш, феълларни тушлаш бирхиллаштирилган эди. Нотўғри феъллар чиқариб ташланган. Масалан, «шудгорламоқ» феъли «шудгорлаётиб» деган равишдошига эга эди, «силкитмоқ» феъли фақат бир турда – «силкитамаң» тарзида тусланиши мумкин эди ва ҳоказо. «Башар», «само» сўзлари кўпликда «башарият», «самовот» эмас, «башарлар», «самолар» шаклида ёзилади. Барча сифатдошлар қиёслаш даражаларига эга эди, масалан, «сўнгсиз», «имконсиз», «тенг», «тракторли» ва «иккиэшкакли». Воқеликни бўйсундириш тамайилига асосан барча феъллар ўтимли ҳисобланарди: (лойихани) эътирозлаш, (инсонни) ишлантириш, (музни) эритганлаштириш, (ҳақиқатни) жимлаштириш, учтириш (учувчи ўз самолётини душман ҳудудлари устидан учтирди). Мунтазамлиги бўлмаганлиги учун олмошлар сақлаб қолинди, фақат «ким» ва «кимники» олмошлари бундан мустасно. Бу охирги икки сўз даф қилинди, барча ҳолатларда уларнинг ўрнини «айрим» («айримнинг») олмошлари эгаллади. Айрим сўзланмалар алоҳида сакталиклари нутқнинг тезлиги ва бир текислиги нуқтаи назаридан сақлаб қолинди. Қийин талаффуз қилинадиган сўз ёки нотўғри тушунилиши мумкин бўлган сўзлар *ipso facto*⁴ ёмон сўз ҳисобланар, шунинг учун яхши жаранглаши учун бу сўзларга қўшимча ҳарф қўшилди ёки архаик шакллари тикланди. Бироқ бу асосан **В** луғатга тааллуқли эди. Нега талаффузни қулайлаштиришга катта эътибор қилингани ушбу очерқда кейинроқ тушунтирилади.

В луғати. В луғати сиёсий эҳтиёжлар учун махсус шакллантирилган сўзлардан иборат бўлиб, бу сўзлар нафақат си-

4 Фақат шунинг учун ҳам (лотинча).

ёсий маънога эга эди, балки уларни қўллаётган одамда муайян дунёқарашни ҳам шакллантирар эди. Ингсоц асосларини эгалламай туриб бу сўзларни тўғри қўллаш мумкин эмас эди. Айрим вазиятларда уларнинг маъноларини Эскитил сўзлари билан ёки А луғат сўзлари билан ифодалаш мумкин, бироқ бу узундан-узоқ таржима баёнини талаб қилар ва ҳамиша нозик маънолар йўқолишига сабаб бўлар эди. В луғат сўзлари ўзига хос стенограмма эди: бир неча бўғин ғояларнинг бутун кўламини қамраб оларди, айти пайтда уларни одатдаги тилдагидан кўра аниқроқ ва ишончлироқ ифодалар эди.

В луғат сўзлари таркибий⁵ эди. Улар икки ёки ундан ортиқ сўз ёки сўз қисмларидан иборат бўлиб, улар талаффуз қилишга қулай шаклда бирлаштирилганди. Улар доим от-фёъл бирикмаси бўлиб, одатий шаклда турланар ёки тусланар эди. Мисол учун, тахминан «ортодоксия» маъносини билдирувчи «эзгуфикрлик» сўздан «эзгуфикрламоқ» фёъли, «эзгуфикрловчи» сифатдоши, «эзгуфикрли» сифати, «эзгуфикрона» равишдоши ҳосил қилинарди ва ҳоказо.

В луғати сўзлари этимологик режасиз яратилди. Улар исталган тартибда бирлаштирилган ва исталганча мослаштирилган гап қисмларидан ташкил топиши мумкин эди – уларни талаффуз қилиш осон бўлса ва уларнинг келиб чиқиши тушунарли бўлса етарли эди. Масалан, «фикрбузуқилик» сўзида фикр биринчи бўлиб турса, «эзгуфикрлик» сўзида – иккинчи турарди. В луғатда талаффуз қилиш қулайлигига катта қийинчилик билан эришилгани туфайли, унинг сўзлари А луғатдаги сингари қатъий тизимда ясалмади. Масалан, «муҳваз» ва «ҳақваз» сўзларидан тегишли тарзда «муҳвазли» ва «ҳақвазли» сифатдошлари ясалди, чунки «-севимли» ва «-ҳаққонийли» сўзларини талаффуз этиш унчалик қулай эмасди. Умуман олганда, уларни одатдагидай турлашар ва туслашар эди.

Айрим В сўзлар маънонинг шундай нозик жилваларига эга эдики, уларни Янгитилни тўлиқ ўзлаштирмаган инсон

5 «Овозёзгич», «ишкун» сингари таркибий сўзлар, албатта, А луғатда ҳам мавжуд эди, аммо улар шунчаки қулай қисқартмалар бўлиб, алоҳида сиёсий маънога эга эмас эди – Муаллиф изоҳи.

деярли илғаб ололмасди. Масалан, «Таймс» газетаси бош мақоласидаги одатий иборалардан бирини олайлик: «Эскификрлар ингсоцни ичданламайдилар». Буни эскитилда шундай қисқача баён қилиш мумкин: «Мафкураси Инқилобдан олдин шаклланган инсонлар инглиз социализми тамойилларини чинакамига тушуна олмайди». Аммо бу у қадар тўғри таржима эмас. Биринчидан, келтирилган гапнинг маъносини билиш учун «ингсоц» сўзи нимани англатиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Бундан ташқари, фақат ингсоц руҳида тарбияланган одамгина «ичданламоқ» сўзининг бутун маъносини ҳис этади, ахир бу кўр-кўрона олқишламоқни англатади, буни бугун тасаввур қилиб бўлмайди. Ёки «эскификрли» сўзи иллатлар ва маънавий тубанликка бевосита далолат қилади. Бироқ «эскификр» сингари айрим Янгитил сўзларининг алоҳида вазифаси нафақат маънони англатиш, балки маъноларни йўқ қилишда ҳам эди. Унчалик кўп бўлмаган бундай сўзларнинг маъноси шу қадар кенгайтирилдики, улар бутун бир сўзлар жамланмасини ўз ичига оларди; барча маъноларни бир қобикка ўраб, эски сўзларни ташлаб юбориш ва унутиш осон эди. Янгитил луғатини тузувчилар учун сўз яшаш қийин эмасди, бироқ сўзни ясай туриб, у нимани англатишини ва муомалага киритилса қайси сўзларни йўқ қилиб юборишини аниқлаш мушкул эди.

Биз «эркин» сўзи мисолида кўрганимиз каби, аввал зарарли маъно ташиган айрим сўзлар гоҳида қулайлик учун сақлаб қолинди, аммо улар номақбул маънолардан тозаланди. «Номус», «адолат», «ахлоқ», «интернационализм», «демократия», «дин», «фан» сингари кўп сонли сўзлар шунчаки йўқликка юз тутди. Уларни бирлаштирдилар ва шу билан бир неча умумлаштирувчи сўзларни бекор қилдилар. Масалан, «эркинлик» ва «тенглик» сўзларига маънодош барча сўзларни биргина «фикрбузукилик» сўзига жамладилар, «оқиллик», «ҳалоллик» ва «холислик» сўзларига маънодош барча сўзларни эса «эскификр» сўзи жамлади. Аниқ маъно ифодалаш зарарли бўларди. Партия аъзосидан тафсилотларга берилмаслик талаб қилинар, у бошқа барча халқлар худосини бир сўз билан «сохта худолар» деб атаган қадимги яхудийга

ўхшаши лозим эди. У бу худоларнинг номлари – Ваал, Осирис, Молох, Астарта ва ҳоказо эканини билиши шарт эмасди – қанча кам билса, шунча ўз эътиқодига содиқ бўларди. У Яхвени ва Яхвенинг аҳдларини билар, шу туфайли у учун исми бошқа, сифати бошқа барча худолар сохта худолар эди. Худди шу каби, партия аъзоси тўғри хулқ-атвор нималигини биларди, аммо ундан четга чиқишнинг қандай турлари борлиги ҳақида хира, умумий тасаввурга эга эди. Масалан, унинг жинсий ҳаёти Янгитилдаги икки сўз билан тартибга солинарди: «жинсийжиноят» (жинсий ахлоқсизлик) ва «эзгусекс» (покизалик, иффатлилик). «Жинсийжиноят» барча жинсий бузукликларни қамраб оларди. Бу зино, бесоқолбозлик ва барча бошқа бузукликлар қатори жинсий алоқа учун жинсий алоқа қилишни ҳам англатарди. Уларни алоҳида номлашга ҳожат йўқ эди, уларнинг барчаси жиноят ҳисобланар, ўлим билан жазоланар эди. Илмий ва техникавий сўзлардан иборат С луғатда айрим ҳирсий оғмачиликлар учун алоҳида атамалар зарур бўлиши мумкин эди, аммо омманинг уларни билишга эҳтиёжи йўқ эди. Одамлар «эзгусекс» эркак ва аёлнинг роҳат олиш учун эмас, фарзанд қолдириш учунгина қўшилиши эканини биларди. Қолган барчаси – «жинсийжиноят». Янгитилда бузук фикрга келиш мумкинмасди, аммо унинг бузуклигини билиш мумкин эди; чунки бундай фикрлаш учун керакли сўзлар йўқ қилинган эди.

В луғатда мафкуравий нейтрал бирорта сўз йўқ эди. Аксарияти эвфемизмлар эди. Масалан, «шодлаг» (мажбурий меҳнат лагерлари) ёки «Тинчваз» (Тинчлик вазирлиги, яъни уруш олиб борадиган вазирлик) сингари сўзлар айтилганидан тескари маъноларни англатар эди. Бошқа сўзлар, аксинча, Океания жамиятининг ҳаққоний табиатини ошқора ва нафратомуз ифода қиларди, масалан, «пролозик» сўзи партия оммага сингдирадиган паст сифатли кўнгилочар материаллар ва ёлғон хабарларни англатарди. Иккимаъноли сўзлар ҳам мавжуд эди – улар партияга нисбатан қўлланса, ижобий маънони, душманга нисбатан қўлланганда эса салбий маънони билдирарди. Бундан ташқари, кўплаб сўзлар мавжуд эдики, улар бир қарашда шунчаки қисқартмадай кўринарди

– уларнинг мафкуравий моҳияти маъносида эмас, тузилишида эди.

Инсоннинг ихтирочилик қобилияти имкон берган даражада сиёсий маънога эга барча сўзлар **В** луғатга жамланган эди. Барча ташкилотлар, гуруҳлар, таълимотлар, мамлакатлар, институтлар, ижтимоий бинолар номлари одатий схемага кўра ясалди: талаффузга қулай, этимологиясини сақлаган ҳолда кам бўғинли сўз танланарди. Уинстон Смит ишлайдиган «Хужжатлар бўлими» Хубўл деб аталарди, «Адабиёт бўлими» – Адабўл, «Теледастурлар бўлими» – «телебўл» ва ҳоказо. Бу вақтни тежаш учунгина қилинмасди. Бундай қисқартма сўзлар XX асрнинг биринчи чорагидаёқ сиёсий тилнинг ўзига хосликларидан бирига айланганди; бундай қисқартмалар айниқса тоталитар мамлакатларда ва тоталитар ташкилотларда кузатилганди. Масалан, «наци», «гестапо», «коминтерн», «агитпроп» сингари сўзлар бунга мисол бўла олади. Аввал бу усулни беихтиёр қўллашган бўлса, Янгитилга у қасддан киритилди. Сўзларни шу тариқа қисқартириб, уларни торайтириш ва маъносини сезилмас тарзда ўзгартириш, яъни уларга боғлиқ турли ассоциацияларни камайтириш мумкин экан. «Коммунист Интернационал» ибораси мияда мураккаб манзарани жонлантиради: бутун дунё инсонларининг биродарлиги, қизил байроқлар, баррикадалар, Карл Маркс, Париж коммунаси. «Коминтерн» сўзи эса бор-йўғи мустаҳкам жипслашган ташкилотни ва таълимотнинг қатъий тизимини англатади, холос. У стол ва стул сингари енгил тушуниладиган, чекланган мақсадли сўздир. «Коминтерн» деярли фикрламасдан талаффуз қилса бўладиган сўз, айни пайтда «Коммунистик Интернационал» ибораси эса бир лаҳза бўлса-да, ўйлашга мажбур этади. Худди шу тариқа «ҳақваз» сўзи «Ҳақиқат вазирлиги» иборасига қараганда камроқ тасаввур уйғотади, уни назорат қилиш осонроқ. Ҳамма нарсани имкон қадар қисқартиришга интилишигина эмас, сўз талаффузини мумкин қадар осон бўлишига эришиш шу билан изоҳланар эди.

Янгитилда жарангдорлик сўзнинг маъноси аниқлигидан бошқа барча қолган сифатларидан устун кўйиларди. Зарур

бўлганда, грамматиканинг изчиллиги маъно аниқлигига ва талаффуз осонлигига қурбон қилинарди. Бу тўғри эди, зеро сиёсий мақсадлар учун энг аввало аниқ чегараланган, равшан маъноли, осон айтиладиган ва тингловчининг онгида имкон қадар оз акссадо берадиган тақир сўзлар керак. Ҳамма сўзлар бир йўсинда ясалгани **В** луғатга салобат бахш этарди. Сўзларнинг аксарияти – ингсоц, жинсийжиноят, шодлаг, пролозиқ, эскификрли, фикрпол (Фикр полицияси) – икки бўғин ва уч бўғинли эди, айти пайтда урғу биринчи бўғинга ҳам, охирги бўғинга ҳам тушарди. Бу инсонни нутқини бидирлоқ қилишга, бўлиб-бўлиб ва бир оҳангда гапиришга ундар эди. Мақсад ҳам шу эди. Вазифа шундан иборат эдики, нутқини – айниқса, мафкура мавзуларига оид нутқларни – имкон қадар онгдан йироқ қилиш керак эди. Кундалик турмушда, албатта, – ҳар ҳолда, баъзида бу зарур – гапиришдан олдин ўйлаш керак бўлади; сиёсий ёки ахлоқий масалада фикрини айтмоқчи бўлган партия аъзоси эса тўғри фикрларни автоматик тарзда, пулемёт ўқ отгандай айтиши лозим. У бунга ўқитилади, Янгитил – унинг қуроли хатолардан асрайди, ингсоц руҳига монанд бўлган, қатъий жаранглайдиган ва олдиндан мужмаллаштирилган сўзлар унинг юқини енгиллаштиради.

Танлаш лозим бўлган сўзларнинг миқдори озлиги ҳам юқни енгиллаштирарди. Бизнинг тилимизга солиштириганда, Янгитилнинг сўз бойлиги жуда оз, уни янада қисқартириш йўллари изланарди. Янгитил бошқа тиллардан шу билан фарқ қилардики, унинг луғати йилдан-йилга кўпаймас, аксинча, камайиб борарди. Ҳар бир қисқартириш ютуқдир, чунки сўзлар қанчалик кам бўлса, шунчалик ўйлашга сабаб кам бўлади. Охир-оқибатда нутқ бевосита томоқнинг ўзида ҳосил бўлади, мия ва асаблар керак бўлмай қолади, деб башорат қилишарди. Бунга Янгитилдаги «ғақнутк» сўзи ишора қиларди, яъни «ўрдақчасига ғақиллаш». Бошқа **В** луғат сўзлари каби, «ғақнутк» ҳам қўшмаънога эга эди. Агар ортодоксал маънода ғақилласа, бу сўз мақтов ҳисобланарди. «Таймс» газетаси партия нотиғи нутқи ҳақида «кўшплюсхши ғақнутк», деб ёзганида, бу жуда илиқ мақтов ҳисобланарди.

С луғат. С луғат ёрдамчи луғат бўлиб, батамом илмий ва техникавий атамалардан иборат эди. Улар бугунги атамаларни эслатарди, ўша ўзақларга асослангани, бироқ бошқа вазиятларда бўлганидек, қатъийроқ белгилангани ва исталмаган маънолардан тозаланган эди. Улар бошқа сўзлар каби худди ўша грамматик қоидаларга бўйсунарди. Уларнинг камгина қисми маиший тил ва сиёсий нутқда учрарди. Илмий ходим ёки инженер исталган керакли сўзни алоҳида рўйхатдан топа оларди, бу рўйхатга бошқа рўйхатларда учрайдиган сўзлар киритилган. Барча рўйхатлар учун учрайдиган сўзлар жуда кам эди, фанни – у қайси фан соҳасилигидан қатъи назар – онг соҳаси ва тафаккур услуби сифатида ифодаляйдиган сўзлар эса умуман мавжуд эмас эди. «Фан» сўзининг ўзи ҳам йўқ эди: у ифодаляйдиган маъноларни «ингсоц» сўзи орқали ифодалашарди.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, Янгитил ноортодоксал фикрни ифодалашга амалда имкон қолдирмайди. Бидъат фикрлар, албатта, айтилиши мумкин эди – лекин жуда жўн тарзда, куфр тарзида мумкин эди. Масалан, «Қатта Оға ёмон», деган кўринишда мумкин эди. Аммо бу тўғри эътиқодлилар учун далиллаб бўлмайдиган бемаъни фикр бўлиб туюлар эди, чунки далиллаш учун луғатда сўз йўқ эди. Ингсоцга қарши ғоялар онгда ғира-шира, сўзсиз тарзда пайдо бўлиши мумкин, уларни алоҳида-алоҳида эмас, балки ҳаммаси умумлаштирилиб, лаънатланиб, бир умумий сўз билан ифодаланарди, холос. Аслида, Янгитилдаги айрим сўзларни Эскитилга ўгириб, ноортодоксал фикрларни ноқонуний тарзда ифодалаш мумкин. Масалан, Янгитилда «Ҳамма инсонлар тенг», дейиш мумкин, аммо бу Эскитилга ўгирилганда «Ҳамма инсонлар сариқ сочлидир» деган маънони англатади. Иборада грамматик хатолар йўқ, бироқ очик ёлғонни ифодалайди, яъни ҳамма одамлар бўйи, вазни ва куч-қувватига кўра тенгдир, деган маънони англатарди, бу эса ёлғондир. Фуқаровий тенглик тушунчаси энди мавжуд эмасди ва «тенглик» сўзининг бу иккинчи маъноси, албатта, йўқ бўлиб кетди. 1984 йилда, хали Эскитил кундалик муомала тили бўлганда, инсон Янгитил сўзларини ишлатар

экан, ўша сўзларнинг эски маъносини ёдда сақлаши хавфи бор эди. Амалда кўшфигрда тарбияланган исталган шахс бунга четлаб ўтиши қийин эмас, аммо бир-икки авлод ўтгач, бундай хатони қилиш имкони ҳам йўқолади. Туғилганидан бошлаб Янгитилда сўзлашадиган одамнинг хаёлига «тенглик»-нинг қачондир иккинчи маъноси ҳам бўлгани, «фуқаролар тенглиги» мавжудлиги, эркинлик сўзи «сўз эркинлиги» маъносида бўлгани келмайди, худди шундай ҳаётида шатранж ҳақида эшитмаган одам «фил» ва «от» сўзларининг бошқа маъноси борлигини билмайди. У жуда кўп хато ва жиноятларни қилишга куч тополмайди – чунки уларнинг номи йўқ, демаски, улар ҳақида хаёл қилиш ҳам имконсиз. Вақт ўтгани сайин Янгитилнинг алоҳида жиҳатлари янада аниқ ва равшан намоён бўлиб боради, сўзлар кундан-кунга камаяди, уларнинг маънолари тораёверади, уларни зарур тарзда ишлатиш имкони кундан-кунга камаяди, деб ишонишарди.

Эскитил умуман йўқ бўлганда, ўтмиш билан охириги ришта ҳам узилади. Тарих аллақачон қайта ёзиб бўлинди, аммо эски адабиётнинг яхши тозаланмаган парчалари у ер-бу ерда сақланиб қолган, одамлар ҳали Эскитилни билади ҳамда ўша парчаларни ўқиши мумкин. Келгусида, бу парчалар сақланиб қолганда ҳам, улар янги авлод учун тушунар-сиз ва таржима қилиш имконсиз бўлади. Агар бирор техник жараённи ёки оддий маиший ҳаракатни тасвирламаган бўлса ёхуд ғоявий жиҳатдан мақбул (Янгитилда айтганда – эзгуфигр-ли) бўлмаса, матнни Эскитилдан Янгитилга таржима қилиш мумкин эмас. Амалда 1960 йилгача ёзилган бирор-бир китобни Янгитилга яхлит ўтказиш мумкин эмас, яъни нафақат тилини, балки маъносини ҳам алмаштириш лозим эди. Масалан, ҳаммага маълум Мустақиллик декларациясини олайлик:

«Биз қуйидагиларни ўз-ўзидан аён ҳақиқатлар деб биламиз: ҳамма одамлар тенг яратилган, уларнинг барчасини Яратган муайян ажралмас ҳуқуқлар билан муқаррам қилган, жумладан, бу ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва бахтга интилиш ҳуқуқлари киради. Бу ҳуқуқларни таъминлаш учун одамлар орасида ҳуқуматлар таъсис этилади,

хукумат одамларнинг розилиги билан адолатли ҳокимиятни амалга оширишни ўз зиммасига олади. Ҳукуматнинг қайси шакли бўлмасин шу мақсадларга хизмат қилмаса, халқ бу ҳукуматни ўзгартириш ёки бекор қилиш ва янги ҳукуматни таъсис этиш ҳуқуқига эгадир...»

Бу матнни маъносини сақлаган ҳолда Янгитилга таржима қилишнинг ҳеч бир имкони йўқ. Наридан бора, шундай қилиш мумкин – бутун парчанинг ҳаммасини бир сўз билан ифодаласа бўлади: фикрбузуқилик. Буни тўла таржима қилиш учун мафкуравий таржима лозим, унда Жеферсоннинг бу гаплари мутлақ ҳокимиятга мадҳия бўлиб қолади.

Дарвоқе, ўтмиш адабиётининг асосий қисми айнан шу тариқа қайта ишланди. Давлатнинг обрў-иззатини ўйлаб, айрим тарихий шахслар хотирасини сақлаб қолиш керак эди, айна пайтда уларнинг асарларини ингсоц таълимоти билан мувофиқлаштириш шарт эди. Шекспир, Мильтон, Свифт, Байрон, Диккенс ва бошқа айрим ёзувчиларнинг асарларини Янгитилга таржима қилиш устида иш бошланган эди; бу ишлар якунига етгандан сўнг, ўтмиш адабиётидан сақланиб қолган барча асарларнинг асли йўқ қилиниши лозим эди. Янгитилга ўтказиш ишлари ўта қийин ва машаққатли эди; уларни ХХI асрнинг биринчи ёки иккинчи ўнйиллигигача амалга ошириш керак эди. Бундан ташқари, кўплаб утилитар матнлар – техник қўлланмалар ва ҳоказолар – мавжуд эди ва уларни худди шундай қайта ишлаш лозим эди. Янгитилга батамом ўтишга оид дастлабки ишларни амалга ошириш учун вақт қолдириш мақсадида ўтиш санаси 2050 йилгача сурилган эди.

1949

УЎК 821.111-31
КБК 84(4Вел)
О-70
ОРУЭЛЛ, Жорж
1984 [Матн] : роман / Жорж ОРУЭЛЛ; таржимон
Карим Баҳриев. - Тошкент : NINHOL, 2020. - 296 б.
УЎК 821.111-31
КБК 84(4Вел)

ISBN 978-9943-23-146-7

Жорж ОРУЭЛЛ

1984

гайрихаёлий роман

Бош муҳаррир: М. А. Нурмухамедова
Муҳаррир: Ҳ. Э. Йўлдошев
Мусахҳих: Ғ. Ю. Болиев
Дизайнер ва саҳифаловчи: Р. М. Абдумаликов
Техник муҳаррир: Б. Т. Нурмухамедов

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқи "Asaxiy Books" лойиҳасига тегишли бўлиб, "Asaxiy Books" рухсатисиз китобни электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.


Нашриёт лицензияси АИ № 219, санаси: 3.08.2012 йил.
Босишга 26.06.2020 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. Офсет босма.
Times New Roman гарнитураси. Кегль 11.
Шартли босма табоғи 15.54. Босма табоғи 9.25.
Адади 10000 нусха. Буюртма №448.

«Offset print» МЧЖ босмаҳонасида босилди.
Босмаҳона ва нашриёт манзили:
Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
Ўнқўрғон, 4-уй.

30000

24 (4000)

0-40



Жорж Оруэллнинг «1984» Асар «Newsweek»
журнали томонидан тузилган «Инсоният
тарихидаги энг зўр 100 асар» рейтингда иккинчи,
BBC томонидан тузилган «Инсоният тарихидаги
энг зўр 200 китоб» рейтингда саккизинчи ўринни
эгаллаган.

УРУШ – ТИНЧЛИКДИР.

ЭРК – ҚУЛЛИКДИР.

БИЛИМСИЗЛИК – КУЧДИР.

Илк бор Джорж Оруэлл томонидан «1984» асарида тилга олинган
юқоридаги сўзлар бугун бутун дунёда машхурдир. Асар 1949-йилда
нашр этилган бўлишига қарамай ҳалигача ўқувчилар орасида катта
қизиқиш билан мутолаа қилиб келинмоқда.

Асар воқеликнинг барча жабҳаларини, хусусан одамлар онгини
назорат қилувчи тоталитар режим ҳақида ҳикоя қилади.
Роман Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин, Совет Иттифоқи
тоталитар тузумга айланганига шубҳа қолмагандан кейин ёзилган.
«1984» асарининг дастлабки номи «Европадаги охириги инсон» бўлган.
Асар бош қахрамони Ингсоц жамиятида хотираси, онги, инсоний
ҳиссиётларини сақлаб қолишга интилгани учун ҳам муаллиф дастлаб
асарни шундай номлагандир эҳтимол, аммо Фредерик Варбург асарни
нашр этишдан аввал, унинг номини ўзгартиришни қатъий талаб қилади.
Асардаги ҳодисалар нега айнан 1984 йилда содир бўлиши эса ҳеч
кимга маълум эмас.

Собиқ Иттифоқ даврида таъқиқда бўлган Жорж Оруэллнинг «1984»
романини Ўзбекистон ҳудудида сўнгги йилларда ҳукумат томонидан
олиб борилган эркин ва одилона сиёсат натижасида чоп этиш имконияти
пайдо бўлди. Инсоният тарихида энг зўр асарлардан бири бўлган ушбу
роман 2018 йилда илк мартаба ўзбек тилида чоп этилди.

Асар www.asaxiy.uz интернет-дўконининг «Asaxiy Books» лойиҳаси
доирасида журналист, ёзувчи ва таржимон Карим Бахриев томонидан
ўзбек тилига таржима қилинди.



TOHIN



ISBN 978-9943-23-146-7



9 789943 231467